

Б. ҚОДИРОВ

# СУРХОНДАРЁ ОЛИМЛАРИ

(БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР)

ТОШКЕНТ — «МЕХНАТ» — 1990

Ушбу китобда сурхондарёлик олимларнинг таржимаи ҳоли ва уларнинг илмий фаолиятларига оид маълумотлар келтирилиб, илмий тадқиқотларининг халқ хўжалиги ва умуман педагогика тарихидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси  
*Н. И. Тўраев* умумий таҳрири остида

Муҳаррирлар: *И. Ҳувайтов, М. Тенглашев*

## СУЗБОШИ ЎРНИДА

Халқимиз маданиятининг тарихи ҳақида яратилган асарларнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги Ўзбекистон территорияси қадимданоқ илм-фан тараққиёти марказларидан бири бўлган.

Одамнинг пайдо бўлиши давридан бошлаб унинг ибтидоий турмуши ва маданияти излари ўлкамиз жанубидаги Сурхондарё воҳасига бориб тақалади.

Маълумки, совет олимлари ва тарихчиларидан Т. Н. Қориниёзий, И. М. Мўминов, А. Асқаров, А. П. Окладников, М. Е. Массон, Е. Н. Мединский, Ш. Пидаев ва бошқалар Сурхондарё тарихини ўрганиш борасида чуқур тадқиқот ишлари олиб бордилар. Улар ўзларининг илмий, ўқув методик адабиётларида воҳанинг Шеробод районидаги Қўхитанг тоғида жойлашган Зараутсой дарасидан топилган 200 дан ортиқ расмлар, Бойсун тоғ тизмаларидаги Тешиктош ғоридан топилган тарихий обидалар, Айритом харобалари, Сополлитепа, Фаёзтепа қазилмаларини ўрганиб, Сурхон воҳасининг қадимги маданий ўчоқлардан бири эканлигини исботладилар.

Бундай топилмалар ўша замонда бу ерда маданий ҳаёт гуркираб ривожланганлигидан, халқлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар гуллаб-яшнаганлигидан далолат беради. Қадимги Термиз шаҳри харобаларини қозиш чоғида Кушон-Бақтрия ёзуви билан сополга ёзилган хатлар, шунингдек, ҳиндларнинг брахмий ва кароштий ёзувида битилган ёдгорликлар топилди. Қоратепа ғорларининг деворларида Кушон-Бақтрия ёзувининг бир тури бўлган кушон хати битилган ёзувлар сақлашиб қолганлиги аниқланди. (Ўзбекистон ССР тарихи. Т., «Фан», 1974 йил, 42- бет.)

Умуман олганда, эски Термиз ва унинг атрофидаги ерлар Кушонлар даврида савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, санъат, адабиёт, илм-фан ўша давр нуқтаи назаридан олиб қараганда гуркираб ўсди. Афсуски, 704 йилда Қутайба ибн Муслим Хурсон ҳокими қилиб тайинлангандан кейин, бу обод ерларга путур ета бошлади. 712 йилда Қутайба Сурхондарё ерларини босиб олди. Арабларга қарши чиққанлар ва илғор фикрли кишилар дорга осилди, қувғин қилинди. Лекин қамчисидан қон томган Қутайбанинг хунрезлиги узоққа чўзилмади. Озодлик учун қўзғолонлар, порозиликлар кучайиб кетди.

Кейинчалик ўлкада фан, адабиёт ва санъат яна тиклана бошлади. Сурхон воҳасидан кўплаб донишманд илм аҳллари

етишиб чиқдилар. Билимдон педагог ва ажойиб қалб эгаси бўлган Эшбой Пардаев Сурхондарёнинг сеvimли фарзанди Адиб Собир Термизий (XI—XII аср) ижодини жиддий ўрганди. У ҳаётининг сўнгги йилларида Адиб Собир Термизий адабий меросини тартибга келтириб, шеърларини форс тилидан ўзбек тилига ағдарди.

Адиб Собир Термизий фаолияти қисман бўлса-да тадқиқ этилди. Аммо бу ерда шунингдек файласуф, астроном олим Муҳаммад Абу Абдулла ибн Али ал Ҳаким Термизий (749—869) Муҳаммад Абубакир Варрах ибн Умар Ҳаким Термизий, географ олим Муҳаммад Абу Абдулло ибн Аҳмад Жайхуний (870—942), астроном олим Аҳмад ибн Муҳаммад Соғоний Устурлобий (X аср), ҳуқуқшунос олим Исо Муҳаммад ибн Исо Савра Термизий (825—893), шоир ва олим Қатрон ибн Мансур Ажамий (1010—1073), шоир Юсуф Ҳаётий Термизий (X аср), шоир Жавҳарий Заргар Термизий (X—XI аср), шоир Муҳаммад ибн Аҳмад Термизий (X—XI аср), шоир Абдулҳасан Мунжиқ Термизий (X—XI аср), шоир ва ҳаттот Абубакр Ҳаттот Термизий (X—XI аср), шоир Абубакр Ҳол Термизий (XI—XII) ва бошқа шу каби фан, маданият, адабиёт ва санъатда фидокорлик қилган ажойиб саймолар бу ўлкада яшаб, ижод этганлар, Жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо мерос қолдирганлар.

Уларнинг айримлари ҳақидаги баъзи маълумотлар фанга маълум бўлса-да, кўплари ҳақида ҳали тўлиқ маълумотлар йўқ. Сурхондарё тупроғининг бу улуғ кишилари томонидан қолдирилган маданий меросни излаб топиш ва халқни бу катта бойликдан баҳраманд этишдек хайрли ишлар ҳанузгача ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди...

Сурхондарё олимларининг сафлари сўнгги йилларда кенгайди... Улар илмий фаолиятларини область ва республикадагина эмас, балки кўпгина Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтларида ҳам олиб бормоқдалар.

Сурхондарё область территориясида марказий илмий-тадқиқот институтларининг филиаллари, тажриба станциялари ва таянч пунктлари, чунончи, Термиз пахтачилик тажриба станцияси, селекция ва уруғчилик институтининг Термиз филиали, Жарқўрғон пиллачилик, сабзавотчилик ва полиз экинлари тажриба станцияси, Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти Ангор тажриба станцияси, Ю. Гагарин номидаги Давлат наслчилик тажриба хўжалиги, СССР Фанлар академияси тармоғидаги А. Антонов номидаги Сурхон пахтачилик тажриба хўжалиги, СССР қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси назоратидаги «Бойсун» ҳисори қўйлар тажриба заводи, Денов субтропик ўсимликлар тажриба станцияси ва бошқа кўпгина илмий марказлар ишлаб турибди.

1934 йилдан бошлаб Денов райони территориясида академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик Бутуниттифоқ институтининг филиали ташкил этилган. Бу филиал йирик илмий марказ бўлиб, бу ерда цитрус ўсимликларининг

янги навларини яратиш, уларни маҳаллий шароитларга мослаштириш усуллари ўрганилмоқда ва ишлаб чиқилмоқда.

Олимларимиз муҳим илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган муаммолар устида изланмоқдалар. Ингичка толали пахта етиштиришни комплекс механизациялаш, чорвачилик, химия, биология, физика, математика, адабиёт ва ўзбек тили, медицина, геология ҳамда бошқа соҳаларда муваффақият қозонмоқдалар. Ўзбекистон ва Тожикистон илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялари билан биргаликда ингичка толали пахтанинг тез ва эртапишар навларини яратиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Дарҳақиқат, Сурхондарё олимларининг улкан ишлари ва бу ўлкада фан тараққиёти ҳақида гап кетар экан, бу ўринда воҳамзининг биричи фан фидойиларидан бўлган Абдусамад Бобохўжаев, Михаил Истомин, Мулло Эркаев, Қулмурод Шодмоновларнинг табаррук номларини эслатиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

А. Бобохўжаевни жамоат арбоби ва йирик олим сифатида мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам танишади. Унинг илмий асарлари Москва, Нью-Йорк, Лондон, Деҳли ва бошқа кўнлаб шаҳарларда чоп этилган.

Сурхондарё области қимматбаҳо ингичка толали пахта етиштиришда республикада салмоқли ўрин тутаётган бўлса, шубҳасиз, бу ютуқда М. С. Истоминнинг мақтовга арзирли улуши бор.

М. Эркаев Сурхондарёнинг биринчи академиги. Воҳа фарзандларидан биринчи бўлиб «Хизмат кўрсатган фан арбоби» деган шарафли унвонга эга бўлган олим. М. Эркаевнинг бевосита тарбиясини олган 10 га яқин областимиз фан фидойилари помзодлик ва докторлик илмий даражаси учун муваффақият билан диссертация ёқлаганликларини қайд этиш мумкин.

Сурхон воҳасидан етишиб чиққан биринчи кимёгар олим, профессор Қ. Шодмоновнинг номи область фани тарихи саҳифаларида муносиб ўрин олган.

Ажойиб коммунист ва улкан қалб эгаси бўлган В. Қодиров, камтар ва меҳнаткаш инсон Н. Саидмуродов, ўзининг қизиқарли нутқи ва ҳозиржавоблиги билан танилган Ч. Жумаев, қалби дарё, ёшларнинг чин мураббийси Х. Турдиқулов, тадбиркор устоз Ш. Қаландаров, заҳматкаш олим ва раҳбар Ҳ. Эшонов, камсуқум ва самимий педагог Х. Тожиев, кўплаб математикларнинг ҳурматли устози И. Хайрутдинов ва бошқа шу каби айрим олимларимиз ҳозир орамизда йўқ. Лекин уларнинг қолдирган илмий кашфиётлари ҳеч қачон унутилмайди.

«Фанда кенг, текис йўл йўқ,— деб ёзган эди пролетариатнинг улуғ доҳийси К. Маркс,— шунинг учун хориш-толишдан қўрқмасдан фанининг машаққатли сўқмоқларидан тиришиб-тирмашиб бора оладиган кишигина унинг нурафшон чўққиларига ета олади». Дарҳақиқат, олимлик, фаннинг маълум қисми бўйича систематик ва изчил шуғулланиш, ўз танлаган соҳасига жон дили билан қизиққан кишининг машаққатли меҳнати эвазига амалга оширадиган қийин йўлидир. Аммо шундай одамлар бор-

ки, улар партия, совет ташкилотларидаги раҳбарлик ишини ўз илмий фаолиятлари билан қўшиб олиб боришдек янада қийинроқ, масъулиятлироқ йўлни танлаганлар. Қ. Бобоқулов, Ҳ. Эрматов, Н. Тўқлиев, Ж. Жумаев, Н. Холмуродов, Қ. Эшбоев ва шу каби кишилар ҳар иккала соҳада ҳам қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Н. Тўраев, Ҳ. Раҳмонқулов, Т. Жўраев, У. Умаров, Н. Норбоев, А. Рўзиев, Э. Чориев, Э. Турдиқулов, А. Исмоилов, А. Қаҳҳоров, Ш. Саматов, Ж. Омонтурдиев, А. Қулмаматов, О. Ҳайитов каби олимлар ўзларининг самарали ва узоқ йиллик илмий фаолиятлари билан катта обрў ва эътибор қозондилар.

... 1955 йилда Термизда икки йиллик ўқитувчилар институти базасида Термиз Давлат педагогика институти ташкил этилди. Бу ерга фан ва маданият вакиллари аста-секин тўплана бошладилар. Лекин Сурхондарё ва Қашқадарё областлари 1961 йилда бирлаштирилиши натижасида халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу билан бирга, раҳбарлик, бошқарув ишларида ҳам жиддий қийинчиликлар пайдо бўлди. Натижада Термиз Давлат педагогика институти кўчирилиб, Қарши Давлат педагогика институтига қўшиб юборилди. 1964 йил территориал бўлинишлар бекор қилингандан кейин, 1965 йилда яна қайтадан Термиз Давлат педагогика институти ташкил этилди.

Утган давр мобайнида институтга С. С. Солиев, В. Н. Қодиров, Х. Х. Холиёров, О. Ҳ. Ҳайитов, А. А. Қулмаматов каби фан номзодлари раҳбарлик қилдилар. 1983 йилдан буён физика-математика фанлари доктори, профессор Н. Тўраев ректорлик қилиб келмоқда.

Термиз Давлат педагогика институтига 1968 йили Ойбек номи берилди. Дастлабки йилда 3 та фан номзоди, 24 ўқитувчи ва 250 студент, 3 кафедра, 1 факультет билан иш бошлаган бу олий даргоҳ сўнгги йилларда кескин тараққиёт босқичларини босиб ўтмоқда.

Ҳозир бу ерда 7 та факультет бўлиб, 24 та кафедрада 350 га яқин ўқитувчи ишлайди. Шундан 4 киши фан доктори, профессор, 46 нафари доцент, 55 киши фаннинг турли соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини қизғин давом эттирмоқда.

Институт ўқитувчиларидан 9 киши докторлик, 26 киши номзодлик диссертацияси устида самарали иш олиб бормоқда. Илмий тадқиқот ишларига 200 дан ошиқ студент жалб қилинган.

Ҳозиргача институт олимларининг кучи билан 30 монография, 75 та дарслик, ўқув методик қўлланмалар, 19 тавсия, 680 дан ошиқ илмий мақола, 1140 та илмий-оммабоп, публицистик мақолалар ёзилди ва турли хил нашрлар орқали эълон қилинди.

Термиз Давлат педагогика институтини муваффақиятли тугатган талабалардан Х. Бўрнєв, Қ. Жўраев, Б. Қодиров, Э. Қулмаматов, Ж. Шоймуродов, А. Эшонқулова, Т. Ширинов, М. Оромов, А. Мелиқулов, М. Қуллиев, С. Турсунов, А. Ҳўжамбердиев, Ҳ. Тошпўлатов ва бошқалар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Сурхондаре фарзандларидан 240 дан ошиқ киши илмий даража ва унвонга эга бўлиб, шулардан бири СССР Педагогика фанлар академиясининг академиги, бири Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, 20 нафари фан доктори, 22 нафари профессор. Улар Иттифоқимизнинг йирик илмий марказларида халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича янги-янги ютуқларни қўлга киритиб, тадқиқот ишларини давом эттирмоқдалар.

Сурхондарё ёшлари орасида фан сирларини ўрганишга интилиш кучайганини кўриб, кўз қувонади. Ҳ. Ражабов, М. Бозорова, С. Кенжабоев, С. Жўрақулов, Н. Икромов, Э. Қодиров, И. Ҳайдаров, О. Чўтматов, Б. Муртазоев, П. Алимов, Э. Тўраев, Б. Жўраев, Б. Ҳолиқназаров, Л. Ҳакимов, Д. Ҳайитқулова, М. Эрдопов, У. Сафаров ва бошқа кўплаб умидли ёшлар фаннинг дастлабки доvonларини эгаллаш учун дадил бораётганликлари билан алоҳида ажралиб турадилар.

Совет фани, маданияти, адабиёт ва санъати тараққиётида ташқи ижодкорларимизнинг ҳам салмоқли улушлари бор. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Р. Чориев, таланти ёзувчи ва шоирлар: Ш. Холмирзаев, О. Авлиёқулов, П. Ҳайитқулов, Тоғай Мурод, М. Сафаров, У. Азимов, Э. Аъзамов, Б. Ёрнев, Б. Содиқов, Ш. Раҳматуллаев, М. Кенжабоев, И. Порбоев, Н. Сўфиев, Э. Шукуров, С. Саидов, Т. Турдиев, Х. Эшонқулов, А. Раҳмонов, С. Омонқулов, М. Абдулфайизов, Х. Тоштемуров ва бошқалар давр руҳига ҳамоҳанг асарлари билан танилганлар. Улар томонидан яратилган айрим асарлар кўнчиликл олқинишига сазовор бўлмоқда. Ҳозирги кунда бу ижодкорларнинг оригинал темадаги асарлари кўплаб олимларнинг тадқиқот объекти бўлаётганлиги билан диққатга лойиқдир.

1991 йил 6 мартда Ленин орденли Сурхондарё области ташкил этилганига 50 йил тўлади. Эллик йил... Бу сана тарих саҳифасида унчалик катта муддат бўлмаса ҳам, аммо область меҳнатчилари ана шу давр мобайнида катта тарихий босқични босиб ўтдилар.

Ҳа, Сурхондарё области ўзининг ўтмиш маданий мероси, қадимий ва тарихий ёдгорликлари, обидалари, халқаро бозорда олтин билан тенг баҳоланадиган ингичка толали пахтаси, машҳур қорақўл териси, қолаверса, халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришаётган улкан ютуқлари билан Ўзбекистондагина эмас, Иттифоқда ҳатто, чет мамлакатларга ҳам танилган.

Мамлакатимизнинг марказий нашрлари сўнгги йилларда олимлар фаолиятини тарғиб қилишга кўпроқ эътибор бермоқда. Масалан, 1981 йилгача Москванинг турли нашриётлари 23 биографик серияда 14 145 та асар нашр этди. СССР Фанлар академиясининг тавсияси билан «Илмий-биографик адабиёт» сериясида 1961 йилдан 1986 йилгача 40 та китоб босмадан чиқди. З. К. Соколовскаянинг «Наука» нашриёти томонидан 1975 йилда «200 илмий биография», 1982 йилда «300 илмий биография», 1988 йилда 37,5 босма тобоқ ҳажмида «400 олимнинг биографияси» номли асарлари нашр этилди. Бундай мисолларни кўплаб кел-

тириш мумкин. Лекин ачинарлиси шундаки, бу нашр этилган китобларда республикамиз территориясида яшаган олимлар фаолиятларидан 1—2 киши ҳақида маълумот берилди, холос. Республикамизнинг ўзида эса, бу масала негадир эътибордан четда қолиб келмоқда. Нима, бизда олимлар йўқми? Улар яратётган тадқиқотлар халқ учун фойда бермайдими?— деган савол туғилади.

Аксинча, иқтидорли олимларимиз кўп. Уларнинг кўз-кўз қиладиган кашфиётлари ҳам талайгина. Аммо бу олимларни тарғиб қилишни кўп ҳам талаб даражасида олиб боравермаймиз. Шуларни ҳисобга олиб, Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида яшаб, ижод қилаётган, машаққатли изланишлар билан кўплаб кашфиётлар, ихтиролар яратаётган олимларнинг биографик маълумотлари илмий фаолиятлари, совет фани ривожига қўшаётган самарали ҳиссаларини баён этишга ҳаракат қилдик. Ҳар бир олимнинг педагогика тарихидаги ва халқ хўжалиги тараққиётига қўшаётган улушларини китобхонга имкон қадар етказишга уряниб кўрдик.

Биз Сурхондарёлик олимларнинг биографиясини яратиш йўлида дастлабки қадамни қўяр эканмиз, ушбу ишимизда маълум камчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ оз бўлса-да, заҳматкаш олимларимизнинг ибратли ҳаёт йўллари билан Сиз, азиз китобхонларни таништира олсак ўзимизни бахтиёр ҳис этар эдик.



## ФАН ДОКТОРЛАРИ ВА ПРОФЕССОРЛАР

### АҲМАД АБДУЛЛАЕВ

Филология фанлари доктори А. Абдуллаев 1936 йилнинг 15 мартида Бойсун районидаги Бойсун қишлоғининг Бибиширин участкасида туғилди.

1953 йилда М. Горький номи ўрта мактабни тугатиб, Душанбедаги Т. Шевченко номи Тожикистон Давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кирди. Студентлик йилларида кўп мутолаа қиларди, ўз устида қунт билан ишлаб, илмий ишларга жуда қизиқарди. Бундан ташқари, қўлёзмаларни ўқиб, шеърларни мустақил таҳлил қиларди. Шеър ва мақолалар ёзарди.

Институтни тугатгач, 1957 йилдан 1959 йилгача Бойсун районидаги М. Горький номи мактабда аввал илмий бўлим мудир, кейин 2 йил ўқитувчи бўлиб ишлади. 1959 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Тожикистон Фанлар академияси қошидаги аспирантурага ўқишга кирди ва Ленинград Давлат университетиде ўқишни давом эттирди. Филология фанлари доктори, профессор Александр Николаевич Болдиров раҳбарлиги остида (1962 йилда) «Адиб Собир Термизий ҳаёти ва ижодиёти» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Адиб Собир Термизий (1078—1147) машҳур форс-тожик шоири бўлиб, унинг қўлёзма девони топилмаганлиги учун кўп вақтлардан буён тадқиқ қилинмаган эди. Унинг ижодида танқидий, ижтимоий ва дидактик масалалар кенг ўрин олган. Шеърлари нафислиги, жозибадорлиги жиҳатидан ўз замондошлари ижодидан фарқ қилади ва шунинг учун ҳам Адиб Собир Термизий жуда катта эстетик аҳамиятга эгадир.

А. Абдуллаев 1963 йилдан бошлаб Тожикистон Фанлар академиясининг Рудакий номидаги тил ва адабиёт институтига ишга келиб, ҳанузгача шу ерда фаолият кўрсатмоқда. Юздан ошиқроқ илмий ишлари бор. Мақолаларининг кўпи форс-тожик адабиёти тарихи масалаларига доирдир. Айрим қисми «Садон



шарқ», академиянинг «Ахборот», «Помир» ва «Совет мактаби» журналларида, альманах ва бошқа тўпламларда босилиб чиққан. Кўп мақолалари тожик, ўзбек ва рус тилларида республика газеталарида ёритилган.

Учта монографик асари бор. Булар «Адиб Собир Термизий ҳаёти ва ижодиёти», «Зоҳир Фаръобий ҳаёти ва ижодиёти», «Форс-тожик адабиёти XI асрнинг биринчи ярмида» асарларидир. Кўп вақтлардан буён текстологик тадқиқотга ҳам аҳамият бериб келади. 1965 йилда Адиб Собир Термизийнинг танланган асарларини Тожикистоннинг «Ирфон» нашриёти босмадан чиқарди. Бу китоб ўзбекчага ҳам таржима қилиниб, босилиб чиқди.

Ҳозирги кунда Аҳмад Абдуллаев «X аср сомонийлар адабиёти ва форс-тожик шеъриятининг тарихий келиб чиқиши (VII—IX асрлар)» проблемасини тадқиқ қилиш ниятидадир.



## АБДУСАМАТ БОБОХУЖАЕВ

(1904—1975)

Ўрта Осиёда, қўшни Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида янги тарих бўйича йирик мутахассис ҳисобланган А. Бобохўжаев 1904 йил 25 декабрда Шеробод районида, деҳқон оиласида туғилди. 1920 йил Шеробод районидаги ўрта мактабни, 1925—1926 йилларда Москвада бир йиллик молия бўлимни тугатди. 1934 йилда Ленинграддаги молия академиясини тугаллаб, молия-иқтисодчи мутахассислигини олди.

1938—1941 йилларда Москвадаги кредит-иқтисод институтининг сиёсий-иқтисод кафедраси

аспирантурасида ўқиди ва шу даргоҳда ўқитувчилик қилди. 1941—1942 йилларда Ўзбекистон ССРда пул обороти бўлими ва давлат банкининг бошлиғи, 1942 йилдан Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетида савдо бўлим мудирини, 1942—1943 йилларда Сурхондарё область партия комитетида агитация-пропаганда бўлими мудирини вазифаларида ишлади. 1943 йилда Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетида агитация-пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари, 1944 йили сиёсий бўлим мудирини, республика ташқи ишлар министрининг ўринбосари, 1948 йилдан

бошлаб Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри этиб тайинланди ва бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги иқтисод институтига директорлик қилди. 1952 йилдан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта илмий ходими, Шарқшунослик институтининг афғон-эрон бўлими бошлиғи, 1959 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси археология ва тарих институтида директорлик қилди. У 1964 йилдан бошлаб катта илмий ходим ва 1968 йилдан пенсияга чиққунига қадар (1973 йилгача) Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ривожланиб бораётган шарқ давлатларини ўрганиш проблемаси сектори бошлиғи бўлиб ишлади.

У 1948 йилда «Афғон — Бухоро алоқаси», «1918—1924 йилларда Урта Осиёда инглиз империализмининг емирилиши» деган темаларда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1964 йилда профессор унвонини олди.

А. Бобоҳўжаев Октябрь революцияси ғалаба қозонган дастлабки кунларданоқ Совет давлатини мустақкамлаш ва уни юксалтириш ишига астойдил бел боғлаганлардан бири. У чекист сифатида инқилоб душманларига қарши шафқатсиз курашди.

У жамоатчилик ва партиямиз топширган масъул вазифаларда сидқидилдан хизмат қилди. 1944 йилдан 1952 йилгача, асосан дипломатик вазифаларда ишлади. 1950 йили эса СССР делегатлари составида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида иштирок этди.

А. Бобоҳўжаев масъул вазифаларни бажариш билан бирга салмоқли илмий ишлар қилди. 1959 йилда Москвада — СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий Совети йиғилишида унга тарих фанлари доктори деган унвон берилди. 60 га яқин илмий ишларнинг автори. Унинг илмий ишлари замонамизнинг актуал проблемалари, чет эл Шарқи, Урта Осиёнинг иқтисоди ва ҳозирги пайтдаги ривожига ҳамда СССРнинг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар тарихи масалаларига бағишланган.

А. Бобоҳўжаев Шарқ тарихи бўйича ўтказилган қатор Бутуниттифоқ ва Халқаро конференция ҳамда конгрессларда қатнашди. У Урта Осиё тарихига оид йирик илмий-текшириш ишларини давом эттириш билан бирга юқори малакали шарқшунос — тарихчи олимлар етиштиришга кўп куч сарфлади. А. Бобоҳўжаев раҳбарлигида 20 га яқин ёшлар номзодлик диссертацияларини муваффақият билан ёқладилар. Олим булардан ташқари, икки докторантга илмий раҳбарлик қилган. Олимнинг «1917—1920 йилларда Урта Осиёда Англия агрессив сиёсатининг барбод бўлиши», «Совет давлатининг дефакто ва деюре таниш даврида Урта Осиё ва Урта Шарқда инглиз антисовет сиёсатининг барбод бўлиши» ва бошқа монография ҳамда илмий ишлари шарқшунослик ва тарих фани тараққиётига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.

А. Бобоҳўжаевнинг номи республикамиз ва иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Унинг олти

илмий иши Нью-Йорк, Лондон, Қобул, Деҳли ва бошқа йирик шаҳарларда нашр этилган. А. Бобохўжаев ўзининг бир қатор асарларида эркесвар афғон халқининг миллий мустақиллик учун инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган курашини илмий равишда объектив ёритиб, Афғонистон тарихининг кўпгина саҳифаларини ойдинлаштириш йўлида баракали хизмат кўрсатди.

Профессор А. Бобохўжаев меҳрибон мураббий ва устоз эди. Олим етиштирган кўпгина илмий ходимлар ҳозир шарқшунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшяптилар.

А. Бобохўжаев 1975 йил март ойида оғир касалликдан сўнг вафот этди.

## ТЕМИР ЖУРАЕВ



Т. Жўраев 1938 йил 19 августда Шеробод район «Шеробод» совхозининг Ёўрин қишлоғида колхозчи-деҳқон оиласида туғилди. Шу райондаги А. Макаренко номи ўрта мактабни тугатиб, 1956—1961 йилларда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети тарих факультетида таҳсил кўрди. 1961 йилдан 1968 йилгача Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтида катта лаборант, кичик ва катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1964—1967 йилларда эса ушбу институт аспирантурасида ўқиди. 1968—1987 йилларда Тошкент политех-

ника институти илмий коммунизм кафедрасида дастлаб катта ўқитувчи, сўнгра доцент бўлди. 1987 йил сентябрь ойидан ҳозирга қадар Тошкент электротехника алоқа институти илмий коммунизм кафедраси мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

У 1968 йилдан тарих фанлари номзоди. 1986 йилдан эса философия фанлари докторидир. 1988 йилда «Илмий коммунизм назарияси» ихтисоси бўйича профессорликка сайланди.

Студентлик йилларидан бошлаб унинг илмий йўналиши шакллана бошлади. Унинг фаолияти асримизнинг иккинчи ярмида мустамлака зулмини парчалаш йўлига ўтиб, озодликни қўлга киритган Осиё ва Африка халқлари тараққиёт йўли билан боғлиқ бўлиб қолди. Табиийки, бу кенг масштабли проблемадан кейинчалик тропик Африка ижтимоий тараққиёти мавзусига

ўтишга тўғри келди. Инглиз ва португал тилларида нашр этилган материаллар оригиналидан баҳоли қудрат фойдалана олиши туфайли мазкур проблема устида чуқурроқ тадқиқот ишлари олиб боришига анча қўл келди. Шунинг натижаси ўлароқ 30 дан ортиқ мақолалар, брошюралар ва монография яратишга эришди. Буларнинг орасида энг мукаммали «Ленинизм ва Африка революцион процесси» номли монографиясидир.


Докторлик диссертациясидаги масаланинг актуаллиги шундаки, унда мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган социализмнинг революцион янгилаш йўли ва унинг фақат Африкадаги хайрхоҳ прогрессив кучларнинг ютуқларига диалектик боғлиқлиги очиб берилди. Ушбу қитъада юз бераётган ижобий воқеалар, жумладан, уларнинг социалистик ориентацияни танлаб олиши, унинг истиқболи юртимиздаги қайта қуриш жараёнига бевосита ижобий таъсир кўрсатаётганлиги баён этилади. Социализм ва миллий озодлик ҳаракати ўртасидаги боғлиқлик аниқса, ҳозирги «бурилиш» босқичда яққол кўзга ташланаётган умумбашар бир бутунлиги тенденцияси нуқтаи назардан катта аҳамиятга эгаллиги таъкидланади.

Олим ҳозирги кунда ушбу проблеманинг актуаллигини эътиборга олиб «Миллий озодлик революциялари, социализм ва янги сиёсий тафаккур» мавзуида навбатдаги илмий монографиясини нашр эттириш олдида турибди.

## АБДУРАҲМОН ИСМОИЛОВ

1946 йил 26 декабрда Ангор район, Ленин номли (ҳозирги «Коммунизм») колхозда туғилди. 1960—1961 йилларда Менделеев номли мактабда комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлади ва жамоат ишларида актив қатнашди. 1964 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кириб, ўша йилнинг октябр ойида Совет Армияси сафига чақирилди ва 1967 йилида хизматдан қайтиб яна институтда ўқишни давом эттирди.

Институтнинг II курсида ўқиб юрганда КПСС тарихи кафедраси ўқитувчиси Х. Мамараймов раҳбарлигида «Ленинчи комсомол — Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси» деган темада студентлар илмий конференциясида доклад қилди ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 1-даражалли дипломи



билан тақдирланди. Шундан сўнг, ҳар доим студентлар илмий конференцияларида қатнашиб, тайёрланган рефератлари ва экспериментал кузатишлар анализи натижасида ёзилган ишлари билан Фрунзе, Олмаота, Ашхобод, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўтказилган йиғилишларда қатнаша бошлади. Студентлик йилларида факультет комсомол комитети секретари бўлиб ишлади. 1972 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини имтиёзли диплом билан тугатиб, давлат имтиҳон комиссиясининг қарори билан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг Ўрта Осиё бўлимига қарашли Ўзбекистон чорвачилик институти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш экономикаси ва уни ташкил этиш бўлими қошида аспирантурага ўқишга кирди.

Аспирантурада ўқиш давомида «Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни саноат асосига кўчиришнинг иқтисодий самарадорлиги» деган темада илмий изланиш олиб борди. Унга иқтисод фанлари номзоди Т. Маллабоев ва Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор В. И. Платоновлар раҳбарлик қилишди. 1977 йил 22 март куни Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-текшириш институтининг ихтисослашган илмий Советида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Ҳозирги пайтда у қишлоқ ва шаҳар, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларнинг йўқола бориши устида изланишлар олиб бормоқда. Чунки, қишлоқда меҳнатни енгиллаштириш ва омманинг активлигини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришда аҳолининг саноат, қишлоқ хўжалик, айниқса, чорвачилик маҳсулотларига нисбатан тўхтовсиз ошиб бораётган талабларини янада тўлароқ қондириш, халқ хўжалигининг шу муҳим тармоғини саноат негизида кескин ривожлантириш даврининг энг муҳим талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

А. Исмоиловнинг мазкур иши юқоридаги масалаларни Ўзбекистон шароитида иқтисодий жиҳатдан илмий йўл билан асослаб беришга бағишланган дастлабки уринишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда илғор технологияни қўллаб ишчилар меҳнатини енгиллатиш, ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, хўжаликлараро чорвачилик комплекслари ҳамда кооперациясига аъзо бўлиб кирган айрим колхоз ва совхозлар ўртасидаги иқтисодий муаммоларга бағишланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотчининг Иттифоқимиз етук олимларининг бевосита раҳбарлиги ва ҳамкорлигида ишлаб чиққан «Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида оқсил ишлаб чиқаришни кучайтириш ва ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар» номли илмий иши Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик институти илмий-техник совети томонидан муносиб тақдирланди. Бу иш хўжаликларда ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилди ва 1974 йили Москвадаги «Қолос» нашриёти томонидан чоп

этилди. Бундан ташқари, А. Исмоиловнинг 24 та илмий иши республикамиздаги турли нашриётлар орқали эълон қилинган. А. Исмоилов 1988 йили «Саноат усулида чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий масаллари» деган темада диссертация ёқлади. Унга иқтисод фанлари доктори илмий даражаси берилди. Айни кунларда у «Хурмат Белгиси» орденли Самарқанд Давлат қишлоқ хўжалик институтида ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва бошқариш кафедраси муdiri сифатида фаолият кўрсатмоқда.

## АБДУРАҲМОН МАМАДАЛИЕВ

1942 йил 23 майда Денов району-га қарашли Жийдабулоқ қишлоғида туғилди. 1959 йили у ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, 1965 йили Самарқанд давлат медицина институтини имтиёзли диплом билан тамомлади. 1965—1968 йилларда шу институтда нейрохирургия фани бўйича аспирантурада ўқиди. 1970 йили «Периферик нервларнинг катта жароҳатини аутопластика қилиш методи» деган темада медицина фанлари номзодини олиш учун диссертация ёқлади.

У дастлаб Самарқанд Давлат медицина институтининг нейрохирургия клиникасида ассистент лавозимида ишлади ва нейрохирургия фанидан даволаш ва педиатрия факультетлари студентларига дарс берди. Сўнгра нейрохирургия бўлими муdiri, институт интернатураси декани, педиатрия факультети декани ўринбосари вазифаларида меҳнат қилди.

1985—1988 йилларда Москвада, СССР Медицина Фанлар академиясига (АМН СССР) қарашли академик Н. Н. Бурденко номидаги нейрохирургия илмий-текшириш институтида докторантурада ўқиди ва 1989 йили медицина фанлари доктори даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Диссертация темаси: «Бош мия травмасининг (жароҳатининг) прогнози»— («Прогнозирование исходов черепно-мозговой травмы в остром периоде») деб аталади. Диссертацияда бош мия травмасини тинчлик даврида, бахтсиз ҳодисалар оқибатида (зилзила, транспорт аварияси, портлашлар), юз бериши мумкин бўлган урушлар пайтида даволаш йўллари, беморларни ўз вақтида керакли стационарларга



эвакуация ва транспортировка қилиш усуллари ишлаб чиқилган. Энг муҳими касаллар бош мия жароҳатидан тузалиши ёки тузалмаслик прогнози системаси ишлаб чиқилиб, шу системани қўллаганда даволашнинг фойдаси исботлаб берилган. А. Мамадалиев нейрохирургия бўйича, Халқаро симпозиумларда, Бутуниттифоқ конференцияларда ўз докладлари билан қатнашган. 50 тага яқин илмий ишлар муаллифи.

## НИЗОМИДДИН МИРЗАЕВ



1938 йил 14 февралда Шеробод районидан ишчи оиласида туғилди. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ жамоат ишларига актив қатнашганлиги учун (1952 йилда) ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 1953 йилдан мактабни битиргунга қадар пионервожатий бўлиб ишлади. 1954 йилда Сурхондарё область партия комитетининг фахрий китобига ёзилди.

1955 йилда мактабни кумуш медаль билан тугатди. Уша йили Тошкент Давлат медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Айни пайтда Тош-

кент Давлат чет тиллари институти инглиз тили факультетининг кечки бўлимида ўқий бошлади. Студентлик йилларида 9 та илмий иш ёзди. 1955—1956 йиллари комсомол йўлланмаси билан Қозоғистонда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда иштирок этди. 1966 йилда «Хоразм аҳолисининг қон босими нормативлари ва гипертония касаллиғи кечишининг баъзи бир хусусиятлари» деган мавзуда медицина фанлари номзодлигига диссертация ёқлади. 1966—1977 йиллари Тошкент медицина институти даволаш факультетининг госпиталь кафедрасида ассистент бўлиб ишлади.

У шу вақт давомида Тошкент Давлат университети қошидаги икки йиллик араб тили курсининг кечки бўлимини тамомлади. 1977 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги кардиология илмий-текшириш институтида артериал гипертония лабораториясига бошлиқ қилиб тайинланди.

Н. Мирзаев «Усмирларда гипертония касаллигининг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш» деган темада илмий иш олиб борди. Шу мавзуда 70 га яқин илмий мақолалар ёзди, мақолаларнинг кўпчилиги Ўзбек совет энциклопедиясига киритилган.



1984 йилда Ўзбекистон кардиология илмий-текшириш институтига директор ўринбосари қилиб тайинланди. 1982 йилда IX беш йиллик ютуқлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланиб, соғлиқни сақлаш аълочиси унвонига сазовор бўлди. 1979 йилдан бери Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министрлиги бош кардиологидир. Медицина фанлари доктори Низомиддин Мирзаевнинг илмий ишлари юрак-томир касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни даволаш масалаларига бағишланган.

## НОРАЛИ НОРБОВ



1935 йил Ангор районидаги Қарл Маркс номли колхозда деҳқон оиласида туғилди. 1954 йили шу райондаги етти йиллик А. С. Пушкин номли мактабни тугатиб, 1955 йили Бухоро Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Н. Норбоев аъло ўқиганлиги ва жамоат ишларида актив иштирок этганлиги ҳисобга олиниб, КПСС сафига қабул қилинди. Факультетда профком раиси вазифасига сайланди. Н. Норбоев физика ва математика фанига кўпроқ қизиққанлиги сабабли илмий тўғарақларга, конференцияларга астойдил қатнашди ва актуал темаларда докладлар қилди.

1960 йили физика-математика факультети физика бўлимини муваффақиятли тугатгандан кейин, Ангор районидаги Партия XXV съезди номли мактабда ишлаб бошлади ва илм-фанга бўлган қизиқиши туфайли Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан алоқа боғлади.

1961 йил сентябрь ойида эса шу академиянинг экспериментал биология институти, радиацион биофизика соҳасида ишлаш учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор Н. Н. Назировдан таклифнома олди.

Н. Норбоев СССР Фанлар академияси ҳузуридаги Биофизика институтига аспирантурага қабул қилинди. СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор А. М. Кузин раҳбарлигида у электрофизик параметрлар билан биргаликда нур касаллигига олиб келувчи ортихинон, ортофенол каби моддаларни электрон-полярографик хусусиятларини радиация миқдорига боғлаб ўрганди.

Ҳозирги замон радиобиология фанида радиотоксин моддалар

қаторида ҳамюртимиз Н. Норбоев томонидан кашф этилган  $E_{1/2} = -0,35$  В  $E_{1-2} = -0,35$  вольтли ортохинон моддаси ҳам муносиб ўрин олган. Ва ниҳоят, 1967 йил 3 мартда Н. Норбоев физика фанлари номзодлиги учун диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Шу йили Сурхондарё область партия комитетининг тавсияси-га биноан Термиз Давлат педагогика институти физика-математика кафедрасига ўқитувчи бўлиб келди ва декабрь ойида конкурс орқали кафедра мудирлигига сайланди. Кўпгина ёш олимларнинг изланишларига илмий раҳбарлик қилди. У 1972—1973 йилларда қатор илмий мақолалар эълон қилди. 1974—1976 йиллар давомида докторлик диссертацияси устида иш олиб борди. СССР Фанлар академияси хузуридаги Биофизика илмий-текшириш институтининг радиобиология, радиацион биофизика бўлимларида, Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг радиацион биофизика проблематик лабораториясида, СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси А. М. Кузин ва проф. Ю. Б. Кудряшов лабораторияларида чуқур илмий тажрибалар ўтказди ва 16 та илмий ишини эълон қилди.

Н. Норбоевнинг олиб бораётган илмий тадқиқотлари натижалари чет мамлакатларда, жумладан, Чехословакия ва Болгарияда эълон қилинди.

Н. Норбоев 1970 йиллардан бошлаб атом нурларининг тирик организмга таъсири ва чидамлилиги масаласи билан шуғулланиб келади. Шу боисдан олим табиий радиоактивлик катта миқдорда бўлган туپроқда ўсимликларнинг чидамлилиги қандай бўлиши устида узоқ муддат изланди. Радиоактивлик қуввати оддий жойларга нисбатан жуда юқори бўлган ерларда ўсимлик атом нурларига чидамли эканлигини фанда биринчи бўлиб аниқлади. У Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Фан» нашриёти орқали «Гамма радиациясининг ўсимликларга биофизик эффекти» деган илмий монографиясини эълон қилди.

Н. Норбоев узоқ илмий изланишлари самараси сифатида 1981 йили Ломоносов номидаги Москва Давлат университети илмий советида биофизика мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1983 йили эса физика кафедрасининг профессори деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Н. Норбоев сўнги йилларда атмосферани ифлослантирувчи моддалар билан ҳам шуғулланмоқда. 1984 йили «Фан» нашриёти томонидан «Радиоэкологик биофизика» номли монографияси эълон қилинди. Олимнинг бу монографияси фанда янги йўналиш — биофизик радиоэкологияга асос солди ва бу кенг жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди.

СССР Госкомгидромет ва Москва Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда Ернинг сунъий йўлдошлари орқали ёруғлик интенсивлигини ўлчаш билан шаҳарлар устидаги атмосфера ифлосланиши даражасини аниқлаш ва ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) ёрдамида уни оғоҳлантириш устида ҳам талай илмий изланишлар олиб бормоқда.

Маълумки, сўнги йилларда Сурхондарё областининг шимолий районлари аҳолиси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси Тожикистон алюмин заводининг зарарли чиқиндиларидан қаттиқ заҳарланмоқда. Бу заводдан чиқаётган зарарли моддалар орасида водород фториди бирикмаларининг қишлоқ хўжалик ўсимликларига зарарли таъсирини ўрганиш билан, у келажакда шу регионда экиладиган чидамли ўсимликларни танлаш борасида самарали тадқиқотлар қилмоқда.

Айниқса, радиоактив моддалар билан заҳарланган ўсимликларни топиб, республика бўйича карта-схемасини тузиш, олимларимизнинг келажак авлод олдидаги улкан вазифаси ҳисобланади. У ана шу муаммони ҳал этишда республика Агросаноат комитети билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда профессор Н. Норбоев Халқлар дўстлиги ордени Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида физика кафедраси мудири вазифасида меҳнат қилмоқда.

## ХУШБОҚ РАҲМОНҚУЛОВ

1936 йилда Шўрчи районидаги Карл Маркс номли колхозда туғилди. Калинин номли 20-сон етти йиллик мактабда ўқиди, сўнг 1956 йили район марказидаги Қ. Маркс номли мактабнинг 10-синфини кумуш медаль билан битирди. Шу йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод факультетига ҳужжат топшириб, студент деган шарафли номга эга бўлди.

1961 йили институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, 1963 йилгача Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозида бош экономист бўлиб ишлади. 1965 йилгача Шўрчи район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасида катта иқтисодчилик лавозимида фаолият кўрсатди.

1965 йилда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли чорвачилик илмий-тадқиқот институтига иқтисод мутахассислиги бўйича аспирантурага кирди. 1968 йилда аспирантурани муваффақиятли тамомлаб, Термиз Давлат педагогика институтининг сиёсий-иқтисод кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. У 1975 йилдан бошлаб шу кафедранинг мудири Институтнинг жамоат ишларига ҳам актив қатнашиб келмоқда. 1969—1971 йилларда табиат факультети партия ташкилотининг секретари, 1975—1982 йилларда молиявий ишлар бўйича партия



комиссиясининг раиси, 1982—83 йилларда институт партия бюросининг аъзоси, 1975—1984 йилларда ижтимоий фан ўқитувчилари методологик семинарининг раҳбари, 1986 йилдан институт конкурс комиссиясининг раиси, 1988 йилдан бошлаб институт партбюроси секретарлиги вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқда.

У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори профессор О. М. Аминов раҳбарлигида «Чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайтириш ва рентабеллигини ошириш резервлари (Сурхондарё область колхозлари мисолида)» деган темада иқтисод фанлари номзодлиги учун диссертация ёқлади.

1985 йили Ўзбекистон Фанлар академияси ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш бўйича махсус ихтисослаштирилган советда У «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш проблемалари» деган темада докторлик диссертациясини ёқлади. Илмий ишга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Қ. И. Лапкин, иқтисод фанлари докторлари профессорлар В. Я. Заплетин ва М. Х. Ҳусановлар расмий оппонент бўлдилар. У тинимсиз ва сабот билан қилинган илмий изланишлар туфайли, у республикада биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг жанубий областлари экономикасини комплекс ўрганиш проблемасини тадқиқ қилди. Улар қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

пахтанинг ингичка толали навини, озиқ-овқат экинлари ва чорвачиликни ихтисослаштириш, жойлаштириш ҳамда уларни концентрациялаш;

хўжалик механизмини такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, таннархни камайтириш, меҳнат унумдорлиги ва рентабелликни ўстириш, баҳо белгилашни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, коллектив ва оилавий пудратни ташкил этиш ҳамда уни хўжалик ҳисоби билан узвий боғлаш.

Булардан ташқари ишлаб чиқарувчи кучлар, хўжаликни ташкил этиш формалари ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида мувофиқликни таъминлаш масаласи илмий асосланиб, қишлоқда агросаноат комплексини ривожлантириш негизида социалиқтисодий ўзгартиришнинг истиқбол йўллари кўрсатиб берилган.

1969 йилдан буён Термиз Давлат педагогика институтинда ишлаш жараёнида, унинг Иттифоқ, республика ва маҳаллий матбуот саҳифаларида 200 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп ишлари эълон қилинди, шулардан 4 таси монография, 8 таси брошюра, 6 таси методик қўлланма ҳисобланади.

Х. Раҳмонқулов ёшларнинг жонкуяр мураббийси ҳамдир. Термиз Давлат педагогика институтинда аспирантура билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, у 2 кишини фан номзоди қилиб тайёрлади. Ҳозирги кунда 6 нафар илмий изланувчан ёшларга раҳбарлик қилмоқда.

## АБДУМУМИН РЎЗИЕВ

1936 йил 18 июнда Шўрчи районидаги Чкалов номли колхознинг Сайрак қишлоғида туғилди. А. Рўзиев 1954 йилда Охунбобоев номли ўрта мактабни тугатиб, бир йил Тельман номли мактабда ўқитувчилик қилди.

1955 йилда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ) га ўқишга кирди ва уни 1960 йилда муваффақият билан тамомлади. Иқтисодчи-географ ихтисосини эгаллаган. А. Рўзиев 1960—63 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги география илмий-тадқиқот бўлимида катта лаборант ва кичик илмий ходим бўлиб иш бошлади.

А. Рўзиев Ўзбекистон ССР ФА да ишлаб юрар экан иқтисодий географиянинг энди ривожланиб келаётган соҳаси — қишлоқ хўжалик географияси билан шуғулланди. Машҳур олимлар А. Н. Ракитников, К. И. Иванов, З. М. Акрамовлардан консультациялар олди, уларнинг илмий асарларини ўрганди. Еш олим илмий иш учун Сурхондарёни асосий ўрганиш объекти қилиб танлади. У САГУ да ўқиб юрган йилларида область қишлоқ хўжалик географиясига оид қатор курс ишлари, диплом иши ёзди ва ҳимоя қилди. А. Рўзиев IV курслигида 1959 йилда устоз олимлари томонидан уюштирилган «Сурхондарёнинг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш»га бағишланган илмий экспедицияда қатнашди. Шу экспедиция унинг туғилиб ўсган юрти Сурхон воҳасига бўлган қизиқишини янада орттириб юборди. Кейинчалик Сурхондарёнинг табиати ва қазилма манбалари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кўп қиррали соҳаларига оид тадқиқотлар олиб борди, илмий мақолалар, алоҳида китоб ва рисоалар чоп қилдирди.

А. Рўзиевнинг ижодий изланишларига география фанлари докторлари З. М. Акрамов, М. П. Петров, география фанлари номзодлари Н. В. Смирнов, О. К. Замковлар бошқарган Сурхондарё, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган областларига уюштирилган экспедициялар ва бу экспедицияларда тўпланган материалларни тадқиқ қилиш кучли таъсир кўрсатди. Мазкур экспедицияларда зикр қилинган географик районларнинг табиий ва иқтисодий омиллари ўрганилди, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш прогнозлари ишлаб чиқилди. Унинг «Сурхон-Шеробод водийсида қишлоқ хўжалигининг жойлашиши ва ривожланиши масалалари»га бағишланган номзод-



лик диссертацияси кейинчалик алоҳида китобча ҳолида чоп этилди. А. Рўзиевнинг чоп қилинган қатор асарлари ўша экспедицияларда тўпланган материаллар асосида ёзилгандир.

А. Рўзиев 1963 йилда Қарши Давлат педагогика институтига ишга чақирилди. У институтнинг география кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида 1978 йилгача ишлади. Шу йиллар ичида у география фанлари номзоди (1967), география кафедрасининг доценти (1971 йил) бўлди. Олим институтда катта ташкилотчилик ишларини ҳам бажарди. У 1971 йил 21 апрель куни ташкил қилинган Ўзбекистон ССР география жамияти Қарши бўлимининг биринчи раиси бўлди. У ўн йил (1966—1976 йиллар) мобайнида институт «Билим» жамиятига раислик қилди.

1971—1974 йилларда А. Рўзиевнинг ташаббуси ва масъул муҳаррирлиги остида Қарши ДПИ географларининг икки томлик «Вопросы комплексного использования природы и хозяйства» деган тўпламлари чоп қилинди. 1975 йилда К. И. Ивановнинг Москвадаги «Мысль» нашриётида чоп қилинган «Территориальные системы общественного производства» деб номланган монографиясида А. Рўзиевнинг пахтачилик, мевачилик ва ипакчиликка бағишланган учта мақоласи берилди.

А. Рўзиев 1978 йилдан буён Термиз ДПИ да илмий ишлар проректори (1980—1983), профессор, кафедра мудири (1988 йилдан) лавозимларида ишлаб келмоқда. У докторлик диссертацияси устида 20 йил (1967—1987) меҳнат қилди. 1987 йилда Ленинград Давлат университетиде «Ўзбекистон ССР агросаноат комплексиде территориал системалар ва уларни такомиллаштириш йўллари» деган темада докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У ўзининг кўп йиллик меҳнат самараси бўлган ушбу ишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг истиқболли йўллари ни кўрсатиб берди. Унинг ушбу диссертациясида колхоз-совхоз ишлаб чиқариши бир хўжалик доирасидан чиқиб, хўжаликлар аро аҳамиятга эга бўлиши, қишлоқ хўжалик корхонаси билан саноат корхонасининг узвий ҳамкорлиги, уларнинг технологик алоқаси агросаноат негизиде ташкил топиши кераклиги ҳақида фан ва амалиёт учун ғоят зарур ғоялар илгари сурилган.

А. Рўзиев томонидан бажарилган улкан тадқиқотлар СССР Госпланига киритилди ва Ўрта Осиё республикаларида агросаноат комплексини ривожлантириш борасиде маҳаллий ташкилотлар томонидан инobatга олинди.

А. Рўзиев социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг магистрал йўлини аниқлаган аграр соҳадаги олимлардандир. У қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, уни йиғиштириб олиш, тозалаш, сақлаш, бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш, реализация қилиш жараёнини бир бутунликда олиб қарайди ва қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш фақат агросаноат интеграцияси негизиде ҳал қилинмоғи керак дейди. Олимнинг «Сурхон-Шеробод пахтачилиги» (1965), «Сурхон-Шеробод водийсида қишлоқ хўжалиги» (1967), «Сурхондарё области» (1970), «Рес-

публикамининг субтропик ўлкаси» (1972), «Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш ва фан-техника тараққиёти» (1981), «Агросаноат комплексининг территориал системаси» (1986) деб номланган китоблари ва бошқа асарларида иқтисодий географиянинг назарий масалалари, фаннинг ишлаб чиқариш билан узвий алоқаси, агросаноат комплексининг ўзига хос томонлари таҳлил қилинган.

Олим фақат илмий тадқиқот ишлари билан чекланиб қолмасдан балки, Ўзбек совет ва Катта совет энциклопедияларида 59 та мақола эълон қилди. Унинг ҳозиргача 12 монография ва рисоласи, 121 илмий, 120 илмий-оммабоп мақоласи чоп қилинган.

А. Рўзиев моҳир, тажрибали педагог. У ўз ҳаётини студентлар ҳаёти билан боғлиқликда деб билади. Олим фан сирларини студент ёшларга қунт билан ўргатади. Шогирдлари назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилади. Олий мактабда тўплаган тажрибаларига таяниб, у III курс студентлари учун мўлжалланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асослари» ўқув қўлланмасини яратди.

А. Рўзиев географларнинг Жаҳон ва Иттифоқимизда уюштирилган бир қанча анжуманларида актив қатнашган. У 1976 йилда бўлиб ўтган жаҳон географлари XXIII конгресси иштирокчиси, СССР география жамиятининг VI (Тбилиси), VII (Фрунзе) съездлари делегати, қатор Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияларнинг қатнашчисидир.

## ЭШБОЙ ТУРДИҚУЛОВ

1936 йил 25 августда Бойсун районида қарашли Мачай қишлоғида туғилди. 1956 йили В. И. Ленин номи ўрта мактабни тугатиб, ўша йили ТошДУнинг физика-математика факультетига ўқишга кирди. У 1962 йилда университетни тугатиб, Тожикистон ССР ФА нинг физика-математика бўлимида лаборант, сўнг Душанбе шаҳридаги об-ҳаво бошқармасида инженер-синоптик бўлиб ишлади. У оилавий шароитга кўра, 1964 йил Сурхондарё областига қайтиб келиб, аввал Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли ишчи-ёшлар мактабида, сўнг шу мактабнинг кундузги бўлимида физика ва математикадан дарс берди.

1966 йили республика педагогика ўқишига қатнашиб, унда «Атмосферада содир бўладиган физикавий ҳодисалар» деган мавзуда доклад қилди. Бу доклад мутахассислар томонидан юқо-



ри баҳоланди ва Э. Турдиқуловга биринчи мукофот топширилди. У Бутуниттифоқ педагогика ўқишларига тавсия қилинди.

Эшбой Турдиқулов 1967 йилдан бошлаб Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтига ишга кириб, дастлаб кичик илмий ходим, 1970 йилдан бошлаб лаборатория мудури, 1972 йилдан ҳозиргача физика ва астрономия ўқитиш сектори мудури бўлиб ишламоқда.

Э. Турдиқулов 1972 йилда СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, педагогика фанлари доктори Э. Қодиров раҳбарлигида «Мактабда метеорологик ҳодисаларни ўргатиш» деган темада педагогика фанлари номзодлиги учун диссертация ёқлади. Э. Турдиқулов 100 га яқин илмий мақолаларнинг авторидир. Унинг мақолалари Ўзбек совет энциклопедиясида, «Совет мактаби», Москвада чиқадиган «Физика в школе» ва «Народное образование» журналларида ҳамда иттифоқ миқёсидаги «Илмий асарлар» тўпламида чоп этилган. Э. Турдиқулов 10 та илмий методик қўлланма ва иккита монографиянинг авторидир. Булар қуйидагилар: «Мактабда атмосфера физикаси» (1975), «Физика ўқитишда ўқувчиларга табиатни қўриқлашга оид билим бериш» (1979), «Физикадан синфдан ташқари ишлар» (1984), «Физика ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим ва тарбия бериш» (1988) ва «Табий фанларни ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим бериш» (1989) ва ҳоказо.

Э. Турдиқулов раҳбарлигида ўн икки киши номзодлик учун диссертация ҳимоя қилди. Ундан ортиқ ёшлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Э. Турдиқулов «Табий фанларни ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим бериш» деган мавзудаги докторлик диссертациясини 1982 йили Москвада ҳимоя қилди. У физика ўқитиш масалаларига доир ўтказилган анжуманларда ўз докладлари билан қатнашибгина қолмай, балки, шундай анжуманларнинг ташкилотчиси ҳам бўлди. У 1979 йилда Тошкентда табиатни муҳофаза қилишга бағишланган анжуманни ўтказишга муяссар бўлганлардан биридир. Бу анжуманда Иттифоқимиздаги академиклар ва йнрик олимлар иштирок этиб, ўз фикр ва мулоҳазалари билан чиқиш қилдилар. 1971 йилдан буён ҳар йили Э. Турдиқулов таҳрири остида «Илмий асарлар тўплами» чоп этиб келинмоқда.

Э. А. Турдиқулов илмий иш билан биргаликда, жамоат ишларига ҳам актив қатнашиб келмоқда. У 1970 йилдан бошлаб ЎзПФТИ да партгруппа секретари, 1973 йилдан бошлаб партбюро аъзоси, халқ контролининг раиси, 1975 йилдан бошлаб партия ташкилоти котиби ўринбосари, 1977 йилдан буён эса институт партия ташкилотининг котибидир. У бир қанча илмий кенгашлар аъзоси; ЎзПФТИ да илмий совет аъзоси, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги қошидаги илмий методика совети раиси, СССР Фанлар академияси қошидаги экологик таълим ва тарбия Советининг аъзоси. Республика ёш физиклар олимпиадасининг раиси, ЎзССР координация Советининг аъзоси, ЎзССР педагогика жамиятининг аъзосидир.



Э. Турдикулов ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиғи, ЎзССР ва СССР Халқ маорифи аълочиси значоғи билан тақдирланган.

Республика ҳукумати Э. А. Турдикуловнинг фан ва таълим-тарбия соҳасидаги хизматларини ҳисобга олиб, 1987 йилда уни «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» деган фахрли унвон билан тақдирлади.

Э. Турдикулов 1985 йилдан профессор.

## НАЗАР ТЎРАЕВ

1938 йил 19 майда Денов районида туғилди. Унинг болалик йиллари «Ғалаба» колхозининг Чуқур қишлоғида ўтди. У колхоз марказидаги Алишер Навоий номли 24-ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаб шу билим даргоҳида математикадан дарс бера бошлади. Шундан сўнг Н. Тўраевнинг физика-математика фанларига бўлган қизиқиши янада ортди. Шу соҳа бўйича тинимсиз изланишлари уни 1956 йили Самарқанд Давлат университетига етаклади ва студент деган шарафли номга эга бўлди. У 1961 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатди. Унинг фанга бўлган чинакам интилиши Тошкентдаги



ядро физикаси институтига етаклаб илмий изланишларни давом эттиришга ундарди. У бир қанча қийинчиликларни мардона енгиб ўтиб, 1968 йилнинг май ойида «Ионларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири» деган темада физика-математика фанлари номзодлиғи учун диссертация ёқлади.

Қаттиқ жисмлар сиртқи структурасини ўрганиш масаласи 60-йилларда эндигина бошланган эди.

Еш олимнинг бу соҳадаги дадил қадами шу темада иш олиб бораётган кўпгина тажрибали олимларнинг диққатини тортди. Улар Назар Тўраевга ўзларининг дўстона маслаҳатларини бердилар.

У яна фан сирларини мукамалроқ очишга киришди. Кўп йиллик машаққатли меҳнат натижасини берди. Докторлик диссертацияси Украина Фанлар академияси физика институтида ёқланди. Илмий совет составида Иттифоқимиздан келган 24 нафар йирик олим ҳам бор эди.

Муҳокамада бевосита 18 нафар олим, 2 академик иштирок этди. Украина Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор П. П. Борзяк раҳбарлигидаги совет йиғилиши шу йилнинг 24 апрель куни Н. Тўраевнинг «Қаттиқ жисмларнинг реал атом структураларида заррачаларнинг сочилиши» деган темадаги илмий ишига бир овоздан юксак баҳо бериб, унга физика-математика фанлари доктори илмий даражаси беришга қарор қилди.

Профессор В. В. Владимиров, П. М. Томчук, Украина Фанлар академияси мухбир аъзоси Ю. Г. Птушинский ўртоқлар Назар Тўраев иши жаҳон физика фани тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлигини таъкидладилар. «Советимизда кейинги уч йил ичида докторлик диссертацияси ҳимояси учун биринчи марта Н. Тўраев ишига юз фоиз овоз берилганлигининг ўзи бу ишнинг нақадар муҳим аҳамиятли ва муваффақиятли бажарилганлигини исботламоқда»,— деди Украина Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Федоровна Приходько.

«Мен чет элларда чиқадиган обзор материалларда Назар Тўраев методига жуда юксак баҳолар берилганлиги, унинг ишида янги йўналиш яратганлигини тан олишганлигини таъкидламоқчиман, уни чин қалбимдан табриклайман»,— деди қаттиқ жисмлар сиртқи структурасини ўргатиш бўйича етакчи олим А. Г. Наумовец.

А. Г. Наумовец мамлакатимизда биринчи марта қаттиқ жисмлар структурасини аниқлаш соҳасида иш бошлаган киши.

Н. Тўраевнинг докторлик иши моҳиятини оддий қилиб баён қилинса, у қуйидагича:

қаттиқ жисм сиртига тушадиган заррача, сирт атомлари билан бир неча марта тўқнашиб, маълум энергия ва йўналишда сочилади. Кўп қиррали сочилган заррачалар энергиясида ҳам, йўналишида ҳам бир-биридан фарқ бўлади. Масалан, сув юзасига отилган тош қанчалик кўп сув сачратиши, қанча узоққа кетиши унинг қандай қияликда йўналтирилиши, қандай кучга эга бўлишига боғлиқдир.

Шу фикр асосида қаттиқ жисмлар атом структурасини аниқлашнинг янги методини қўлланган. Бошқача айтганда, коинотга учурилайётган кемаларнинг космосда янада кўпроқ вақтга бардош бериши, уларнинг емирилиб кетмасдан ерга қайтиб келишини таъминлаш учун бу назариядан фойдаланишнинг аҳамияти айнисқа, катта.

Дунё олимлари олдида муаммо бўлиб турган термоядро реакциясини ташкил этиш учун зарур бўлган плазма сақланадиган биринчи девор яратиш масаласини ҳал қилишда ҳам бу усулдан фойдаланиш қўлай. Маълумки, бунда плазма заррачалари девор сиртига катта куч билан урилади ва деворнинг ўзи анчагина емирилади. Шунингдек, секунднинг юздан бир бўлаги ичида, балки ундан ҳам қисқа вақтда плазманинг ҳарорати юз марта пасайиб кетади. Ана шу емирилишга бардош берадиган девор яратиш учун ҳам шу назарияга асосланилмоқда.

Микроэлектроникада ишлатиладиган материалларнинг хусусиятларини истаган йўналишда ўзгартириш зарур. Аниқроғи, фанмиз янги соҳалари тараққиёти учун микроэлектроника материалларининг имкониятини кенгайтириш зарур. Бу кенгайтиришга эса ҳозир маълум бўлган ярим ўтказгич ва диалектик элементлар ичида бошқа атом заррачаларини киритиш йўли билан эришилади.

Юқорида келтирилган ҳар учала проблемада ҳам атом заррачаларининг сирт билан ўзаро таъсири ҳал қилувчи роль ўйнайди.


Диссертация ана шу назариянинг ҳал қилинишига улкан ҳисса қўшган.

Ҳақиқий фан фидойиси Н. Тўраев ҳозирги кунда Термиз Давлат педагогика институти ректори вазифасида ишлаб келмоқда. 1988 йилда унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. Профессор Н. Тўраев Сурхондарё область «Билим» жамияти Президиуми ва область педагогика жамияти правлениесининг раисидир. У 1989 йил Ўзбекистон ССР Фанлари академияси мухбир аъзолигига, 1990 Ўзбекистон ССР Халқ депутатлигига сайланди.

## НУРИСЛОМ ТҲҲЛИЕВ

1948 йилнинг июнь ойида Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг «Қизил соқчи» участкасида туғилди. 1957 йили Мичурин номи бошланғич мактабни, 1964 йили Т. Шевченко номи ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди. Шу йили Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб факультетнинг биринчи курсига қабул қилинди.

Талабалик йилларида университет жамоат ишларида актив иштирок этиб барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди. 1966 йили олий ўқув юртида таълим олаётган даврида КПСС сафига қабул қилинди. Н. Тўхлиев 1968 йили университетни имтиёзли диплом билан тугаллаб С. Айний номи Самарқанд давлат педагогика институтига ишга юборилди. 1970 йили Ленин ва Меҳнат Қизил байроқ орденли Ленинград Давлат университети қошидаги аспи-



рантурага ҳужжатларини топширди ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, аспирантурага қабул қилинди.

Аспирантурада ўқиш даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришга доир илмий иш олиб борди. Илмий ишларининг натижаларини Самарқанд Давлат педагогика институти ва Самарқанд Давлат университетининг илмий тўпламларида ёритиб борди. «Шеробод чўлининг истиқболлари» номли мақоласини «Гулистон» журналида (1973), «Чўлларнинг истиқболлари» номли илмий мақоласини «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналида (1973) чоп эттирди.

1973 йили аспирантурани тугатиш арафасида «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг колхозларда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришдаги роли» деган темада иқтисод фанлари номзодлиги учун ёзган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Н. Тўхлиев ўз диссертациясида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва унинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришдаги роли ҳақида сўз юритади.

Н. Тўхлиев 1973 йили Ленинград Давлат университети қошидаги аспирантурани тугатиб, С. Айний номли Самарқанд Давлат педагогика институтининг сиёсий иқтисод кафедрасида ишлаб боради.

1974 йили Самарқанд область партия комитетининг лекторлар группасига қабул қилинди. Шу йили бу группага раҳбар қилиб тайинланди. Энди партия иши билан ўз илмий ишини бирга қўшиб олиб борди. «Ленин йўли» область газетаси ва марказий нашрларда илмий ишларини ёритиб борди.

1976 йили область партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлимига ишга олинди ва 1979 йилдан бошлаб бу бўлимни бошқарди.

Н. Тўхлиев область партия комитетида ишлаш даврида нафақат истеъдодли олим, шу билан бирга иқтидорли партия ходими эканлигини ҳам ўз иш фаолиятида исботлади.

Партия ўз сафидаги коммунистнинг истеъдодини ўз вақтида кўра билди ва унга ишонч билдириб — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бўлим мудирлигига тайинлади.

У танлаган актуал проблемасини изчиллик билан давом эттириб, 1983 йилда иқтисод фанлари докторлиги бўйича диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Н. Тўхлиев ҳозирги кунда Ўзбек совет энциклопедиясида Бош редактор бўлиб ишлаш билан биргаликда ўз илмий ишини ҳам қизғин давом эттирмоқда.

## УСМОН УМАРОВ

1938 йилнинг январида Шеробод районида ўқитувчи оиласида туғилди. Унинг отаси Холмурод Умаров ва онаси Хурдона Қулмуродова ҳам ўқитувчи бўлишган.

Педагоглар оиласида тарбия топган. У Умаров ўқувчилиқ йилларида билимга бўлган интилиши, зийраклиги ва ўткир қобилияти билан ажралиб турди.

1946 йили етти йиллик мактабни тугатиб, Термиз педагогика билим юртига кириб ўқий бошлади. У билим даргоҳида Темир Мирзаев, М. Тухватулина, Саҳобуддинов, Қори ака Усмонов каби тажрибали педагоглардан таҳсил олди. 1949 йили билим юртини тамомлагач, Шерободга йўлланма олди. 1949 йилдан 1953 йилгача Шеробод районидаги 26—40 сон етти йиллик мактабларда физика-математика ва тарих фанларидан дарс берди. 1952 йили У. Умаров ҳаётида унутилмас йиллардан бири бўлди, у КПСС сафига ўтди.

1953 йилнинг февралидан сентябрь ойигача Шеробод ва Ангор районидаги етти йиллик мактабларда математикадан дарс берди. Бу орада у Ангор район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирини ўринбосари бўлиб ишлади.

1953—1957 ўқув йилларида Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетида ўқишни давом эттирди. Ўқишда ва меҳнатда тобланган У. Умаров институт олимларидан тарих фанлари доктори, профессор Ш. Абдуллаев, Я. Гуломов, Э. Нуриддинов ва иқтисод фанлари доктори, профессор О. Аминов, И. Ўлмасбоевлардан махсус мутахассисликларни ўрганиши ҳамда уларга эргашди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, туғилиб ўсган жойи — Сурхондарёга йўлланма олди.

У Термиз районидаги Менделеев номи ўрта мактабда озроқ ишлагач, 1957 йилнинг декабридан бошлаб область партия комитетининг лектори вазифасида фаолият кўрсатди. Айни пайтда Ойбек номи Термиз Давлат педагогика институтида сиёсий иқтисод фақидан дарс бера бошлади. Бу даврда У. Умаров фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди, илмий дунёқараши кенгайди.

Унинг сиёсий-иқтисод, фалсафа, илмий коммунизм ва КПСС тарихи масалаларига қизиқиши тобора ортди.

1959 йилда «Сурхондарё области етти йилликда» деган брошюрасини chop эттирди. Унда Совет ҳокимияти йилларида Сурхондарё областининг экономика ва маданият соҳасидаги эришган ютуқлари ҳақида унинг 1955—1959 йилларда ривожланиш кўр-



саткичлари конкрет фактлар билан баён қилиб берилди. 1961 йилнинг бошида «Сурхондарё областидаги муқаддас деб аталувчи жойлар тўғрисида» деган илмий-атеистик темадаги лекциялари билан республика конкурсида иштирок этди ва бу конкурсда иккинчи ўринни эгаллаб, пул мукофоти ва диплом билан тақдирланди. Бўлажак олим 1961 йилнинг октябридан бошлаб Тошкент Давлат педагогика институтини сиёсий иқтисод кафедраси ҳузуридаги аспирантурага қабул қилинди. У аспирантурани тугатганидан кейин катта ўқитувчи ва доцент бўлиб ишлади.

1967 йил 30 сентябрь куни Умаров Тошкент Давлат университети илмий Советида иқтисод фанлари номзодлиги учун диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимлар У. Умаровнинг кўп йиллик меҳнати ва илмий ишига муносиб баҳо бериб, унга иқтисод фанлари номзоди деган илмий даражани бериш учун яқдиллик билан овоз бердилар.

Ёш олим «Колхозларда жамоат истеъмол фондлари ва уларнинг колхозчилар моддий ва маданий фаровонлигини оширишдаги роли» деган темада ёзган диссертациясида экономиканинг энг муҳим бир қисмини ўрганиб, қишлоқ хўжалик экономикаси фанини далиллар, илмий хулосалар ва амалий тавсиялар билан бойитди. Мазкур диссертацияда кўпгина назарий масалалар Сурхондарё область колхоз аъзолари тажрибаси мисолида конкретлаштириб берилган. Шунингдек Ўзбекистон колхозлари мисолида колхоз ижтимоий истеъмол фондларининг ташкил топиши, унинг социал иқтисодий ҳолати, колхозлар ижтимоий фондларининг ривожланиши, бу фондларнинг колхозчи деҳқонлар моддий ва маънавий фаровонлигини оширишдаги роли, колхоз жамоат истеъмол фондлари ва унинг колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги роли каби масалалар анализ қилиниб бир қанча таклиф ҳамда мулоҳазалари Ўзбекистон ССР Госплани ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги министрлигига тақдим этилган. Областимиздаги иқтисодчи олимларнинг қалдирғочи ҳисобланган У. Умаровнинг илмий ва амалий тавсиялари республика колхоз экономикасини кўтаришда, колхозчилар моддий фаровонлигини оширишда жуда катта аҳамиятга эга.

У. Умаровнинг сиёсий-иқтисодчи бўлиб етишишида, иқтисод фанлари доктори, профессор Ш. Н. Ўлмасбоев ҳамда Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудирини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор О. М. Аминов катта роль ўйнади.

У. Умаров студентларда марксча-ленинча илмий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг келажакда моҳир педагог бўлиб етишишлари учун озгина бўлсада ҳиссасини қўшишни ўзининг асосий мақсади деб билди. Шу сабабли у 1967 йиллардан бери республика матбуоти, радио ва телевидениесинида актив қатнашиб туради. 1969—1970 ўқув йилида иқтисод фанлари номзоди, доцент К. Юсупов билан республика олий ўқув юртларида сиртдан ўқувчи студентлар учун Ўзбекистон телевидениеси орқали

сиёсий иқтисод курсини ўқиди. Студентларга ёрдам бериш мақсадида «Сиёсий иқтисодни ўрганишда В.И. Ленин асарларидан фойдаланиш» деган темада (К. Юсупов билан биргаликда) методик қўлланма яратди ва у 1970 йилда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан китоб бўлиб босилиб чиқди. Бу методик қўлланмада студентлар учун сиёсий иқтисод фанининг барча темаларида В. И. Ленин асарларидан фойдаланиш методикаси берилди.

Шунингдек, У. Умаров доцент К. Юсупов билан биргаликда «Сиёсий иқтисод асослари» деган ўқув қўлланмасини ёзиб тугатди ва у 1973 йилда нашр этилди. Шунингдек «Сиёсий иқтисод нимани ўрганади?», «Жамиятшунослик курсида сиёсий иқтисод масалаларини ўқитиш», «Халқ маорифи экономикаси масалалари» китобларини эълон қилди. Ўзбек совет энциклопедиясида қатор мақолалари билан қатнашди.

У. Умаров талабалик, ўқитувчилик, лекторлик ва аспирантлик йилларида ўзининг илмий ишга қанчалик қобилиятли эканлигини самарали меҳнати билан исботлади. Жумладан, унинг «Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсишида жамоат истеъмол фондлари ўсиб бориши факторлари», «Қолхоз жамоат истеъмол фондлари ва унинг аҳамияти» каби кўплаб илмий мақолалари ва ўнлаб йирик асарларининг босилиб чиқиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

1987 йилда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги олий аттестация комиссияси У. Умаровнинг сиёсий иқтисод фанидаги улкан хизматларини ҳисобга олиб, унга профессорлик унвонини берди.

Ҳозирги кунда профессор У. Умаров Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтида илмий ишлар бўйича проректор бўлиб ишламоқда. У ўзининг хушмуомалалиги, оддийлиги, камтарлиги билан институт ўқитувчилари ва талабалари орасида самимий ҳурматга сазовордир.

## ЭРГАШ ЧОРИЕВ

1939 йил 15 январда Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозида туғилди. 1959 йили ўрта мактабни тугатиб, Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институти физика-математика факультетининг физика ва меҳнат бўлимига ўқишга кирди. 1964 йили институтни муваффақиятли тугатиб, Қумқўрғон районидаги Алишер Навоий номи 34-ўрта мактабда физика ва меҳнат таълимидан дарс бера бошлади.

Э. Чориев 1966 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг умумий фи-



зика кафедрасига ишга келиб, беш йил ассистент бўлиб ишлади.

У 1971 йили Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг физика ўқитиш методикаси бўйича аспирантурага кириб, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор Э. Қодиров раҳбарлигида «Ўлкашунослик характеридаги физика масалаларини танлаш, тузиш ва уни ечиш методларининг принциплари» деган темада тадқиқот олиб бориб, 1974 йили сентябрда Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг мутахассислаштирилган илмий советида уни муваффақиятли ҳимоя қилди. 1975 йилдан 1977 йил ноябрь ойигача институтнинг «Меҳнат таълими ва касб танлаш» лабораториясида мудир бўлиб ишлади.

Ҳозирги кунга қадар Э. Чориевнинг Бутуниттифоқ нашриётларида жами 93 та илмий мақоласи, қўлланма ва дарсликлари чоп этилган.

Э. Чориев 1984 йили «Иттифоқимизнинг пахта экиладиган районларида ёшларда меҳнат тарбиясининг педагогик илмий асосларини системалаштириш» темаси бўйича докторлик илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Айни вақтда Э. Чориев раҳбарлигида 6 нафар аспирант номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

У ҳозир 2 нафар докторантга, 7 нафар аспирантга илмий раҳбарлик қилмоқда. 1977 йилнинг ноябрь ойдан бошлаб, институтда илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб келади.

Э. Чориев Политехник таълим бўйича халқаро, (яъни социалистик мамлакатлар бўйича) проблема советининг аъзоси, Қишлоқ мактаблари бўйича Бутуниттифоқ меҳнат таълими ва касб танлаш бўйича проблема советининг аъзоси, республикада меҳнат таълими, тарбияси ва касб танлашни такомиллаштириш илмий ўқув-методик советининг раиси, Ўзбекистон педагогика жамияти ҳузуридаги меҳнат таълими ва касб танлаш секциясининг раҳбари, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ҳузуридаги педагогика фанлари доктори илмий даражаси берадиган мутахассислаштирилган илмий советининг аъзоси.

Э. Чориев ЎзССР ва СССР халқ маорифи аълочиси нишони билан тақдирланган.



## ҚУЛМУРОД ШОДМОНОВ

(1908—1972)

1908 йилда Шеробод районидаги Хўжаулкан қишлоқ Советининг Гуржак қишлоғида чўпон оиласида туғилди. Қ. Шодмонов ота-онасидан ёшлигидаёқ ажралди. У Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилишигача бойлар қўлида оғир турмушни бошидан кечирди. 1925 йилда Қ. Шодмонов Шеробод районидаги болалар уйида бошпана топди ва мустақил ҳаёт йўлини бошлаб юборди.

1927—1928 йилларда Термиз ва Фарғона шаҳарларидаги педагогика курсларида таҳсил олди. Кейинчалик у Шеробод район

комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлади. Кўп ўтмай Қ. Шодмонов Самарқанд педагогика факультетининг аспирантурада қолди. Аспирантлик даврида Самарқанд Давлат университетида ўзбек тили ва адабиёти факультетининг декани бўлиб ишлади. У шу билан биргаликда Самарқанд Давлат медицина институтини ҳам дарс берди. Қ. Шодмонов 1937 йилда Самарқанд Давлат университетининг илмий Советида «Этилен углеводларга галогенли водородларнинг бирикishi ва ажрალიши қонуниятлари» темасида диссертация ҳимоя қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Қ. Шодмоновни Бухоро Давлат педагогика институтига ишга юборди. У бу ерда проректор бўлиб ишлади ва химия кафедрасига мудирилик қилди. Қ. Шодмонов кўпгина масъул ишларда фаоллик кўрсатди. У ўзининг бутун билимини ўсиб келаётган ёш авлодга беришни ва ўргатишни муқаддас бурчи деб билди. 1943—1944 йилларда эса Бухоро Давлат педагогика ва ўқитувчилар институтини бошланғич партия ташкилоти секретари бўлиб ишлади. Қ. Шодмонов 1946 йил Бухоро шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. 1951—1961 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини студентларига дарс берди, химия кафедрасига бошчилик қилди ва аynи вақтда Ўрта Осиё Давлат университетининг органик химия лабораториясида тадқиқот ишлари олиб борди. 1965 йилда Қ. Шодмоновга профессорлик унвони берилди.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги коммунист, ташкилотчи Қ. Шодмоновни республикамиздаги ёш институтлардан бири — Қарши Давлат педагогика институтига ишга юборди. Институтда қатор йиллар илмий ишлар бўйича



проректор лавозимида ишлаб, коллективда катта ҳурмат ва эътибор қозонди.

Совет давлати Қ. Шодмоновнинг меҳнатларини юксак баҳолади. У социализм қурилишидаги актив иштироки ва намунали хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан икки марта Фахрий ёрлиқ билан ва Ўзбекистон ССР Олий Совети фармони билан «Улуғ Ватан уруши йилларида меҳнатда намуна кўрсатгани учун» медали билан мукофотланди. Қирқ йилдан ортиқ республикамизнинг қатор олий ўқув юртларида ассистентлик, доцентлик, кафедра мудири ва проректорлик лавозимларида узлуксиз ишлаган олимнинг ижодий фаолияти кўп қирралидир. Профессор Қ. Шодмонов 60 дан ортиқ илмий-педагогик мақолалар ва асарлар ёзди. Унинг асарлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий тўпламларида, журналларда эълон қилинди. Жумладан, «Галогенли водород кислота-ларининг ўзаро боғланиш ва изланиш қонуниятлари», «Водород хлоридининг этиленли углеводларга таъсири ҳақида», «Органик химиянинг халқ хўжалигига хизмати ҳақида» ва ҳоказо илмий асарлари олимлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Қ. Шодмоновнинг ишларидан 30 таси фақат илмий-экспериментал характерга эга бўлиб, уларнинг матбуотда ёритилиши химия фанига қўшилган муносиб ҳисса бўлди.

Қ. Шодмоновнинг фарзандлари севимли оталари изидан борди. Унинг тўнғич ўғли Рустам биохимик, химия фанлари номзоди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта илмий ходими, келини Неля химия фанлари номзоди. Уғиллари — Шавкат ва Расул медик. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Қ. Шодмонов 1972 йил узоқ давом этган касалликдан вафот этди.

Бойсун район «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозидаги Ҳ. Олимжон номли мактаб пионер дружиналарининг бири Қулмурод Шодмонов номи билан юритилади.

## МУЛЛО ЭРКАЕВ

СССР Педагогика Фанлар академиясининг академиги, тарих фанлари доктори, профессор, Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби Мулло Эркаев 1910 йил 9 май куни Бойсун районининг Сайроб қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди.

Ота-онасидан жуда кичкиналигида етим қолиб, ҳаётнинг оғир қийинчиликларини бошидан кечирди, кишилар эшигида энг қийин ишларни бажарди, изғирин совуқларда оёқ яланг чўпонлик қилди.

Тақдир тақозоси уни 1925 йилда Душанбедаги болалар уйига етаклади. 1927—1929 йилларда эса одамлар кўмагида Тошкентга келиб, болалар уйида олган билимини мустаҳкамлади. 1929—1934 йилларда Тошкентда ишлади.

У 1939 йилда Т. Г. Шевченко номли Душанбе Давлат педагогика институтининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугатди ва шу даргоҳда ишга олиб қолинди. 1944 йилда эса ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабида махсус курсда ўқиди. У студентлик йилларидан бошлаб фанларни тадқиқ қилишга, янгилик яратишга интила бошлади. 1950 йилда Душанбе Давлат педагогика институти сиртқи бўлим аспирантурасига ҳужжат топширди. М. Эркаев 1953 йил март ойида тарих фаилари номзоди деган шарафли унвонга эга бўлди.

М. Эркаевнинг фан соҳасидаги улкан хизматларини ҳисобга олиб, партия ва ҳукуматимиз унга ҳали докторлик диссертациясини ёқламасидан илгари 1963 йилдаёқ профессорлик унвонини берган эди. У ушбу шарафли унвонни янада оқлаш учун ишнини тинимсиз давом эттирди. Ниҳоят 1964 йилнинг февраль ойида, биринчилардан бўлиб, тарих фаилари доктори илмий даражаси учун ёзган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1967 йил М. Эркаев ҳаётида катта босқич бўлди. Шу йили СССР Педагогика Фаилар академиясининг академиклигига тўла овоз билан сайланди.

Академик М. Эркаев олимлик фаолиятини партия, совет, давлат ишлари билан қўшиб олиб борди. У 1941—1949 йилларда партия ташкилотининг турли вазифаларида фаолият кўрсатди. Тожикистон Компартия Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимида аввал лектор, сўнгра сектор мудири, бўлим мудирининг ўринбосари; қатор йиллар Душанбе ва Қўлоб областида идеология ишлари бўйича область партия комитетининг секретари бўлиб ишлади. У Тожикистон Компартияси МК қошидаги кечки марксизм-ленинизм университети, ўқитувчилар институти, ва бошқа ўқув даргоҳларида доимий равишда лекция ўқиб келди. М. Эркаев 1950—1975 йилларда В. И. Ленин номидаги Тожикистон Давлат университети КПСС тарихи кафедрасида мудар бўлиб ишлади. 1975 йилда эса ўзига ҳамиша қадрдон бўлган Т. Г. Шевченко номли Душанбе Давлат педагогика институти КПСС тарихи кафедрасида ишлаб бошлади.

Мамлакатимиз зиёлилари ва олимлари Мулло Эркаевни етакчи педагог ва йирик олим сифатида яхши танийдилар. Унинг қаламига мансуб 750 бетли «Тожикистонда граждаилар уруши тарихи» номли монография СССР Педагогика фаилар академиясида юксак баҳо олди.

М. Эркаевнинг раҳбарлигида ва ҳамкорлигида Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган асарлар, йирик тўпламлар юзага келди. Масалан, «Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари тарихи», «Тожикистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустаҳкамлаши», «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши», уч томлик «Тожикистон Коммунистик партияси тарихи очерки», «Совет Тожикистони тарихи очерки» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хуллас, академик М. Эркаевнинг қалами билан она халқига, жонажон Коммунистик партиямизга армуғон этилган асарлари,

мақолалари 12000 саҳифадан ошди. М. Эркаев раҳбарлигида 47 киши тарих фанлари номзодлиги ва докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлигининг ўзи ҳам олимнинг ниҳоятда меҳнаткашлиги ва тиниб-тинчимаслигидан далолат беради.

М. Эркаев ҳозирги вақтда номзодлик ва докторлик илмий даражаси берувчи қатор мутахассислаштирилган илмий Советларнинг аъзосидир. У кўп марта илмий Совет йиғинларида сўзга чиқиб, диссертантларнинг ишига ҳаққоний баҳо берган, уларни тўғри йўлга бошлаган.

М. Эркаевнинг партия ва совет ташкилотларидаги, фандаги хизматларини партия ва ҳукуратимиз ҳамиша муносиб тақдирлаб келди. У икки марта Меҳнат Қизил байроқ, икки марта «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва бошқа қатор медаллар, Тожикистон КП МК, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми, Республика комсомоли МК, Маориф министрлиги ва бошқа юқори органларнинг қатор мақтов қоғозлари, Фахрий ёрлиқлари билан тақдирлангандир. М. Эркаев «Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонларига эга.

У «Тожикистон ССР халқ маорифи аълочиси», «СССР Халқ Маорифи аълочиси», «СССР олий таълим аълочиси» каби значокларини олишга мушарраф бўлган.

Мулло Эркаев айни кунларда «Улуғ Октябрь ва Тожикистон қишлоқларининг ижтимоий-маданий қайта қурилиши» деган темадаги йирик монографиясини тугаллаш арафасида турибди.



## РАШИД ҚУЛМАТОВ

1946 йил 1 июлда Денов район, «Ғалаба» колхозида колхозчи оиласида тугилди. 1969 йили А. Навоий номидаги ўрта мактабни тугаллаб бир йил пахтачилик бригадасида колхозчи бўлиб ишлади. 1970 йили Тошкент Давлат фармацевтика институтига ўқишга кирди. 1970 йили институтни тугатиб, Термиз медицина техникумида химия ўқитувчиси бўлиб ишлади. Сўнгра Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Хизматдан қайтгач 1973 йили Тошкент ядро-физикаси институтига аспирантурага кирди. Аспирантлик йилларида химия фанлари доктори,

профессор А. А. Кист раҳбарлигида илмий иш олиб борди.

1978 йили Тошкент Давлат университети химия факультети қошидаги илмий советда «Ядро физикаси усуллари билан сув

ҳавзаларининг экологик аҳволини ўрганиш» деган мавзуда химия фанлари номзодлиги учун диссертация ёқлади.

Ўзбекистонда экологик шароит бошқа республикаларга нисбатан ночор аҳволда эди. Бунга асосий сабаблардан бири тургулик йилларида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг экстенсив ривожланиши бўлди. Шунинг учун у илмий ишларини республика мизининг экологиясини заҳарловчи элементлар динамикаси ва қонуниятларини ўрганишга бағишлади.

Бу муаммоларнинг мувафақиятли ҳал қилиниши ўта сезгир автоматланган замонавий ускуналар яратишни талаб қиларди. Шунинг учун у заҳарли элементларнинг кичик миқдорини ва физик-химиявий ҳолатларини аниқлайдиган замонавий физик — химиявий ускуналар яратишга имконият излади. Мисол учун яратилган ускуналар ёрдамида 1 мл сув таркибидаги  $10^{-12}$  г ёки 1 л ҳаво таркибидаги  $10^{-13}$  г 30 дан ортиқ заҳарли элементлар миқдори ва унинг физик-химиявий ҳолатларини аниқлаш мумкин.

Бу усуллар Совет Иттифоқида биринчи марта ишлаб чиқилди ва экологик амалиётда кенг қўлланила бошланди. Янги усуллар ёрдамида бир неча йил (1975—1989 й) давомида биринчи марта (Ўзбекистон мисолида) қўриқхоналар, тоғ районлари, музликлар, шаҳарлар ва саноат корхоналари зич жойлашган районларнинг атмосфераси, қор ва ёмғир сувлари, сув ҳавзалари ҳамда тунроқ таркибида заҳарли элементларнинг физик-химиявий тарқалиши ҳаракати қонуниятлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Қўриқхоналардан Чотқол, Зомин, Сари-Челак, Березин, Борова, Абрамов музлиги; шаҳарлардан Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро; сув ҳавзаларидан Амударё, Сирдарё, Чирчиқ, Орол денгизи экологик ҳолатлари тадқиқот объекти қилиб олинди. Кўп йиллик илмий натижалар математик-статистик усуллар ва ЭҲМ ёрдамида махсус тузилган программалар орқали ҳисоблаб чиқилди ва анализ қилинди.

Бу ишларни атрофлича ўрганишда 100 мингга яқин ҳаво, сув, тунроқ намуналари таркибидаги 30 дан ортиқ заҳарли моддаларнинг физик ва химиявий хусусиятлари, тарқалиш жараёнларига метеорологик ва бошқа омилларнинг таъсири ўрганилди. Биринчи марта СССРда комплекс илмий экологик изланишлар олиб бориш зарурлиги исботлаб берилди.

Олиб борилган кўп йиллик илмий ишлар натижалари асосида Халқаро (Токио, Нагоя, Прага) ва Бутуниттифоқ (Москва, Ленинград, Рига, Томск, Ростов-Дон, Киев) экологик симпозиум ва конференцияларда кўп марта лаб доклад қилинди, халқаро ташкилот БМТ нинг «Инсон ва табиат», УИЁК нинг «Атроф муҳит жаҳон монитор системаси» экологик программаларига киришилди. Ушбу мавзудаги илмий ишлари, босилиб чиқилган мақолалари сони 100 дан ортиқ. Улар халқаро ва Бутуниттифоқ илмий журналларида чоп қилинган. Илмий ишларга Америка, Япония, ГФР, Австрия, ГДР, Миср ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг олимларидан илтимосномалар (запрос) олинди. Улар

ўз илмий ишларида бундан олинган натижаларга ижобий баҳо беришмоқда.

Ишлаб чиқилган илмий усул ва тавсияномалар Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети, Соғлиқни сақлаш министрлиги ва экология соҳасида иш олиб борадиган турли ташкилотларда кенг қўлланилмоқда. Олинган илмий натижалар кам ва чиқитсиз технология яратишда ҳам ишлатилиши мумкин. Ушбу соҳада Р. Қулматов 3 нафар фан номзодлари тайёрлади. Олиб борилган илмий ишларнинг якуни сифатида 1968 йил ноябрь ойида Москва Давлат химия ва технология институти қошидаги илмий советда «Заҳарли элементларнинг Ўрта Осиё табиий муҳитида тарқалиши ва миграцияси қонуниятлари» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Р. Қулматов ҳозир ЎзССР Фанлар академияси ядро-физикаси институтида катта илмий ходим бўлиб ишламоқда.



## ЧОРИ ҚУРБОНОВ

1943 йилнинг 13 мартида Жарқўрғон районидagi «Сурхон» совхозининг Македонский қишлоғида туғилди. 1965 йили Низомий номи мактабнинг еттинчи синфини тугатиб, Термиз медицина билим юртига кириб ўқий бошлади. Мазкур даргоҳни 1959 йили муваффақиятли тамомлаб, Москва медицина институтига кириш учун ҳужжат топширди. Аммо омади юришмади. Уйга қайтиб боришни эп кўрмай Калуга шаҳридаги 11—кечки-ёшлар мактабида ўқишни давом эттирди. Кейин қўлда етуклик аттестати билан Павлов номидаги Ленинград медицина инсти-

титути томон отланди. Лекин яна ўтолмади. Шундан кейин Ленинград шаҳаридан кўнгиллилар сафида Совет Армиясига хизматга чақирилди ва айни пайтда Ленинград медиинститутига «яхши»га топширган иккита кириш имтиҳони ҳисобига В. И. Ленин номидаги Ленинград ҳарбий-денгиз флоти билим юртида ўқиди. Ишлаб чиқариш практикаси давомида ўз қобилиятини намоён этиб практикани муваффақиятли ўтказди. 1963 йили Душанбе медиинститутига ҳужжат топширди ва даволаш факультетининг биринчи курсига ўқишга кирди.

1969 йили институтни имтиёзди диплом билан тугатган Чорин тақсимлаш комиссияси Тошкент Давлат медицина институти, умумий хирургия кафедраси ассистентлигига ишга юборди. Бу ерда 1972 йилгача фаолият кўрсатган Ч. Қурбонов Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг махсус йўллашмаси билан Сурхондарё область касалхонасининг хирургия бўлими мудирлиги вазифасига ишга ўтди. Ўша пайтда область касалхонасида анчагина қийинчиликлар кўндаланг турарди. Беморлар кўп, билимдон шифокорлар кам эди. Ч. Қурбонов ўз касбининг фидоийси сифатида тезда халқ тилига тушди. Қийин ва мураккаб операцияларни бажаришда моҳирлик кўрсата бошлади. У фақатгина область касалхонасидаги ишлар билан чекланиб қолмасдан, узоқ яқин район, қишлоқлар аҳолисига ҳам яқиндан ёрдам берини ўз виждоний бурчи ҳисобларди. У яна Тошкентга ишга чақирилди ва республика Соғлиқни сақлаш министрлигига қаринли I клиникада ҳозирги кунгача фидокорона меҳнат қилмоқда. Кўйинлик талабалар уни республика ичак-хирургия касалликлар марказининг бошлиғи ва ТошМИ да хирургия фанидан дарс берувчи моҳир педагог сифатида яхши танидилар. Ч. Қурбонов яна фанга бўлган қизиқиниши бир дақиқа ҳам сусайтирган эмас. Беморларни даволаш жараёнларида амалий ва назарий масалаларни ечининг йўл-йўриқларини ахтарди. Унинг диққат-эътиборини очамларда қон-томир касалликлари ва уни даволашнинг замонавий усулларини қўллаш муаммоси ўзига тортди. Шу мақсадда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, медицина фанлари доктори, Саратов «медицина институти хирургия кафедраси мудир профессор Галина Николаевна Захарованинг илмий раҳбарлигида «Оёқ-қўл қон томирларини даволашнинг янги метод ва усуллари» темасида медицина фанлари номзодлиги учун ёзган диссертациясини муваффақиятлр ҳимоя қилди. Тадқиқотчи бу ишда оёқ-қўл томирларида қон юришмай қолиш ҳоллари (аблитеруший эндетерит) содир бўлиш мумкинлиги, бунда бирдан-бир чора оёқ-қўлларни кесиб ташлашдан бошқа уни янги — замонавий усуллар ёрдамида даволаш йўлини илгари сурди. Бу касалликни Ч. Қурбонов азот закиси ( $N_2O$ ) газини даволаш усулини яратди. Шундан кейингина жуда кўп беморларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бу даволаш усули ҳозирги пайтда кўпгина шифохоналарда кенг қўлланилмоқда. 1970—1980 йилларда Ч. Қурбонов Афғонистонда ҳарбий-дала хирургияси бўйича хизматда бўлди. Бу даврда душман ўқидан оғир жароҳатланганларга тез ёрдам кўрсатди. Қўплаб ҳарбий жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Аммо жангларнинг бирида унинг ўзига теккан ўқ жароҳати ҳаётига хавф сола бошлади. Зудлик билан уни Тошкентдаги 340-госпиталга олиб келишди. Узоқ вақт даволаниб оёққа турди ва хизмат постига қайтди.

Партия ва ҳукуматимиз Ч. Қурбоновдаги мардлик ҳамда жасоратни ҳисобга олиб, «Қизил Юлдуз» ордени ва бир нечта медаллар билан тақдирлади. У СССР Олий Совети Президиуми-

нинг Фахрий ёрлиғига эга бўлиб, СССР Мудофаа министрлигининг ташаккурномасини олди. Жапговар хизматлари учун маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсия (маошдан ташқари 70 сўм) ҳам олади. ..

Ч. Қурбонов қаерда бўлмасин, илмий ишни ҳаёт билан қўшиб олиб борди. У 1988 йили «Вакуум — аспирация ёрдамида кўкрак ва қорин бўшлиғидаги органларнинг шикастланишини даволаш усуллари ва методлари» мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг марказий «Хирургия», «Вестник хирургии им. И. И. Грекова», республикамизининг «Медицинский журнал Узбекистана» журналларида, қатор илмий-пазарий тўпламларда ва турли нашриётларда ўнлаб мақолалари, брошюралари, китоблари чоп этилган.

Чори Қурбоновнинг мазмунли умри, илмий фаолияти ҳақида матбуотда кўплаб очерклар, мақолалар ёзилган.

Тадбиркор Ч. Қурбонов халқимиз саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.



## ФАН НОМЗОДЛАРИ ВА ДОЦЕНТЛАР

### САФАР АБДУНАЗАРОВ

1949 йил 12 февралда Бойсун районидаги Қайроқ қишлоғида туғилди. Гагарин районидagi С. Айниёвнинг номидаги ўрта мактабни 1966 йил тугатди. Шу йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетидаги математика факультетига ўқинишга кирди. 1973 йил университетни тамомлаб, уни факультетининг М. Т. Ойбек номидаги Герман Давлат педагогика институтини ўқитувчиликдан бошлади.

1979 йилда ЎзССР Фанлар академияси М. Т. Урошбоев номидаги механика ва инжирлар

сейемик мустаҳкамликни илмий-текшириш институтига аспирантурага кирди. 1982 йил Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор Т. Ж. Жўраев раҳбарлигида «Қаррали харақет этикага эга бўлган учинчи тартибли тенгламалар учун чегарасий масалалар» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади ва физика-математика фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди. Бу ишда асосан, хусусий ҳосилаларни дифференциал тенгламалар (ёки математик-физика тенгламалари) назариясининг энг кам ўрганилган қисми (учинчи тартибли классик бўлмаган тенгламалар) чуқур анализ қилинган бўлиб, биринчидан, тенглама энг умумий, жумладан, чизиксиз кўринишда олинган бўлса, иккинчидан анализ қилинаётган проблемалар ҳам мумкин қадар умумлаштирилган. Бу ишларнинг даёғга, фанга ва техникага бўлган аҳамиятининг катталиги ишдан иборатки, текширилувчи тенгламаларнинг баъзи хусусий кўринишлари – совуқ плазмаларда тўлқиннинг тарқалиши, космик плазмаларнинг гидродинамик назариясида, магнит гидродинамикасида, пуфакли суюқликларнинг ҳаракат назариясида, чизиксиз акустика масалаларида ва ҳоказоларда учрайди.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор А. В. Бицадзе, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти М. С. Сало-



ҳиддиновлар С. Абдуназаровнинг фан йўлидаги бу хизматларини юксак баҳоладилар.

С. Абдуназаров ёш авлодга олий математика сирларидан сабоқ бериш билан бирга илмий ишларни ҳам давом эттирмоқда. У асосан, юқори тартибли параболик тенгламалар ва уларга қўйиладиган умумий локаль ва нолокаль чегаравий масалалар устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Бу борада йигирмадан кўпроқ илмий мақолалар ёзди. Улардан тўрттаси чет элларда таржима қилинадиган марказий журналларда эълон қилинди. Шу мақолалар туфайли у АҚШ, Германия, Болгариялик мутахассис олимлардан турли хатлар олиб туради.

Ҳозирги кунда доцент С. Абдуназаров А. Беруний номи Меҳнат Қизил байроқ орденли Тошкент политехника институтида ёшларга таълим-тарбия бермоқда.



## ЕМФИР АБДУРАСУЛОВ

1933 йилнинг 13 июнида Жарқўрғон районидаги Минор қишлоқ Советида колхозчи оиласида туғилди. 1948—50 йилларда район марказидаги (ҳозирги А. С. Макаренко номи 2-ўрта мактаб қошида ташкил қилинган) 25 кишига мўлжалланган интернатда ўқиди. Н. Тўрамуҳаммедов, Ф. Шаропов ва уруш ветерани Т. Муммаджонов каби етук педагоглarning таҳсилни олди, ҳатто ўша йилларда унинг шеърини машқлари адабиёт ўқитувчиси Н. Тўрамуҳаммедов (Шавкатий) таҳририда район ва область га-

зеталари саҳифаларида кўрина бошлади. Унда филолог бўлиш иштиёқи ўша даврларда туғилган эди.

1950 йилда ўрта мактабни тугатгач, 1953 йилгача ўзи ўқиган мактабда аввал бошланғич синфларда, сўнг юқори синфларда ўзбек тили ва адабиёти, тарих, география фанларидан дарс берди. 1953 йили у Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кирди.

Ё. Абдурасулов студентлик йиллариданоқ илмий ишларга қизиқа бошлади. Ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг ундовлардан фарқи масаласига бағишланган илк ишлари студентлар илмий конференцияларида анча мақтовга сазовор бўлди. Бунда

атоқли профессорлар Н. М. Маллаев, А. Ф. Гуломов, М. А. Асқарова, С. У. Усмоновларнинг ҳиссаси катта бўлди. 1957—59 йилларда қишлоқдаги Н. К. Крупская номли мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси ҳамда илмий бўлим мудирини вазифаларида ишлагач, 1959 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтига ўзбек тилшунослиги соҳасида аспирантурага қабул қилинди. Унинг «Ҳозирги ўзбек тилидаги тақлидий сўзларнинг структураси» номли илмий ишига дастлаб ўзбек тилшуносларининг ажойиб жонкуяри, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, машҳур турколог, профессор А. К. Бороков, сўнгра СССР Педагогика фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор М. А. Асқарова раҳбарлик қилди.

Маълумки, ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусияти бор. Яқин йилларда ҳам ўзбек тилшунослигида тақлидий сўзлар масаласи ҳали «очилмаган кўриқ» эди. Самарқанд Давлат университетининг доценти Р. Қунғуров ва Ё. Абдурасуловнинг ҳозирги ўзбек тилининг шу соҳасига бағишланган илмий изланишлари ўзбек тилидаги тақлидий сўзларнинг алоҳида 12—сўз туркуми сифатида ажратилишига асос бўлди ва бу типдаги сўзларнинг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятлари етарли очиб берилди.

Олимнинг олий ўқув юртидаги педагогик фаолияти ҳам 1960 йиллардан бошланди. У дастлаб Тошкент Низомий номли Давлат Педагогика институтига, 1965 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчилик қилиб келмоқда. У шу йиллар ичида филология факультетининг декани, кафедра мудирлиги вазифаларида ишлади.

Ё. Абдурасулов институт талабаларини тилшунослик фанининг энг янги ютуқлари билан таништириш баробарида ўзбек тилшунослигининг турли масалаларига бағишланган бир неча илмий мақолалар эълон қилди. Унинг турли йилларда нашр қилинган «Тақлидий сўзларнинг формант разрядлари», «Тақлидий сўзларнинг фонетик хусусиятлари», «Гапиришга оид тақлидий сўз-терминлар» каби илмий мақолалари шу категориядаги сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари, тақлидий ўзакларнинг ўзбек тили сўз бойлигини оширишдаги роли ва уларнинг алоҳида туркум сифатида ундов ва бошқа сўз туркумларидан фарқи ҳақидаги масалаларга бағишланган бўлса, «Ўзбек тилида жуфт ва такорланган сўзларнинг классификацияси», «Ўзбек тилида қай ўзакли сўроқ олмошларининг семантик-грамматик хусусиятлари» (икки мақола) каби илмий ишлари ўзбек тилшунослигининг назарий масалаларига бағишлангандир.

Ё. Абдурасулов катта илмий-педагогик тажрибага эга. У қарийб 40 йил давомида мактаб-маориф системаси ва олий илм даргоҳларида ишлаб келмоқда. Унинг «Совет мактаби» журна-ли, республика ва область газеталари саҳифаларида илмий-методик характердаги мақолалари бот-бот эълон қилинди.

Фаннинг барча соҳаларида бўлгани сингари тилшунослик

фанининг ҳали ҳал қилинмаган муаммолари кўп. Ана шундай проблемалардан бири Ўзбекистоннинг жанубий районларида яшайдиган ўзбекларнинг қадимги туркий уруғларга мансублиги, уруғ номларининг этимологияси ва ҳар бир уруғнинг хос хусусиятини қиёсий тасвири масаласидир. Бу ўз навбатида ўзбек халқининг этник қатлами билан ҳам боғлиқ. Сўнги йилларда олим ана шу масалалар ўстида самарали иш олиб бормоқда. Шу билан бирга у «Ўзбек тилида олмошларнинг трансформацияси» темасида йирик монография тайёрламоқда. Автор планига кўра тил тарақиёти жараёнида илгари бошқа туркумдаги сўзларда олмошларга кўчиш ҳодисаси юз берган бўлса, тилнинг ҳозирги тарақиётида, аксинча, олмошларнинг бошқа туркумларга кўчиши ҳодисаси ёритилиши мўлжалланади.

Ё. Абдурашулов ҳозир М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти.



## ИСЛОМ АБДУРАҲМОНОВ

1937 йилда Ангор районидаги Занг қишлоғида туғилди. Болалик чоғлари Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг 2-бўлимида ва шу районга қарашли Бозоркакайди посёлкасида ўтди.

1958 йилда шу посёлкадаги «Правда» газетаси номли 5-ўрта мактабни тугатди.

1958—59 йилларда Ховдак нефть-газ пармалаш разведкасида ва Оқтов объектларида бурғучи ёрдамчиси бўлиб ишлади. Педагоглик касбига бўлган иштиёқ уни яна мактабга етаклади. 1959—60 йилларда олий

маълумотли педагогларнинг етишмаслиги сабабли Жарқўрғон район Қалинчи номли колхоз Юқори Какайди қишлоқ Советига қарашли Қалинчи номли 10-саккиз йиллик мактабнинг бошланғич синфида ўқитувчилик қилди.

1960 йилда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг филология факультети, ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди.

Ўзбек тилшунослигининг етакчи вакили профессор Аюб Ғулוםовдан таҳсил олди.

Дарс жараёнида тилшунослик бўйича лектор томонидан бе-

рилган мураккаб саволларга берган жавоби талабалар эътиборини ўзига тортди. И. Абдураҳмонов муттасил икки йил факультетда ўзбек тилшунослигини тўғарагини бошқарди. Тўғарак йиғилишларида Сурхондарё областининг «Желашган халқ шеваларида эгалик категориялари», «Желашган шеванинг лексик хусусиятлари», темаларида қизиқарли докладлар қилди. Тилшунослик махсус семинарларида адабий тилнинг турли соҳаларига оид темаларни ишлади. «Махмур ва Нодим Наманганийларнинг «Хатак» шеърларининг танқидий текстлари» бўйича адабиёт фанидан курс иши ёзди. Филология фанлари доктори Ш. Раҳматуллаев раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги баланд ва паст сўзларда полисемантия ва антономия» темасида диплом иши ёзди. Диплом иши 1965 йил май ойида илмий Совет томонидан аъло баҳоланди. У 1965 йилда университетни имтиёзли диплом билан тамомлади ва Ўзбекистон ССР Олий таълим министрлигининг йўлланмаси билан Сурхондарё область халқ маорифи бўлими ихтиёрига ишга юборилди. Дастлаб ишлаган Жарқўрғон район, Юқори қакайди қишлоқ Советига қарашли, Қалнини номли 10-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётини дарс берди.

1966 йилдан 1968 йилгача Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институти, ўзбек тили ва адабиёти кабинетининг мудирини бўлиб ишлади. И. Абдураҳмонов малака ошириш институтида ишлаб юрган кезларида область мактабларидаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг кўплаб дарслари, уларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишди. Тегишли методик ёрдамлар кўрсатди. Мактабларда она тили ва адабиёти фанларидан олган таассуротларини, уларнинг ижобий ва танқидий томонларини область радиоси, матбуоти саҳифаларида ёритиб борди. Шу муносабат билан И. Абдураҳмонов Узсовпрофининг «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланди.

И. Абдураҳмонов М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтига ишга ўтди.

Бўлажак олим ассистентлик давридаёқ юқори курс талабаларига тилшуносликнинг мураккаб бўлимларидан — Умумий тилшуносликнинг, «Қўшма гаплар» каби соҳалари бўйича лекция ўқиди, амалий машғулотлар ўтказди. Шу даврнинг ўзидаёқ область газсталари саҳифаларида «Антонимлар», «Ғазал — севги вафоси билан», «Қакайди номи таъбири» темаларида мақолалар эълон қилди.

Институт даргоҳида бир йил ишлагач, 1969 йили Меҳнат Қизил байроқ орденли В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университети филология факультетининг умумий тилшунослик кафедрасига аспирантура конкурсига қатнашди ва аспирантурага қабул қилинди. Филология фанлари доктори, умумий тилшунослик кафедрасининг мудирини, профессор Ш. У. Раҳматуллаев раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги қўлам сифатларида полисемия ва антономия» темасида иш олиб борди.

У 1973 йилнинг 21 июнида юқорида зикр этилган темада

номзодлик диссертациясини ёқлади. Аспирантлик даврида филология фанлари номзодлиги темаси ҳамда тилшуносликнинг бошқа соҳаларига оид қуйидаги мақолаларни эълон қилди:


1. Ҳозирги ўзбек адабий тили қўлам сифатлари, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1972 йил, №3. (Ш. У. Раҳматуллаев билан ҳамкорлигида);

2. Баланд лексемасининг лексик маънолари. «Ўзбек тили стилистикаси мақолалари» тўплами, ТошДУ илмий ишлари, № 427, Тошкент, 1972 йил.

3. «Паст лексемасининг лексик маънолари», «Термиз Давлат педагогика институти ўқитувчилари ва ходимларининг СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция докладлари юзасидан тезислар тўплами. Термиз, 1972 йил.

4. «Қам элементи ҳақида», Термиз Давлат педагогика институти якуни бўйича 6-илмий назарий конференция доклад тезисларни тўплами, Термиз, 1972 йил (Ё. Абдурасулов билан ҳамкорликда).

У ҳозир М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси.



## ЖОВЛИ АБДУРАХМОНОВ

1941 йил 20 апрелда Шеробод районидаги Қиров номи колхозда (ҳозирги «Шеробод» совхози, Деҳқонobod қишлоғи) деҳқон оиласида туғилди. Шеробод районидаги Муқимий номи 15-ўрта мактабда (1953—1963 йиллар) таълим олди.

У 1963 йилда мактабни тугатиб Шеробод районидаги А. П. Чехов номи 14-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси ва мактаб пионервожатийси бўлиб ишлади. Мактабда чиқадиган газеталарнинг бош редактори сифатида жамоат ишларида актив қатнашди. Мактаб ҳаёти уни ўқит

увчилик касбига ундади ва 1964 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти инженер-педагогика факультетига киришга муваффақ бўлди.

У институт иқтимоий ҳаётига актив қатнашди. Факультет бадий ҳаваскорлик тўғарагига аъзо бўлди. Институтда замо-

навий спектаклларни саҳналаштириб, унда бош ролларни ижро этди. III курсдан бошлаб ижтимоий фанларга қизиқа бошлади. 1969 йили институтни муваффақиятли тамомлаганидан кейин, шу институтнинг философия кафедрасига ишлаш учун тавсия этилди. Ж. Абдурахмонов, кафедрада марксча-ленинча курснинг диалектик материализм қисмидан таҳсил бера бошлади. Уни айниқса, философия фанининг физикага боғлиқ томонлари жуда қизиқтирар эди.

У 1971—72 йил Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтди. 1973—74 ўқув йили кафедрада стажёр тадқиқотчи бўлиб ишлади. Сўнг СССР Фанлар академияси қошидаги философия институтига (Москва) бир йиллик командировкага жўнатилди. Шу институт директори ўринбосари, физика фанининг философия масалалари сектори бошлиғи, философия фанлари доктори, профессор Ю. В. Сачков билан танишди.

Ю. В. Сачковнинг тавсияси билан 1975 йил ноябрь ойида философия институти «Философия ва физика» сектори аспирантурасига ўқишга кирди. Илмий раҳбарликни Юрий Владимирович ўз зиммасига олди. Диссертациянинг темаси: «Физик билимлар структурасида тасодиф» деб номланади. Бу темани танлашдан мақсад «тасодиф ва зарурият» категориясининг физика билимлари системасида тутган ўрни ва турли тарихий босқичларда философларнинг бу категорияга берган илмий баҳолари, фалсафий қарашлари марксча-ленинча материализм асосида анализ қилинади. Бу теманинг актуаллиги ва изчиллиги шундан иборатки, асосан, «тасодиф» категориясининг Анри Пуанкаре томонидан ишлаб чиқилган философик системаси (унинг конвенционализи В. И. Ленин томонидан «Материализм ва эмпириокритицизм» да танқид қилинади) анализ қилинади.

У диссертацияни 1975—79 йиллар давомида философия институтининг «Философияда физика проблемалари» секториди (Москва) ёзиб тугатди ва 1979 йил 13 декабрда ҳимоя қилди. Унга философия фанлари номзоди деган илмий даража берилди. 1975—80 йиллар давомида 13 дан ортиқ илмий мақолаларини марказий журналларда, илмий тўпламларда эълон қилди. Диссертацияда ва эълон қилинган илмий мақолаларида тасодиф категориясининг философия билимлари системасида, яъни қадимги грек философларидан то ҳозирги кунга қадар тутган ўрни, фан учун аҳамияти, классик физикада квант физикаси пайдо бўлиши билан унинг моҳияти тубдан ўзгарганлиги қараб чиқилди.

Ж. Абдурахмонов келажакда мана шу философик категорияларнинг мунозарали томонлари устида иш олиб бориш, физика ва бошқа табиат фанлари соҳасидаги моҳиятини тубдан очиқ беришга ҳаракат қилмоқда. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти диалектик ва тарихий материализм кафедраси доцентидир.



1957 йил сентябрда Термиз районидаги Паттакесар қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. 1974 йил Термиз шаҳридаги 9-сон И. Охунбобоев номи мактабни тамомлади. 1974—75 йиллари Термиз районидаги Жданов номи колхозда колхозчи бўлиб ишлади. 1975 йили Э. Авазов Тошкент халқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалиги экономикаси факультетига ўқишга кирди, 1979 йили шу институтни муваффақиятли тамомлаб, бухгалтер-экономист ихтисослигини олди.

У йўлланма билан Сурхондарё область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бош бошқармасининг колхозлар бўлимида катта экономист бўлиб ишлай бошлади. 1979 йилнинг декабрь ойида Термиз Давлат педагогика институтининг сиёсий иқтисод кафедрасига ишга таклиф қилинди ва ҳозирга қадар фаолият кўрсатмоқда.

Э. Авазов 1987 йил декабрь ойида ЎзССР Фанлар академиясининг иқтисод илмий-текшириш институтининг «Социализм сиёсий иқтисодининг актуал проблемалари» бўлимига аспирантурага кирди.

У 1983—1937 йиллар мобайнида 1,5 б. т. ҳажмда мақола ва доклад тезисларини чиқарди. «Қиймат қонунидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг регионал хусусиятлари» тўғрисида ёзган мақоласи «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг 1985 йил 11-сонида эълон қилинди. 1987 йили «Пахтачиликда бригада кудрати» брошюраси чоп этилди.

Э. Авазов 1987 йил 23 сентябрда ТошДУ қошидаги махсус советда сиёсий иқтисод мутахассислиги бўйича иқтисод фанлари доктори, профессор Ф. К. Қаюмовнинг илмий раҳбарлигида «Қиймат қонуни ва ундан колхоз ишлаб чиқаришида фойдаланиш» темасида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Диссертацияни Уфдаги авиация институтининг сиёсий иқтисод кафедраси мудири, БАССРда хизмат кўрсатган экономист, иқтисод фанлари доктори, профессор Д. Солдирев, Туркистонда хизмат кўрсатган экономист, иқтисод фанлари доктори, Б. М. Минбоев, Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор А. У. Улмасов, иқтисод фанлари докторлари, профессорлар Г. С. Севлиқянц, К. Н. Попадюк, Х. Р. Раҳмонқулов, иқтисод фанлари номзоди, доцент Р. Х. Набулин ва бошқалар юқори баҳоладилар.



Э. Авазов диссертациясида кўрилатган қиймат қонуни совет иқтисодчи олимларининг ҳамиша диққат марказида бўлиб, бир гурупа экономистлар бу қонунни товар-пул муносабатлари билан совет экономикасига тўғри келмайди деб талқин қилган бўлса, иккинчи гурупа олимлар эса бу қонунни жуда ҳам абсолютлаштириб, (унинг родини янада кенгайтириб) «бозор социализми» гача олиб борадилар, учинчи гурупа олимларининг кенгайтирилиши қисман тан олиш билан чекланади.

Диссертацияда колхозларда қиймат қонунидан фойдаланишнинг регионал хусусиятлари кенг ёритилиб, мисоллар билан мустаҳкамланган. Қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш мавзусида ҳам фикр юргизилиб, агар пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилса, меҳнат сарфи 20—25% пасайиши ва ташқаридан жалб қилинаётган ишчи кучини кескин қисқартириш мумкинлиги исботлаб берилган.

Айниқса, диссертациянинг актуаллиги ва илмий жиҳатдан янгилиги тадқиқ этилаётган қиймат қонунидан баҳо белгилашда фойдаланишдир. Муаллиф бунинг учун Андижон областидаги 100 та колхоз маълумотини мужассамлаштириб, 1983 йилда қабул қилинган пахта баҳосининг нотўғри эканлигини исботлашга ҳаракат қилди ва бу тўғрида ўз фикрини билдирди.

У ҳозирги пайтда «Қиймат қонуни ва урдач колхоз ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш» деб номланган монографиясини тайёрлаб нашр этириш ҳаракатида юрибди.

## АВАЗ АВЛИЁҚУЛОВ

1945 йил 8 июлда Бойсун районининг Тўда қишлоғида туғилди. 1961 йил ўрта мактабни муваффақиятли тугатди. 1962 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди. 1967 йилда институтни муваффақиятли тугатиб, Сурхондарё область, Гагарин районига йўлланма олди. Аваз ўз билимларини ҳаётга тадбиқ этиш учун Гагарин районидagi «Янгиобод» совхозида агрономлик қилди.

1970—71 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг



Мелиорация ва сугориш кафедрасида илмий ходим бўлиб ишлаб бошлади.

Унинг қишлоқ хўжалигига бўлган қизиқиши илмий изланишларга чорлаб, 1971 йилда шу кафедрада аспирантуранинг кундузги бўлимида ўқишни давом эттирди. Аваз аспирантурада ўқиб юрган пайтларида «Ингичка толали ғўза навларини сугориш» темаси устида иш олиб борди. У илмий изланишни Гагарин районидаги «Советобод» ва А. Набиев номи совхоз далаларида тажрибада синай бошлади. Натижада бу изланишлар ўз самарасини берди. 1973 йил июль ойида Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий Советида ўз ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди.

У 1973 йили кафедрада лаборатория бошлиғи вазифасида ишлаб бошлади. Сўнг Сурхондарё область пахтачилик тажриба станциясига ишга келди. Тажриба станциясида катта илмий ходим, илмий котиб, мелиорация ва сугориш бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлади. У ҳозир Термиз район агросаноат Советининг раиси бўлиб хизмат қилмоқда. Шу кунгача А. Авлиёқуловнинг 30 дан ортиқ илмий мақолалари, 3 та брошюраси босилиб чиқди. «Ингичка толали ғўзани сугориш», «Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида маккажўхоридан юқори ҳосил олиш агротехникаси» сингари мақолалари Иттифоқ, республика қишлоқ хўжалиғи журналларида нашр этилди. Аваз Авлиёқулов ўз илмий тажрибаларини ошира борди. «Сурхондарё областида сугориладиган майдонларни гидромодуль районларга бўлиш ва қишлоқ хўжалик экинларини сугориш» номи китобини нашрга топширди.

Ҳозирги кунда А. Авлиёқулов бошчилигида А. Янгибоев «Сурхон-Шеробод чўлида маккажўхори донидан юқори ҳосил олишда сугориш режими», А. Ёдгоров «Ингичка толали ғўза навларини сугориш режими» деган темаларда иш олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, Ҳ. Эштемиров, А. Содиқов, С. Муслимов, Н. Авлиёқулов ва бошқа илмий ходимлар А. Авлиёқулов раҳбарлигида илмий тадқиқотларини қизғин давом эттирмоқдалар.

А. Авлиёқулов «Сурхон-Шеробод массивида пахта комплексидаги экинларнинг (ингичка толали пахта, маккажўхори, дон, силос, беда, уруғ, хашак) гидромодуль районларида сувга талаби» мавзuida илмий изланишни давом эттирмоқда. Гагарин районидаги А. Набиев номи, «Советобод», «Янгиобод» совхозларида, Ленин йўли районидаги Охунбобоев номи, Будённий номи, Шеробод районидаги У. Юсупов номи совхозларда, Ангор районидаги Куйбишев номи, Денов районидаги Охунбобоев номи колхоз далаларида илмий изланишлар олиб бормоқда.

## ҚУЛМАМАТ АВЛИЁҚУЛОВ

1940 йилда Бойсун районидagi Тўда қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. Қ. Авлиёқулов 1958 йилда Гагарин районидagi Абу Али ибн Сино номли 7-ўрта мактабни муваффақиятли тугатди. Сўнгра бир йил «Янгиобод» совхозида ишлади ва совхоз маъмурияти харақтеристикаси билан 1959 йил август ойида А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети тарих факультетининг 1-курсига қабул қилинди. Қ. Авлиёқулов 1959—1964 ўқув йиллари давомида СССР тарихи кафедраси қошида тарих тўғарагида профессор Ю. Н. Алекперов раҳбарлигида «Сурхондарё области ирригация тарихи ва унинг келажиги» ҳақидаги темада доклад тайёрлаб, университет студентларининг илмий-назарий конференцияларида иштирок этди. 1964 йили СССР тарихи кафедраси мудири, профессор Ю. Н. Алекперов раҳбарлигида «Сурхондарё областида ирригация қурилишлар тарихидан (1953—1969 йиллар)» деган темада диплом иши ёзиб, «аъло» даражада ҳимоя қилди. Шу даврдан бошлаб Сурхондарё области қишлоқ хўжалик тарихи билан қизиқиб, илмий изланишлар олиб борди. У 1964 йили сентябрь ойидан бошлаб район ва область газеталарида ўндан ортиқ мақоллар эълон қилди. Масалан, «Коммунистик жамият кишиларини тарбиялайлик», «Тарих дарсида ўқувчиларни атеистик руҳда тарбиялаш ҳақидаги мулоҳазалар», «Шеробод чўли — мўлкўлчилик кони», «Педагог — механизатор», «В. И. Ленин агитация ва пропаганданинг принциплари тўғрисида» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қ. Авлиёқулов 1968 йил сентябрь ойидаёқ Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институти марксизм-ленинизм кафедрасида ўқитувчи бўлди. Ҳар йили институт ўқитувчилари илмий-назарий конференцияларига қатнашди. У 1971 йил октябрь ойида В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил байроқ орденли Тошкент Давлат университети аспирантурасига қабул қилинди. У 1971 йил октябрдан 1974 йил июнь ойигача бўлган давр ичида ТошДУ тарих фанлари доктори, профессор А. С. Содиқов раҳбарлигида «Ўзбекистон меҳнаткашлари пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашда (1966—70 йиллар, Сурхондарё области мисолида)» деган темада номзодлик диссертацияси устида иш олиб борди. Шу йиллар ичида республика олий ўқув юртлири, Ўзбекистон ЛҚСМ ва ЎзССР Фанлар академияси, ТошДУ ва кафедранинг илмий назарий конференцияларида докладлар



қилди ва «Пахтачиликда техника тараққиёти», «Шеробод машъ-али», номли брошюралари турли нашриётларда чоп этилди. Бу рисоаларда Шеробод чўлида биринчи ташкил топган «Янги-обод» совхоз тарихини, пахтачиликни, чорвачиликни механизациялашда партия, совет ташкилотининг ролини кўрсатди. Қ. Авлиёқулов 1974 йил 20 июнда Тошкент Давлат университети олимлари Советида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бу илмий ишда яқин йиллар ичида республикамиз колхоз-совхозларида пахтачиликни комплекс механизациялаш ва шу асосида ҳосилдорликни янада кўлайтириш истиқболлари кўрсатиб берилди.

Ҳозиргача унинг республика матбуотида институт илмий тўпламларида 20 дан ортиқ мақолалари эълон қилинди. Бу мақолаларида Сурхондарё области пахтакорларининг пахтачилик тарихидаги роли, партия ва ҳукуратимизнинг аграр сиёсати қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилишида деҳқонларимиз ҳамда механизаторларимизнинг ватанпарварлик роли кўрсатилади.

Қ. Авлиёқулов айни кунларда Ойбек номидаги ТДПИ СССР ва умумий тарих кафедраси доценти ҳамда тарих-филология факультетининг декани вазифасида ишламоқда.

## МУҲАММАДҚУЛ АЗИМОВ

Муҳаммадқул Азимов 1951 йилнинг 26 декабрида Тожикистон ССР, Микоянобод районининг Бошчоробоғ қишлоқ Советига қарашли «Искра» колхозида туғилди.

1968 йилда Термиз районидagi «Октябрь 50 йиллиги» колхозида жойлашган Ушинский номи 15-ўрта мактабни тамомлаб 1969 йилгача Сурхондарё область босмахонасида аввал ҳарф терувчи, сўнг эса газетани саҳифаловчи бўлиб ишлади. 1969 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети кундузги

бўлимига ўқишга кириб, уни 1974 йилда битирди.

1974 йилдан 1976 йилгача «Ленин байроғи» область газетасида адабий ходим, 1976—77 йилларда шу газетанинг Гагарин ва Термиз районлари бўйича муҳбири, 1978 йилдан 1987 йил-



гача газетанинг катта мухбири, 1987 йилда газетанинг маданият бўлими мудури бўлиб ишлади.

М. Азимов ҳозир «Ленин байроғи» область газетасининг партия турмуши ва идеология бўлимини бошқармоқда. 1978 йилдан буён СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

М. Азимовнинг шеър, тақриз, очерк, лавҳа, публицистиканинг бошқа жанрларида битилган материаллари республика, область, район газеталарида, журналларда босилган.

М. Азимов университетда «Ҳофиз Шерозий ғазалларининг ўзбекча таржималари» мавзунда диплом ишини аъло баҳога ёқлаган эди. У газетада ишлаб юрган вақти мобайнида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети таржима назарияси кафедрасининг тадқиқотчиси сифатида, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов раҳбарлигида «Ҳофиз ва ўзбек адабиёти (таъсир, шарҳ, таржима)» мавзуидаги илмий ишини давом эттирди. Ўзбек, форс-тожик адабиётлари алоқалари ҳақидаги муаммоларни ўрганди. Биринчи бўлиб Ҳофиз Шерозий ижодиётининг ўзбек классик ва ўзбек совет адабиётига таъсири мавзуида иш олиб борди. М. Азимов илмий ишининг қиммати шундаки, унда биринчи марта Ҳофиз девонига усмонли турк тилига XVI асрда Судий, XIX асрда хоразмлик ижодкор Муҳаммад Яқуб Харрот, XX аср бошида татар таржимони Муса Жораси ўғли Бегиев томонидан ёзилган шарҳлар ҳам ўрганилган.

М. Азимов мазкур илмий ишда Ҳофиз ғазаллари ва уларни таржима қилиш проблемаларига тўхталади. Уларни ҳал этиш бўйича таржимонларнинг тажрибаларини уюштиради. Таржимонларнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида фикр юритади. Ҳофиз Шерозий ғазалларининг кенг оммага ёйилишида таржиманинг ролини кўрсатиб беради.

М. Азимов илмий иш юзасидан бир қанча мақолалар ҳам эълон қилди. «Бир ғазал таржимаси» (Таржима назарияси масалалари тўплами, Тошкент, 1977), «Меҳнат ва маҳорат баҳси» (Таржима назарияси масалалари тўплами, Тошкент, 1979), «Судий шарҳи — муҳим манба» (Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1982 йил, 3-сон), «Ҳофиз ва Ҳамза» (Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1982 йил, 2-сон) каби материаллари шулар жумласидандир.



1945 йилнинг 25 апрелида Сарисийё районидаги «Коммунизм» совхози, Қизилой қишлоғида туғилди. 1951—61 йилларда шу қишлоқдаги А. Рудакий номи 18-ўрта мактабда ўқиди. 1962 йилда Т. Г. Шевченко номи Душанбе Давлат педагогика институти чет тили факультетининг инглиз тили бўлимига ўқишга кирди. 1966—1970 йилларда шу институтда «Болалар ва педагогик психология» ихтисоси бўйича аспирантурада ўқиди. Аспирантурада ўқиб юрган даврида Совет Армияси сафида хизмат қилди.

«Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг проблемали масалаларни ечишида психологик имкониятлари (тожик тилининг орфография материали бўйича)» темасида номзодлик диссертациясини ёзди. Илмий ишни СССР Педагогика фанлари академиясига қарашли умумий ва педагогик психология илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим, психология фанлари доктори С. Ф. Жуйков раҳбарлиги остида тамомлади. Шу институтда 1974 йилда диссертацияни ёқлаб, психология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Ёзилган диссертациянинг тожик мактабларининг бошланғич синфлари учун аҳамияти катта. С. Алиев кўп йиллар давомида олиб борган психологик-педагогик экспериментал тадқиқотларида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар муаммоли масалаларни ечишда катта имкониятларга эга эканликларини исботлаб берди.

Шунингдек, она тили дарсларида бошланғич синфлардан бошлаб, проблемали таълимни жорий этишни мақсадга мувофиқ ва самарали эканлигини кўрсатди.

С. Алиев диссертациясида ҳамда бошқа илмий-методик мақолаларида таълим-тарбияни ривожлантириш хусусида сўз юртади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, проблемали таълим ўқиш жараёнининг янада самарали ва ижодий бўлишида, ўқувчиларнинг қобилиятларини тараққий эттириш ҳамда фикрлаш фаолиятларини активлаштиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўқувчилар она тилининг орфография ва грамматикасини осон ўргандилар.

Улар тил операцияларини аниқ англаш кўникмаларига эга бўлиб, уларни муаммоли масалаларни ечиш жараёнида тўғри ишлатадилар. Муаллиф ана шу масалалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борапти.

У 1971 йилдан Т. Г. Шевченко номи Душанбе Давлат педа-

гогика институтининг психология кафедрасида ўқитувчи, 1977 йилдан доцентидир.

С. Алиевнинг 20 дан ортиқ илмий-методик мақолалари ва тезислари эълон қилинган.

## ЯХШИБОЙ АЛИМОВ

1943 йил 24 майда Денов районидagi Охунбобоев номли колхознинг Номозгоҳ қишлоғида, колхозчи-деҳқон oilасида туғилди. 1960 йилда шу колхозда жойлашган Ленин номли 33-сон ўрта мактабни тугатди. 1961 йилда Тошкент Давлат чет тиллар институти қошида очилган кечки 6 ойлик тайёрлов курсига ўқишга кирди ва институтнинг инглиз тили факультетига қабул қилинди. Студентлик даврида у группа старостаси, факультет физкультура ва спорт секциясининг раҳбари сифатида жамоатчиликка тезда танилди. Натижада 1964



йили Бутуниттифоқ кроссда, яъни «Правда» газетасининг соврини учун ўтказилган Москвадаги мусобақада қатнашиб, етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Унинг бу муваффақиятлари Москвада нашр этиладиган «Енгил атлетика» журналида ёритилган.

1966 йили инглиз тили ўқитувчиси, тўлиқсиз ўрта мактаблар учун ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги дипломини олиб, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги йўлланмаси билан Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди. 1966 йилдан 1972 йилгача инглиз тили кафедрасининг катта ўқитувчиси, сўнгра 1973 йилдан бошлаб фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаб бoшлади. У КПСС аъзосидир. Яхшибой Алимов 1975 йили В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети этика, эстетика ва илмий атеизм кафедрасида аспирантурага қабул қилиниб, таниқли олим, философия фанлари доктори Тилаб Маҳмудов раҳбарлигида илмий иш олиб борди. Аспирантурани битириб келгач, табиёт факультети партия ташкилотининг секретари, 1985—1988 йиллар давомида институт партбюроси аъзоси сифатида жамоат ишларини олиб борди.

У 1980 йилдан буён философия кафедраси қошида очилган «Эстетикада ёш лекторлар маҳорати» мактабида раҳбарлик қилмоқда. 1984 йили Тбилиси Давлат университети қошидаги мутахассислашган фалсафа фанлари илмий Советида фалсафа фанлари номзоди деган илмий даражани олиш учун «Социалис-

тик реализм санъатида инсон концепцияси» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мазкур ишда ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва санъати асарлари фалсафий-эстетик томондан анализ қилинган.

Илмий иш билан шуғулланган вақтдан бери 5 та брошюра, 12 та тезис ва мақола, битта монографияси эълон қилинган. 1988 йили илмий раҳбари Тилаб Маҳмудов билан бирга ёзган унинг «Ўзбекистон санъатида инсон омили» номли монографияси Ғ. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп қилинди. Бу монография марксча-ленинча эстетиканинг актуал проблемаларига бағишланган. Китобада марксча-ленинча таълимотга асосланган ҳолда, ўзбек адабиёти ва санъати намуналари таҳлил қилинди. Унда социалистик реализм санъатида янги инсон концепциясининг шаклланиши, коммунистик эстетик идеалларининг ифодаланиши ва ижобий қаҳрамон образи тадқиқ этилган. Монографияда социалистик жамият кишининг маънавий қиёфасини ифодаловчи ўзбек адабиёти ва санъатининг етук асарлари фалсафий-эстетик, адабий-танқидий жиҳатдан кўриб чиқилган. Ўзбек ёзувчилари ва rassomларининг ўзбек совет санъати ленинномасига қўшган ҳиссалари ҳам умумлаштирилган.

## ҚУДРАТ АЛИМОВ



Қ. Алимов 1948 йилда Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли колхозда деҳқон оиласида туғилди.

Ўрта мактабнинг саккизинчи синфини М. Лермонтов номли 17-мактабни тугатиб, Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди ва 1967 йилда шу техникумнинг агрономия бўлимини тамомлади. Техникумда ўқиб юрган пайтларида унда спортга қизиқиш пайдо бўлди. Кунлардан бир кун Шаҳрисабз шаҳрида бир эълонга кўзи тушиб қолди. Унда самбо кураши билан шуғулланишни хоҳлаган ёшлар район

«Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятига келиб ёзилишлари мумкин, спорт секциясини СССР спорт мастери Х. Рўзиқулов олиб боради, дейилган эди. Қ. Алимов янги ташкил этилаётган самбо кураши секциясига қабул қилинди. Кўп ўтмай тренери Х. Рўзиқулов уни Ўзбекистон терма командасига олиб кетди. Шундан сўнг самбо секцияси ҳам тарқаб кетди. Районда эркин кураш секциясини СССР спорт мастери Ражабали Бобоёров олиб борар эди. Шу секцияга қатнай бошлади. Курашга бўлган қобили-



яти билан тезда кўзга кўринди. Техникумда ўқиб юрган кезлардаёқ бир неча марта Қашқадарё области чемпиони, 1967 йили Бухорода ўтказилган мусобақада «Пахтакор» спорт жамиятининг республика биринчилигини олди. Бунда биринчи бор республика чемпиони унвонига эга бўлди. Техникумни тугатгач, тугилиб ўсган жойи Жарқўрғон районига келиб, Н. К. Крупская номли ўрта мактабда физкультура ўқитувчиси бўлиб ишлади. Бир йил ўтгандан кейин, спортга бўлган қизиқиши уни Ўзбекистон Давлат физкультура институтига етаклади. 1968 йил шу институтга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, спорт факультетининг кураш бўлимига қабул қилинди. 1972 йили шу институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Термиз физкультура техникумига ишлаш учун йўлланма олди. 1972—1974 йиллар шу техникумда жисмоний тарбия тарихи назарияси ва методикаси фанларидан дарс берди. 1974—1975 йиллар совет армияси сафида хизмат қилди. Хизмат чоғларида ҳам касби бўйича иш олиб борди. Қисмда офицер ва солдатларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда катта ишлар олиб борди. Спорт секциялари ташкил этди, спорт мусобақалари уюштирди. Институтда ўқиб юрган даврида илмий иш қилишга иштиёқ пайдо бўлди. Армия хизматидан сўнг, Термиз Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия кафедрасига ўқитувчи бўлиб келди. Кафедрада бирорта илмий даражага эга бўлган ўқитувчи йўқ эди. 1978 йил Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти аспирантурасига қабул қилинди. Маълумки, республикада жисмоний тарбия ва спорт бўйича илмий кадрлар бошқа соҳаларга нисбатан жуда кам бўлиб, жисмоний тарбия назарияси, методикаси, ташкилий ишлари ва унинг педагогикаси ҳали тўла ўрганилмаган эди. Фақатгина бир неча санокли ишларгина жисмоний тарбия тарихига бағишланган эди, холос.

К. Алимов Иттифоқдаги ва республикадаги жисмоний тарбия бўйича ишларни ўрганиб, ўзининг номзодлик диссертациясини ҳунар-техника таълими ўқувчиларининг меҳнат ва жисмоний тарбияга боғлиқлиги масалаларига бағишлади. Бу ишларни амалга оширишда илмий раҳбарлари, педагогика фаилари доктори, профессор Э. Чориев ҳамда биология фанлари номзоди, доцент, жисмоний тарбия лабораторияси мудири Т. Усмонхўжаевнинг маслаҳатлари катта аҳамият касб этди. Республиканинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё областларида тажрибалари оммалаштирилиб, суҳбатлар ва социал-тадқиқотлар ўтказилди. Бу қилинган ишлар эксперимент ўтказиш ишлари билан боғлаб олиб борилди. Диссертация материаллари Тошкентда методик қўлланма сифатида «Ўрта ҳунар-техника ўқув юртлари жисмоний тарбиясида жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарликни контрол қилиш» деган номда эълон қилинди. Москвада чиқадиган «Теория и практика физической культуры» журнали «Меҳнат ва жисмоний тарбиянинг ПТУларда алоқаси тўғрисида», «Совет мактаби» журналида «Ҳунар ва жисмоний тарбия тўғрисида» каби мақолалари ёритилди. 1988 йили

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги махсус илмий совет диссертацияни қабул қилиб, тақриз учун СССР Педагогика фанлари академиясининг Бутуниттифоқ ҳунар-техника педагогикаси илмий-тадқиқот институтига юборди. Бу ерда ишга ижобий баҳо берилди. 1988 йил 26 сентябрда у номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Қудрат Алимов 1989 йилдан жамоатчилик асосида Сурхондарё область физкультура ва спорт комитети илмий-методик советининг раиси, Ўзбекистон физкультура ва спорт комитети қошида тузилган социологик тадқиқотлар комиссиясининг аъзоси ҳамдир.

Қ. Алимовнинг 19 та илмий ва илмий-методик мавзудаги мақоласи эълон қилинган.



## РАҲМАТУЛЛА АЛИМАРДОНОВ

1939 йил 20 декабрда Денов районида, ишчи оиласида туғилди. 1957 йилда Денов район марказидаги Охунбобоев номли ўрта мактабни битирди. 1957 йилда Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирди.

У биринчи курс студентлигидан бошлаб институтни битиргунга қадар институт комсомол ташкилотининг бюро аъзоси ва факультет комсомол ташкилотининг секретари вазифаларида ишлаб келди. 1960 йилдан бошлаб В. И. Ленин номидаги стипендияни олиб ўқиди.

Биринчи курсни битиргандан сўнг ўз аризасига биноан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга қатнашиш учун комсомол йўлланмаси билан Қозоғистон республикасининг Акмоленск (ҳозирги Целиноград) областига бориб у ерда галла йиғиштиришда актив иштирок этди ва СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда қатнашгани учун» медали билан тақдирланди.

1962 йилда институтни имтиёзли диплом билан битиргач, ўзи тугатган институтда ишга қолдирилди. 1962—63 йиллар давомида ўша институтда дарс бериш билан бирга Ўзбекистон телевидениеси орқали рус ва ўзбек тилларида инглиз тилидан машгулотлар олиб боришда қатнашди. 1963 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. 1965 йили ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Деновдаги Й. Охунбобоев номли ўрта мактабда инглиз тилидан дарс бера бошлади, айни пайтда мактаб комсомол ташкилотининг секретари вазифасига ҳам сайланди.

Инглиз тили сирларини янада чуқурроқ ўрганишга бўлган интилиши уни шу йилнинг охирларида Термиз Давлат педагогика институтига бошлаб келди. У янги ташкил этилган чет тиллари бўлимида инглиз тилидан дарс бера бошлагани. 1965—66 ўқув йилида институт комсомол ташкилотининг секретарлиги вазифасига сайланди ва студентлар ўртасида комсомол ишларини амалга оширишда жон куйдириб меҳнат қилди. 1969 йилдан КПСС аъзолигига қабул қилинди.

1969—72 йилларда институтнинг инглиз тили кафедрасига мудирилик қилди. 1972 йили инглиз тили бўйича илмий иш қилиш ниятида Москвага йўл олди. 1974 йилгача Москва Давлат чет тиллар педагогика институтида тадқиқотчи стажёр бўлиб ишлагани. 1974—77 йилларда шу институтда аспирантурада ўқиди. 1978 йилнинг март ойида ўша институт қошидаги илмий Советда «Жанубий инглиз тили талаффузида гапнинг урғу структураси» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1977 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтининг чет тиллар кафедрасида катта ўқитувчи, 1979 йилнинг март ойидан бошлаб кафедра мудири вазифасида ишлагани. 1978 йилнинг сентябридан бошлаб институтнинг сиртқи бўлими бўйича проректор лавозимига сайланди. Уша йили институт партия бюросининг аъзоси қилиб тайинланди. У проректор сифатида сиртдан ўқиётган студентларнинг ўқув тарбиявий ишлари ва илмий-назарий масалаларига жиддий эътибор берди.

У 1983 йилнинг октябрь ойидан бошлаб ўқув ишлари бўйича проректор лавозимига тайинланди.

Доцент Р. Алимардонов 20 га яқин илмий мақолалар авторидир.

## **ХУРРАМ АЛИМУРОДОВ**

1940 йил 14 мартда Жарқўрғон район, Ангор қишлоғида туғилди. 1954 йилда Ангор посёлкасидаги Карл Маркс номи мактабнинг 7-синфини битириб, Термиз шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1958 йилда ўқишни аъло баҳолар билан тугатгач, 1960 йили Жарқўрғон районидаги 33-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

У 1960 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультети, ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди. Университетда ўзбек тилшунослиги фанининг



билимдони, Иттифоқ миқёсида таннилган олим, профессор Аюб Гуломовнинг сермазмун лекцияларини тинглади ва тил илмига бўлган ихлоси янада ортди. Шу йилларда студентларнинг илмий-назарий конференцияларида ўзининг мазмунли докладлари билан актив қатнашди.

У 1965 йил 19 майда факультет илмий Советида «Ўзбек тилида кўмакчилик бошқарув» темасидаги диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Сўнгра Сурхондарё область, Ангор райони марказидаги «Партия XXII съезди» мактабида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида педагоглик фаолиятини яна давом эттирди. 1966 йилнинг июлида область халқ маорифи бўлимининг буйруғи билан Жарқўрғон райОНОси ихтиёрига юборилди ва 1968 йил августигача шаҳардаги А. Навоий номи 7-ўрта мактабда тил-адабиёт ўқитувчиси ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлади.

Бўлажак олим мактабда ишлаб юрган кезларидаёқ тилшуносликнинг энг оғир соҳаларидан бири — диалектологияга қизиқди ва кўпгина қишлоқларда бўлиб, халқнинг жонли сўзлашув нутқини йиғди. Бу иштиёқ Ҳуррам Алимуродовни институтга етаклади.

1969 йилда у конкурс орқали ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи бўлиб ўтди ва шу кунгача «Ҳозирги замон ўзбек тили», «Ўзбек диалектологияси» курсидан мароқли лекциялар ўқиб келмоқда.

У 1968 йилдан КПСС аъзоси бўлиб, 1971—75 йилларда институтда сиртқи бўлим декани ўринбосари вазифасида ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг аспирантурасида ўқиди ва филология фанлари номзоди, доцент Қарим Назаров раҳбарлигида «Қуйи Сурхондарё ўзбек қипчоқ шеваларининг морфологияси (от ва феъл)» деган темада иш олиб бориб, 1982 йил 27 сентябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий Советида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу илмий иш Сурхондарё область шевалари морфологиясини монографик планда ўрганишга қаратилган муҳим тадқиқот бўлиб, ўзбек шеваларини ўрганишга қўшилган муҳим ҳисса эканлиги расмий ва норасмий оппонентлар ЎзССР Фанлар академиясининг академиги Ш. Шоабдураҳмонов, профессор А. Шерматов, профессор Ф. Абдуллаев, филология фанлари номзодлари С. Отамирзаева, Ш. Носиров, Ж. Омонтурдиевлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Сурхондарё шевалари бўйича республика ва иттифоқ миқёсидаги журналларда унинг «Сурхондарё область қўнғирот шеваларида — лар аффиксининг маънолари», «Сурхондарё область қўнғирот шеваларида кўплик категорияси», «Ўзбек тилининг қўнғирот шеваларига хос бўлган айрим аффиксларнинг семантик хусусиятлари», «Қуйи Сурхондарё шеваларида аффиксация усули билан сўз ясалиши», «Об одной форме множественности

и нижнесурхандарьинском говоре узбекского языка», каби кўп-лаб мақолалари эълон қилинди.

Ҳозирги кунда Ҳ. Алимуродов «Қуйи Сурхондарё ўзбек қичоқ шеваларининг морфологияси» номли монографиясини чиқариш арафасида турибди. У Сурхондарё область шеваларини кенгроқ планда тадқиқ қилиб, областнинг диалектологик атласини тузиш ишлари билан машғул.

Филология фанлари номзоди Ҳ. Алимуродов айни кунларда ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти ва институт касаба союз ташкилотининг раисидир.

## МАМАН АЛИҚУЛОВ

1939 йил 2 ноябрда Жарқўрғон район, «Социализм» колхозининг Минор қишлоғида дунёга келди. 1953 йили Н. Крупская номли 4- мактабнинг 7-синфини «аъло» баҳолар билан тугатди.

1954 йил Термиз педагогика билим юртига ўқишга кирди. У ўзининг аъло ўқиши, жамоат ишларида актив иштирок этиши билан ўртоқлари ва ўқитувчилари орасида катта ҳурматга эга бўлди. Маман 1957 йили Термиз шаҳридан Совет Армияси сафига чақирилди. 1959 йили хизматдан қайтиб, 1960 йили Жарқўрғон районидаги А. С. Макаренко номли мактаб қошидаги кечки ёшлар мактабини тамомлади.

М. Алиқулов 1960 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-география факультетига ўқишга кирди ва 1965 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Институтни битириб, тарих-география мутахассислигини эгаллади. Шундан сўнг у Жарқўрғон районидаги Ленин йўли номли 49-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб бошлади.

У 1966—67 йиллари Жарқўрғон районидаги Гафур Гулом номли мактабда мактаб директорининг ўқув ишлар бўйича ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. 1968 йилнинг январидан Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг тарих-география кабинети мудирини бўлди. 1968 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг КПСС тарихи кафедрасида ўқитувчи сифатида ишга таклиф қилинди. 1973 йил катта ўқитувчи этиб тайинланди.


М. Алиқулов 1979 йил 24 майдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, тарих институти, шаҳарлар тарихи сектори



мудир, тарих фанлари доктори, профессор Ғуломқодир Рашидов раҳбарлигида «Социалистик Термиз шаҳар тараққиёти тарихи (1946—1976)» деган темадаги илмий ишини ҳимоя қилди ва тарих фанлари номзоди деган унвонни олди.

У ҳозирги кунда Термиз тарихи бўйича монография ёзмоқда. 1968 йилдан буён КПСС аъзоси. «Термиз шаҳрининг sanoat ва маданий тараққиёси», «Совет ёшларини ғоявий идеаллар асосида тарбиялаш», «Миллий тараққиёт ва миллий муносабатлар» деган мавзуларда брошюралари эълон қилинган.

Тадқиқотчининг ўз темасига доир 20 дан ортиқ мақолалари илмий тўпламларда, республика, область матбуотида эълон қилинган. М. Алиқулов 1984 йилдан бошлаб М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ КПСС тарихи кафедрасининг мудир вазифасида ишляпти. 1971 йилдан ҳозирги кунгача у рус тили ва адабиёти факультети бошланғич партия ташкилотининг секретари вазифасини бажариб келмоқда. 1987 йилда унга Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси деган унвон берилди.



## ЧОРИ АЛИҚУЛОВ

1945 йил Шўрчи район, Гагарин совхозида ишчи oilасида туғилди. 1961 йил шу совхоздаги Жданов номли мактабни битирди. Сўнг шу совхознинг 7-автобазасида электрик бўлиб ишлади. Ч. Алиқулов ёшлигида шифокор бўлишни орзу қилар эди. 1962 йил шу орзуси рўёбга чиқди ва Самарқанд Давлат медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. У институтда астойдил ўқиди. 1968 йили бу ўқув юртини битириб, йўлланма билан Сурхондарё область Гагарин районидаги А. Набиев номли пахтачилик совхозига ишга юбо-

рилди. Бу ерда 1976 йилгача бош врач вазифасида ишлади. Ишлаб юрган вақтларида фан билан шуғулланишни орзу қиларди, бу қизиқиш студентлик йилларидан бошланган эди. Чўлда эса шароит ҳали мавжуд эмас. Шу йили у Самарқанд шаҳрига кўчиб борди ва иммунология, токсикология соҳаси билан шуғуллана бошлади. Унинг танлаган темаси биологияга боғлиқ эди, шу сабабли 1977 йили С. Айний номидаги Самарқанд педагогика институтининг биология факультетида сиртдан ўқий бошлади. Шу йилнинг октябрь ойида ТошМИ нинг кундузги аспирантурасига кирди. Аспирантурани битиргач, 1981 йилда профессор

Т. Искандаров раҳбарлигида «Заҳарли химикатларнинг одам ва ҳайвонлар организмга таъсири» деган темада илмий ишини тугаллади. Шу йили медицина фанлари номзоди илмий даражасини олди. У 13 га яқин мақолалар 2 та методик қўлланмалар автори. У ўз мақолаларида дунёдаги заҳарли моддаларга қарши қандай курашса бўлади, уларни қандай йўқотиш лозим, деган саволларга жавоб беради. У 1981 йилнинг охирларида ТошМИдан Самарқанд мединститутига ишга юборилди. Ч. Алиқулов ҳозир Самарқанддаги 1-шаҳар клиник касалхонасида терапия бўлимида бош врач бўлиб ишлаб келмоқда.

## ИСМОИЛ АЛЛАҚОВ

1950 йил 22 сентябрда Термиз районидagi Болдир (ҳозирги Гагарин районидagi Болдир темир йўл станцияси яқинида) қишлоғида колхозчи-деҳқон оиласида туғилди. Термиз районидagi М. Шайхзода номли мактабда ўрта маълумот олди.

1967 йилда А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди ва 1972 йилда ўқишни тамомлаб, Термиз Давлат педагогика институту математика кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга келди.

У бу даргоҳда дарс бериш билан бирга илмий изланишлар ҳам олиб борди. 1976 йилда В. И. Ленин номидаги ТошДУ қошида малака ошириш факультетида ўқиди. 1976 йил декабридан 2 йил давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳисоблаш марказий кибернетика институту «Тақрибий интеграллаш назарияси» лабораториясида илмий стажировкада бўлди. Ана шу даврдан бошлаб у машҳур Гольдбахнинг бинар проблемасига доир илмий изланишлар билан шуғулланди. Маълумки, бу проблема 1752 йилдаги Эйлер ва Гольдбахнинг ёзишмаларида бўлиб, уни ҳозирги замон математикасида қуйидагича ифодалаш мумкин: «Ҳар қандай жуфт натурал сонни иккита туб тоқ сон йиғиндиси шаклида ифодалаш мумкин». Бу проблема билан ўнлаб чет эл, совет олимлари, жумладан И. М. Виноградов, Ю. Линник, Эстерман, Г. Чудаков, А. Ф. Лаврик ва кўпгина бошқа олимлар шуғулланганлар. Лекин шунга қарамасдан Гольдбах проблемаси ҳозиргача тўла ҳал этилган эмас.

И. Аллақовнинг асосий илмий изланишлари (Гольдбах



проблемаси бўйича жуфт натурал сонлар тўпламидаги элементлар сонини баҳолашга бағишланган. У бу соҳадаги изланишларни 1978—1981 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг В. И. Романовский номи Мактаб институти аспирантурасида ҳам давом эттирди. Ишга катта илмий ходим М. И. Исроилов ва профессор А. Ф. Лавриклар илмий раҳбарлик қилишди. И. Аллаков томонидан олинган илмий натижаларга ленинградлик А. В. Малишев, Б. Ф. Скубенко, А. И. Виноградов, москвалик А. А. Қарацуба, А. И. Архипов, куйбишевлик Б. М. Бредихин каби профессорлар яхши баҳо бердилар.

И. Аллаков олиб борилган илмий ишларнинг якуни сифатида 1983 йилда Ленинград Давлат университетида номзодлик диссертациясини ёқлади. И. Аллаковнинг илмий изланишлари фақат Гольдбахнинг бинар проблемасига бағишланган бўлиб қолмасдан, балки, унинг аналитик сонлар назариясининг бошқа муҳим соҳаларига: хусусан, бўлувчилар сонини ифодаловчи функцияни юқоридан баҳолашга, арифметик прогрессиядаги туб сонлар бўйича тригонометрик йиғиндиларни баҳолашга бағишланган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг 10 тадан ортиқ илмий мақолалари республика ва Иттифоқ миқёсидаги журналларда эълон қилинган.

Физика-математика фанлари номзоди И. Аллаков ҳозирги вақтда Термиз Давлат педагогика институти математика кафедрасининг катта ўқитувчиси, шунингдек, математик анализ ва эҳтимоллар назарияси кафедрасини ҳам бошқариб келмоқда.



## ФАИНА АРСЛОНОВА

1938 йил Термиз шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1954 йил Карл Маркс номи мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, шу йил А. Навоий номи Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ҳужжат топширди. Қириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди. Студентлик йилларида ҳам илмий ва назарий конференцияларга фаол қатнашди. У 1959 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатди. Сўнгра 1960 йили М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди. Ф. Арслонова

1967 йилгача шу институт катта ўқитувчиси бўлиб ишлади. У 1971 йилда аспирантурага кирди. У «Русча объектли



аниқловчи эргаш гапнинг ўзбек тилидаги мувофиқлиги» деган темада илмий иш олиб борди. Унинг ишига филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов илмий раҳбарлик қилди. Бу проблема ўзбек мактабларидаги рус тили ўқитувчилари учун назарий ва амалий аҳамиятга моликдир.


Бинобарин, бу таржимон ва илмий ходимлар учун ҳам жуда зарурдир. Рус тилидаги объектли аниқловчи эргаш гаплар ўзбек тилидаги эргаш гап билан қиёсий планда биринчи марта тадқиқ қилинмоқда. Ушбу тадқиқотда турли системадаги объектли муносабатларнинг типологик характеристикаси жуда тўғри баён қилинган.

Унинг мазкур проблемада йигирмадан ортиқ мақоласи чоп этилган. Бунга «Тўлдирувчи эргаш гап — что? боғловчиси ва унинг ўзбек тилидаги таржимаси», «Тўлдирувчи эргаш гап — как? боғловчиси билан унинг ўзбек тилидаги эквивалентлари», «Эга ва кесими эргашган гапларнинг рус ва ўзбек тилларидаги аҳамияти», «Русча тўлдирувчи эргаш гапнинг ким, нима боғловчилари ва уларнинг ўзбек тилидаги ишлатилиши», «Боғловчи ва боғловчи сўзларнинг функцияси», Рус ва ўзбек тилларидаги эргашган қўшма гап» каби мақолаларни мисол қилиб келтирсە бўлади. Ҳозирги кунда Ф. Арслонова «Ўзбек ва рус тилларида кетма-кет эргаш гапли қўшма гаплар» деган темада илмий ишнинг давом эттиришмоқда. 1975 йилдан институтнинг рус тили кафедрасида ишлай бошлади. У ўзининг фикри теранлиги билан коллектив ўртасида ҳурмат қозонди ва конкурс орқали рус тили кафедраси мудури вазифасига сайланди.

## МУЗАФФАР АРАМОВ

1953 йил 17 августда Термиз район Паттакесар қишлоқ Совети территориясида туғилди. 1968 йилда М. Горький номи 6-ўрта мактабни тугаллаб, Термиз Давлат педагогика институтининг биология ва химия факультетига ўқишга кирди. Институтни муваффақиятли тугатгач, 1973—1976 йилларда Термиз райондаги Карпов номи 44-мактабда биология ва химия фанларидан дарс берди.

1976 йил 25 январда Ўзбекистон сабзавот, солиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институти қошида ташкил этилган аспирантурага ўқишга кирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзо-



ди Е. Ермалова унга илмий раҳбар этиб тайинланди. Илмий раҳбарнинг таклифига кўра Музаффар Арамов «Помидорнинг машинабоп навлари селекцияси» темаси устида иш бошлади. Кейинчалик илмий раҳбарлик ишига СССР Давлат мукофоти лауреати, биология фанлари доктори, профессор, ВАСХНИЛ академиги В. Алпатыев ҳам жалб қилинди. 1977—1979 йиллар давомида мамлакатимизда яратилган ва чет эллардан келтирилган юздан ортиқ навни синовдан ўтказилди. Улардан энг истиқболли навлар ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишга ва селекция ишларида фойдаланишга тавсия этилди.

Музаффар Арамов илмий раҳбари Ермалова билан ҳамкорликда ўрта нав яратди ва уни давлат нав синаш комиссиясига топширди. Ана шу навлардан бири — «Прогрессивный»-202 1963 йилдан, «Ўзбекистон»-178 эса 1984 йилдан бошлаб районлаштирилди ва ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди. Комбайн билан бир марта териб олишга мослашган «Ўзбекистон»-1 нави синовдан ўтмоқда.

Илмий ишнинг яна бир бўлими республикамиз иқлимий шароитидан фойдаланиб, селекция ишларини тезлаштиришга бағишланган.

У қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Т. Зиминова билан ҳамкорликда ишлаб, бир йил давомида помидорнинг уч навини олиш методикасини ишлаб чиқди. Бунда, биринчи нави январь-июнь ойларида республикамиз шаронтида олинади. Иккинчи нав июнь-сентябрь ойларида олинади. Учинчи нав эса қиш фаслида — сентябрь-декабрь ойларида Куба республикасида етиштирилади.

Бу эса, селекция ишларини 2—3 марта тезлаштиришга ёрдам беради.

У 1981 йили Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган махсус илмий советда диссертация ёқлади.

М. Арамов 1980 йилнинг 6 февралидан бошлаб кичик илмий ходим, 1981 йилнинг февралидан бошлаб Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё лабораториясида катта илмий ходим вазифасида ишламоқда. Ҳозирги вақтда сабзавот экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларини яратиш, область шароитида селекция ишларини тезлаштириш устида тажрибалар ўтказмоқда.

Иттифоқ ва республика нашрларида унинг 17 та илмий мақоласи эълон қилинган.

## САИДУҲАММЕД АҲМЕДОВ

1930 йил август ойида Турк-министон ССР, Тошовуз область, Тошовуз районида жойлашган «Олтин» қишлоғида, ўқитувчи оиласида туғилди. Етти ёшли Саидмуҳаммед Аҳмедов ота-онисидан ажралиб, қариндош-уруслари қўлида тарбияланди.

У болалиғиданоқ илмга қизиқар, мактабда аъло баҳоларда ўқирди. Саидмуҳаммед ўқиш билан бир қаторда мактабда олиб бериладиган ижтимоий ишларга, алоҳида иншоерлар ишларига, ўқиндан бўли вақтларида фронт учун нахта, дон, гўшти ва бонқи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда актив қатнашар эди.

У 1945 йили савказинчи синфин битказиб, Тошовуз шаҳридаги ўқитувчилик институти қошида очилган тайёрлов курсига ўқини кирди. Курсни муваффақиятли тугаллаб, 1946 йилининг сентябрь ойида ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими студенти бўлди. Институтда ўқиб юрган кезларида Ленин комсомоли сафига қабул қилинди. Институт комсомол бюросида ҳарбий секторлик вазифасида иш олиб борди ва институт комсомоли ҳамда ректорат томонидан бериладиган топишиқларни актив бажарди. Унинг аъло баҳолар билан ўқинини ва жамоат ишларига актив қатнашганини ҳисобга олиб, институт ректорати уни В. И. Ленин номли стипендияга тавсия қилди.

1948 йили институтни тамомлаб Тошовуз шаҳар маориф бўлимига ишга жўнатилди. У шу шаҳарнинг 2-мактабида бир вақтнинг ўзида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1955—1958 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатиб, олий маълумотли дипломга эга бўлди.

1960 йили октябрь ойида у Меҳнат Қизил байроқ орденли А. И. Герцел номидаги Ленинград Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасида аспирант бўлиб хизмат қилди. Сўнг йирик педагог олим, СССР Педагогика фанлар академиясининг мухбир аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор Ш. Ганелин раҳбарлигида «Ижтимоий-фойдали меҳнат жарасида ўқувчиларни социалистик ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» темаси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди ва 1966 йили шу тема юзасидан номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди деган илмий унвонга сазовор бўлди.



Аспирантура муддати тамом бўлгандан кейин Ашхобод шаҳрига қайтди. У ерда шаҳар халқ маорифи бўлимнинг педагогика кабинетида меҳнат ва политехника таълими методисти бўлиб ишлаш билан бир қаторда Ашхобод шаҳар педагогика билим юрти студентларига дарс берди. У 1965 йилнинг июнь ойида Самарқанд кооператив институтининг Ашхободдаги филиалида, илмий коммунизм ва фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи, 1968 йил бу филиал ёпилиши муносабати билан Туркменистон Давлат политехника институтининг фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

1970 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги йўлланмаси билан Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди.

У дастлабки йилларда педагогика ва психология кафедрасида катта ўқитувчи, 1974 йилнинг март ойидан бошлаб эса шу кафедранинг мудирини бўлиб ишлади. 1974 йили С. Аҳмедовга СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси педагогика тарихи ва педагогика назарияси соҳаси бўйича доцентлик унвонини берди.

У 1978 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон халқ маорифи министрлигининг фармонида биноан докторлик диссертациясини ёзиб тугаллаш мақсадида катта илмий ходим лавозимида ўтказилди.

С. Аҳмедов институтнинг катта илмий ходими сифатида «Ижтимоий-фойдали фаолият жараёнида юқори синф ўқувчиларини интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг факторлари» проблемаси бўйича докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу иш якунланиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги мутахассислаштирилган Советда ҳимояга қабул қилинди.

Ҳозирги кунга қадар доцент С. Аҳмедовнинг ёзган илмий ва методик мақолалари 60 тадан ошиб кетди. Иккита мақола-си Германия Демократик Республикасининг педагогик журналларида эълон қилинди.

Доцент С. Аҳмедовнинг докторлик диссертацияси темаси юзасидан «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 2 босма тобоқ ҳажмида 1982 йили битта брошюра, 1986 йили 4 босма тобоқ ҳажмида ўқув-методик қўлланма чоп этилган.

1946 йил 3 сентябрда Бойсун районининг Дарбанд совхози территориясида деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1965 йилдан Гагарин районидagi «Комсомолобод» совхозида қурувчи бўлиб ишлашдан бошлады. 1967 йилдан Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетига ўқишга кириб, 1972 йилда уни тамомлади ва филолог-адабиётшунос мутахассислигини олди. 1972 йилдан 1974 йилгача Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан қайтиб



келигидан сўнг Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида музика ва эстетика кабинетини бошқарди. 1975 йилдан бошлаб М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти филология ва илмий коммунизм кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1977—1980 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти этика, эстетика ва илмий атеизм марксча-ленинча эстетика мутахассислигини бўйича аспирантурада ўқиди.

У 1986 йилда С. М. Киров номидаги Озарбайжон Давлат университети қошидаги илмий советда Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор С. Ш. Шермухамедов раҳбарлигида «Ўзбекистонда марксча-ленинча эстетика принципларининг қарор топиши учун ғоявий кураш тарихидан» мавзuida фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

Диссертацияда 1917—1936 йилларда Совет Ўзбекистонида марксча-ленинча эстетика ғояларининг тарқалиши, қарор топиши қонуниятлари ва хусусиятларини, бу соҳада Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини ёритиб берди.

У ўз ишида 20—30 йиллар шаронтида Ўзбекистонда мавжуд бўлган объектив-идеалистик, субъектив-идеалистик ва вულгар-социологик эстетик назарияларнинг илмий-танқидий таҳлилинн бериб, уларга қарши ғоявий курашда қандай қилиб марксча-ленинча эстетика принциплари қарор топганлигини баён этди.

Бунда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Акмал Икромов, Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Олим Шарафитдинов, Раҳмат Мажидий ва бошқа ўзбек совет адабиёти ва санъати, маданиятининг йирик вакилларининг фаолиятлари очиб берилди.

Шундай қилиб, Н. Бердиевнинг номзодлик диссертацияси Ўзбекистонда марксча-ленинча эстетик фикр тарихини танқид қилишда биринчи қадам бўлди.

Ёш олим ўзининг бир қанча мақолларида бу мавзунинг турли қирраларини ўрганишни давом эттирмоқда. Жумладан, унинг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг 1982 йил 5-сонига эълон қилинган мақоласида республикамизда эстетик фикр тарихини ўрганишга бағишланган мавжуд тадқиқотлар таҳлил қилиб чиқилган. Бу масалани ўрганишнинг ютуқ ва камчиликлари умумлаштирилган, илмий жамоатчилик олдида шу соҳада турган келгуси вазифалар белгилаб берилган.

«Ўзбекистонда эстетик фикр тарихини даврлаштириш» деган ишида эса автор энг қадимги даврлардан ҳозирги кунгача бўлган ўзбек халқи эстетик фикр тарихини даврларга бўлиб, уларга характеристика беради. Бу иш Ўзбекистонда узоқ тарихга эга бўлган эстетик фикр тараққиётини яхлит ўрганиш учун тайёргарлик иши сифатида муайян аҳамиятга моликдир. Олимнинг айрим илмий мақолалари ўзбек эстетик фикр тарихи тараққиётига муносиб ҳисса қўшган йирик мутафаккирлар, ёзувчи ва шонрлар фаолиятларини тадбиқ этишга бағишланган.

Чунончи, у адиб Собир Термизий ва Абдулла Қодирийларнинг эстетик қарашларини ёритиб берувчи мақолаларини эълон қилди.

Н. Бердиев республикамизда нашр этиладиган турли илмий-оммабоп, адабий-бадний журналлар, газеталар саҳифаларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий, эстетик, адабий-танқидий фикрлар тарихи масалаларига бағишланган китоблар, тадқиқотларга ёзилган тақризлар, танқидий мақолалари билан ҳам чиқиб турди.

Н. Бердиев ҳозир «Ўзбекистонда марксча-ленинча эстетик фикр тараққиёти» мавзуида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Олимнинг мақсади бу ишда Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан то ҳозирги кунгача марксча-ленинча эстетик фикр тараққиёти тарихи, қонуниятлари ва хусусиятларини илмий тадқиқ этиб беришдир.

Н. Бердиев илмий-тадқиқот ишини педагогик фаолият билан узвий қўшиб олиб бормоқда. У 1975 йилдан буён Термиз Давлат педагогика институтида диалектик ва тарихий материализм, марксча-ленинча эстетика ва этика, логика курслари бўйича лекциялар ўқиб, ёш талабаларни марксизм-ленинизм таълимоти билан таништириб келмоқда. Яхши лектор — нотик сифатида у ёшларга мазмунли лекциялар ўқийди, ҳар бир масалани ҳаётнинг конкрет вазифалари билан узвий боғлайди.

У дарсдан ташқари вақтида ёш талабалар, область ҳамда шаҳар меҳнаткашлари ўртасида катта тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боради.

Фалсафа фанлари номзоди Н. Бердиев қаламига мансуб 20 дан ошиқ рисола, 30 га яқин илмий ва илмий оммабоп мақолалар эълон қилинган.

## ЧОРИ БЕРДИЕВ

1934 йил 7 февралда Бойсун районидagi Работ қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. 1946—47 ўқув йилида қишлоқда юқори синфлар бўлмаганидан 6 км уюқда жойлашган Кофрун қишлоғидagi етти йиллик мактабда қатнаб ўқиди. Сўнгра Бойсун район марказидagi В. И. Ленин номи 1-ўрта мактабни янла бихолаб билан таъомилди.

У 1955 йили Бухоро Давлат педагогика институтининг физика математика факультетининг физика ва ишлаб чиқариш асослари бўлимига ўқишига кирди.

1960 йили шу ўрта мактабнинг физика ва ишлаб чиқариш асослари ўқитувчиси ихтисослигини олиб, Бойсун районидagi В. И. Ленин номи 1-ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Ч. Бердиев институтда олган назарий билимларини ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишига тадбиқ этиб, область халқ маорифининг мақтов ёрликларига сазовор бўлди.

У 1960—1970 йиллари район мактаблари физика ўқитувчилари кенгашларида, секция ишларида раҳбарлик қилиб, «Физика ўқитишида физика кабинетининг роли ва уни ташкил этиш», «Ўқувчиларнинг қизиқишини ва саводхонлигини оширишда кўргазма қуролларнинг роли», «Ўқув киносидан фойдаланиш тажрибалари», «Мактабда физикадан практикумни ташкил этиш ва унда қўлда ясалган қуроллардан фойдаланиш», Физикадан қўлда ясалган қуроллар асосида фронтал лаборатория ишларини ўтказиш» ва яна шу каби кўплаб докладлар қилди. Ўқувчиларнинг мустақил китоблар устида ишлашга доир кўпгина маслаҳатлари билан район ўқитувчилари орасида эътибор қозонди.

У Термиз Давлат педагогика институтининг математика кафедрасига кейинчалик физика кафедрасида умумий физикадан дарс берди. 1973 йилдан бери физика кафедрасининг катта ўқитувчиси. Ч. Бердиев 1972—1979 йилларда физика-математика факультетининг декан ўринбосарлиги вазифасини бажарди.



1974 йилдан Ўзбекистон Педагогика фанлар илмий-текшириш институтининг физика ўқитиш методикаси секторидида «Физика ўқитиш процессида ўқувчиларни илмий атеистик руҳда тарбиялаш проблемаси» деган темада илмий изланиш олиб борди ва педагогика фанлари доктори профессор Эшбой Турдикулов раҳбарлигида «Қишлоқ мактабларида физика ўқитиш процессида ўқувчиларни илмий атеистик руҳда тарбиялаш» темасида номзодлик диссертацияни ёзиб, 1987 йил июнь ойида Челябинск шаҳридаги педагогика институти илмий советида ҳимоя қилди. У мазкур илмий иши билан ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Табиатда содир бўлувчи турли-туман табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабабларини физика қонунларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларга тушунтириш, бунда тажриба экспериментлар ўтказиш табиат қўйнига экскурсиялар уюштирилиб илмий методлардан фойдаланиш йўл-йўриқлари кўрсатилди.

Ч. Бердиев мактаб физика ўқитувчиси физика қонуниятларини ўқитаётганда, ундан қандай қилиб атеистик хулоса чиқариш йўллари кўрсатиш билан дарсдан ташқари ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида олиб бориладиган атеистик ишларнинг методикасини ишлаб чиқди.

Унинг иттифоқ ва республикадаги матбуотида ўнлаб илмий-атеистик, ўқув методологик мавзудаги мақолалари эълон қилинган.

## ҚОДИР БЕРДИҚУЛОВ



1934 йил 12 майда Шеробод районининг Қамчибулоқ қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. 1953 йили мактабни тугатиб, 1954—1957 йиллар давомида Совет Армияси сафида хизмат қилди. 1959 йил Тошкент давлат медицина институтига ўқишга борди. У студентлик даврида суд-медицина, экспертиза тўғрракларига қатнашиб келди. 1965 йилда медицина институти-ни муваффақиятли тамомлади.

1965 йил июнь ойида Сурхондарё область суд-медицина иш-ни қайд қилиш борасида суд-медэксперт вазифасида ишлади.

1967 йилда Ереван шаҳридаги врачлар малакасини ошириш институтида 5 ойлик судмедэкспертлар тайёрлаш курсини тугатиб келди. 1970 йилда Ереван Давлат медицина институти



ҳузуридаги аспирантурага ўқишга кирди. Суд-медицина кафедраси мудири, профессор Б. Семёнов раҳбарлигида «Ўзбекистонда 11—19 ёшдаги ўзбек қизларининг балоғатга етиши ва ёшларини белгилашнинг критерияларини аниқлаш» деган темада илмий иш олиб борди.

Тема устида изланиб 11—19 ёшдаги қизларнинг мураккаб қўл-панжа суяк системаларини ривожлантириш рентгенология методи билан суякларда синтез жараённинг пайдо бўлишини аниқлаб чиқди.

У 1977 йилда Қирғизистон медицина институтининг даволаш факультетига қарашли илмий советида илмий темасини тасдиқлади. Москва шаҳридаги Ленин орденли медицина институтидаги ихтисослашган илмий советида 1979 йил 17 декабрда диссертациясини ҳимоя қилди. Совет қарори билан унга медицина фанлари номзоди деган унвон берилди. Қ. Бердиқулов 1979 йил Нукус шаҳрида бўлган судмедэкспертларнинг илмий конференцияси ва Москва шаҳридаги Н. И. Пирогов номли Ленин орденли медицина институтининг илмий Советида сермазмун докладлар қилди. 1980 йил 15 апрелда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузурида аттестация комиссияси қарорига асосан унга олий категорияли судмедэксперт врач деган унвон берилди.

11—19 ёшдаги қиз болаларнинг балоғатга етиши ва уларнинг ёшларини аниқлаш суд-медицина экспертлар практикасида доимо жуда мураккаб ва маъсулиятли соҳа бўлиб келган эди.

Ўзбекистон жиноят кодексининг 95, 98-моддалари талабига кўра, юқорида кўрсатилган ёшдаги қиз болаларнинг балоғатга етганлигини ва ёшини аниқлаш шарт ва лозим деб белгиланган. Экспертизанинг бу турини ўтказишни гражданлик процессуал кодексин моддаларида ҳам талаб қилинган. Судмедэкспертларнинг ёшини аниқлаш зарурлигининг сабаблари шундаки, баъзи бир гражданлар ўз ҳужжатларини била туриб, йўқотдим деб айтадилар ёки туғилган йилларини ҳар хил мақсадлар учун ўзгартирадилар. Қ. Бердиқулов бу хил экспертзани ўтказишда қўл панжа ва олди суякаларидаги синтез процессларини пайдо бўлиши вақтларини қиз болаларни ёшига қараб рентгенология методи билан аниқлаш орқали суд-медицина соҳасига янгилик киритди.

Қ. Бердиқуловнинг 20 га яқин илмий мақоласи Иттифоқ, республика нашрлари орқали эълон қилинган.

Ҳозир у Сурхондарё область суд-медицина ишини қайд қилиш бюросида ишламоқда.



1944 йил майда Жарқўрғон районидаги Қумқўрғон қишлоқ Советига қарашли Ёнбош қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. 1962 йили Жарқўрғон районидаги Жданов номли 6-сон ўрта мактабни аъло баҳоларда тугатди.

Э. Бобомуродов 1962 йили Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг табиат-география факультетининг, биология ва қишлоқ хўжалик асослари бўлимига ўқишга кирди. 1963—1966 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб, яна ўқишни давом

этитрди. Ўқишни 1970 йили тугатгандан сўнг институтнинг комиссияси уни Термиз Давлат педагогика институти марксизм-ленинизм кафедрасига ишга юборди. 1972 йилгача философия кафедрасининг ўқитувчиси бўлди. 1972—1973 йиллар институт комсомол ташкилоти секретари бўлиб ишлади. 1972 йил сентябрда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига қабул қилинди. 1973 йили Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти диалектик ва тарихий материализм кафедрасида бир йиллик стажировкада бўлди. 1974 йили шу институт аспирантурасига қабул қилинди. Диалектик ва тарихий материализм кафедрасининг мудирлиги, фалсафа фанлари доктори, профессор А. Агаронян раҳбарлигида «Қишлоқ ёшларининг коммунистик ижтимоий психологиясини шакллантириш» деган темада илмий иш олди. Шу тема юзасидан республикамизнинг ёш олим ва мутахассислари ҳамда республика олимлари илмий-назарий юбилей конференцияларида бир неча бор чиқишлар қилди. Диссертацияси бўйича 30 дан ортиқроқ мақолалари республика миқёсидаги нашрларда эълон қилинди.

Э. Бобомуродов 1978 йили 26 декабрда Тошкент Давлат педагогика институтининг мутахассислаштирилган Советида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди ва бироз вақт ўтгач, доцентликка сайланди.

1986 йил январда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг координатори совети «Ёшларни ижтимоий психологиясини шакллантиришнинг умумийлик ва хусусийлик диалектикаси (ўрта Осиё республикалари мисолида)» деган докторлик диссертацияси темасини тасдиқлади.

Э. Бобомуродов шуғулланаётган масала актуал бўлганлиги

туфайли ҳар йили ишнинг натижаси Иттифоқ, республикамиз нашрлари орқали эълон қилиниб турди. Шулардан айримларини мисол тариқасида келтирамиз:

1. «Педагогика олий ўқув юртларида тарихий материализм курсини ўтишда В. И. Лениннинг «Ёшлар союзининг вазифалари» асарининг аҳамияти», Киев Давлат университетининг тўплами, 1987 йил.

2. «Қишлоқ ёшларининг социалистик ижтимоий психологиясини шакллантиришнинг масалаларига доир». Ўзбекистон ССР «Билм» жамияти. Брошюра, лекторларга ёрдам, 1987 йил.

3. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва ёшларнинг социалистик ижтимоий психологиясини шакллантиришнинг айрим истиқболли масалалари». Термиз Давлат педагогика институтининг ижтимоий фанлар ва ижтимоий касб танлаш факультети профессор-ўқитувчилари илмий назарий конференциясида қилган докладининг тезислари. ВЛКСМнинг 70 йиллигига бағишланган. Термиз, 1988 йил.

У илмий изланишларида ёшларнинг ижтимоий психологиси, тушунчаси, ёшлар жамиятининг социал структуранинг маълум бир группасини ташкил этиши, уларнинг ижтимоий психологиясида умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши, психологиясининг характерли хусусиятлари ва шунга ўхшаган қатор масалаларни ёритишга эътибор берди.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Э. Бобомуродов ҳозир Термиз Давлат педагогика институтининг философия кафедраси мудири ўринбосари бўлиб ишламоқда.

## АКРОМ БОБОХОПОВ

1936 йили Денов районидаги Денов қишлоқ советида туғилди. 1952 йили «Хозорбоғ» совхозидagi 10 йиллик мактабнинг 7-синфини тугатди. Шу йили Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик техникумининг агрономлик факультетига ўқишга кирди. 1956 йили техникумни имтиёзли диплом билан тугатди.

У 1956 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Факультетнинг касаба союз ва комсомол ишларига актив қатнашди. Ўқиш йиллари факультет комсомол комитетининг аъзоси бўлди. Пахта теримида ўрнак кўрсатганлиги учун Самарқанд



область комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

У 1961 йилда институтни аъло баҳоларда тугатиб агроном мутахассислигини эгаллади. Институт йўлланмаси билан Сурхондарё область қишлоқ хўжалик бошқармасига келди. Шу йили март ойида Сурхондарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг йўлланмаси билан Ангор районидаги Карл Маркс номли тажриба-намуна хўжалигига ишга юборилди. У ерда пахтачилик бўйича кичик агроном лавозимида ишлади. Мазкур хўжалик Ангор ва Шеробод районларига илмий-методик кўргазмалар берар эди.

1962 йили Ангор район партия комитетининг тавсияси билан шу райондаги «Коммунизм» колхозига бош агроном қилиб тайинланди. Бу колхоз кейинги етти йил давомида пахта тайёрлаш планини бажармаган эди. 1962 йили эса хўжалик районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди.

1963—1964 йилларда А. Бобохонов Шўрчи район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасида кичик агроном лавозимида ишлади. 1964—1967 йилларда Тошкент шаҳридаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиди ва илмий изланишлар олиб борди. Илмий иш темаси «Ўзбекистоннинг жанубий шароитида ингичка толали ғўзани дефолиация қилиш ва машинада териш» («Дефолиация и машинный сбор, тонковолокнистого хлопчатника в условиях юга Узбекистана») деб номланади. Илмий изланишлар Термизда, область пахтачилик тажриба станциясида Абулфайз Тўраев номли колхоз далаларида ўтказилди. 1969 йил 3 март куни Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг катта илмий кенгашида диссертация муваффақиятли ҳимоя қилинди. Академик А. Имомалиев, фан доктори П. Горшковлар илмий ишга оппонент бўлдилар.

А. Бобохонов 1967—1970 йиллари Сурхондарё область пахтачилик тажриба станциясида катта илмий ходим лавозимида ишлади. 1968 йилда КПСС сафига қабул қилинди. Тажриба станцияси ҳаётида илмий ва жамоат ишларига актив қатнашганлиги учун В. И. Лениннинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан чиқарилган медаль билан мукофотланди.

1970 йил область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими тавсияси билан «Хазорбоғ» совхозига бош агроном қилиб юборилди. Бу даврларда ҳам илмий изланишлар тинимсиз давом этди, натижалари «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», «Земледелие», «Механизация хлопководства» журналларида босилиб чиқди.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналининг 50 йиллик тўйи муносабати билан журналда актив қатнашганлиги учун уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Призидиуми фахрий ёрлиқ билан тақдирлади. 1974 йили «Хазорбоғ» совхозида пахтачиликда эришган ютуқлари учун СССР Олий Совети Призидиумининг қарорига биноан «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотлан-

ди. Икки марта СССР халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг бронза медалини олишга муваффақ бўлди.

У 1975 йил апрель ойида Сурхондарё область партия комитетининг тавсиясига асосан Шеробод районидagi В. Қодиров номли совхозга директор қилиб юборилди. Ботқоқ, шўр ерларни ўзлаштириш ҳисобига шу йили 1600 тонна пахта етиштирилган бўлса, 1979 йилда бу кўрсаткич 5700 тоннага етказилди.

1981—1985 йилларда А. Бобохонов Термиздаги область пахтачилик тажриба станциясида директор бўлиб ишлади. Шу вақт мобайнида янги ипак пахта навларини чиқариш ва районлаштириш ишларига раҳбарлик қилди.


А. Бобохонов «Термиз» — 7 навининг автори. Шу навнинг яратилганлиги ва районлаштирилганлиги учун «СССРда хизмат кўрсатган кашфиётчи» деган унвонга сазовор бўлди. Жами илмий ишлари 21 та. Илмий ишларга актив қатнашганлиги учун 1985 йилда катта илмий ходим деган диплом олди.

1986 йилдан ҳозирги кунгача А. Бобохонов Олтинсой район агросаноат бирлашмасида раис бўлиб ишламоқда.

## МУҲИДДИН БОБОХУЖАЕВ

1929 йил 25 июнда Шеробод районидa ишчи оиласида туғилди. 12 ёшида отасидан ажралиб онаси қўлида тарбияланди. У болалигида иқтидорли, зеҳнли бўлганлиги туфайли, 1944 йили еттинчи синфни битиргач, қисқа муддатли ўқитувчилар курсини ўтаб, 16 ёшдан ўқитувчилик қила бошлади. Айниқса, адабиётни жон-дилидан севиб ўрганди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттириб, 1948 йилда Шерободдаги Макаренко номли ўрта мактабни «аъло» баҳоларда тугатди ва шу йили Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди.

Гуманитар фанларга ихлоси баланд бўлган М. Бобохоўжаев бу муқаддас олий даргоҳда совет адабиётининг пешқадам олимлари — Ҳамид Сулаймон, Фулом Каримов, Ҳомил Еқубов, Георгий Владимиров каби билимдон толиблардан таълим олди. 1953 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, туғилиб ўсган жойи Шерободга ишга келди. Бу ерда икки йил ўрта мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлагандан сўнг, 1955 йилда Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини оши-



риш институтига директорлик вазифасига тайинланди. Ёш педагог область ва республика халқ маориф ходимлари ва меҳнаткашлари орасида тез орада ҳурмат ва обрў қозонди. 1957 йилда эса у Ўзбекистон ССР Маориф миинистрлиги томонидан «Халқ маорифи аълочиси» значоги билан тақдирланди. М. Бобоҳўжаев область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ишлаб юрган кезларидаёқ адабий-педагогик пропагандага, илмий ишга ҳавас қўйди. Унинг раҳбарлигида Эшбой Пардаевнинг «Орфографик машғулотлар» (1957 й), Собир Солиевнинг «Ўзбек тили илмий грамматикасига доир» (1958 й.) каби илмий ишлари Термиз шаҳар босмаҳонасида босилиб чиқди.

**1960—1964 йилларда совет адабиёти мутахассислиги бўйича аспирантурада ўқиб чиққан олим «Йигирманчи йиллар ўзбек совет поэзиясида замонавийлик учун кураш» мавзуидаги диссертациясини ёқлади.** Унда ўзбек совет адабиёти тарихининг кейинги даврларигача кам ўрганилган, мураккаб даврини текшириб, адабиётимиз тарихини янги далиллар ва илмий хулосалар билан бойитди. М. Бобоҳўжаев ўзбек адабиётининг дастлабки тараққиёти даврида **бўлиб ўтган** кескин синфий курашнинг адабиётда акс этишини батафсил ўрганди ва Муҳаммадшариф Сўфизода, Шокир Сулаймон, Боту, Элбек, Хосият Тиллахонова. Олтой, Абдулҳамид Мажидий, Фақирий ва бошқа шоирларнинг адабиёт тарихида тутган ўрнини аниқлади. Ўзбек совет адабиётининг дастлабки тараққиёти тарихи ҳақида монография асар яратди. Унинг «Ўзбек совет адабиётида Улуғ Октябрь социалистик революцияси темаси», «Ёшлик куйчиси», «Шоира ва журналист», «Мактаб ва шоир», «Ўзбек совет поэзиясининг дастлабки тараққиёти даври ва халқ оғзаки ижодиёти», «Шоир Элбек ҳақида», «Ўзбек совет адабиётининг дастлабки тараққиёт даврига рус адабиётининг таъсири масаласига доир», «Ўзбек совет адабиётида Ленин образи» каби ўнлаб мақоллари 50—60 йиллардаёқ республика матбуотида босилган.

М. Бобоҳўжаев Термиз Давлат педагогика институтининг дастлабки ташкилотчи-педагогларидан бири сифатида танилган. У 1965 йилнинг ёзидан бошлаб шу кунгача актив илмий-педагогик фаолият кўрсатиб келмоқда. М. Бобоҳўжаев 1965—1971 йиллар давомида факультет декани, илмий ва ўқув ишлар бўйича проректор, 1972 йилдан бошлаб кафедра доценти вазифаларида ишлаб келмоқда. Жуда кўплаб ёш педагог олимларга мураббийлик қилмоқда. 1979 йилда унинг «Фан» нашриётида «Кураш поэзияси» номли монографияси чоп этилди. Шу кунларда «Ўзбек совет адабиёти танқидчилигида марксча-ленинча ғоявийлик учун кураш» мавзуида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

М. Бобоҳўжаев ўзининг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти учун партия ва ҳукуматимизнинг қатор мукофотларига сазовор **бўлган.**

Унинг совет адабиётшунослигига бағишланган 70 га яқин илмий-назарий мақолалари турли нашрларда чоп этилган.

## ҚАҲРАМОН БОБОҚУЛОВ

1940 йил 15 декабрда Шўрчи районидаги Култепа қишлоғида туғилган. У 1948 йилда райондаги етти йиллик мактабга ўқишга кириб, 1958 йилда шу райондаги К. Маркс номи ўрта мактабни муваффақиятли тамомлади. Қаҳрамон Бобоқуловнинг ҳаёти ўқиш, ишлаш ва изланиш билан ўтмоқда. У 1960 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалик экономикаси факультетига ўқишга кирди. Институтда ўқиб юрган йилларида тинимсиз изланди ва ижод қилди. Институт жамоатчилиги фаолиятида актив қатнашди, факультетда профсоюз ташкилотининг раиси бўлиб ишлади.



Қ. Бобоқулов 1965 йилда институтни муваффақиятли тамомлади — бухгалтер-экономист деган ихтисосни эгаллади. Сўнгра институтда олган назарий билимларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш даври бошланди. У 1965 йилда Шўрчи район қишлоқ хўжалик бошқармасига бош экономист бўлиб ишга келди.

Қ. Бобоқулов 1967 йилда район, область, республика партия ташкилотларида ишлаб бoшлади. У 1966—1967 йилларда Шўрчи район партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг инструктори, 1967—1974 йилларда Сурхондарё область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими инструктори, 1974—1975 йилларда Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитети қишлоқ хўжалик бўлимининг инструктори, 1975—1976 йилларда эса Сурхондарё область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири лавозимларида ишлади.

Қаҳрамон Бобоқулов 1976 йилдан буён Сурхондарё область партия комитетининг секретари лавозимида ишлаб келмоқда.

Қаҳрамон Бобоқулов партия, совет ташкилотларида ишлар экан, илмий излашчилар билан ҳам банд бўлди. У 1968 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасига илмий иш қилиш учун биркитиб қўйилди ва 1973 йилда шу институт илмий Советида «Сурхондарё области хўжаликлари мисолида совхоз ишлаб чиқаришини интенсивлаш масалалари ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари» деган темада иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Унинг изланишига иқтисод фанлари доктори Н. Жабборов илмий раҳбарлик қилди.

Қ. Бобоқулов мазкур илмий-тадқиқот иши билан областимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда

ижод билан банд бўлган олим Иттифоқ аҳамиятига молик журнал, тўпламларида ўз ишларини чоп қилиб борди.

«Пахтачилик» журналида чоп қилинган «Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришнинг самарадорлиги» (1970, №9), «Амалиёт нималардан дарак беради» (1972, № 1), Янгибод совхози юксалишда» (1972, №7) мақолалари характерлидир. Шунингдек, у «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», «Партия турмуши», «Экономика и жизнь» ва бошқа илмий ишлаб чиқариш журналларида актив қатнашиб келмоқда.

Қ. Бобоқулов область қишлоқ хўжалигини ривожлантириш проблемалари устида қалам тебратди, Шеробод чўлларини ўзлаштиришнинг область халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга эканлигини очиб берди. У сўнгги йилларда ўзининг баракали илмий ишлари билан партиямиз аграр сиёсатининг жанубий районларда амалга оширилишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Партия, совет ташкилотларида илмий фаолиятни амалиёт билан боғлаб олиб бораётган Қ. Бобоқулов «Меҳнат Қизил Байроқ» (1980), «Хурмат Белгиси» (1975) орденлари ва бир қанча медалларга сазовор бўлган.



## ҚУРБОНАЗАР БОБОҚУЛОВ

1950 йили Тошкент область, Бўка районидаги Ҳамза номли колхозда туғилди. 1966 йили Ибн Сино номли ўрта мактабни тугатиб ТошДУнинг физика факультетига ҳужжат топширди ва 1966 йили шу факультетнинг студенти бўлди. Студентлик йилларидаёқ физикага доир экспериментал лабораториялар ва тажрибаларда узлуксиз қатнашар эди. Уқитувчилардан Эргаш Назиров, Фауд Қаримов, экспериментал физика кафедраси мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Г. Я. Умаров талабаларга устозлик меҳрини кўрсатишди. III

курсдан бошлаб экспериментал физика бўлимида ўқий бошладди. Студентлар қуёш энергиясидан турли мақсадларда фойдаланиш бўйича тадқиқот билан ҳам шуғуллана бошладилар. Қ. Бобоқулов 1971 йили ТошДУ нинг физика факультетини тамомлаб, йўлланма билан Термиз Давлат педагогика институти математика кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади.



Сурхондарё область иқлими тўғрисида маълумотлар тўплашга киришди.

Қ. Бобоқулов 1975 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институтига аспирантурага ўқишга кирди. Г. Умаров ва техника фанлари номзоди Р. Авезов унга раҳбар этиб тайинланди. Қуёш энергиясидан фойдаланиб, уйларни иситиш масаласи бўйича Термизда қуёш уйини қурди ва 1976 йилдан экспериментлар ўткази бошлади. Ўтказилган тажрибалар натижалари Иттифоқ миқёсидаги «Гелиотехника» журналида чоп этилди. Конференцияларда у докладлари билан қатнашди. Матбуот саҳифаларида 15 дан ортиқ мақолалар эълон қилди. Бу тажрибадан фойдаланиб, УзНИИП градостроительство номидан лойиҳа институти олимлари Чорбоқда 48 квартираларни уйни қуриш планини ишлаб чиқдилар. ГипРОНИИЗ-дравнинг Ўрта Осиёдаги филиали Жиззахда қуриладиган 600 ўринли касалхона қуришда ҳам фойдаланилди. Чорбоқдаги ва Жиззахдаги бинолар қуёш нури билан иситила бошлади. Бу янгилик кўпчиликка маъқул бўлди.

Қ. Бобоқулов олимлар Г. Умаров ва Р. Авезовлар раҳбарлиги остида республикамиз областларида 48 квартираларни уй ва 600 ўринли болалар боғчаларини иссиқ сув билан ишлайдиган қилиб қуриш учун лойиҳалар чизишда иштирок этди. У 1985 йили Ашхободда диссертацияни муваффақиятли ёқлаб, техника фанлари номзоди деган унвонга сазовор бўлди.

У қилган хизматлари эвазига халқ таълими вазирлиги томонидан Фахрий ёрлик билан мукофотланди.

Техника фанлари номзоди Қ. Бобоқулов айни кунларда М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ индустриал-педагогика факультетининг декани сифатида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

## ЭШМЎМИН БОЗОРОВ

1944 йил 15 июнда Шеробод район, Ленин номи колхознинг Ғамбур қишлоғида, колхозчи оиласида туғилди. 1962 йили А.С. Макаренко номи 1-ўрта мактабнинг II синфини муваффақиятли тугатди ва етуклик аттестати билан биргаликда бошланғич синф ўқитувчиси деган гувоҳнома олди. 1962—1963 ўқув йили Шеробод районидаги А. С. Макаренко номи ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. Унинг ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида математика фанига их-



лси баланд эди. У фан сирларини математика ўқитувчиси Урнук Пўлатовдан ўрганди. 1963 йили математикага бўлган қизиқиш Э. Бозоровни Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетига етаклади. Студентлик йиллари фан тўғарақларига актив иштирок этар, курс ва диплом ишлари ёзиб, активлик кўрсатар эди. Математика сирларини Урта Осиёнинг йирик математик ва давлат арбоблари Т. А. Саримсоқов, С. Ҳ. Сирожиддинов ва М. С. Салоҳиддиновлардан тинмай ўрганиб борди. Э. Бозоров 1968 йили Тошкент Давлат университетини муваффақиятли тугатгандан кейин Шеробод районидаги Муқимий номли 15-ўрта мактабда математикадан дарс бера бошлади. 1971 йилнинг декабридан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтининг математика кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга ўтди. У «Математика халқ хўжалигида» деган темада илмий иш олиб борди.

Э. К. Бозоров 1975 йилнинг сентябрида ЎзССР Фанлар академияси қошидаги Кибернетика-ҳисоблаш институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида Ҳисоблаш техникасининг халқ хўжалигидаги роли» мавзуида ёзган ишини олдинги илмий ишларига қўшиб ривожлантирди.


У иқтисод фанлари доктори, профессор Н. С. Зиёдуллаев бошқараётган экономика-математика методларини ишлаб чиқаришга жорий этиш лабораториясида илмий иш олиб борди. Стажёрлик вақтида «Электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида экономик планлаштириш масалаларига доир» ва «Республиканинг автоматлаштирилган бошқариш системасида маориф ва маданият бошқармасининг бошқа системалар билан алоқаси» деган темада 2 та мақола эълон қилди. Ва ниҳоят 1977 йил апрель ойида аспирантурага кирди. Кибернетика институти илмий Советида «Олий ўқув юртларида ўқиш жараёнида «экономика-математика» методларини моделлаштириш» деган тема номзодлик диссертацияси учун тасдиқлаб берилди. Шу тема юзасидан «Оптималь планлаштириш ва бошқариш» (Олий ўқув юртлари мисолида) ва «Олий ўқув юртларида экономика-математика моделлаштиришга доир» деган сарлавҳа остида мақолалари эълон қилинди.

Э. Бозоров 1980 йил 16 май куни ЎзССР Фанлар академияси қошидаги кибернетика институти илмий Советида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг келгуси режалари катта. У Олий ўқув юртлари учун математика-экономика методлари кенг қўллаш ва моделлаш ишларини дадил давом эттирмоқда.

Иқтисод фанлари номзоди Э. Бозоров ҳозир М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ математика кафедрасининг катта ўқитувчиси-дир.

## ҚУЛМУРОД БОЗОРОВ

1930 йилда Ангор районидаги Занг қишлоғида туғилди. 1940 йилдан 1947 йилгача «Қизил юлдуз» колхозидagi Ломоносов номли мактабда ўқиди. У колхозда табелчи, бош табелчи ва зифаларида ишлади. 1947 йилда Термиз шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кириб, 2-курсни битиргач, оилавий сабабларга кўра яна колхозда табелчилик қила бошлади. У 1950—51 йиллари Термиз шаҳридаги колхоз ҳисобчилари тайёрлаш мактабида ўқиди. Уни битиргач, Бухоро шаҳридаги колхоз бухгалтерларини қайта тайёрлаш курсини тугатди. 1952—53 йилларда колхозда бош бухгалтер ўринбосари, 1953 йил бош бухгалтер бўлиб ишлай бошлади. 1954—55 йилларда Ангор районидаги кечки ёшлар мактабини тугатиб, Термиз шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш институтининг табиат-география факультетига ўқишга кирди ва 1957 йилда уни имтиёзли диплом билан тугатди. Сўнг Ангор районидаги Ломоносов номли мактабда химия, география ва биология фаиларидан дарс бера бошлади.



1960 йилнинг июнь ойидан бошлаб, уни юқори партия, совет органларининг тавсияси билан Ангор район колхозлараро қурилиш ташкилотига бошлиқ, 1961 йил март ойида Ангор райПОси раислигига ишга ўтказишди. 1965 йил декабридан 1973 йил апрелгача «Қизил юлдуз» колхози правлениесининг раиси ва зифасида ишлади. 1973 йил апрелидан 1978 йил мартигача «Таллимарон» совхозининг директори, 1978 йил мартдан Термиз район партия комитети ва Ангор район партия комитетининг биринчи секретари ва зифаларида (1984 йилгача) фаолият кўрсатди. 1984 йилдан Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари, 1986—87 йилларда В. И. Ленин номи совхоз бош агрономлиги ва зифаларида хизмат қилди. 1987 йилдан Денов районидаги Ильич номи совхоз директоридир.

У 1956 йилдан бери КПСС аъзоси. Бир неча марта республика партия съездларида иштирок этди. 1959 йилдан область, район партия комитетлари аъзосидир.

Қ. Бозоров Ўзбекистон ССР Олий Совети, область, район Советларига депутатликка сайланди. Партия ва ҳукуматимиз унинг бу меҳнатларини юксак қадрлади. Уни Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени ва медаллар билан тақдирлади.

У 1958—1964 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг сиртқи бўлимида ўқиб, агроном деган мутахассисликка эга бўлди. 1968 йили Урта Осиё қишлоқ

хўжалиги экономикаси илмий-текшириш институтининг аспирантурасига кириб, 1976 йил 9 январда Москвадаги Бутуниттифоқ илмий-текшириш экономикаси институти илмий советида «Ингичка толали пахта етиштиришда колхозларда ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва унга иқтисод фанлари номзоди деган илмий даража берилди.

Қ. Бозоров 12 та илмий ишнинг автори. Унинг бу ишдан олдига қўйган мақсади — ички хўжалик ҳисобини колхозларга, ишни бажарувчиларга содда, тушунарли қилиб етказиш, хўжаликни юритишда бўлиқларнинг ишлаб чиқариш молия планлари ва унинг кўрсаткичларини такомиллаштириш, уни янада арзонроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш. Моддий ва маънавий рағбатлантириш усуллариининг энг қулай принципларини ишлаб чиқиш ва колхоз-совхозларда жорий қилиш, перспектив планларни норматив асосда тузишнинг афзаллигини исботлаш; ипак ва оқ пахта технологияси ҳамда уларни етиштиришдаги харажатларнинг фарқини ўрганиб, исботлаб бериш; пахта теришни илмий асосда ташкил қилиш ва шунга ўхшаш бир қанча масалаларни ўрганиб, ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборат эди. Бу вазифалар диссертацияда Ўзбекистон ССРнинг Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Туркменистон ва Тожикистон республикалари колхозлари, Туркманистон ва Тожикистон республикалари ипак пахта эканлиги хўжаликларининг 1951—1973 йилларига оид статистик, йиллик-оператив ҳисоботлари, айрим бригада, участка ва колхозларнинг илғор тажрибалари асосида ёритиб берилган.

У диссертация ёзиш даврида Қрим областидаги «Дружба кадров», Молдавия ССРнинг Арчевский районидаги «Веца Навва» («Янги ҳаёт») колхозларида бўлиб узумчилик, дончиликдаги қилинган айрим ишларни пахтачиликка ҳам жорий қилишга иштирдди. Илмий иш ёзиш даврида Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхозини ҳисобдорлиги 14,6 центнердан 37,6 центнерга кўтарилди.

Илмий ишда ҳал қилинган кўп масалалар «Таллимарон» совхозида ҳам қўлланиб, ҳосилдорликни 23 центнердан 38 центнерга чиқаришга катта ёрдам берди.

Қ. Бозоровнинг диссертацияси республикада қолаверса, ингичка толали пахта эканлиги республикаларда биринчи иш бўлиб, умуман, жуда муҳим масалаларни ҳал қилишга ёрдам берди. Жуда кўп колхозларда ҳақ тўлашда моддий манфаатдорликни ошириш, пахтачиликда ҳисоб ва контролни яхши йўлга қўйиш, айниқса, паختанинг ифлослигини, намлигини бригада-далар бўйича аниқлаш ишлаб чиқаришга кенг қўлланилмоқда.

## ЭШМУРОД БОЙСАРИЕВ

1951 йил 5 январда Денов районидagi генерал Собир Раҳимов номли колхознинг «Қизил чорвадор» қишлоғида колхозчи овласида туғилди.

1966 йилда Муқимий номли 14-ўрта мактабни намунали ҳуқ ва аъло баҳолар билан тамомлаб В. И. Ленин номидаги Душанбе Давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирди. Университет жамоат ишларида ҳам актив қатнашди. Факультет профсоюз комитетининг раиси вазифасини бажарди. Ўзининг ўтқир зеҳни ва қизиқувчанлиги билан студентлар орасида танилди.

У 1917 йили университет йўлланмаси билан Тожикистон қишлоқ хўжалик институти ўсимликшунослик кафедрасига бош лаборант бўлиб ишга кирди. 1974 йил 2 февралда Тожикистон ершунослик илмий-текшириш институти аспирантурасига қабул қилинди. Шу йили ВАСХНИЛ академиги, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Акбар Мақсумов илмий раҳбарлигида иш бошлади. 1975 йили Тожикистон ЛКСМ МК нинг кумуш медалини олишга сазовор бўлди. 1976 йили «Мақтов ёрлиғи билан тақдирланди. Э. Бойсариев 1974—1980 йилларда «Комсомоллар» газетаси муҳбири ва ёш олимлар советининг раиси вазифасини бажарди.

«Марказий Тожикистоннинг лалмикор ерларида бугдой етиштириш хусусиятларининг минерал озиклантириш режими-га боғлиқлиги» деган темадаги диссертациясини 1979 йил 8 июнда Тожикистон қишлоқ хўжалиги институти илмий Советида ёқлади. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори Г. Қ. Қурбонов, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент А. Н. Нурматова ва бошқалар ишга юқори баҳо берилар.


Диссертацияда Ўрта Осиёда биринчи марта лалмикор бугдойнинг фотосинтетик хусусиятлари, лалмикор ерларда ғалла дон учун қанча ҳосил бериши ўрганилди ва ҳисоблаб чиқилди. Унда кўрсатилишича фосфор ўғити 3—4 йилда бир марта жамлаб солинади. Агар ўғит шу усулда солинса, 1 гектар ердан 43 сўм иқтисодий фойда келтиради. Ҳар йили ўғитланганда эса 38 сўмни ташкил этар эди.

Эшмурод Бойсариев 1977—1980 йилларда Тожикистон ершунослик илмий-текшириш институтининг кичик илмий ходими бўлиб ишлади.



1980 йил 13 февралда ВАК (Олий Аттестация Комиссияси) унинг диссертациясини тасдиқлаб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди унвонини берди.

У 1980 йил 20 майда қишлоқ хўжалиги институтида конкурсдан ўтиб, ўсимликшunosлик кафедрасига ассистент бўлиб ишлай бошлади. Ҳозирги кунда шу институтда иш фаолиятини давом эттирмоқда. Э. Бойсариев қаламига мансуб 15 та илмий мақола эълон қилинган.



## ХУШБОҚ БОЙҚОБИЛОВ

1944 йил 23 октябрда Шўрчи районидаги «ВЛҚСМ 30 йиллиги» совхозининг биринчи бўлимидаги Қоровултепа қишлоғида деҳқон оиласида тугилди.

Х. Бойқобилов 1958 йили «ВЛҚСМ 30 йиллиги» совхозининг 1-бўлимида жойлашган М. Ю. Лермонтов номидаги 32-етти йиллик мактабни тугаллаб, 1959 йилларда Шўрчи районидаги 5-ўрта мактабда ўқишни давом эттирди. 1961 йилда эса мактабни тугаллади.

Х. Бойқобилов ўрта мактабда ўқиб юрган даврдаёқ жамоат ишларида актив қатнашиб,

«ВЛҚСМ 30 йиллиги» совхозининг биринчи бўлимида ишчи бўлиб ишлади.

У икки йил меҳнатда чиниққандан сўнг Қарши Давлат педагогика институтининг агробиология факультетига ўқишга қабул қилинди ва уш 1968 йили муваффақиятли тамомлади. У институтда олган билимларини янада мустаҳкамлаш учун ўз ватани озириги устида тинмай ишлади, ўрганди, изланди. 1963 йил август ойидан бошлаб Сурхондарё область пахтачилик тажриба станциясида катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. 1969–1970 йилларда ингичка толали ғўза қатор ора-ларига оралиқ экинлар экин устида тажриба олиб борди. Тажриба станциясида комсомол комитетининг секретари бўлиб, ёшларга боғичлик қилди.

Унинг қишлоқ хўжалигига бўлган қизиқиши илмий изла-нишларга чорлади. 1971–1975 йилларда Ленин орденли Бутун-итифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти томонидан ном-зодлик диссертацияси учун тема берилди. «Кузги оралиқ экин-ларни алманлаб экин системасида сифатли озуқа етиштириш, тупроқ унумдорлиги ва унинг ингичка толали пахта ҳосилдор-лигига таъсири» мавзусидаги ишга СоюзНИХИ директорининг

илмий ишлар бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент Мардонқул Тожиев илмий раҳбарлик қилди.

Шу вақтларда у 20 га яқин илмий мақола ёзди. Улар «Пахтачилик», «Тупроқшунослик», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналларида ва илмий тўпламларда эълон қилинди. Область, республика илмий конференцияларида бир неча марта докладлар қилди.

Х. Бойқобилов 1977 йилги илмий Советда диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Унинг илмий иши республикамизнинг ингичка толали пахта экиладиган зоналарида бажарилган илк ишлардан бири бўлиб хизмат қилади. Сугориладиган ерлардан йил давомида фойдаланиш, пахта йнғим-терми тамом бўлиши биланоқ оралиқ экинлари, жавдар, горчица, вика, нўхат экиш, шу билан чорва озуқасининг тўйимлигини ошириш, бегона ўтларни камайтириш, ғўза касалликларини йўқотиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ингичка толали пахта ҳосилдорлигини кўпайтириш каби ишлар областимиз хўжаликлари далаларида кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Х. Бойқобиловнинг илмий ва амалий жиҳатдан олиб борган ишлари катта баҳоланиб, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МК нинг мақтов ёрлиқлари билан тақдирланган. У 1971 йилдан буён КПСС аъзоси. Х. Бойқобилов илмий ишларни давом эттириш билан бирга 1979 йилдан область пахтачилик тажриба станциясида партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади.


Айни пайтда Х. Бойқобилов Термиз районидаги «Намуна» колхозида бош агроном бўлиб ишламоқда.

## ҲАСАН БҮРИЕВ

1948 йил 17 сентябрда Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозида ўқитувчи оиласида туғилди.

1965 йили Жарқўрғон районига қарашли Калинин номи мактабни тугатди ва шу йили ўзи ният қилиб юрган Термиз Давлат педагогика институтига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, табиат факультети, химия-биология бўлимига ўқишга кирди.

Ҳ. Бўриев 1967 йили табиат факультети комсомол ташкилоти секретари ва институт комсомол комитети бюроси аъзолигига сайланди.



1970 йили унинг ҳаётида катта воқеа рўй берди. У институтни аъло баҳолар билан тугатиб, имтиёзли диплом олишга муяссар бўлди. Ҳ. Бўриевни шу йили институтнинг табиат факультети, фалсафа кафедрасида кабинет мудири лавозимига олиб қолишди. У 1972 йили Москва сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасига ўқишга кирди.

У 1975 йили 23 октябрда «Полиз экинлари уруғларининг пишиб етилиши даврида физиологик, биологик ва хўжалик баҳоси» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳ. Бўриев 1976 йилдан 1979 йилгача Бутуиттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё область тажриба пунктида катта илмий ходим, бир вақтнинг ўзида Термиз Давлат педагогика институти биология кафедрасида ассистент бўлиб ишлади.

У 1980 йилдан бошлаб Тошкент қишлоқ хўжалиги институти сабзавотчилик кафедраси доценти бўлиб, фаолият кўрсатмоқда. Ҳ. Бўриев шу кунгача 40 дан ортиқ илмий мақола-лар эълон қилди. Битта монография ва студентлар учун иккита қўлланмаси нашрдан чиқди. У сабзавот ва полизкорлик учун урта тавсиянома ишлаб чиққан.



## ШАВКАТ ВОҲИДОВ

1945 йил 5 ноябрда Шеробод районида хизматчи оиласида туғилди. 1963 йили Шеробод районидаги А. С. Макаренко номида ўрта мактабни аъло баҳоларда тугаллади. Сўнг у Тошкент Давлат университети механика-математика факультетида таълим ола бошлади. Университетда ўқиб юрган кезларида факультетнинг математика тўгаригига қатнашиб шу ердаги олимлардан мазмунли лекцияларни тинглаб борди. 1968 йил университетни имтиёзли диплом билан тугаллаб, ЎзССР Маориф министрлиги йўлланмаси билан Термиз Давлат педагогика институтига ишга юборилди. Институтнинг математика кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1971—73 йиллар у Тошкент Давлат университети, математика факультетининг стажёр-тадқиқотчиси, 1973—76 йиллар эса шу факультет анализ кафедрасининг аспиранти бўлиб ишлади. «Топологик қавариқ фазоларда оператор тенгламаларни интеграцион метод билан ечиш» деган темада илмий-



тадқиқот ишлари олиб борди, шу соҳада салмоқли натижаларни қўлга киритди. Фандаги дастлабки изланишлар натижалари кўпчилик олимларнинг мақтовига сазовор бўлди ва Москва математика жамиятининг ишлари тўпламида катта ҳажмда босилиб чиқди. Бу ишларнинг амалга ошишида университет математик олимлари яқиндан ёрдам бердилар.

Ш. Воҳидов устози Т. А. Саримсоқов ҳамда доцент А. В. Миронов раҳбарлигида илмий ишини якунлади. Бу ишларни амалга оширишда кўпгина изланишлар олиб борди ва у ерда унга таланти математик олимлар математика сирларини ўргатдилар. Математика факультети советида 1983 йил 2 июлда ўз ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу иш Тошкент математиклари орасида ҳам зўр қизиқиш уйғотди. Шавкат Воҳидов 1976 йилдан М. Т. Ойбек номи Термиз Давлат педагогика институти физика-математика факультети катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Ш. Воҳидов 20 га яқин илмий ишларнинг авторидир. Бу ишлар марказий журналлардан ўрин олган.

Ш. Воҳидов келгусида шу йўналишда тадқиқотини давом эттириш ва муносиб математиклар тайёрлаш учун самарали фаолият кўрсатмоқда.

## ДУСАН ДУРМОНОВ

1935 йил 16 сентябрда Жарқўрғон районидagi Сталин номи (ҳозирги «Партия XXII съезди») колхознинг Оққўрғон қишлоқ Советига қарашли Қора қарсақ участкасида туғилди. 1954 йилда Жарқўрғон районидagi Макаренко номи ўрта мактабни тамомлаб, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг химия факультетига киришга муваффақ бўлди. Студентлик йилларида жамоат ишларида актив қатнашди, химия тўғрисида мунтазам иштирок этиб, студентлар конференцияларида докладлар билан чиқди ва институт коллективи орасида обрў-этиборга сазовор бўлди. 1959 йилда университетни аъло баҳолар билан тамомлади, Сурхондарё область Жарқўрғон районига йўлланма билан келиб, 1960 йилнинг июль ойигача Н. К. Крупская номидаги ўрта мактабда химия фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишлади.



1960 йил сентябрь ойидан студентлик йилларидаги ишларини ва докладларини ҳисобга олиб, Тошкент Давлат медицина институтининг умумий химия кафедрасига ишга таклиф қилинди ва шу кафедрада ассистент бўлиб ишлади.

1965 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги химия институтида аспирантликка қабул қилинди. Айни вақтда Москвага СССР Фанлар академиясига қарашли электрохимия институтига командировкага юборилди. Шу институтнинг ўзида 1970 йилнинг 26 майида «Гелий томчисининг электр олдида галлойдли органик бирикмаларнинг электрохимиявий қайтарилиши» деган темада илмий даража олиш учун номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, химия фанлари номзоди деган унвонга эга бўлди.

1968—1970 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги химия институтида кичик илмий ходим, сўнг Тошкент Давлат медицина институтининг умумий химия кафедрасида ассистент бўлиб ишлади.

1972 йилдан ҳозирги вақтгача Урта Осиё медицина-педиатрия институтининг биоорганик ва физколлоид химия кафедрасида катта илмий ходим сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Доцент Д. Дўрмоновнинг битта монография, икки қўлланма ва ўндан ошмиқ илмий мақолалари иттифоқ ва республика нашрлари орқали эълон қилинди. Унинг барча ишлари химиявий тадқиқотлар ва бу фанни ривожлантиришга қаратилган.



## БОЛТА ЕРИЕВ

1941 йил 1 июнда Жарқўрғон районидаги Ленин номи колхоз (ҳозирги Қумқўрғон районидаги Ульянов номи совхоз)да колхозчи деҳқон оиласида туғилди. Дастлаб И. Охунбобоев номи етти йиллик мактабда, сўнгра «Правда» газетаси номидаги ўрта мактабда ўқиб, 1959 йилда уни тугатди. 1959—60 йилларда Жарқўрғон районидаги А. П. Чехов номи мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1960—65 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд

Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида ўқиди.

Университетда академик Воҳид Абдуллаев, таниқли адабиётшунослар Ботирхон Валихўжаев, Сайфулла Мирзаев, Ориф Икромов, Нуриддин Шукуровлар, тилшунослардан профессор Улуғ Турсунов, Худойберди Дониёров, Раҳматулла Қўнғиров ва бошқалардан чуқур мазмунли сабоқ олди.

Миртемир, Уйғун, Собир Абдулла, Ғайратий, Ғафур Ғулом ва бошқа атоқли шоирлар билан бўлган учрашувларда иштирок этиб улар ижодини қунт билан ўрганди. Университет, республика газеталарида мақола, шеърлари билан қатнашиб турди. Жамоат ишларида активлик кўрсатди: факультет дeвoрий газетасида редакторлик қилди, «Ёш ижодкор» ҳамда «Ёш тилшунослар»нинг қўлёзма журналларига бошчилик қилди, конференцияларда илмий докладлари билан қатнашди. 1965—67 йилларда Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетаси редакциясида дастлаб адабий ходим, сўнгра маданият бўлимининг мудирини бўлиб ишлади. 1967—68 ўқув йилида М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтини, ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1968 йили яна «Ленин байроғи» газетасига ишга қайтди. Маданият, партия турмуши ва идеология бўлимлари мудирини бўлиб ишлади. 1988 йили Денов район «Ғалаба учун» газетасига редакторлик қилди. Ҳозир «Ленин байроғи» газетаси редакторининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтини ҳозирги замон ўзбек тили курсидан лекциялар ўқимоқда.

Болта Ёриев 1970 йилдан бошлаб А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқотчиси бўлди. Филология фанлари доктори, профессор, ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудирини Раҳматулла Қўнғиров раҳбарлигида «Мақсуд Шайхзода поэзиясининг тили» деган темада илмий иш олиб борди.

1979 йил 29 июнь куни Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институти ихтисослашган илмий советида ана шу мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олий аттестация комиссияси томонидан 1979 йил 17 октябрда Болта Ёриевга филология фанлари номзоди деган илмий даража берилди.

Маълумки, Мақсуд Шайхзода йирик ўзбек шоири, драматурги, адабиётшунос олимидир. Унинг ижоди адабиётшуносликда анча изчил ўрганилган бўлса-да, унинг шеърятининг тили ўзбек лингвистлари томонидан татқиқ этилгани йўқ эди. Б. Ёриев диссертация устида ишлаш жараёнида ўзбек тилшунослигида биринчи марта шоир шеърятининг тилини лингвистик планда ўрганди. Тадқиқотда Шайхзода индивидуал услубининг группалари аниқланди, унинг поэзиясида лексик воситалар, стилистик функциялар ёритилди. Шоирнинг сўз ясаш формаларидан фойдаланишдаги новаторлиги таҳлил қилинди.

Шоирнинг айрим синтактик конструкцияларни қўлланишдаги изланишлари очиб берилди. Ишда Шайхзоданинг ўзбек совет адабий тили ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасига конкрет далиллар асосида ишонарли баҳо берилгандир.

— Мен Мақсуд Шайхзоданинг бағри кенглик, донишмандлик барқ уриб турган ижодига ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ катта меҳр қўйганман,— дейди биз билан суҳбатда Б. Ёриев,— 1965 йили ушверситетни тугатдим. Уша йили «Ёш ленинчи» газетасида менинг «Сурхон муддаоси» шеърим босилди. «Ёшлик» радиостанцияси оқ йўл тилади. Бу, менинг республика матбуотида биринчи чиқишим эди. Уша йили сурхондарёлик ёшлардан бири Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга кириб қайтгач, менга ҳаяжонланиб бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Гап шундаки, улардан кириш имтиҳонини Мақсуд Шайхзода олган. Абитурент билет саволларига жавоб бериб бўлгач, домла «Сурхондарёлик қандай шоирларни биласиз?» дея қўшимча савол берган. Табиийки, абитуриент тугилиб қолган. Чунки у пайтларда тилга оладиган шоирларимиз саноқли эди. Шунда домла «Сизларда Болта Ёриев деган шоир бор» деганлар. Бу гапни эшитиб қаттиқ ҳаяжонландим ва улкан ижодкорнинг бағри кенглигига яна бир қойил қолдим.

Домла, ёшлар ижодини синчковлик билан кузатарди. Янги номларга эътибор берар, уларни ёшлар орасида пропаганда қиларди.

Мен устозим Раҳматулла Қўнғировни фидокор тилшунос сифатида чуқур ҳурмат қиламан. Студентлик йилларимизда у бизга қайнаб, жўшиб дарс ўтар, тилшуносликнинг муҳим проблемалари устида бош қотирар, уларга студентлар эътиборини жалб қилишдан эринмас эди. Студентлик давримда у киши раҳбарлигида курс ишлари, конференцияларда илмий докладлар тайёрлаганман. Кейинги илмий иш қилиш нияти туғилганда ҳам Р. Қўнғировнинг ҳузурига бордим. У пайтда Улуғ Турсунов домла тирик эдилар. Биз мақсадимизни айтиб, у кишига маслаҳат солганимизда, «Мақсуд Шайхзода асарлари тилини ўрганишга араб, форс-тожик тилидан хабардорлик зарур бўлади» деган эдилар. Илмий иш пайтида бу гапнинг ҳақиқатлигига ишонч ҳосил қилдим. М. Шайхзоданинг классик адабиётдан чуқур билимдонлиги, форс-тожик, араб, турк тили имкониятларидан хабардорлиги унинг ижодида яққол сезилиб туради.

Б. Ёриев 1974 йилдан буён КПСС аъзоси. У асосан, тилшуносликнинг стилистика соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб боради. Бадий ижод ва журналистика билан ҳам шуғулланади.

1979 йили «Ёш гвардия» нашриётида унинг «Боботоғ қўшиқлари» шеърый тўплами чоп этилди. У 1979 йилдан СССР Журналистлар союзининг, 1981 йилдан СССР Ёзувчилар союзининг аъзосидир. 1977 йили энг яхши шеър ва балладалари

учун Сурхондарё область Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Б. Ёриевнинг «Шайхзода поэзиясида мақол ва афоризмлар», «Шайхзода услубида синонимларнинг ишлатилиши», «Термин нафосатга хизмат қилганда», «Кичик элементнинг катта имкониятлари», «Иборалар жилоси», «Сўз-гаплар ҳақида баъзи мулоҳазалар», «Сўз-гапнинг стилистик аҳамияти» каби 60 дан ортиқ илмий мақолалари СамДУ илмий тўпламларида, газета ва журналларда эълон қилинган. Б. Ёриев бир қатор жамоат топшириқларини ҳам адо этиб келаётир, жумладан, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Сурхондарё область бўлимининг поэзия секциясига раҳбарлик қилади.

## ВАЛЛАМАТ ЕРМАТОВ

1950 йилнинг 5 апрелида Жарқўрғон (ҳозирги Қумқўрғон) районидаги Жалойир қишлоғида колхозчи-туябоқар оиласида туғилди. 1959—1969 йилларда мактабларда ўқиб, ўрта маълумот олгач, Тошкент халқ хўжалиги институти, қишлоқ хўжалиги экономикаси факультетига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтгач, олий даргоҳда билимдон ва таниқли олимларнинг маърузаларини тинглади. У институт факультет жамоат ишларида актив қатнашди.

1973 йили институтни муваффақиятли тугатиб, Сурхондарё область статистика бошқармасига йўлланма билан ишга жойлашди. 1974—75 йиллар Совет Армияси сафида хизмат қилди. Хизматдан қайтгач ўз колхози «Қизил Октябрь»да (1975—1977 йилларда) иқтисодчи бўлиб ишлади. Аммо у бу ишлардан қониқмасди. Унинг қалбида бошқа бир нарсa — илмга ташналик туйғуси ҳамон сўнмаган эди. Бу эса унинг оромини бузди. Илмий тадқиқот ишларида ўз иқтидорини синамоқчи бўлиб, Тошкентга келди ва Ўрта Оснё қишлоқ хўжалиги илмий-текшириш институти лабораториясида лаборант бўлиб ишга ўтди. Кейинчалик, кичик илмий ходимликка ўтказилди.

В. Ёрматов 1980 йили САНИИЭСХ ҳузуридаги аспирантурага қабул қилинди ва 1984 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У иқтисод фанлари номзодидир.



Олим назарияни амалда қўллаш мақсадида яна ўз колхозига ишга қайтди. Ҳозир хўжаликда бош экономистлик вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

У Ўзбекистон КП Тошкент обкоми ва облизполкомининг, Чилонзор шаҳар, Бўка район партия комитетларининг, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Кўп йиллик илмий назарий излавишлари самараси эса тўпламларда, республика журналлари саҳифаларида ўз аксини топган. Ҳозиргача В. Ерматовнинг ўнга яқин илмий ишлари турли нашрларда ёритилган.



## БОЛТА ЖАББОРОВ

1936 йил 14 мартда Шеробод район, Хўжақия қишлоғида туғилди. Болта Жабборов ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ педагог бўлишни орзу қиларди. 1958 йили ўрта мактабни тамомлаб, бир йил колхозда табелчи бўлиб ишлади ва 1959 йили Ф. Энгельс номи Тошкент Давлат чет тиллар институти қошидаги тайёрлов курсида ўқиди. 1960 йил шу институтнинг инглиз тили факультетига ўқишга кирди. Педагог бўлиш орзусида юрган Болта Жабборов тинмай ўқиди ва меҳнат қилди. У 1984 йил шу институтни имти-

ёзми дипломи билан тамомлаб, бир йил Ангор районидаги «Партия XXII съезди» мактабидан инглиз тилидан дарс берди. У 1965 йили Термиз Давлат педагогика институтига ишга ўтди.

1965—66 ўқув йиллари ўқитувчи, 1967—68 ўқув йилидан катта ўқитувчи бўлди. Б. Жабборов 1967—68 ўқув йилида филология факультети касаба союз ташкилотига раислик қилди. 1968—69 йили филология факультетида декан ўринбосари вазифасида ишлади. У 1969—1983 йилларда чет тиллар факультети декани вазифасига сайланди. Болта Жабборов инглиз тили ўқитиш методикаси ва инглиз тили тарихидан лекция ўқиди. 1970 йили «Инглиз тилини ўқитиш жараёнида студентларнинг гоявий-сиёсий тарбияси» деган темада номзодлик диссертацияси темасини танлади. 1975 йили Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтида доцент А. Аҳмедов илмий раҳбарлигида диссертациясини ҳимоя қилди.

1974 йили «Ёшларнинг ғоявий-сиёсий тарбияси» деган китоби нашрдан чиқди. Марказий журналларда 14 та, газеталарда 12 та мақоласи босилиб чиқди. «Инглиз тилидан синфдан ташқари ишларнинг форма ва методлари» қўлланмасини «Ўқитувчи» нашриётига топширди. Шунингдек, «Инглиз тилидан студентларнинг мустақил ишларининг форма ва методлари» монографияси устида ишлаяпти. Б. Жабборовнинг фидокорона меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1970 йили В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. 1975 йил «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, 1976 йили Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Доцент Б. Жабборов 1984 йилдан М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ инглиз тили кафедраси мудиридир.

## ОМОН ЖАМОЛОВ

1938 йилда Жарқўрғон районига қарашли Ульянов номи совхоз марказида дунёга келди. Куйбишев номидаги 3-сон ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, «Қизил Октябрь» колхозидаги Ленин номи мактабда икки йил ўқитувчилик қилди. У ёшлигиданоқ табиатга, айниқса, ўсимликлар дунёсига жуда қизиқар эди. Бу қизиқиш уни изланишга чорлади, билим ўчоқларига етаклади. Мана шундай билим даргоҳларидан бири Самарқанд Давлат университети эди. О. Жамолов 1957—62 йилларда университетнинг биология факультетида таълим олди. У олган билимларини янада мустаҳкамлаш, ўз илмини ошириш устида тинмай ишлади, ўрганди, излади. 1962—1965 йилларда Қарши Давлат педагогика институтининг агробиология факультетида ўқитувчилик қилди.

У 1965—1966 йилларда Қашқадарё область партия комитетида инструктор вазифасида, 1966—1967 йиллар Сурхондарё область партия комитетида лектор бўлиб ишлади. 1967—1968 йилларда Сурхондарё обкоми биринчи секретарининг ёрдамчиси этиб тайинланди.

У 1968 йил июнь ойидан бошлаб Сурхондарё область пахтачилик тажриба станциясида катта илмий ходим бўлиб иш-



лай бошлади. Бу ерда ҳам ўзининг иш фаолиятини давом эттирди, ҳамкасб дўстлари билан биргаликда пахтачилик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор ишларни амалга оширди. Унинг катта ташкилотчилик фаолиятини ҳисобга олиниб, 1987 йил тажриба станциясининг «Ўсимликлар ҳимояси» бўлимининг бошлиғи вазифасига тавсия этишди.

Бу ерда ғўза касалликларига қарши кураш чора тадбирлари амалда синалмоқда эди. Ушбу соҳада Сурхондарё области миқёсидаги муваффақиятларда тажриба станциясининг аҳамияти эътиборга лойиқдир. Негаки пахта ҳосилдорлигини ошириш, ғўзанинг вилт, макроспориоз, альтерпариоз қора илдиз чириш касаллигини йўқотиш устида бу станцияда ҳам бир қанча ишлар қилинди.

Жумладан, биринчи марта цинеб препарати Сурхондарё шароитида, Туркменистонда, қўшни ўлкалар шароитида синаб кўрилди. Синов муваффақиятли чиқди. Яъни цинеб препаратининг 1,5 фоиз суспензияси сепилганда ғўзадаги макроспориоз касаллиги кескин камайиши кузатилди. Кўп ўтмай бу препарат амалда кенг қўлланила бошланди.

Ҳозирги пайтда бу тадбирлар натижасида мўл пахта ҳосили етиштирилмоқда. Кейинги йилларда Денов районидаги «Партия XXV съезди» колхози далаларида глауконит препарати синалмоқда. Бу препарат чигит экиш олдида тупроқ ишланаётган пайтда ерга сепилади. Бунинг натижасида вилт касаллиги кескин камаймоқда. Глауконит препарати вилтга қарши юқоридаги услубда ишлатилганда касаллик 4—5 марта камаяди, ҳосилдорлик эса 3,5—5,5 центнергача ошади. Нормаси гектарига 1000—1500 кг.

50 фоизли препаратни чигитга (бир тонна чигитга 20 кг) аралаштириб экилганда эса ҳосилдорлик 3—4 центнерга ошади ва вилт касаллиги 3—4 марта камаяди. Бу препарат ҳам Денов районидаги «Партия XXV съезди» колхозида синовдан ўтказилди. О. Жамолов бошлиқ ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими олиб бораётган ишлар муҳим ва диққатга сазовордир.

О. Жамолов 1962 йилдан бери КПСС аъзоси. У амалий ишини илмий иш билан мустаҳкам қўшиб олиб боради. У ўз ҳамкасблари ва ўзининг тажрибаларига катта эътибор билан қарайди. 1973 йилда тинмай ишлаш, изланиш, ўрганиш ўз самарасини берди. У номзодлик диссертациясини ёқлади. Диссертация «Сурхондарё шароитидаги ингичка толали пахталарда макроспориоз ва альтерпариоз (тола чириш) касалликларига қарши агротехника ва химик тадбирлар ишлаб чиқиш» темасида бўлиб, бунинг аҳамияти жуда каттадир. Чунки бу амалда қўлланилганда областимизда пахта ҳосилдорлиги ошиб, ғўза касалликлари кескин камайди. О. Жамоловнинг пахтада учрайдиган вилт, қора илдиз чириши, барг чириши (макроспориоз), альтерпариоз касалликларига қарши кураш чоралари ҳақидаги бир қанча илмий мақолалари турли илмий



журналларда чоп этилди. 30 дан ортиқ илмий мақолалари «Правда Востока», «Ленинское знамя», «Хлопководство», «Защита растений», «Сельское хозяйство Узбекистана», «Леннин байроғи», «Микрология ва фитопатология» каби қатор журнал ва газеталарда, тўпламларда эълон қилинди.

О. Жамолов ҳозирги пайтда илмий изланишни самарали давом эттирмақда.

## ТОШНҶЛАТ ЖОВЛИЕВ



1927 йил Шеробод район Хўжақия қишлоғида туғилди. ТошнҶлат Жовлиевнинг ҳаёти кўп қирралидир. У ўзининг умр йўлини ёшлигидан белгилаб олган кишилардан. Т. Жовлиев кўп ўқиди. 1944 йили Бухорога бориб, институт қошидаги икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсини битирди. 1946 йилда Шеробод районидаги 1-ўрта мактабда бир йил ўқитувчилик қилди.

Яна Бухорога бориб, институтнинг табиат-география факультетида таҳсил олди. Институтни муваффақиятли битириб, 1949 йили ўз районидаги 1-ўрта мактабда ўқитувчиликни давом эттирди. Кейин шу мактабга директор бўлди.

Аmmo ўз билимини оширишга бўлган ҳавас уни яна билим олишга ундади. Энди у Тошкентга — САГУ қошидаги олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар тайёрлаш курсининг фалсафа бўлимига ўқишга кирди.

У Бухорода бир йил, Фарғонада 7 йил, Қаршида 9 йил педагогика институтларида таълим берди. 1963—64 йилдан Низомий номли Тошкент педагогика институти қошидаги бир йиллик аспирантурада ўқиди. 1965 йили «Сурхондарё ва Қашқадарё областлари колхозчи деҳқонлари онгида диний сарқитларнинг сақланиш сабаблари ва уларни бартараф қилиш йўллари» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг ижодий йўли кўпгина ёш олимлар учун сабоқ бўлди.

Олимлик бу юксак даражада билимдонлик билан ҳаётни чуқур билиш демакдир. У олимлик гувоҳномасини қўлга олгунча бу икки воҳанинг юзлаб қишлоқларини кезиб чиқди. Сон-саноқсиз кишилар билан учрашиб, уларнинг дунёқараши-

ни ўрганди. Диндорлар билан гаплашди, уларни тўғри йўлга бошлади. «Муқаддас» жойларнинг сохта «шуҳрати» ни фoš қилиб ташлади.

У 1969 йилда Термизга ишга келгач, институтнинг фалсафа кафедрасини бошқариш билан бирга бу ердаги халқ университетига раҳбарлик қилди. 1972—1975 йилларда табиат факультети декани, 1975—78 йилларда илмий-ўқув ишлари бўйича проректор, 1975—1977 йилларда Сурхондарё область «Билим» жамияти раиси бўлиб ишлади. 1977—80 йилларда Термиз шаҳар Советининг депутати бўлди.

Т. Жовлиевнинг ўтган йиллар давомида 95 та илмий-пропагандистликка доир мақолалари матбуотда босилиб чиқди. Шундан 30 таси илмий ишлардир. 1979 йили «Фан» нашриётида «Қишлоқ аҳолисини атеистик руҳда тарбиялаш масалалари» деган монографияси босилиб чиқди. Кейинги икки йил ичида 20 дан ортиқ мақоласи чоп қилинди. 1986 йилда «Табиат, инсон ва дин» номли («Фан» нашриёти) йирик монографияси босмадан чиқди.

Олимнинг бу юксак хизматларини инобатга олиб, партия ва ҳукуратимиз уни 1976 йилда «ЎзССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» деган унвон ҳамда «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирлади.

Т. Жовлиев аҳоли ўртасида маркча-ленинча назарияни кенг пропаганда қилганлиги учун икки марта СССР Олий Совети Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Шунингдек, Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги медалини ҳам олган.

Т. Жовлиев ҳозирги кунда «Янги инсонни шакллантириш» проблемаларига бағишланган илмий иш олиб бормоқда.

Домла ўз шогирдлари Наманган Давлат педагогика институти ректори, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, профессор Улфат Маматов, Қўқон Давлат педагогика институти ректори доцент Бойқўзиев ва бошқалар билан ҳақли равишда фахрланади.

Доцент Т. Жовлиев қатор йиллар М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ фалсафа ва илмий коммунизм кафедраси мудури бўлиб ишлади. Ҳозир у республика атеизм уйи Сурхондарё область филиалини бошқармоқда.

## ЖАЛИЛ ЖУМАЕВ


1939 йилнинг 17 апрелида Шеробод шаҳрида туғилди. Урта мактабни тугатиб, Термиз педагогика техникумига ўқишга кирди. 1957 йили техникумни битириб, Ангор районидаги Киров номли саккиз йиллик мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашди.

Ж. Жумаев 1964 йили Қарши Давлат педагогика институти-ни тамомлаб Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Сўнг ўрта мактабларда яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Шу ердан партия ва совет ишларига ўтказилди. Дастлаб Шеробод район партия комитети инструктори, Гагарин район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири, секретари вазифаларида ишлади. 1972—1975 йилларда КПСС Марказий Комитети ҳузурндаги ижтимоий фанлар Академиясида аспирантлик муддатини ўтагач, Бойсун район партия комитетининг иккинчи секретари, 1977 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ашгацақи ва пропаганда бўлими лектори, 1985—1988 йилларди собиқ Жиззах область партия комитети бўлим мудири, область ижроия комитети раиси ўринбосарлиги лавозимларида фаолият кўрсатди. 1975 йили фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиши учун диссертация ҳимоя қилди. Унинг қатор монография, брошюра, мақолалари марказий ва республикамиз нашрларида эълон қилинган.

Ҳозирги пайтда Ж. Жумаев Олий партия мактабида директор ўринбосарлиги вазифасида ишлаб, илмий-тадқиқот ишларини давом эттирмоқда. Унинг 1981 йили «Меҳнат коллективларида шахснинг ахлоқий тарбияси» номли монографияси нашрдан чиққан.

## ТУРОБ ЖУМАЕВ

1938 йил 19 майда Шеробод районидаги собиқ В. И. Ленин номли колхоз Тўнор қишлоғида колхозчи-деҳқон оиласида дунёга келди. 1956 йилда район марказидаги А. С. Макаренко номидаги 1-ўрта мактабин тамомлаб, Термиз педагогика билим юртида ўқиди ва 1958 йилда уни тугатди. Билим юрти Т. Жумаевнинг ҳаётидан жуда катта ўрин олди. Уқув тарбия ишларининг жуда яхши йўлга қўйилганлиги учун у кўп тажрибаларни ўрганди. Намунали хулқи учун Термиз педагогика билим юрти дирекцияси тавсиясига биноан олий маълумот олиш учун Тошкентга келди ва 1958 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети география факультетига ўқишга кирди. Т. Жумаев университетни



имтиёзли диплом билан тугатди. У студентлик йилларида Шеробод районининг аҳолиси ва хўжаликларини ўрганишга катта эътибор берди. Талабалик йиллари унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Т. Жумаев 1963—1965 йилларда Шеробод районидан ўрта мактабда ўқитувчи, район комсомол комитетида мактаблар бўлими, ташкилий бўлим мудирини вазифаларида ишлади. Район комсомол комитетининг бюро аъзоси, район суди халқ маслаҳатчиси бўлиб сайланди. Комсомолдаги иши учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди. 1966 йилда КПСС аъзолигига қабул қилинди.

1965—1968 йилларда у Тошкент халқ хўжалиги институти аспирантурасига ўқишга кирди. Институт иқтисод кафедраси мудирини, география факультетининг докторини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби, профессор Армен Аршавирович Азатьян Т. Жумаевнинг илмий ишларига раҳбарлик қилди.

Т. Жумаев аспирантурада «Сурхондарё области қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва жойлашшининг аҳволи ҳамда келажак истиқболлари» деган темада илмий-тадқиқотлар ўтказди. 1971 йили Тошкент халқ хўжалиги институти илмий Советида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун шу темада диссертация ҳимоя қилди. Ўзбекистон тоғ қишлоқ хўжалиги жуда мураккаб табиий-иқтисодий шароитда республика пахтачилик халқ хўжалиги комплексининг ажралмас таркибий қисми сифатида ривожланмоқда ва бу комплекс ўзинга хос вазифани бажаради. Тоғ қишлоқ хўжалигининг республика халқ хўжалиги комплексида тутган ўрнини аниқлаш, унинг табиий-иқтисодий шароитларини ҳозирги территориялар шароитда замон талаблари нуқтаи назардан ўрганиш улкан муаммолардан биридир. Масалани ана шу нуқтаи назардан қараганда, Сурхондарё область шароитида тоғ қишлоқ хўжалигининг ривожлантириш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Олимнинг тадқиқотлари бу соҳада ютуқлар билан бир қаторда ҳали ҳам ҳал этилмаган қатор проблемалар борлигини кўрсатди. Тоғли районларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг катта резервлари мавжудлиги кўрсатиб берилди ва уларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Т. Жумаев 1968—1980 йилларда йигирмага яқин илмий мақолалар ёзди, улар турли илмий тўпламлар ва журналларда босилган.

«Эндиликда,— дейди у,— Ўзбекистон тоғ қишлоқ хўжалиги проблемалари бизнинг асосий объектими бўлиб қолди».

Т. Жумаев қатор йиллар Тошкент халқ хўжалиги институти лабораториясида катта илмий ходим, сўнгра иқтисодий география кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент вазифаларини бажарди.

Доцент Т. Жумаев иқтисодий география фанидан минглаб студентларга мароқли лекциялар ўқиб, кўплаб шоғирлар тайёрламоқда.

## ҚУРБОНТУРДИ ЖУМАЕВ

1935 йил 7 июлда Термиз районидagi Янгиариқ қишлоқ Советига қарашли «Октябрь 40 йиллиги» колхозида туғилди.

1959 йилда Термиз районидagi Ҳамза номи мактабни аъло баҳолар билан тугатди. Қ. Жумаев ўрта мактабни тугатгандан кейин икки йил Термиз портида оддий ишчи бўлиб ишлади.

Индоят, 1958 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг биология ва химия бўлимига ўқинишга кирди. У институтда фақат аъло баҳоларга ўқиди. Студентлик давридан бошлаб, ўсимликлар дунёсига бўлган қизиқини ортиб борди ва илмий конференцияларда қатнашиб, яхши ўрнларини эгаллади.

У уч йил факультет профсоюз ташкилотининг раиси, бир йил группа старостаси бўлиб ишлади. 1963 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Шу йили унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. У КПСС аъзолигига қабул қилинди. Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида дастлаб методист, кейинчалик эса кабинет мудирини вазифасида ишлади. 1965 йилда Термиз Давлат педагогика институти қайта ташкил топиши муносабати билан шу институтга ишга таклиф этилди. Шу йилдан бери институтда ботаникадан дарс беради. У 1965 йилдан 1968 йилгача ўқитувчи, 1968 йилдан 1980 йилгача катта ўқитувчи, 1980 йилдан бери доцент бўлиб ишлаб келмоқда.

1965 йилда у Тошкент Давлат университетига сиртдан аспирантурага қабул қилинди. Унга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор И. У. Гранитов устозлик қилди. Қ. Жумаев

1974 йилда «Сурхон — Шеробод водийсининг ёввойи ўсувчи эфир мойли ўсимликлари» мавзусида Тошкент Давлат университети, биология ва тупроқшунослик факультетининг илмий Советида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу темада жуда кам иш қилинган бўлиб, фақат Н. С. Кудряшев 1930—1936 йилларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Айниқса, Сурхондарёда эфир ўсимликларнинг кўплиги ва кам ўрганилганлиги учун Қ. Жумаев янги эфир мойли ўсимликларни излади ва ҳаммаси бўлиб 310 дан ортиқ эфир мойли ўсимликлар борлигини аниқлади. Шу ўсимликлардан 27 тури истиқболли эфир мойли ўсимлик эканлиги аниқ-



ланди. 11 тур ўсимликларни маданийлаштиришни таклиф қилди. Бу эфир мойли ўсимликларнинг табиий запаслари, турли фаслларда эфир мойларининг тўпланиш миқдорини, физик, химик константаларини ўрганди. Илмий ишининг актуаллиги шундан иборатки, ўсимликлардан олинадиган эфир мойлари медицинада, озиқ-овқат ва парфюмерия саноатида, қишлоқ хўжалигида, косметикада, совун тайёрлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда баъзи бир эфир мойлар сунъий йўл билан ҳам олинмоқда. Шунинг эътиборга олиш керакки, биронта сунъий йўл билан олинган эфир мойи табиий (ўсимликлардан олинган) эфир мойининг ўрнини босолмаяпти. Натижада табиий эфир мойларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу соҳани ўрганиш актуалдир.

Қурбонтурди Жумаевнинг 24 та мақоласи илмий журналлар ва тўпламларда, жумладан, тўрттаси Москвада, тўрттаси Симферополь шаҳрида босилиб чиқди. Кишишев ва Симферополь шаҳарларида бўлиб ўтган эфир мойли ўсимликларни ўрганишга бағишланган Бутуниттифоқ симпозиумларда докладлар билан чиқишлар қилди. Қ. Жумаев ҳозир «Ўзбекистоннинг жанубида учрайдиган эфир мойли ўсимликлар» темаси устида иш олиб борапти. «Фан ва турмуш» журналида шу темага доир «Вужуди хушбўй ўсимликлар», деган мақоласи босилиб чиққан. Қ. Жумаев институтда 1972—1982 йилларда табиат факультети партия ташкилотининг секретари, 1984 йилдан институт касаба союз ташкилотининг раиси вазифасида ишлади ва ҳозир табиат факультети, «Химия, ботаника ва қишлоқ-хўжалиги асослари» кафедрасида доцент бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Қ. Жумаев Ўзбекистоннинг жанубида ёввойи ўсадиган эфир мойли ўсимликларнинг энг истиқболлиларини аниқлаб олиш, шу ўсимликлардан ажратиб олинган эфир мойларининг вирусларини, бактериялар, замбуруғлар ва содда ҳайвонларга таъсирини ўрганишда. Шунингдек, бу эфир мойли ўсимликларга экологик омилларнинг таъсирини ўрганиш билан эфир мойли ўсимликлардан доривор сифатида, озиқ-овқат саноатида, парфюмерия ва косметика соҳасида фойдаланиш йўллари устида изланиш олиб бормоқда.

Институтда Ленинград олимлари билан ҳамкорликда хроматография лабораторияси ташкил қилинди. Бундан мақсад эфир мойларнинг состави, яъни компонентларини ўрганишдир. Илмий ишининг асосий мақсади халқ хўжалигида ишлатилиши лозим бўлган истиқболли эфир мойли ўсимлик турларини аниқлашдан иборатдир.

Институтнинг агробиология участкасида ва тоғли районлардаги стационарларда олиб борилаётган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, тоғ райҳони, кавракларнинг баъзи турлари, арпабодиён, ёввойи мурч, ҳатто Термиз шароитида ҳам ўсиши мумкин экан.

Тоғли районларда эса ноёб, камайиб бораётган доривор ва эфир мойли ўсимликларни кўпайтириш имконияти мавжуд экан. Ҳақиқатан ҳам кўпгина ёввойи ҳолда ўсувчи эфир мойли ўсимликлар ҳозирги вақтда камайиб бормоқда. Шу сабабдан халқ хўжалиги учун аҳамиятли бўлган ноёб ўсимликларни муҳофаза қилиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун юқорида қайд этилган ўсимликларнинг онтогенезини, ареалларини, экологиясини ва биологик хусусиятларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ёввойи ўсувчи эфир мойли ўсимликларнинг табиий запасларини аниқлаб, улардан рационал фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилмоқда.

К. Жумаев бир неча йиллардан бери «Ленин байроғи» област газетаси саҳифаларида оммабоп мақолалари билан қатнашиб, ўлкамизнинг набобот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан рационал фойдаланиш масалаларини кенг пропаганда қилмоқда. Олим кейинги йилларда табиат факультетида ташкил этилган табиатшунослик халқ университети ректори сифатида фаол иш олиб бормоқда.

## ЧОРИ ЖУМАЕВ

(1938—1980)

1938 йил 28 мартда Гагарин районидаги Музробод қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. 1956 йили мактабни аяло баҳолар билан тугатиб, шу йили Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. У ўзининг зийраклиги билан талабалар орасида ажралиб турар эди. Ч. Жумаев 1961 йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли мактабда тарих ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлади. Меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан коллектив ҳурматини қозонди.



У 1963 йил октябрь ойигача Сурхондарё область комсомол комитетининг бўлим мудири ёрдамчиси бўлиб ишлади. 1964 йили КПСС сафига қабул қилинди. 1963 йил 1 октябрда А. Навоий номли Самарқанд Давлат университети қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. Шу университетда тарих фанлари

доктори, профессор А. Ҳ. Бобохўжаев раҳбарлигида «Ўзбекистон комсомоллари ва ёшларининг социалистик қурилишида қатнашуви тарихидан» темасида илмий иш олиб борди. Аспирантурани тугатгандан сўнг, олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг йўлланмаси билан Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтига катта ўқитувчи қилиб юборилди. Ч. Жумаев 1967 йили номзодлик диссертациясини ёқлагач, Термиз Давлат педагогика институтида дастлаб марксизм-ленинизм кафедрасида ўқитувчи, сўнгра СССР тарихи ва умумий тарих кафедрасининг мудури вазифасида ишлади.

Ажойиб нотiq ва сўз устаси бўлган Ч. Жумаев бу ерда илмий излашларини давом эттирди, докторлик диссертациясини устида қунт билан иш олиб борди. 20 дан ортиқ илмий мақола эълон қилди. Ч. Жумаев ўз билимини, куч ва ғайратини область мактабларига педагогик кадрлар тайёрлаб беришга сарф этди. Унинг бу соҳадаги хизматлари СССР ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси нишони ҳамда республика маориф министрлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. У ўз меҳнати ва илмий фаолиятини жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди. Чори Жумаев институт илмий Советининг аъзоси, факультет партия ташкилотининг секретари, область партия комитетининг лектори, марксизм-ленинизм кечки университети ўқитувчиси, республика маорифи министрлиги ўқув-методика Советининг аъзоси эди. Аммо ундаги жўшқинлик ва активлик кутилмаганда сўнди. Энди куч-қувватга тўлиб, эл-халқимизга янада кўпроқ хизмат қиламан деб турганида бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Доцент Чори Жумаев 1980 йили фожиаи ҳалок бўлди.

## ЧОРИ ЖУМАЕВ



1938 йилда Шеробод районидаги В. Қодиров номи совхозининг Тўғиз қишлоғида колхозчи-деҳқон оиласида туғилди.

1957 йилда район марказидаги Макаренко номидаги 1-ўрта мактабни тамомлаб, шу райондаги пахта тозалаш заводида ишчи бўлиб меҳнат қилди.

1959—1962 йилларда Самарқанд кооператив техникумида, 1962—1967 йилларда Самарқанд кооператив институтида савдо иқтисоди ва бухгалтерияси ҳисоби бўйича таълим олди.

У 1969 йилгача область мат-



луботи жамияти аппаратида ходим ва бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. У 1965 йилдан КПСС аъзоси. 1969—70 ўқув йилида Москва кооператив институтининг махсус педагогика факультетини тамомлагач, область матлубот жамияти аппаратида молия бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб айна вақтда Термиз кооператив техникумида ўқитувчилик қилди. Ч. Жумаев 1970 йилда халқ депутатлари область совети ижроия комитети нарх бўлими мудирини этиб тайинланди. У ўша йилларда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган баъзи иқтисодий қийинчиликларни англади. Совхоздаги меҳнат, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг формаларини чуқур ўрганди. Бу унинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика илмий-тадқиқот институтида тадқиқотчи бўлиб иш олиб боришига сабаб бўлди. Ниҳоят, 1982 йилда у иқтисод фанлари номзоди В. Қ. Живаев илмий раҳбарлигида «Моддий рағбатлантириш фонди ва унинг социалистик ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтаришдаги роли (Ўзбекистон совхозлари материаллари асосида)» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий ишда асосан совхоз ишлаб чиқариши моддий рағбатлантиришининг тўғри ҳал этилишида мавжуд бўлган тўсиқлар ҳамда шу юзасидан тавсия ва амалий анализлар берилган.

Унинг 16 та илмий мақоласи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий журналларида эълон қилинди.

Ч. Жумаев раҳбарлигида 1972 йили биринчи марта «Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини харид қилиш» бўйича область прейскуранти ишлаб чиқилди.

У Ўзбекистон КП область комитети пропагандистлар группасининг аъзоси. Қўплаб коллективлар олдида доимий чиқишлар қилиб боради. 1980 йилдан (XVII—XVIII чақириқ) халқ депутатлари область Советининг депутати этиб сайланган. 1975—1977 йилларда Тошкент Олий партия мактабида таълим олди. 1977—1979 йилларда Ўзбекистон компартияси область комитетида инструктор бўлиб ишлади. Ўзбекистон КП область комитети, халқ депутатлари область ижроия комитети, Ўзбекистон КП Термиз шаҳар комитети, КПСС Марказий Комитети «Экопомнческая газета»си, СССР халқ контроли комитетининг фахрий ёрликларини олишга сазовор бўлди.


У 1979—1985 йилларда халқ депутатлари область Совети ижроия комитети савдо бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлади. 1985 йилдан буён Термиз қишлоқ хўжалиқ техникумида ўқитувчи ва бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Унинг ишида кейинги беш йилликларда ишлаб чиқариш учун тавсияномалар берилган. Озиқ-овқат программасини ҳал этиш учун энг аввало ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш лозимлиги кўрсатиб берилган.

Бу муаммони ҳал этиш учун меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш зарур эканлиги белгиланган.

Шунингдек, у социализмда тақсимот, ижтимоий фонд, соф даромад, иш ҳақи каби иқтисодий масалаларнинг моддий рағбатлантириш билан ўзаро боғлиқ ва алоқада эканлигини кўрсата олган.

Ч. Жумаев ҳозир ҳам ана шу муҳим проблема устида қизгин иш олиб бормоқда.



## АБДУВОҲИД ЖҶРАЕВ

1954 йил 18 февралда Жарқўрғон (ҳозирги Қумқўрғон) райониндаги «Қизил Октябрь» колхозда колхозчи оиласида туғилди.

У 1961—1971 йилларда Ленин номи 8-ўрта мактабда ўқиди. 1970—1971 йиллари шу колхозда комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашди. 1970 йили Бутуниттифоқ ва 1971 йили республика комсомол-ёшлар бригадалари слётида иштирок этди. А. Жўраев 1972 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг

қишлоқ хўжалиги экономикаси факультетига ўқишга кириб, 1976 йилда қишлоқ хўжалиги планлаштириш бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлади. Давлат имтиҳон комиссиясининг тавсияси билан Урта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-текшириш институтига ишга юборилди. 1976—1978 йилларда «Колхозлар экономикаси» бўлимида кичик илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатди.

У 1978—1981 йилларда шу институтнинг аспирантурасида ўқиди ва 1982 йили «Ингичка толали пахта етиштиришни интенсифлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш» темасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. А. Жўраев 1982—1984 йилларда Урта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-текшириш институтининг Сурхондарё область Сарийосиё филиалини бошқарди. 1985—1986 йилларда Москвадаги Тимирязев номи қишлоқ хўжалик академиясида фаннинг прогрессив соҳалари бўйича стажировкада бўлди. 1986 йилдан буён Урта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси институтида «Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш муаммолари» секторида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда «Қишлоқларда социал соҳани ривожлантиришнинг иқти-

содий проблемалари» деган мавзуда докторлик иши устида излашмоқда.

У институт илмий совети аъзоси, шунингдек ёш олимлар ва мутахассислар совети раисидир. Шу кунга қадар 30 дан ортиқ илмий мақола ва китобларнинг автори ҳисобланади. Бунга мисол қилиб «Ингичка толали пахта етиштиришни интенсивлаштириш», «Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтариш», «Қишлоқ жойларда социал инфраструктурани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари», «Ўзумчиликда оилавий пудратнинг иқтисодий самарадорлиги» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. А. Жўраев 1983 йилда фан ва техника соҳасида Тошкент шаҳар Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

## ҚУДРАТ ЖУРАЕВ

1945 йилининг 11 апрелида Жарқўрғон (ҳозирги Қумқўрғон) районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг «Ёш ғайрат» қишлоғида туғилди. У 1962 йили Куйбишев номи ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан тугатгач, 1962—1965 йилларда ўз қишлоғидаги Улуғбек номи саккиз йиллик мактабда адабиёт, математика, расм ва чизмачилик фанларидан дарс берди. Айни пайтда колхозда агитаторлик, пропагандистлик вазифаларини бажарди. У ёшлигидан бошлаб адабиёт ва санъатга қизиқарди. Ўқитувчилик йилларидаёқ район ва область газеталари саҳифаларида унинг ҳар хил мавзудаги мақолалари босилиб турарди.

Қ. Жўраев адабиёт ўқитувчиси бўлишни орзу қиларди. Ниҳоят унинг нияти ушала бошлади. 1965 йили Термиз Давлат педагогика институти, Ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди. У фанга бўлган қизиқиши ва жамоат топшириқларини сидқидилдан бажариши билан тез орада ўқитувчилар ва талабалар орасида танилди.

У жамоат топшириқларини бажариши билан бирга ўқув предметларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб борди. Адабий тўғараклар, студентларнинг илмий-назарий конференцияларида ўзининг мазмунли илмий докладлари билан қатнашиб кўпчиликка намуна бўлди. 1967 йили Қарши шаҳрида бўлиб ўтган республика



лика олий ўқув юртлари студентлари илмий-назарий конференциясида «Ўзбек романларида Улуғ Октябрь мавзуи» темасидаги доклади II даражали диплом билан тақдирланди. Шундан сўнг у Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган анжуманларда ҳам фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. Унинг адабиётшунослик ва тилшунослик илмига бўлган қизиқишининг янада шаклланишида устозлардан Эргаш Ҳурматов, Муҳиддин Бобоҳўжаев, Жаббор Омонтурдиев ва бошқа олимларнинг ижодий таъсири айниқса, юксак бўлди.

Қ. Жўраев 1969 йили институтни имтиёзли диплом билан тугатди ва институт маъмурияти уни олий даргоҳда ишга олиб қолишга қарор қилишди. Қ. Жўраев дастлаб сиртқи бўлимда методистлик вазифасини бажарди. Бир неча йиллар ўқув-консултация пунктига мудирлик қилди, талабаларга адабиётдан дарс бера бошлади.

У 1972 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Бердиали Ҳасанович Имомов билан шахсан танишиш шарафига муяссар бўлди ва у кишига ўзининг мақсадини айтди.

Қ. Жўраев қизиқиб юрган соҳа — ўзбек драматургиясининг 30-йиллардаги тараққиёт тенденциялари мавзуидаги илмий-тадқиқот иши домлага ҳам маъқул тушди. Ҳақиқатдан ҳам бу давр ўзбек драматургиясини тадқиқ этиш ва бу билан ўзбек фани хазинасини бойитиш масаласи актуал проблемалардан бири эди.

Маълумки, 20—30-йилларда ўзбек совет адабиётида турлича қарашлар мавжуд эди. Кўпчилик ижодкорларга «миллатчилик» тамғаси босилган бўлиб, уларнинг ижодлари камситилди. Лекин шундай бўлсада социалистик реализм принциплари ўша давр етакчи ёзувчиларнинг бақувват асарларида ўз ифодасини топди. Бу ўринда замонавий кишилар образини ҳаққоний очиб бериш, ички психологик кечималарини тасвирлаш борасида яратилган кўпгина драматик асарларнинг бир қисми қайта-қайта нашр қилинди, театр сахналарига олиб чиқилди, бошқа бир қисмлари эса бир марта нашр қилиниб, ундан кейин ўз ҳолича қолиб кетди ва халқ назаридан анча четлашди. Ана шу асарлар сирасига «Заводдан — қишлоққа», «Танқид» (Ҳусайн Шамс), «Атлас» (Усмон Носир), «Галаба», «Омонат», «Тўғри йўл меваси» (Сотти Ҳусайн), «Қайда бахт?» (Ғафур Ғулом), «Ташвиш» (Абдулла Қаҳҳор), «Тўралик сиртмоғи» (Зиё Саид), «Рўзалар» (Фитрат), «Шодмон» (Анқабой), «Оқ олтин» (Мамарасул Бобоев), «Адолат» (Исмоил Ақром) сингари драмалар киради.

Тадқиқотчи юқорида эслатиб ўтилган драматик асарларни ўрганиб, биринчи марта жиддий таҳлил этди ва уларга объектив баҳо беришга ҳаракат қилди. Уша давр драматургиясининг мураккаб томонларини, проблематик масалаларини ҳал этишга бўлган уринишлари зое кетмади. 1979 йилнинг 8 фев-

ралида В. И. Ленин номидаги ТошДУ илмий кенгашида ўз диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бу ютуқ шуниси билан алоҳида эътиборга лойиқки, диссертация аспирантурасиз, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ҳимоя қилинди. Ўз устида қунт билан ишлаш, изчил изланиш ана шундай яхши самара берди. Бу борада фақат шу мавзуга бағишланган ўнлаб илмий мақолалари республикамиз матбуотида, олий ўқув юртлари илмий ишлар тўпламларида чоп этилди.

«Қаҳрамон санъаткор», «Унутилган баъзи пьесалар ҳақида», «Драматургик жанрлар масаласига доир», «Зиё Саид — драматург» «Комедияларда замон руҳи» «Саҳна соҳибаси» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қ. Жўраев қатор методик қўлланмалар («Педагогика фанидан семинар ва лаборатория машғулоти», «Йўлдош — практикант») авторидир. У бир неча илмий тўпламларга, қатор олимларнинг китобларига масъул муҳаррирлик қилган.

Қ. Жўраев замонамиз қаҳрамонлари, уларнинг жўшқин ҳаёти, меҳнати, ютуқ ва режаларидан бениҳоя илҳомланиб, бу соҳада «А. Фадеев ва ўзбек адабиёти», «Ипак пахта диёрида», «Ободонланмоқда», «Тилсимот калити қўлида», «Пахтакор сўзи», «Қутлуғ байрам» сингари публицистик мақолаларида давримизнинг муҳим масалаларини ёритишга ҳаракат қилди.

Қ. Жўраев 1982—1985 йиллар табиёт факультети декани ўринбосари вазифасида ишлаб ўзининг тadbиркорлигини ва ташаббускорлигини намойиш этди. У бир неча йиллар давомида педагогика кафедраси мудирининг ўринбосари, институт «Педагог» газетаси редакторининг ёрдамчиси, институт методик совет раиси педагогик — синф раҳбари, СНО раиси ўринбосарлиги ва бошқа қатор жамоат топшириқларини сидқидилдан бажармоқда.

Педагогика ва психология кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1988 йилдан бошланғич таълимнинг тиллар ва адабиёт кафедраси доценти сифатида талабаларга чуқур билим бериш йўлида фидойилик қилиб келмоқда.

Қудрат Жўраев ижтимоий-тарбиявий ишлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини ҳам қўшиб олиб бормоқда. «20-йиллар ўзбек совет драматургияси (ўтмиш ва замонавий қаҳрамонларни акс эттиришда бадий изланишлар)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Қ. Жўраев салкам чорак аср мобайнида ёш авлодга коммунистик тарбия беришдек вазифани адо этиб келаётганлиги ҳисобга олиниб, бу соҳадаги хизматлари Ўзбекистон ССР Маориф ва таълим вазирлиги, область ташкилотлари, шунингдек, институт маъмурияти томонидан тақдирланган.

## БОЙҚОБИЛ ЖҲРАҚУЛОВ



1941 йил 13 майда Бойсун районидаги «Бойсун» совхозининг Газа қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. 1959 йил В. И. Ленин номли мактаби «аъло» баҳолар билан тугатиб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия бўлимига кириб ўқий бошлади.

1964 йили институтни муваффақиятли тугатди. Йўлланма билан Термиз районига ишга келди. Институтда олган билими, ерга, пахтага бўлган қизиқиши унга тинчлик бермади. Б. Жўрақулов илк бор шу райондаги Карл Маркс номли колхозда

меҳнат фаолиятини агрономликдан бошлади. Тез орада уни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг агрономлигига тавсия этишди. Уша пайтда хўжаликларнинг пахтадан олаётган ҳосили ниҳоятда қониқарсиз эди. Хўжаликлар ўз устига олган план ва мажбуриятларини бажара олмас, ҳосилдорлик жуда паст бўлиб, деҳқончилик маданияти ҳақида гап юритмаса ҳам бўларди. Пахта майдонларини ўт босиб ётар, ғўза қатор ораларига ишлов беришда кўпгина нуқсонлар учраб турарди. Сифатсиз культивация қилиш, эътиборсиз суғориш ва бошқа қатор агротехник тадбирларнинг қониқарсиз бажарилиши пахта ҳосилдорлигининг камайиб кетишига олиб келар эди.

Сурхон воҳаси иссиқ иқлимли бўлганлиги туфайли ғўза қатор ораларига ишлов беришни август-сентябрь ойларида тўхтатиш керак бўларди. Чунки бу вақтда пахта пишиб етилади. Ғўзалар тор қаторлаб экилганлиги туфайли июль ойининг ўрталаридаёқ ғўза қатор ораларига ишлов бериш қийинлашади. Шунинг оқибатида ғўзани культивация қилиш ва бошқа агротехник тадбирларни ўтказиш эътибордан четда қолиб, ғўза ҳосил тўплайдиган даврида қатор ораларига ишлов бериш ҳам соп, ҳам сифат жиҳатидан камайиб, олинаётган ҳосил қониқтирмасди.

Пахтачиликдаги фикрлар, тажрибалар ва мулоҳазалари уни илмий иш қилишига ундади. Б. Жўрақулов 1967—1970 йилларда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ) да аспирантурада ўқий бошлади. Шу йиллар унинг ҳаётида унутилмас бўлиб қолди. Ипак пахтани кенг қаторлаб экишни агротехник томондан самарадорлигини асослаш бўйича иш олиб борди. Унга ана шу илмий ишни ўрганиш бўйича Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ

хўжалик фанлари номзоди, доцент Александр Колдаев раҳбарлик қилди.

Б. Жўрақулов 1971 йилда Ўзбекистонда ипак пахтани кенг қаторлаб экиш бўйича Ўрта Осиё олимлари ичида биринчи бўлиб фан номзоди деган илмий даражани олиш шарафига муяссар бўлди. Ипак пахтани кенг қаторлаб экиш мумкинлигини пахтакорларга кўрсатиш бўйича 1968 йилдан бошлаб илмий ишлаб чиқариш тажрибалари олиб борди.

Шундай тажрибаларни энг аввал Термиз районидаги Жданов номли, «Намуна» колхозларида, Гагарин районидаги «Янгиобод», Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозларида ўтказди. Аспирантура муддати тугагандан сўнг йўлланма билан Шеробод районидаги (ҳозирги Ленин йўли районидаги) Охунбобоев номли совхозга бош агроном бўлиб ишга кирди. Мана шу йиллар ичида у чўл хўжаликларида пахтани кенг қаторлаб экиш, эктириш ва уни жорий қилдириш бўйича илмий-ишлаб чиқариш тажрибалари, кузатишлар олиб борди. Шундай бир шароитда кўпгина чўл хўжаликларида ишчи кучи, техника етишмас эди. Шунинг учун совхозда ерни ҳайдаш, экишга тайёрлаш ишлари май ойигача чўзилар, чигитни экиш эса июнь ойигача борар эди. Оқибатда пахта ҳосилдорлиги ниҳоятда камайиб, пахта теришни механизациялаштириш қийинлашиб кетарди.

Шундай доларб пайтда унинг асосий мақсади пахтадан тўлиқ кўчат олиш масаласи эди.


Бунинг учун эса суғорилиб чигит экилган майдонларда кўчат сийраклиги туфайли, эгат олиб, ғўза сонини тўлдириш учун яна қўшимча сув берилар эди. Бу ҳолат эса кўкариб чиққан ёш ниҳолларни касаллантирар, ривожланишини кечиктирар эди. Пахта майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиб кетишига олиб келарди. Бегона ўтларни йўқотиш учун эса хўжаликда ишчи кучи етишмас, натижада пахтани ўт босиб ҳосилдорлик камайиб кетарди.

Б. Жўрақулов буларнинг олдини олиш учун чигитни эгат пуштасига экишдек илғор технологияни ишлаб чиқди ва бу метод дастлаб шу совхоз далаларида синаб кўрилди.

Б. Жўрақулов 1980—1986 йилларда Ленин йўли район агросаноат бирлашмасида раислик қилди.

1986—1987 йилларда Қ. Раҳимов номли совхоз директори, 1988 йилдан буён Й. Охунбобоев номли совхозда агроном бўлиб ишлаб келмоқда.

Чигитни кенг қаторлаб ва пуштага экиш бўйича 30 дан ортиқроқ илмий мақолаларини ёзди. 1989 йилда унинг «Ингичка толали ғўза етиштиришнинг интенсив технологияси» номли китобчаси босмадан чиқди. Бугунги кунда унинг тажрибаси мисолида ипак пахтани кенг қаторлаб ва пуштага экиш республикамиз, область, район хўжаликларидан ташқари бошқа республикаларда ҳам синаб кўрилмоқда, ўрганилмоқда.



1954 йил 23 августда Шўрчи районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг Қорлуқ қишлоғида туғилди. 1976 йилда Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли 2-сон ўрта мактабни муваффақиятли тугатди. Ўқувчилик йилларидаги химия фанига бўлган қизиқишига химия ўқитувчиси Муҳаммад Исмоиловнинг ҳиссаси катта бўлди. Бу фанга бўлган қизиқиши уни олий даргоҳ сари етаклади. 1971 йили Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг химия факультетига ўқишга кирди. У студентлик йилларида универси-

тетдаги «Ёш химиклар» тўғарагига мунтазам қатнашиб борди. Тўғарак раҳбари, химия фанлари доктори Темир Қурбонovich Ҳамроқуловнинг ёш студентларга химия фанининг қишлоқ хўжалигидаги ўрни ҳақидаги маслаҳатлари уни шу соҳага қизиқишини оширди.

1976 йили университетни имтиёзли диплом билан тугатгандан сўнг область пахтачилик тажриба станциясида иш бошлади. 1981 йил Бутуниттифоқ илмий-текшириш пахтачилик институти (СоюзНИХИ) аспирантурасига кириб, «Сурхон-Шеробод воҳасида тақир-ўтлоқ тупроқ шароитида ингичка толали пахта ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг ва сув режимининг таъсири» деган темада ВАСХНИЛ академиги А. И. Имомалиев ва қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Н. Н. Зеленин раҳбарлиги остида иш олиб борди. 1984 йил 4 июнда қишлоқ хўжалик фанлари соҳаси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Темада Ўзбекистоннинг тақир-ўтлоқ тупроқли зоналари шароитида минерал ўғитлар (азот, фосфор, калий) ва сув режимини тўғри қўллаб ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олишнинг **оптималь нормалари ишлаб чиқилди**. Фан асосида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, бир гектар ерга экилган пахтадан олинган қўшимча даромад 1665 сўмни ташкил қилди. Зокировнинг ингичка толали пахта ҳосилдорлигига минерал ўғитлар ва сув режимининг таъсири борасида 10 дан ортиқ мақоласи, 3 та тавсияномаси матбуотда эълон қилинган.

Ҳ. Зокировнинг келгуси режалари Сурхондарё областининг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари учун (пахта ва беда) оптималь минерал ва сув режими нормасини ишлаб чиқишдан иборатдир.



## ХУРРАМ ЗОКИРОВ

1933 йил 31 декабрда Шўрчи районидаги Қорлиқ қишлоғида туғилди. 1953 йили ўрта мактабни битириб, Шўрчи район Улғабек номи етти йиллик мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. Кейинчалик, шу мактабнинг ўзида V—VI—VII синф ўқувчиларига ботаника, зоология, география фанларидан дарс бера бошлади.

1954 йилда Самарқанд Давлат медицина институтига ўқишга кирди. Студентлик йилларида жамоат ва ташкилий ишларда ҳамда илмий конференцияларда актив қатнашиши билан ўз ўртоқлари орасида ажралиб турарди.

1960 йилда институтнинг даволаш факультетини «аъло» баҳолар билан тамомлади. У институтга кирган даврларида жароҳлик касбини севар эди. Институтни битириши биланоқ, шу йилнинг ўзида ўзи туғилиб ўсган Шўрчи районининг Қорлиқ қишлоғидаги 25 ўринли шифохонага (аввал биронта ҳам врач йўқ эди) бош врач бўлиб борди. У ерда шифохонани ободонлаштириш, беморлар учун қулай шароитлар яратиш ва ўзи севган касби хирургия бўлимини очишдек муаммо турарди. У шу вазифани адо этди. Кейинчалик, у район марказий касалхонасида врач-хирург вазифасига ўтказилди.

1961 йилнинг бошларида область маркази — Термиз шаҳар касалхонасида малака ошириш учун ўқиди. Область соғлиқни сақлаш бўлимининг бош мутахассиси, медицина фанлари номзоди С. М. Яновский, хирургия бўлимининг бошлиғи С. М. Секретарева, урология бўлимининг бошлиғи Т. Ф. Жамолова каби кишилардан таълим олди.

Хуррам Зокиров 1963 йилдан бошлаб КПСС аъзоси. 1964 йил ноябрь ойда Москвадаги марказий ортопедия-травмотология илмий-текшириш институтига аспирант бўлиб кирди. Профессор Зоя Сергеевна Миронова раҳбарлигида «Спорт ва балет машғулотлари билан шуғулланган малакали кишиларда тизза бўғинининг шикастланиш хирургияси ва бу хирургик касалликларни аниқлаш методлари» деган масала устида илмий иш олиб борди.

Ниҳоят, у 1967 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Х. Зокиров масалани ривожлантириш учун 1500 цирк ва балет артистларини ва юқори малакали спортчиларнинг касаллик тарихларини, шу касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини фан асосида ўрганди, нормал одамларда тизза бўғинининг




анатомиясини ўрганиш учун шу институт лабораториясида 300 дан ортиқ тизза бўғинини ҳар томонлама текшириб чиқди.

Х. Зокиров тизза бўғини касалликларига бағишланган 15 та, сон ва чаноқ бўғини касалликларига доир 7 та илмий мақола ёзди. У 25 йилдирки врач-педагог.

У 1961—1964 йилларда область касалхонасида хирург, уролог, травматолог вазифаларида ишлади. Шу билан биргаликда область ВТЭҚнинг раиси, кечки медицина билим юртининг директори вазифаларида фаоллият кўрсатди. 1968—1972 йилларда область бош травматологи ва Термиз Давлат педагогика институти биология кафедрасининг мудирини бўлиб ишлади. У 1973 йилда доцентлик дипломини олди. 1974—1977 йилларда область суд медэкспертизасининг раиси, 1978 йилда эса Абу Али ибн Сино номли область болалар касалхонасининг бош врачини ва Термиз Давлат педагогика институти медицина тайёргарлиги ва граждан мудофааси кафедрасининг доценти, 1983 йилдан бўлим мудирини сифатида элга танилди. У сон суяги, бўйин синини ва ёшга қараб даволаш, меҳнаткашларни даволашда ортопедия, травматология, нейрохирургия касалликларини сирини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш масалаларига бағишлаб, доцент Х. Зокиров 30 га яқин илмий мақола эълон қилди.

## ЗОКИРЖОН ЗУННУОВ



1947 йил 26 декабрда Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозида деҳқон оиласида туғилди. Болалик йиллари «Сурхон» совхозида ўтди.

З. Зуннуов 1963 йили В. В. Куйбишев номли мактабнинг 10-синфида ўқиш даврида область математиклар олимпиадасининг голиби сифатида Тошкентда бўлиб ўтган республика ёш математиклар олимпиадасига қатнашди.

1964 йили 11-синфини аъло баҳолар билан тугатгач, ҳужжатларини Тошкент политехника институтига топширди, мақса-

ди — архитектор ёки қурувчи инженер бўлиш эди. Аммо конкурсда бир балл баҳо етишмаганлиги туфайли, ҳужжатларини Тошкент Давлат медицина институтига топшириб шу институт-

га қабул қилинди ва шу соҳа Зокиржонни ўзига тўла қизиқтириб қолди. У биринчи курсданоқ аълочи ва актив талабалар қаторидан ўрин олди. З. Зуннунов талабалик йилларида студентлар илмий жамиятининг актив иштирокчиси эди, аммо илмий иш билан 3-курслик давридан шуғуллана бошлади, бунда ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг профессори Мария Сергеевна Рожкованинг ҳиссаси катта бўлди. Учинчи курсда ўқиш давриданоқ З. Зуннуновни қизиқтирган нарса — касалликлар келиб чиқишида капилляр қон томирлари ўтказувчанлигининг тутган ўрни эди.

Учинчи курсдан бошлаб институтни битиргунга қадар сурункали ва ўткир бронхит касалликларида касб билан боғлиқ ўпка-бронх касалликларини текширди, илмий конференцияларда докладлар қилди ва мақолалар ёзди.

Шу билан бирга жамоат ишларида ҳам актив иштирок этди. З. Зуннунов 1970 йили Тошкент Давлат медицина институтини имтиёзли диплом билан тугатгач, ўз ишини давом эттиришга имконият яратиш учун профессор Ашраф Хўжаевич Хўжаев раҳбарлик қилаётган ички касалликлар ва касб касалликлари кафедрасида стажер-тадқиқотчи вазифасида қолдирилди. З. Зуннунов 1972 йили шу кафедранинг аспиранти бўлди ва «Вибрация касаллигида капилляр қон томирлари ўтказувчанлигининг даволашдан олдинги ва даволангандан кейинги ҳолати» деган темада тадқиқот ишларини давом эттира бошлади. У организмдаги барча касалликларда капилляр қон томирлари ўтказувчанлигининг бузилиши ва уларнинг келиб чиқишидаги асосий сабабларни ўрганди. Вибрация касаллигида шу капиллярлар ўтказувчанлиги бузилишини аниқлаб, бу бузилиш ҳужайра ва тўқималар озикланишини (трофикасини) қийинлашувига олиб келиши туфайли, органларда «капилляр тўқима етишмовчилиги синдроми» пайдо бўлиши ҳамда унинг белгиларини биринчи бўлиб исботлаб берди. Шу билан бирга «капилляр тўқима етишмовчилиги синдроми» даволаш йўллари ҳам ишлаб чиқилди.

З. Зуннунов 1975 йил 5 ноябрда Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат медицина институтининг илмий Советида медицина фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 1975 йилдан бошлаб ТошМИда ассистент лавозимида ишлаб бошлади. З. Зуннунов кафедрада ишлаш билан бирга устози, профессор А. Х. Хўжаев раҳбарлигида «Юрак ишемик касаллигида капилляр қон томирлари ва микрокалкуляция ҳолати» деган тема устида иш бошлади. У 1977 йилнинг кузида Сурхондарё областига ишга юборилди. 1978 йилгача область касалхонасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1978 йил 1 июнидан бошлаб область бош терапевти вазифасида ишлаб келмоқда.

З. Зуннунов кейинги пайтларда Жайронхона минерал суви билан хафақон касаллигини даволаш устида шу касалхона врачлари билан биргаликда иш олиб бормоқда.

3. Зуннунов область терапевтлар илмий жамиятининг раиси ва республика терапевтлар ҳамда кардиологлар илмий жамияти президиумининг аъзосидир.

Унинг Иттифоқ ва республика нашриётларида терапия масалаларига бағишланган 20 га яқин илмий мақоласи эълон қилинган. Медицина фаилари номзоди З. Зуннунов яхшигина шеърлар ҳам ижод қилиб туради.

## УРОҚ ИБРОҲИМОВ



1941 йил 25 мартда Жарқўрғон район, «Партия XXII съезди» колхозининг Оққўрғон қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1955 йили С. М. Киров номили етти йиллик мактабни тугатиб Термиз педагогика билим юртида ўқиди. Меҳнат фаолиятини 1959 йилдан Шўрчи районидаги Қ. Д. Ушинский номили мактабда бошланғич синф ва физика ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлади.

1960 йилдан Ўзбекистон физкультура институтининг умумий педагогика факультетига ўқишга кирди ва уни 1964 йилда тамом-

лаб, жисмоний тарбия ва спорт, одам анатомияси ва физиологияси ўқитувчиси мутахассислигини эгаллади. 1964 йилнинг августидан декабригача Шўрчи районидаги А. Навоий номили ўрта мактабда ўқитувчи, декабрдан 1965 йил августигача Совет Армияси сафида хизмат қилди.

Ҳарбий хизматдан сўнг, 1965—67 йилларда Жарқўрғон районидаги «Правда» газетаси номили, Абай Қўноқбоев номили мактабларда жисмоний тарбия ва математика ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1967 йил августидан то ҳозирги кунгача М. Т. Ойбек номили Термиз Давлат педагогика институти жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси (1967—1970), катта ўқитувчиси (1970—1977), кафедра мудирини (1977—1982), 1988 1 июнидан доцент лавозимларида ишламоқда.

Илмий номили Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий тадқиқотчиси сифатида «Ўзбекистон ССР олий ўқув юртлари студентлар спортининг тарихий тараққиёти, ҳозирги ва келажак истиқболлари, ривожланиш йўллари» деган темада тадқиқот ишлари муаллифи. Уларда «Ўзбекистонда студентлар

спортнинг дастлабки тараққиёти (1917—1940)», Студентлар спортининг уруш (1941—1945 й) ва ундан кейинги дастлабки йиллар тараққиёти (1946—1950 й), «Ўзбекистон олий ўқув юртларида физкультура ва спортнинг етти йиллик ва кейинги беш йилликлар тараққиёти» таҳлил қилиб чиқилган. Бу масалани ўрганишнинг ютуқ ва камчиликлари умумлаштирилган, унинг илмий жамоатчилик олдида турган истиқбол вазифалари белгилаб берилган. У. Иброҳимов ўзининг илмий-педагогик фаолияти даврида 17 та илмий мақола, 6 та методик тавсия ва қўлланмалар, битта илмий-оммабоп рисолаи республика ва Иттифоқ журналларида илмий тўпламларда чоп эттирган. Муаллифнинг «Ўзбекистонлик кучли курашчилар СССР чемпионатида қатнашувининг таҳлили», «Юқори малакали спортчилар тайёрлашни планлаштириш ва бошқариш асослари», «Курашчида техник, тактик ва жисмоний тайёргарликни комплекс баҳолаш», «Юқори малакали курашчиларни тайёрлаш ва бошқаришни комплекс назорат қилиш», «Спорт социологияси» каби методик тавсияномалар ва қўлланмалари талабаларнинг спорт-педагогик маҳоратларини оширишга бўлган муносабатларини такомиллаштириш шартлари ва қатор таклифларини асослаб беришга қаратилган.

Муаллиф «Юқори малакали курашчи-спортчиларни айрим олинган конкрет мусобақаларга тайёрлаш» деб номланган методик тавсияномаси учун Ўзбекистон ЛКСМ МК ва республика Давлат спорт комитетининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Шунингдек, у жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, тарихи, спорт машғулотларининг асослари каби фанларга оид бўлган тадқиқотларга ёзилган тақризлари билан ҳам матбуотда қатнашиб туради. У. Иброҳимов олий ўқув юртлари жисмоний тарбия факультет ва бўлимлари учун «Спорт-педагогик маҳорат», «Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари орқали студентларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш» деб номланган методик қўлланмалари, «Инсон, спорт, гўзаллик» илмий-оммабоп китобини тайёрлаш устида қўнт билан иш олиб бормоқда. У узоқ йиллик педагогик фаолияти даврида институтда ташкил этилган спортнинг эркин кураш ва самбо кураши секцияларига раҳбарлик қилиб, шу муддат ичида 10 нафар СССР спорт мастери, 41 нафар спорт мастерлигига номзод, 300 га яқин оммавий разрядли спортчилар тайёрлади ва шулардан 4 нафари республика, 4 нафари Бутуниттифоқ турнирларининг ғолиби, бир нафари СССР студентлари чемпионати, яна бир нафари жаҳон социалистик мамлакатлар Халқаро турнирнинг совриндоридир. У. Иброҳимов область, республика, Бутуниттифоқ чемпионати ва турнирларининг судьяси, бош судьяси бўлиб хизмат қилди. У СССР — АҚШ, СССР — Эрон, СССР — Болгария, СССР — Афғонистон, ЎзССР — Афғонистон полвонларининг халқаро учрашувларида судьялик қилди. Ўқув-тарбиявий, юқори малакали мутахассисларни ва спортчиларни тайёрлашдаги хизматлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат

кўрсатган физкультура ва спорт ходими» фахрий унвони, республика халқ маорифи аълочиси, СССР физкультура ва спорт аълочиси нишонлари, Бутуниттифоқ тоифасидаги судья унвони ва бир қанча фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Ўзининг илмий-педагогик фаолиятини доимо жамоат ишлари билан боғлаб, ўқув-методик ишлар бўйича кафедра мудирининг ўринбосари, факультет касаба союзи комитети раиси, курс раҳбари, область спорт комитети илмий-методик советининг раиси, «Билим» жамияти область ташкилоти физкультура ва спорт секциясининг раиси каби жамоат ишларини олиб бормоқда.



## ЖАЛИЛ ИБРОҲИМОВ

1947 йил 12 апрелда Денов районидаги «Галаба» колхозида оддий колхозчи оиласида туғилди. 1953—1964 йилларда А. Навоий номи 24-мактабда ўқиди. Мактабни тугатгандан сўнг, Самарқанд Давлат университетининг физика факультетида таҳсил кўрди ва уш 1969 йилда тугатди. Ундан сўнг 1970 йилнинг май ойигача Денов районидаги М. И. Калинин номи мактабда физика ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1970—1971 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. 1971 йил 31 августда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физи-

каси институтининг диэлектрик материалларда радиация таъсирида содир бўладиган жараёнларни ўрганиш лабораториясига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирди. 1979 йилда қаттиқ жисмлар физикаси бўйича сиртқи аспирантурага ўқишга қабул қилинди ва 1982 йили муддатидан олдин физика-математика фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Ҳозирги кунда шу институтда катта илмий ходим бўлиб ишламоқда. Маълумки, қаттиқ жисмларнинг радиация таъсирига чидамлилигини ошириш ва уларнинг радиацияга сезгирлигини ўрганиш ҳозирги замон фани ва техникаси тараққиётида муҳим ўринни эгаллайди. Бу масалаларни ечишда назарий ва экспериментал йўл билан радиация таъсири остида қаттиқ жисмлар структурасининг бузилиши ва бир фазадан иккинчи фазага ўтиш механизмларини ўрганиш чуқур аҳамият касб этади ҳамда улардан амалда фойдаланиш йўллари очиб беради.

Қаттиқ жисмларда радиация таъсирида жуда кўп жараёнлар кечади ва улар юқорида қайд этилган структура бузилиши

ҳамда фаза ўзгаришларига олиб келади. Бу жараёнларни ўрганишда уларни математик моделлаштириш йўли катта имкониятларга эга. Бу усул ёрдамида қайси жараён қандай структура ўзгаришига олиб келишини ўрганиш ва ундан амалда мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкин. Шунинг учун номзодлик диссертацияси бир ва кўп атомли қаттиқ жисмларда радиация таъсирида структура бузилишларини математик моделлаштириш йўли билан ўрганиш мавзусига қаратилган эди. Тадқиқотлар натижаси қаттиқ жисмларда структура бузилиши учун зарур бўлган энергия миқдорини келиб тушувчи заррачаларнинг энергиясига боғлиқлигини кўрсатди. Тадқиқотлар натижаси асосида техник жиҳатдан қиммат бўлган олмос материални олишнинг янги, сунъий усули ихтиро этилди. Кварц кристаллининг гамма нурлари таъсирига ва силикатли шишаларнинг нейтраллар таъсирига чидамлилик чегаралари аниқланди. Ҳозирги кунда у бир группа ходимлари билан бирга кварц ва берлинит кристалларида радиация таъсирида кечадиган жараёнларнинг структура типиди ва унинг бузилиш даражасида қандай боғлиқлигини ўрганишга қаратилган ишларни назарий ва амалий усул билан амалга оширилмоқда. Айни пайтда амалда кварц кристаллида нейтронлар таъсирида бета фазасининг ҳосил бўлиш механизми аниқланди. Нейтронлар билан нурлантирилган затравкада ўстирилган кварц кристаллида битта фазанинг ўсувчи қатлам томонидан қабул қилиниш самараси аниқланди. Кварц ва корунд кристалларида эластик ва ноэластик йўл билан структура бузилишларининг ҳосил бўлиш эҳтимоли уларнинг структура бузилиши даражасига боғлиқлиги топилди. Ж. Иброҳимовнинг қилинган ишлар юзасидан маҳаллий, марказий ва чет эл матбуотида 45 дап ортиқ илмий мақоласи босилиб чиқди.

## БОЗОР ИЛЕСОВ

1948 йил май ойида Денов районидagi Ҳайробоd қишлоғида туғилди. Ота-онасидан барвақт жудо бўлиб аввал тоғаси қўлида ўсди, кейин болалар уида таълим-тарбия олди. 1966 йил Бойсун районидagi В. И. Ленин номли 1-ўрта мактабни тугатгач, Сурхон—Шеробод чўллари ни ўзлаштириш бўйича ташкил қилинган комсомол бригадасида қурувчи бўлиб ишлади.

Ешликдан халқ оғзаки ижоди ва адабиётга бўлган қизиқиши, хусусан, рус поэзиясига меҳри



туфайли, у 1967 йил Ставрополь педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топширди.

1972 йилда шу институтни имтиёзли тугатиб, Бойсун шаҳридаги 6-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади. Бу орада публицистик, илмий мақолалари билан вақтли матбуотда тез-тез кўриниб турди. 1977 йилнинг январь ойдан бошлаб М. Т. Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институтида ёшларга адабиёт сирларини ўргатиб келмоқда.

У 1979—1981 йиллари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Пушкин номли Тил ва адабиёт институти адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлимида, профессор Жуманиёз Шарипов раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Таржимада асл нусха поэтикасини қайта яратиш проблемасига бағишланган диссертация ишнини 1982 йилнинг октябрь ойида шу институтнинг илмий Совестида муваффақиятли ёқлаб, филология фанлари номзоди бўлди.

Дарҳақиқат, бадий таржима ва уни ўрганиш кўп хайрли иш. Чунки таржима адабиёти туфайли йироқ ва яқин халқлар бир-бирини тушунади, ўрганади. Шу туфайли турли тил ва миллат вакиллари ўртасида «дўстлик кўприги» пайдо бўлади. Халқаро ҳурмат-иззат туйғулари кучаяди. Ана шу туйғуларнинг камол топиши учун ўзбек адабиётидан бошқа тилларга ёки бошқа адабиётлардан ўзбек тилига ўгирилаётган асарларда ҳар бир халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи, мавжуд борлиқни кўриши ва тушуниши соҳасидаги ўзига хосликни яратиш лозим. Шунда таржима асарнинг таъсир кучи, қиммати ошади.

Таржима — тинчлик қуроли, халқларни яқинлаштирадиган энг кучли омил. Таржима санъат сифатида шу нуқтаи назардан ҳам одамлар учун керак. Дунё адабиёти тараққиёти тарихидан маълумки, таржима туфайли кўп халқлар ўз-ўзини англаб етган, таржима шарофатидан адабиёти, маданияти ривожланган, миллий оғи ўсган. Шунинг учун ҳам у ёки бу миллий адабиётнинг умуминсоний аҳамиятини таржимасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таржима таъсирсиз миллий адабиёт умуминсоний адабиёт даражасига кўтарила олмайди ҳам. Бу адабий жараённинг кам ўрганилган, аммо мавжуд қонунларидан бирidir.

Кейинги йилларда у «Ўзбек тили ва адабиёти», «Совет мактаби», «Ёшлик» журналлари ва илмий тўпламларда эълон қилинган илмий тадқиқотларда рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган асарлар сифати, оригинал руҳи, унинг поэтик ранг-баранглигини сақлаш муаммоларини ёритишга уринмоқда. Бунда у ўзбек таржима санъати усталари Ж. Шарипов, Ғ. Саломов, Н. Комилов ва рус таржимашуносларининг илмий концепцияларига таянмоқда.

Таржима китобхонни асл нусхага яқинлаштиради уни тўлиқ тушунишига йўл очади. Миллий мактабларда рус адабиётини ўқитиш жараёнида сўз усталари ўзбек тилида яратган бадий



таржималардан фойдаланиш ўқувчи асарнинг гоёвий мазмуни-ни осон тушуниб етади.

Маълумки, асарни ўқитишдан мақсад ҳам шу асар образ-лари, гоёси орқали ёш қалбда инсоний туйғуларни ўстириш, мустақкамлашдан иборат. Баъзи ҳолларда эса рус адабиёти дарсларида у ёки бу асарни ўрганишда болаларнинг фақат рус-ча нутқини ўстиришга эътибор берилиб, адабиётни ўқитишнинг асосий мақсади четлаб ўтилади. Б. Илёсов миллий мактаблар-нинг рус тили ва адабиёти муаллимларига мўлжалланган «Рус адабиётини ўрганишда баъдий таржимадан фойдаланиш йўлла-ри» (1987) номли методик қўлланмасида юқорида келтирилган зарур фикрларни олға суради.

Б. Илёсов айни пайтда институтнинг рус ва чет эл адабиёти кафедраси мудири вазифасида ишламоқда.

## БУРИ ИНСОПОВ

1950 йил Шеробод районида-ги «Коммунизм» совхози, Қора-боғ қишлоғида туғилди. 1966 йи-ли Шеробод районидаги А. С. Макаренко номлидаги 1-ўрта мак-табни аъло баҳолар билан ту-гатди.

Ўрта мактабни битиргач, у техникага бўлган қизиқиши ту-файли 1966—1967 йилларда Га-гарин райони, «Советобод» совхоз-и марказий ремонт устахонаси-да трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонт слесари бў-либ ишлади, илк бор техника ҳақида, қишлоқ хўжалик техно-логик жараёни ҳақида бошланғич билим ва тушунчаларни эгаллади.

У 1967 йили Тошкент Давлат педагогика институтининг ин-женер-педагогика факультети, умумтехника фаилари, меҳнат ва чизмачилик бўлимига ўқишга кирди. Б. Инсопов студентлик йилларида институтда ташкил қилинган тўғарақларда актив қат-нашди. 1972 йил институтни аъло баҳолар билан тугатгач, тақсирот комиссиясининг йўлланмаси билан Термиз Давлат пе-дагогика институтига ўқитувчи бўлиб ишга келди. Талабалик йилларидаёқ маориф соҳасидаги нисбатан энг қолақ тармоқ — меҳнат таълими ва методикасига астойдил қизиқиб қолди. Мактабда меҳнат таълими жараёнини бир неча йил (1972—1977



й.й.) кузатди ва анализ қилди. Уни айниқса, мактабда қишлоқ хўжалиги бўйича таълим бериш масаласи кўпроқ қизиқтирди.

У илмий иш қилиш мақсадида 1977—1979 йиллар Тошкент Давлат педагогика институти меҳнат таълими методикаси кафедрасида стажировкада бўлди. Б. Инсопов 1981 йили Москвадаги СССР Педагогика фанлари академиясига қарашли Меҳнат таълими ва касб таълашга йўллаш илмий-текшириш институти кундузги аспирантурасига қабул қилинди. У ерда йирик олим, педагогика фанлари доктори, профессор, СССР Педагогика фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Қ. А. Иванович раҳбарлигида «Меҳнатни нормалаш — ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида ёшларни меҳнатга тайёрлаш сифатини оширишнинг воситасидир» деган тема устида илмий иш олиб борди.

У 1981 йили институтда ташкил қилинган ёш олимлар ва аспирантларнинг илмий ишлари бўйича конкурсида ғолиб чиқиб, I даражали дипломи билан тақдирланди.

Б. Инсопов номзодлик диссертациясида мактаб ўқувчиларининг қишлоқ хўжалик меҳнатини нормалаш масаласига (Ўрта Осиё республикалари мисолида) биринчи бўлиб қўл урди.

У ўзининг илмий изланишларида ўқувчилар қишлоқ хўжалик меҳнатини нормалашнинг педагогик асосларини анализ қилди, пахтачилик бўйича ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида меҳнатни нормалашнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берди. Қатор педагогик экспериментлар натижасида ўқувчилар қишлоқ хўжалик меҳнатини нормалаш методларини тавсия қилди.

Илмий изланишлар натижасидан келиб чиқиб, у 1983 йили мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг мураббийлари учун «Пахтачилик бўйича ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида меҳнатни нормалаш» деб номланган методик тавсияномасини чоп эттирди.

1985 йил 18 февралда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Б. Инсопов ўзининг илмий изланишларини ўртоқлашиш мақсадида кўплаб область, республика ва Бутуниттифоқ илмий конференцияларида докладлари билан қатнашди. Ўқитувчиларнинг область ва республика педагогик ўқишларида бир неча бор иштирок этиб, ўз тажрибаларини мутахассислар ўртасида баён қилди. 1984 йил Тошкентда бўлиб ўтган ўқитувчиларнинг республика педагогик ўқишида қилган («Ўқувчилар меҳнатини нормалашнинг ўзига хос хусусиятлари») доклади билан секцияда ғолиб деб топилди ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси значоги билан тақдирланди.

Б. Инсопов 18 та илмий мақолалар ва методик тавсияномаларининг муаллифидир.

Ҳозирги кунда у Термиз Давлат педагогика институти меҳнат таълими педагогикаси кафедрасининг мудури лавозимида ишлаш билан бир вақтда «Мактабда меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали ва унумли меҳнатини

ташкил қилиш», «Мақтабдаги меҳнат таълимини замонавий ишлаб чиқариш жараёни билан яқинлаштириш», «Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш» каби темаларда илмий изланишлар олиб бормоқда.

## АҲМАД ИСАЕВ

1953 йил 25 сентябрда Жарқўрғон қишлоқ Советига қарашли «Қораёғоч» қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. 1969 йили В. Г. Белинский номидаги 28-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди ва 1971 йилнинг июнигача Жарқўрғондаги 26-қурилиш трестиди, кейин пахта тозалаш заводиди ишлади. 1971 йили А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети тарих факультетига ўқишга қабул қилинди. Студентлик йилларида фанга қизиқиши ортди. Дастлаб факультет деканининг муовини, тарих фанлари номзоди, доцент М. М. Абрамов, кейинчалик доцент К. К. Кубаков раҳбарлигида илмий иш билан шуғуллана бошлади.



У ҳар йили бўладиган университет студентларнинг илмий-назарий конференцияларида актив қатнашиши натижасида фан ичига кириб бора бошлади ва (марҳум) тарих фанлари номзоди, доцент К. К. Кубаков раҳбарлигида «Сурхондарё областида тўй ва тўй маросимлари» темасида диплом ишини ҳимоя қилди. А. Исаев студентлик йилларида жамоатчилик ишларига актив иштирок этди, группа старостаси, факультет деворий газетасига редакторлик қилди. 1976 йил университетни тугатди.

Ўзбекистон ССР маориф министрлигининг йўлланмаси билан у М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти СССР тарихи ва умумий тарих кафедрасида иш фаолиятини бошлади. 1980—1982 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти СССР тарихи кафедрасида 2 йиллик стажировкада бўлди. «1971—1980 йилларда Ўзбекистон халқ маорифининг ривожланиши ва мустақамланиши» (Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори, профессор Ғ. Рашидов) деган темада илмий иш бошлади. Шу илмий иш юзасидан бир қатор мақолалар, брошюралар, авторефератларга тақризлар ёзди.

У «Еш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчилик ролининг ошиб бориши», «Социализм ривожланиши шароитида Ўзбекистон мактабларини педагогик кадрлар билан таъминлашда қардош республикаларнинг роли» темаларида илмий анжуманларда докладлар қилди.

«Ўрта маълумот бериш масканлари», «Область халқ маорифи зафарли йўли», «Совет жамиятининг маънавий тараққиёти», «Қардошлар ҳамкорлигида ва шунга ўхшаш кўплаб мақолалари марказий ҳамда маҳаллий матбуотда чоп этилди. Шунингдек, А. Исаев брошюра ва методик тавсиялар автори.

У 1987 йил 6 март кўни Тошкент Давлат Университети тарих факультети ҳузурнда СССР тарихи илмий Советида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1988 йил 16 апрелдан буюн КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси вазифасида ишлаб келмоқда.



## МИХАИЛ ИСТОМИН

(1906—1980)

1906 йил декабрь ойида Кронштадт шаҳрида денгизчи оиласида туғилди. Отаси дастлаб Кронштадт матрослар мактабида савод олган. У рус-япон урушида қатнашган ва 2-Георгий крести билан тақдирланган. 1917 йил революциясидан сўнг Мурманск ҳарбий портида бошлиқ бўлган ва ўша ерда вафот этган. Онаси саводсиз бўлган ва Улуғ Ватан уруши даврида вафот этган.

М. Истомин қишлоқ мактабида икки йилгина ўқиди. Сўнгра ўқишини давом эттиришнинг иложи бўлмагач, 15 ёшида Архангельск денгиз портида матрос бўлиб ишлади. У шу ерда тарозибон, экспедитор ва юк ташувчи бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, Мурманск темир йўлида ҳам ишлади. М. Истомин иш ахтариб, 1927 йилда Самарқанд шаҳрига келди ва шу ерда ўрта маълумот олди. У шаҳар комсомол комитети ёрдами билан Самарқанд шаҳар хўжалиги комитети, касаба союзининг маъсул секретари бўлиб ишлади. Кечки рабфакда ўқишни давом эттирди. М. Истомин Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети йўлланмаси билан 1930 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. Студентлик йилларида диплом практикаси-

ни Шеробод районида ўтказди. У «Қисқа вақтда Шеробод районида Миср пахтасини экиш» деган темада диплом ишини аъло баҳолар билан ёқлади ва 1934 йилда институтни тугатиб, олим-агроном деган унвонга эга бўлди.

Институтни тугатгач, у Шеробод район МТС участкаси агрономи, МТС бош инженери вазифаларида ишлади.

М. Истомин Шеробод районида биринчи бўлиб серхосил ингичка толали пахта етиштирди. Бу хизмати учун у 1938 йилда «Меҳнат илғори» деган медаль билан тақдирланди. Медални халқ оқсоқоли М. И. Калининнинг шахсан ўзи топширди. 1939 йилда унинг номи Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ҳурмат тахтасига ёзилди. У 1941 йилда КПСС сафига кирди.

У 1934 йилдан 1941 йилгача Шеробод районида миср пахтасини экиш нормасини, шу пахтанинг ер ва сувга реакциясининг янги усулини аниқлади. М. Истомин Миср пахтасини ўстиришни деҳқонларга ўргатди ва унинг самарадорлигини Сурхондарё область шароитида аниқлаб берди. У ингичка толали пахта етиштиришда Ангор, Термиз, Гагарин, Ленин йўли, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи районларида кўплаб тажриба ўтказди. Шунингдек, ингичка толали пахта Қашқадарё, Бухоро, Наманган, Фарғона областларида етиштириш мумкинлигини аниқлаб берди.

М. Истомин 1941 йил сентябрь ойида Сурхондарё область ер бўлими бошлигининг ўринбосари этиб тайинланди.

У Улуғ Ватан урушида областда пахта ва донни кўпайтиришда қилган катта хизматлари учун «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. У 1950 йилда Союз НИХИнинг аспирантурасига сиртдан кирди ва 1954 йилда «Сурхондарё область шароитида ингичка толали пахтани ўстириш агротехикаси» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. Бу илмий иш областда ингичка толали пахта шавлари етиштиришнинг биринчи ютуғи эди. М. Истоминнинг диссертация ишида Сурхондарё область шароитида ингичка толали пахта етиштириш агротехикасига оид маълумотлар мукаммал кўрсатилган.

М. Истомин диссертация ёқлагандан кейин Ўзбекистон КП область комитетининг қишлоқ хўжалиги бўлимига бошлиқ этиб тайинланди ва бу маъсул вазифада 1956—59 йилларда ишлади. 1959 йилдан 1961 йилгача Сурхондарё областидаги Союз НИХИнинг зонал тажриба станциясида директорлик қилди. 1961—62 йилларда область қишлоқ хўжалиги бошқармасида бошлиқ этиб тайинланди ва 1964 йилгача Ўзбекистон КП область комитети қишлоқ хўжалик бўлимига мудир бўлди. 1964 йилда М. Истоминнинг соғлиғи яхши бўлмаганлиги туфайли область қишлоқ хўжалиги Союз НИХИ тажриба станциясига ишга ўтказилди. 1964—69 йилларда тажриба станциясида илмий секретарь бўлиб ишлади. 1969 йилдан то умрининг сўнгги дақиқасигача Сурхондарё область тажриба станцияси бошлиғи бўлди.

М. Истомин ингичка толали пахта навини яхшилаш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, турли хил касалликларга чидамли навларини яратиш устида тинмай ишлади ва кўпгина муваффақиятларни қўлга киритди.

М. Истомин раҳбарлигида ишлаган А. Х. Валиулин, А. Р. Раҳмонов, Р. О. Очилдиевлар муваффақиятли тарзда номзодлик диссертациясини ёқладилар.

М. Истомин А. Валиулин билан биргаликда 1960—1966 йилларда касалликларга чидамли, тезпишар навларни яратди ва унинг агротехникасини ишлаб чиқди. Шунингдек, М. Истомин А. Раҳмонов билан бирга ер қазиниш ва унинг захини қочириниш, Р. А. Очилдиев, М. И. Қамолитдинов, Полупановлар билан областимиз шароитида ингичка толали пахта устида кўп ишлар қилди.

М. С. Истомин ўз иш фаолияти давомида 80 дан ортиқ асарлар, илмий мақолалар эълон қилди. Унинг илмий ишлари, Самарқанд, Тошкент университетларида, Союз НИХИда, республика ва совет энциклопедияларида chop этилган. Унинг «Меҳнат роҳат» колхозида «Ингичка толали пахтани ўстириш тажрибаси» деган мақоласи 1958 йил Москвадаги «Хлопководство СССР» тўпламида босилиб чиққан. М. Истомин 1936 йилдан 1941 йилгача Шеробод район Советига депутат бўлди. 1947 йилдан 1964 йилгача область Советига депутат қилиб сайланди. 1950 йилдан 1954 йилгача Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди, 3 марта Ўзбекистон Коммунистик партияси съездида делегат бўлди, икки марта Бутуниттифоқ НТО съездида, бир марта «Билим» жамияти съездида иштирок этди.

У 1964 йилдан умрининг охиригача республика «Билим» жамиятининг аъзоси ва республика қишлоқ хўжалиги илмий тажриба жамиятига аъзо бўлди.

М. Истоминнинг хизматлари жуда юксак баҳоланди. У Ленин ордени, Октябрь революцияси, 3 марта «Қизил юлдуз» ва икки марта «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан мукофотланди, 2 марта «Меҳнатда ўрнатилган кўрсатганлиги учун» ва бир марта урушда фронт ортида жасорат кўрсатганлиги учун ва бошқа кўплаб медаллар билан тақдирланди.

М. С. Истомин 8 марта СССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном М. Истомин Бутуниттифоқ «Билим» жамияти томонидан 4 марта раҳматнома, 5 марта Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

Сурхондарёда пахтачилик илмининг етакчи олими, пахтакор деҳқонларнинг самимий дўсти, ажойиб инсон М. С. Истомин 1980 йилда вафот этди. Унинг номини абадийлаштириш учун Термиз шаҳри кўчаларидан бирига, область тажриба станциясига М. С. Истомин номи берилган.

## ЖУРА КАРИМОВ


1952 йил 21 июнда Жарқўрғон ҳозирги (Қумқўрғон) районидаги «Қизил Октябрь» колхозида туғилди. 1969 йилда В. И. Ленин номи 8-ўрта мактабни тугатиб, бир йил шу колхозда ишлади.

Ж. Қаримов 1970 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети кимё факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди. 1971 йили тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатгандан кейин, шу факультетнинг биринчи курсига ўқишга қабул қилинди.

У 1976 йили ўқишни тамомлаб давлат имтиҳон комиссиясининг тавсияси билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биоорганик кимё бўлимига ишга жойлашди. 1986 йили июнь ойида кимёвий фанлар бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Уша йилдан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биоорганик кимё институтида илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда.

У ҳозирги кунда институтнинг халқ назорати комитети аъзосидир. Шу кунга қадар 15 дан ортиқ илмий мақола ва авторлик гувоҳномаларининг муаллифи ҳисобланади.

1976—1988 йиллари қишлоқ хўжалиги ва жамоат ишларида актив қатнашганлиги учун у ВЛКСМ Марказий Комитети, Тошкент шаҳар комсомол комитети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.



## ХАМЗА КИЧКИЛОВ

1947 йил Бойсун районидаги Хомкон қишлоғида туғилди.

1964 йилда Қуйбишев номи ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих ихтисослиги бўйича биринчи курсига қабул қилинди. 1968 йили институтни «аъло» баҳолар билан тамомлади.

Институтда ўқиш даврида жамоат, оммавий-спорт ишларида ва студентлар илмий-назарий конференцияларида актив қатнашди. У 1962 йилда студентлар-

Набиев — биринчи ўзбек комсомоли» деган темада қизиқарли доклад қилди ва иккинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Айнан мана шу тема унинг Ўзбек совет энциклопедиясининг 1-томига кирган биринчи илмий мақоласи ҳисобланади.

Ҳамза Қичкиловда илмий ишга қобилият борлигини сезган тақсимот комиссияси уни Ўзбекистон ССР Халқлар тарихи музейига йўлланма билан ишга юборди. Қисқа вақт ичида у ўзига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институти профессорлари орасидан талабчан ва меҳрибон устозларини топди. 1969 йилларда Ўзбекистон ССР Халқлар тарихи музейида илмий ходим бўлиб ишлади. 1969 йили Совет Армияси сафига чақирилди ва ўз хизмат бурчини ўтаб қайтгач, 1970 йилнинг 25 августидан Термиз Давлат педагогика институтининг марксизм-ленинизм кафедрасига ўқитувчи қилиб ишга қабул қилинди. Жамоат ишларига актив қатнашиб, 1971—1973 йилларда комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлади. Шу давр ичида кундузги аспирантурага кириш учун қизғин тайёргарлик кўриб борди. Студентларга дарс ўтишни жамоат ва илмий ишлар билан бирга қўшиб олиб борди. Натижада коллектив орасида ҳурматга сазовор бўлиб, 1973 йилда партия аъзолигига номзодликка қабул қилинди.

У 1973 йили кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти КПСС тарихи кафедрасига кундузги аспирантура бўлимида ўқий бошлади. Профессорлар Г. Рашидов, А. Раззоқовлар раҳбарлигида «Республикада халқ маорифининг ривожланиши ва юксалишида Ўзбекистон Компартиясининг фаолияти (1966—1970 йй)» деган темада номзодлик диссертацияси устида иш олиб борди ва 1978 йилнинг 22 июнида ТошДУ илмий Советида уни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Х. Қичкилов 1976 йилдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтида ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди ва шу вақтдан бошлаб 1978 йилгача тарих ва чет тиллар факультети бошланғич партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади. Сўнгра институт халқ контроли группасининг раиси вазифасини бажара бошлади ва институт партбюросининг аъзолигига сайланди.

Унинг раҳбарлигида СССР тарихи кафедрасида 8 нафар ўқитувчи ҳамфикр бўлиб ишлаб келмоқда. Х. Қичкилов область меҳнаткашлари орасида ажойиб пропагандист сифатида танилган.

У «Ўзбекистон» нашриётида халқ маорифи ва ёшлар тарбиясига бағишланган 4 та рисола, республика журналлари ва тўпламларида чиққан 20 га яқин илмий мақолалар авторидир. Бугунги кунда у илмий ишни давом эттириб, докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Қисқаси, Қичкиловлар оиласини педагоглар оиласи деб атасак янглишмаган бўламиз, чун-



ки оиладаги 5 ўғилдан 4 таси ёш авлодни тарбиялаш ишига ўз фаолиятини бағишлаган. «Бизнинг бу даражага етиб камол топишимизда,— дейди Ҳамза Кичкилов,—аввало, биз учун улур инсонлар — ота-онамиздан ва захматкаш устозларимиздан миннатдормиз».

## СВЕТЛАНА КРИВОНОС

1946 йил 13 майда Термиз шаҳрида ишчи оиласида дунёга келди. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтди. С. Михайловнанинг қалбига ўқитувчилик касбига бўлган қизиқишни уйғотган биринчи ўқитувчиси М. И. Шеркина ўз ўқувчиларини Ватанга муҳаббат, уларни ўзаро бир-бирига ҳурмат руҳида тарбиялай олди. 1964 йил ўрта мактабни тамомлагач, А. Навоий номи Самарқанд Давлат университетининг чет тиллари факультетига ўқишга кирди. Ёшлигида ноқ ўқитувчи бўлишни орзу қилганлиги учун студентлик билетини қўлига олиши билан бу орзуси рўёбга чиққанлигини ҳис қилди ва ўқишни астойдил давом эттирди. 1969 йил университетни аъло даражада битиргач Термиздаги М. Т. Ойбек номи педагогика институтига немис тили ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинди. 1969 йилдан 1974 йилгача институтда немис тилидан дарс берди.

У 1975 йил Москвадаги М. Тарез номи чет тиллари институтининг немис тили стилистикаси ва лексикологияси кафедрасига стажировкага борди. У ерда кўплаб фан арбоблари, олимлар билан танишди; шулардан филология фанлари доктори, профессор И. И. Черининов, профессор З. Г. Ридельн, филология фанлари номзоди В. И. Соловьянларини ҳавас билан тилга олади. Икки йиллик стажировкадан унумли фойдаланиши натижасида 1977 йилда шу институтнинг ўзида аспирантурага кирди ва устозлари кўмагида илмий иш билан шуғуллана бошлади. 1980 йили илмий раҳбари С. В. Арутюнова раҳбарлигида «Баҳо категориясининг воситалари» номи темада муваффақиятли диссертация ёқлаб филология фанлари номзоди деган илмий даражани олишга эришди.

У 1984 йили яна Термиз пединститутига қайтиб келди ва немис тили кафедрасига мудир этиб тайинланди. У кафедра ва чет тили факультети мавқеини кўтариш учун қўлидан келган хизматини аямади. Буюк немис шоири Гётенинг «Ҳаёт учун ку-



рашда энг муҳим қурол» деб таърифлаган чет тилларини пропаганда қилишда кўп ишларни амалга оширди. Унинг ўндан ошиқ мақолалари газета ва журналларда босилиб чиқди. С. Михайловна ҳозирги кунда стилистика ва лексикологиядан лекциялар ўқиб институт ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.



## БОЙҚОБИЛ КУЧАРОВ

1939 йилнинг 5 июнида Жарқўрғон (ҳозирги Қумқўрғон) районидаги «Москва» колхозида тугилди. У икки ёшидан ота-онасидан ажралди. 1958 йили Жданов номли ўрта мактабни тугатди.

У мактабда ўқиб юрган кезларида шеър ёзишни машқ қилар эди. Унинг шеър ва мақолалари «Илгор Сурхон учун» («Ленин байроғи») газеталарида чиқди. Ўқишга, адабиётга бўлган қизиқиши уни олий даргоҳга етаклади.

У 1959 йил Тошкент халқ хўжалиги институтининг экономика факультетига ўқишга кирди. Талабалик кезларидаёқ илмий иш қилишга қизиқа бошлади. Б. Кўчаров кўпгина олимларнинг лекцияларини мароқ билан тинглаб улардан керакли консультациялар олиб турди. Институтни 1964 йилда тугатиб, давлат тақсмотига мувофиқ шу институтнинг сиёсий иқтисод кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. У 1966 йили Тошкент қишлоқ хўжалигининг ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини сиёсий иқтисод кафедрасининг сиртқи аспирантурасида ўқиди. 1967—1969 йилларда шу кафедранинг кулдузги аспирантурасида таҳсил олди. 1970 йилда «Сурхондарё область шимолний районларидаги колхозлар асосий тармоқларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. 1971 йил 17 мартдан иқтисод фахлари номзоди, 1979 йилда эса доцент унвонини олди. Бу йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фахлари доктори, профессор Фулом Ризаевнинг хизматлари катта бўлди. Ишда Шўрчи, Денов, Олтинсой ва Сарносиё районларидаги колхозлар экономикасининг ривожланиш йўллари кўрсатилди. Бу эса колхоз ишлаб чиқаришида жуда қўл келмоқда.

Б. Кўчаровнинг бу темаларда ёзган илмий ишлари республика журналларида чоп этилган.

1982 йилда унинг «Иқтисослаштириш йўллари» деган брошюраси босмадан чиқди. 1985 йилда эса «Қолхозларда ингичка

толлал пахта етиштиришнинг интенсив омиллари» номли монографияси чоп этилди.

Б. Қўчаров кейинги йилларда пахтачилик соҳаси бўйича изланмоқда. Унинг навбатдаги илмий тадқиқотлари ҳам («Ўрта Осиёда ингичка толалли пахта етиштиришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий проблемалари») пахтачиликни такомиллаштиришга қаратилган.

Б. Қўчаров қарийб 20 йилдан буён Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг сиёсий иқтисод кафедрасида ишлаб ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

## МАМАДАЛИ ЛУКОВ

1953 йил 10 март куни Жарқўрган районидаги Ульянов номли совхозининг «Қизил аскар» қишлоғида колхозчи оиласида туғилди.

1969 йил йил И. Охунбобоев номли 12-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан тамомлаб, шу йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди.

Биология фанидан кириш имтиҳонини топширганда, у профессор И. Ҳамидовнинг «Биология фанидан жуда нухта тайёрлашбиз», — деган гани ҳали студент бўлмасдан табиат ва ўсимлик дунёсига бўлган қизиқишини янада орттирди. У тез орада институт миқёсида ўз билими билан танилди. Студентлик йиллари «аъло» баҳоларда ўқиш билан бир қаторда, илмий тўғарак ва конференцияларда актив иштирок этди. Шу билан бир қаторда спортнинг самбо кураши бўйича спорт мастери деган номга сазовор бўлди. 1972 йили у жамоат ишларида актив қатнашганлиги ва яхши ўқиганлиги ҳисобга олиниб институт томонидан берилган йўлланма билан Венгрия давлатига бориб келди. 1974 йили институтни имтиёзли диплом билан тамомлади ва йўлланма билан Самарқанд районидаги «Богизогон» совхозида бир йил уруғчилик бўйича катта агроном бўлиб ишлади. Ёш бўлишига қарамай, коллектив орасида тезда танилди.


У 1976 йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. М. Луков аспирантлик вақтида «Зарафшон водийси шаронтида типик бўз тупроқларида тезширар картошка навларининг минерал ўғитга ва озуқа май-



донига бўлган талаби» деган темада илмий иш олиб борди. Бу илмий ишга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби қишлоқ хўжалиги фаилари доктори, профессор, Диамат Абдукаримов раҳбарлик қилди. Диссертация темаси актуал бўлмаганлиги сабабли, унинг натижаларини аниқлаш бироз қийин бўлди. Қачонки, ишлаб чиқаришда уни қўлланиш жорий этилиб, шу туфайли хўжалик самарадорликка эга бўлгандан сўнг 1982 йили диссертацияси ҳимояга қўйилди.

М. Луковнинг фаига киритган янгилиги Зарафшон водийси шароитида биричи марта халқ хўжалигига зарур бўлган картошка етиштириш масаласи эди. Унда келтирилишича минерал ўғитлар миқдори ошириб берилган сари ҳосилдорлик ва туганак таркибидаги оксил миқдори ортади, бироқ сифати ёмонлашади. Чунки картошкада сақланадиган захарли модда (соланин) миқдори кўпайиб кетади. Туганакдаги крахмал, қанд, С витамини ва бошқа витаминларнинг сақланиши камаяди. Ўғит солиш, майдонларда ҳосилни уруғлик учун ишлатилганда (кам ўғитланган вариантга) нисбатан юқори самара беради.

Ҳозиргача М. Луковнинг 26 тадан ортиқ илмий мақоласи эълон қилинган. Ҳозирги кунда у Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг пахтачилик генетикаси ва селекцияси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайди. М. Луков ёш авлодларни тарбиялаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги учун маҳсулдор ва сифатли навлар яратишда муносиб ҳисса қўшмоқда.



## ФАЙЗУЛЛА МАЖИДОВ

1955 йил 22 мартда Бойсун районининг Чинор қишлоғида туғилди. 1971 йилда Гагарин районидаги 11 ўрта мактабни аъло баҳоларда тугатди ва 19-кўприк қурилиш бошқармасида, кейин Термиз савдо базасида ишлади. 1972 йил Саратов Давлат педагогика институтининг рус филологияси факультетига ўқишга кирди ва бу факультетни 1977 йилда муваффақиятли тугатди. Ишлаш учун Сурхондарё областига йўлланма олди. 1977—1979 й.й. Термиз шаҳар комсомол комитетининг мактаблар бўлимида инструктор вазифасида ишлади.

1979 йилдан 1981 йилгача М. Т. Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институтида комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлади.

У институт комсомолларига раҳбарлик қилиш билан бир вақтда илмий иш устида мунтазам шуғуллана борди. Шу туфайли 1981 йил Саратов Давлат педагогика институтида стажёр-тадқиқотчилик бўйича синовлардан муваффақиятли ўтиб, икки йил ишлади. Сўнг шу институт қошидаги аспирантурага имтиҳон топширди ва конкурсдан ўтди. Аспирантурада филология факультети доктори, профессор М. В. Черепанов раҳбарлигида илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Уч йиллик аспирантурани тугатиб, Термиз Давлат педагогика институтига йўланма олди, ҳозиргача шу институтнинг факультетлараро рус тили кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишламоқда.

У ўз тадқиқотларида замонавий ва актуал мавзунини ёритади. Унинг илмий иши ўзбек ва рус тилларининг ўзаро алоқасидаги янги, лексик қирраларини таҳлил қилишга бағишланган.

Маълумки, барча қардош бўлмаган тиллар ҳам бир-бирига таъсир қилади ва шу туфайли ривожланиб бoйиб боради. Масалан, ўзбек тилида шундай номлар, атамалар борки, уларнинг бошқа тилларда, рус тилидаги эквивалент (яъни муқобиллари) ларини топиш анча мушкул.

Илмий тадқиқот тиллар (ўзбек ва рус) муносабатидаги мана шу имкониятларини илмий кашф қилишга қаратилган. Диссертация ишининг мавзуси ҳам «Пахтачиликка доир атамаларнинг рус тилида ифодаланиши» деб номланди. Бу иш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки муаллиф биринчи бўлиб пахтачиликка доир атамаларнинг икки тилда ишлатилиши ва уларнинг этимологиясини ўрганади, қачон, қандай сўз ва иборалар халқ тилида ишлатила бошлаганлиги ва бунинг социал моҳиятини очади. Бу борада янги луғатлар яратишга замин тайёрлайди. Амалий аҳамияти пахтачилик институти, техникумларида рус тили дарсларининг мундарижасини бойитиш ва студентларнинг шу соҳадаги билимларини мустаҳкамлашда ўз ифодасини топади.

Бу илмий тадқиқот устида беш йил қунт билан ишлади. Натижада 1988 йилнинг январь ойида Саратов Давлат университетининг илмий Советида у ўз илмий хулосаларини муваффақиятли ҳимоя қилиб филология фанлари номзоди бўлди.

Унинг бу муваффақиятга эришишида илмий раҳбари, филология фанлари доктори, професор М. В. Черепанов билан бир қаторда тилшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Д. С. Саъдуллаевнинг ҳам ҳиссаси ҳоят катта.

Ф. Мажидов айни пайтда областимиз ёшларининг ўз тили, маданиятини севиши ва ўзга халқлар тили, маданиятига ҳурмат билан қараш руҳида тарбияламоқда.



1942 йили Термиз районининг Пахтаобод қишлоғида колхозчи-дехқон оиласида туғилди. У 1958 йил К. Маркс номи ўрта мактабни тугатгач, ўз қишлоғидаги С. М. Киров номи мактабда муаллимлик қилди. 1967 йили Ленинград Давлат университетининг философия факультетини тугатиб, Термиз Давлат педагогика институтининг марксизм-ленинизм кафедрасида, кейинчалик Тошкент политехника институти философия кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

Н. Маматов 1975 йили «Илмий-техника революцияси шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш техника зиёлилари» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. 1975—1976 йиллари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходими, 1976—1980 йиллари Тошкент Давлат педагогика институтида философия ва илмий коммунизм кафедрасининг мудирини, шу институтнинг партбюро секретарини, Ангрен шаҳар партия комитети ҳузуридаги кечки марксизм-ленинизм университетининг раҳбари, 1983 йилга қадар эса шу институтда ўқув ва илмий ишлар бўйича ректор муовини бўлиб меҳнат қилди. 1983—1985 йиллари у СССР Фанлар академиясининг социология институтида докторлик диссертациясини тугатиш устида ишлади.

У 50 дан ортиқ илмий ишларнинг автори. Н. Маматов тадқиқ қиладиган объект — қишлоқ ва унинг кишилари, келажак, озиқ-овқат программасининг ҳал қилинидаги мураккаб вазифалари, уларнинг қувончлари ва ташвишларини ўз ичига олади. У ҳозирги замон ўзбек қишлоғи социологиясини қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг турмуш тарзини мукамал ўрганиш орқали тадқиқ этишга ҳаракат қилмоқда. У 1974—80 йилларда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Қишлоқ зиёлиларининг ахлоқий қиёфаси», «Қишлоқ хўжалиги зиёлилари коммунистик қурилишда» ва бошқа бир неча китобларида, кўплаб журналларда босилган мақолаларида қишлоқ зиёлиларининг қишлоқ ҳаётидаги улкан ролини, улар олдида турган муҳим, аммо ечилиши мумкин бўлган проблемаларни кўрсатишга уринди. 1982 йили чоп этилган «Қишлоқ ишлаб чиқариш техникаси зиёлилари» ҳамда 1985 йилда босмадан чиққан «Агросаноат интеграцияси шароитида қишлоқ хўжалик мутахассис кадрлари ролининг ошиб бориши» монографиялари қишлоқ социологиясини ривожлантиришда муҳим ҳодиса бўлди. Н. Маматов 1983—1985 йиллари республиканинг қатор областларида социологик тад-

қиқот ишларини олиб борди. Анкета ёрдамида қишлоқ аҳолисининг мукамал турмуш тарзини социологик аниқ материаллар асосида чизиб беришга ҳаракат қилди. Мазкур материаллар асосида Польшада, Венгрияда, Португалияда бўлиб ўтган халқаро социологлар симпозиумлари, кенгашларида қатнашди. Унинг 1988 йили СССР Фанлар академиясининг «Наука» нашриёти томонида «Агросаноат интеграцияси ва СССР қишлоқ аҳолисининг социал структураси» номли монографияси нашр этилди.

Ҳозирги кунда Н. М. Маматов бир қатор қишлоқ социологияси билан шуғулланаётган шогирдлари, дўстлари билан бирга ўзбек қишлоғининг ечилмаган ижтимоий-иқтисодий проблемаларини ўрганмоқда.

## МУСУРМОНҚУЛ МАМАТАЛИЕВ

1947 йил 15 ноябрда Ангор райони, «Янгибод» қишлоқ советига қарашли «Коммунизм» колхозида туғилди.

1963 йили Шеробод районидаги Ҳ. Олимжон номи мактабини тугатди. 1963—64 ўқув йилларида Хўжанқо қишлоғида бошланғич синф ўқитувчиси қилиб тайинланди ва I, II, III, IV синфларда дарс берди. 1964 йили Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институти табиат-география факультети агробиология бўлимига ўқишга кирди. М. Маматалиев 1969 йили институтни муваффақиятли тугатиб,

ўрта мактабларда биология ва қишлоқ хўжалиги асослари ихтисоси бўйича ўқитувчи деган йўлланма билан Сурхондарё об-ластига юборилди. 1969—1971 ўқув йиллари Термиз районидаги Чапаев номи мактабда ўқитувчи бўлиб тайинланди ҳамда химия ва биология фанларидан дарс берди.

У 1971—1972 йиллари Совет Армияси сафларида хизмат қилди. 1972 йилдан бошлаб Термиз район Д. И. Менделеев номи 3-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади ва V—X синфларда биологиядан дарс берди. IV—X республика педагогика ўқишига ўзининг қизиқарли докладлари билан қатнашди. 1980 йилдан бошлаб М. Т. Ойбек номи Термиз Давлат педагогика институтида иш бошлади.



1981 йили у Герцен номидаги Ленинград Давлат пединститутида биология ўқитиш методикаси бўйича малака ошириб қайтди. 1983—1985 йилларда Ленинград шаҳридаги Н. И. Вавилов номидаги Ленин ва Халқлар дўстлиги орденли Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-текшириш институти сабзавот ва полиз экинлари бўлимига кундузги аспирантурага кирди. У қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Г. В. Боос раҳбарлигида «Ўзбекистоннинг тоғ олди зонаси шароитларида оқ бош карамнинг биологик хусусиятлари ва селекция учун бошланғич материал» деган темада номзодлик диссертациясини тайёрлади ва уни муваффақиятли ҳимоя қилди.

У ҳозирги кунда Термиз Давлат педагогика институти химия, ботаника ва қишлоқ хўжалик асослари кафедрасида ишламоқда. Унинг олиб борган илмий ишларида қуйидаги муаммолар ҳал қилинган.

Эртанги карам ҳосили йиғилгандан кейин, яъни баҳорнинг охиридан то кеч кузгача бу қимматли маҳсулотга эҳтиёж сезилади. Районлаштирилган навлар эса ҳали юқори ҳароратда ўсиш учун тўлиқ мослашмаган. Шунинг учун олдимизда турган асосий вазифа республикамизнинг иссиқ иқлим шароитига мос келадиган навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланиш эди.

Маълумки, республикада сабзавот етиштиришнинг ҳозирги даражаси аҳолининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъмин этмаётир. Чунки эртаги карам ҳосили йиғиб олингандан кейин, яъни баҳорнинг охиридан, то кеч кузгача аҳолига карам етказиб бериш тўхтаб қолади. Бунинг устига карамнинг бизда районлаштирилган «Ўзбекистон—133», «Тошкент—10» навлари бир қатор камчиликларга эга бўлиб, ташиш ва сақлаш давомида ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади.

Б. Маматалиев карамнинг ёз ойларида ҳосил берадиган навларини яратиш борасида бирмунча ишларни амалга оширди, карамни селекция учун фойдали комплекс белгиларини, ҳар хил методлар (лаборатория дала шароитларида) ёрдамида унинг тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, химиявий таркиби, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, иссиққа ва шўрга бардошлилиги каби белги ва хусусиятларини ўрганди.

М. Маматалиевнинг Иттифоқ ва республика нашрларида 20 га яқин методик қўлланма, рисола ва мақолалари эълон қилинган.

Химия, ботаника ва қишлоқ хўжалик асослари кафедраси мудирини ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди М. Маматалиев ҳозирги кунда Сурхондарё область шароитида карамнинг ўртапишар навлари, уларнинг биологияси ва ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги ҳамда сабзавот ўсимликларининг гетерозислиги гибридлари устида иш олиб бормоқда.



## БАҲРОМ МАМАТҚУЛОВ

1956 йили Термиз шаҳрида туғилди. У 1963—1973 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги Ғ. Гулом номли ўрта мактабда ўқиди. 1973 йили ўрта мактабни битиргач, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. У мазкур факультетнинг назарий физика бўлимида таҳсил олди ва уни 1978 йили тамомлагач, шу факультетда ишга қолдирилди. 1979—1984 йилларда илмий стажировкада бўлиб, аспирантурада ўқиди. Б. Маматқулов «Инжекцияланмайдиган контактга ва чуқур сатҳга эга бўлган тор зонали ярим ўтказгичларда экекл юзия хусусиятини тадқиқ этиш» деган мавзуда илмий иш олиб борди.



Урганилаётган жараён эркин ток ташувчилар билан боғланганлиги учун, ишлаш функцияси концентрациялар камайишига мўлжалланган физик асбоблар ва қурилмалар яратишда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Масалан, диодли ва транзисторли структураларда унинг ёрдамида тескари ток қийматлари кескин кичрайтирилади, ишчи температуралари кўлами кенгайтирилади (бу германий сингари жисмлар учун муҳимдир), эркин ток ташувчиларда узун тўлқинли нурланишнинг ютилиши камайди, компенсацияланган кремний ва галлий фосфид асосида ёруғликка нисбатан жуда ҳам катта интеграл ва спектрал сезгирликка эга бўлган ёруғлик қабул қилгичлар ишланади. Буларнинг ҳаммаси шу ишнинг мавзуси долзарб эканлигидан далолат беради.

Бу илмий изланиш натижасида бир қанча муҳим назарий хулосалар олинди.

Б. Маматқулов 1988 йили физика-математика фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳозиргача унинг йигирмадан ортиқ илмий мақоласи чет эл, марказий ва республика миқёсидаги илмий журналларида нашр этилган.

У 1980—1985 йилларда Тошкентда чуқур сатҳли ярим ўтказгичлар бўйича ўтказилган 2-Бутуниттифоқ йиғинида, 1987 йили эса Ереванда ўтказилган ярим ўтказгичлар назариясига бағишланган 12- ва 13-Бутуниттифоқ илмий йиғинларда қатнашди. 1986 йили Болгариянинг Варна шаҳрида қаттиқ жисмлардаги фотоэлектрик ва оптик ҳодисалар бўйича ўтказилган 8-халқаро йиғинининг маърузалар тўпламини ўз ичига олган китобда ҳам илмий иши чоп этилди.



1929 йили июнь ойида Шеробод район, Пошхўрт қишлоғида туғилди. 1942 йили тўлиқсиз ўрта мактабни тугатиб, кейин колхозда ишлади. 1945—1948 йилларда Шеробод район марказида жойлашган Макаренко номида ўрта мактаб қошидаги интернатда ўқишни давом эттириб, ўрта маълумотга эга бўлди. 1948 йил Ўрта Осиё Давлат университети-нинг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1953 йили тугатди ва физик-назариётчи мутахассислигини олди. Р. Маматқулов университет йўлланмаси бўйича Сурхондарё облас-

тига ишга юборилди. 1953—1956 йилларда эса Термиз Давлат педагогика билим юртида физика ва математика ўқитувчиси бўлиб ишлади. Шу даврда шаҳардаги «Правда» газетаси помидаги ўрта мактабда ҳам математикадан дарс берди. У 1956—1960 йилларда Термиз ҳамда Қарши Давлат педагогика институтларида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1961—1963 йиллар давомида Тошкент Давлат университетининг назарий физика кафедрасида аспирантурада бўлди. 1964—1965 йилнинг ўрталаригача яна Қарши Давлат педагогика институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1965 йилдан ҳозиргача В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида катта ўқитувчи ва 1971 йилдан доцент бўлиб ишлаб келмоқда.

Р. Маматқулов 1958 йилдан КПСС аъзоси. Иш фаолияти даврида жамоат ишларида актив қатнашди. У Термиз педагогика билим юртида ишлаган кезлари ўқитувчилар комсомол ташкилотининг котиби, Термиз ва Қарши олий ўқув юртларида эса институтнинг партбюро аъзоси бўлди. 1971—1986 йиллар мобайнида ТошДУ физика факультетининг партбюро аъзоси ҳамда котиби бўлди. Ҳозир ТошДУ парткомиссиясининг аъзосидир.

Р. Маматқуловнинг дастлабки илмий иши студентлик давридаёқ илмий журналда чоп этилган. Бу илмий иш — инерция марказий системасидан кузатиш системасига ўтишда сочилиш дифференциал кесимини ҳисоблашга доирдир. Студентлик даврида термомагнит ва электромагнит ҳодисалар соҳаси ҳамда ярим ўтказгичлар соҳасига тегишли илмий масалаларни чуқур ўрганиб, ўз билимини ошириб борди.

1961—1966 йилларда уч қатламли ярим ўтказгичларни вольт-ампер характеристикаси билан, 1967—1968 йилларда ярим ўтказгичларда кучли ёруғликни эркин электронлар томонидан ютилиши ва ток ташувчиларга интенсив ёруғликнинг таъ-

сири туфайли ярим ўтказгичларда юзага келадиган баъзи бир ҳодисалар назарияси билан шуғулланди. 1969 йилдан бошлаб яна уч қатламли ярим ўтказгичларда электрон ва тешикларнинг инжекцияси натижасида юзага келадиган физик жараёнлар ва ҳодисалар назарияси билан шуғулланмоқда.

Р. Маматқулов 1971 йили май ойида Тошкент шаҳрида «Юқори инжекция сатҳларда р — і — п диодларнинг динамик хараakterистикаларини назарий текшириш» деган темада физика-математика фаилари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Р. Маматқуловнинг 60 дан ортиқ илмий ишлари чет элларда, марказий ва республика матбуотида чоп этилган. Жумладан, ГДРда мунтазам равишда нашр этилаётган «Қаттиқ жисмлар физикаси» журналида Д. А. Аронов ҳамкорлигида 5 та илмий мақоласи ёритилган. Р. Маматқулов, Д. А. Аронов ва Я. П. Котов автордошлигида 1985 йили «Ярим ўтказгичларда иккиланган инжекциянинг ностационар тоқлари» деган мавзуда илмий монография нашр этилган. Бу монографияда кўп қатламли ярим ўтказгичли структуралар устида ўтказилган назарий тадқиқотлар батафсил изоҳлаб берилган.

Р. Маматқуловнинг физика бўйича 40 дан ортиқ мақолалари Ўзбек совет энциклопедиясида чоп этилган.

У ярим ўтказгичлар соҳаси бўйича ўтказилган бир қанча Бутуниттифоқ ва республика илмий конференцияларида ўз маърузалари билан қатнашиб туради.

Р. Маматқулов ҳозирги кунда термодинамика ва статистик физика масалалари бўйича методик қўллама тайёрламоқда.


## ЭШМУҲАММАД МАМАТҚУЛОВ

1934 йил 20 майда Бойсун райони, Хўжабўлгон қишлоқ Советига қарашли «Социализм» колхозида деҳқон оиласида туғилди.

У 1955 йили Бойсун районидagi В. И. Ленин номи ўрта мактабини тамомлаб Тожикистон ССР қишлоқ хўжалиги институтининг зоотехника факультетига қабул қилинди.

1960 йили институтни битириб, олим — зоотехник деган унвонга эга бўлди.

Э. Маматқулов 1960—1963 йилларда Бойсун районидаги «Сайроб» қоракўлчилик совхозининг 1-фермасида зоотехник бў-



либ ишлади. 1963 йилдан КПСС аъзоси. Э. Маматқулов 1965 йилдан Сурхондарё область совхозлар трестининг бош зоотехниги, 1966—1971 йилларда Бойсун районидаги «Бойсун» ҳисори қўйчилик давлат наслчилик заводида директор бўлиб ишлади. 1966—71 йиллар мобайнида Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг чорвачилик кафедрасида аспирантуранинг сиртқи бўлимини тамомлади.

Э. Маматқуловнинг биринчи устози — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Виктор Андреевич Шченин бўлган, Иккинчи устози эса шу институтнинг доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди В. М. Попова эди. Э. Маматқулов номзодлик диссертациясини Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кенгайтирилган илмий советида 1971 йил декабрь ойида ҳимоя қилди. Унинг диссертацияси мазмуни фақат Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларида ўстирилиб, бошқа зотли қўйлар билан чапиштириш натижасида суюқланиб бораётган ҳисори зотли қўйларни урчитиб, зотини типиклашдан иборат эди. Чунки 1959 йиллардан олдин ҳисори зотли қўйлар соф ҳолда урчити-либ, оғирлиги 192 килограммга етган эди. Кейинчалик, баъзи олимлар томонидан ҳисори қўйни майин жунли майда қўйлар билан чапиштириш натижасида оғирлиги камайиб борди. Шунинг учун ҳам Э. Маматқулов «Сурхондарё тоғолди зоналарида ҳисори зотли қўйларни соф ҳолда урчитиш» деган темада узоқ йиллар қизғин иш олиб бориб, бу проблемани изчил ҳал қилди.

У 1972—1976 йилларда Ленин йўли районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг 1-фермасида бошқарувчи бўлиб ишлади. 1976 йилдан 1982 йилгача шу райондаги В. И. Ленин номли совхознинг чорвачилик комплексига бошчилик қилди. 1982 йилдан Термиз районидаги «Наврўз» совхозида, ҳозир эса Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхозида директорлик қилмоқда. У бир неча марталаб район ва қишлоқ Советига депутат қилиб сайланган. Э. Маматқуловнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1963 ва 1970 йилларда икки марта «Шавкатли меҳнати учун» медали, 1973—74 йилларда социалистик мусобақа голиби нишони ва 1976 йилда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланган.

Унинг матбуотда 10 дан ортиқ илмий-назарий мақолалари эълон қилинган.

## ҚАЮМ МАМАШУҚУРОВ

1945 йил 9 апрелда Шўрчи районидаги Жданов номи колхозга қарашли Оққўрғон қишлоғида колхозчи оиласида дунёга келди. У 1951—61 йилларда колхоздаги М. Горький номи мактабда ўқиб, ўрта маълумот олди. Шу мактабда ўқитувчилик қила бошлади. «Бобом Усмон ота,— деб эслайди Мамашуқуров,— бир неча халқ достонлари ва афсоналарнинг ёд билар, узун қиш кечалари қизиқарли қилиб ҳикоя қилар, бизлар эса уларни мижжа қоқмай тинглар эдик».

Ёшлик чоғидан адабиётга нисбатан уйғонган зўр ҳавас уни Самарқанд Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими сари етаклади. 1962 йили университетга қабул қилиниб, фан сирлари билан чуқурроқ таниша бошлади. У йиринк фольклоршунос олимларнинг лекцияларини тинглар экан, ўзбек халқ оғзаки ижодининг нақадар раиғ-баранглиғи, жозибадорлигини яна бир қарра чуқур ҳис этди. Ундаги ҳавас энди мақсадга айланди. Уни ҳали ўрганилмаган халқ достонлари, фанда ечилмаган муаммолар қизиқтира бошлади. Республикамиз областларига уюштирилган фольклор экспедицияларида актив иштирок этди. Айниқса, бахшилар томонидан севиб кўйланадиган, аммо ўзининг ўрганувчисини қутаётган машҳур «Нурали» туркумли халқ достонлари унинг тадқиқот объектига айлана борди.

Қ. Мамашуқуров 1967 йилда университетни тугатгач, Термиз Давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасига ишга юборилди. Қадимдан иқтидорли бахшилар ватани бўлган Сурхондарёда ишлаш унинг илмий ишлари ривожланишига кенг йўл очиб берди. Илмий раҳбари, филология факультети доктори, профессор, йиринк фольклоршунос олим Тўра Мирзаев билан ҳамкорликда «Нурали» туркуми достонларининг ғоявий-бадний хусусиятлари» мавзусида тинмай изланиш олиб борди. У халқ бахшилари Хушвақт Мардонақулов, Юсуф Утаган ўғлидан ёзиб олган «Нурали» достонларини ўзаро ва бошқа достонлар билан солиштирар экан, уларнинг ғоявий-бадний қирраларини оча борди. Бу орада Қ. Мамашуқуровнинг «Нурали» достони ва у билан қиёсий ўрганилган достонлар тўғрисида қатор илмий мақолалари эълон қилинди. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1974 йил — 4-сонида босилган «Нурали» туркумли достонларнинг тарқалиши ва ўрганилиши» мақоласида достоннинг тарқалиш доирасини белгилади ва уни ўрганишнинг ютуқ ва камчиликлари тўғрисида муҳокама юритди. 1979 йили



Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти орқали нашр этилган «Малла савдогар дostonининг вариантлари», 1986 йили «Адабий мерос» туркумида нашр этилган «Нуралининг ёшлиги» дostonи ва унинг вариантлари» дeгаи мақоласида ўзбек фольклоршунослигида муаммо бўлган вариантлик масаласи ҳақида фикр юритган бўлса, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1985 йил 6-сонида босилган «Малла савдогар» дostonида традиция ва новаторлик» мақоласида дostonнинг бадиий хусусиятларини бошқа туркум дostonлар билан таққослади. Тинимсиз меҳнат ўз самарасини берди. У 1986 йили 30 апрелда «Нурали» туркумли дostonларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари» темасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди.

Диссертациядаги қайдлар ва хулосалар халқ оғзаки ижодиёти традициялари масалалари билан узвий боғланган.

Айни кунларда у ҳар йили бўладиган студентларнинг фольклор экспедицияларига раҳбарлик қилиб, подир халқ қўшиқларини ўрганиш, уларнинг Сурхон воҳасида мавжуд бўлган турларини ўзига хос тематикаси ва жанр хусусиятларини очиш, бахшилар ўртасида анъанага айланиб қолган бадиҳагўйлик санъатининг аҳволи, келажакдаги истиқболлари ҳақида изланиш олиб бормоқда. У область бахшилар конкурсининг, бахшилар ва студентлар традицион учрашувларининг фаол ташкилотчиларидандир. Олимнинг номзодлик диссертацияси ўзбек тили ва адабиёти бўлими студентларига махсус курс, махсус семинар сифатида ўқитилиши учун тавсия қилинган.

Ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи лавозимда фаолият кўрсатаётган Қ. Мамашукуров студентларга ўзбек халқ поэтик ижоди ва ўзбек адабиёти тарихи курсларидан лекция ўқимоқда.

## ҒУЛОМ МАССИЕВ



1938 йил 10 июнда Ангор районидаги Ангор қишлоғида дунёга келди. У 1945—1955 йилларда ўрта мактабда ўқиди. Ғулом Массиев мактабни тамомлагандан сўнг, Швеник номли саккиз йиллик мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1956 йилда Термиз Давлат педагогика институтига кириб, ўқий бошлади. Уни 1961 йил тамомлади. У ўша йили институтда қолиб ишлади. 1962—1964 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. Сўнг яна институтдаги ишини давом эттирди.

1967—1974 йилларда Тош-

кентда стажировкада кейин аспирантурада ўқиди. Ғ. Массиев 1971—1975 йилларда Термиз Давлат педагогика институтига ишга қайтди. 1975 йил 26 декабрда «Қорабўғоз кўлининг натрий сульфати ва тубигатанининг сильвинитидан сульфатс калийли ўғит олиш» темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 1976 йилда Сурхондарё область педагогика билим юртида ишлади.

Химия фанлари номзоди Ғ. Массиев 1976 йил сентябрдан 1980 йил майгача Фурқат номли мактабда директор, 1980—1982 йилларда Сурхондарё область зонал химлабораториясида бўлим бошлиғи. 1982—1984 йилларда Тошкент автомобиль йўллари институти Термиз филиалида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

У ҳозир Ангор районида мактаб директори бўлиб ишламоқда.

Ғ. Массиевнинг бир қанча мақолалари матбуотда эълон қилинди. «Сульфат калийли ўғитни маҳаллий хом ашёдан олиш ҳақида», «Глазерит — хлорсиз калийли ўғит». «Табиат тузлардан глазеритни олишнинг бир варианты», «Глазеритнинг агрохимиявий эффективлиги», «Сульфат калий тузи янги ўғит сифатида» каби мақолалари илмий тўпламларда, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи» журналида эълон қилинган.

## САТТОР МАҲМАДҚУЛОВ

1942 йилда Шўрчи районидаги Қорлик қишлоқ Советига қарашли Жабу қишлоғида колхозчи-боғбон оиласида туғилди. 1959 йилда шу райондаги 28-ўрта мактабни тугатди. Сўнг колхозда икки йил меҳнат қилди.

1961 йилда С. Маҳмадқуловнинг ҳаётида катта воқеа содир бўлди. У В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг филология факультетига қабул қилинди. «Университет менинг ҳаётга қадам қўйишимда жуда катта роль ўйнади, дейди у.— Ш. У. Раҳматуллаев,

А. Ғ. Ғуломов, К. И. Назаров, И. Қ. Қўчқортоев каби машҳур тилшунослар, О. Шарофиддинов, Л. П. Қаюмов, С. Долимов, У. Норматов каби йирик адабиётшунос олимлардан эшитган лекцияларим бебаҳо хазинамиз — тилимизнинг, адабиётимиз-



нинг жозибалилигига бўлган ҳавасимни ошириб юборди. Қлас- сик ва ўзбек совет адабиётимиз дурдона асарларининг сержило ва сермаъно тили мени мафтун қилди. Айниқса, 1965 йилда проф. Ф. К. Қаримов раҳбарлигида Москва — Ленинград ша- ҳарларида сақланаётган шарқ халқлари қўлёзма асарлари би- лан танишиш, Ватанимиз пойтахтини кўриш, улуг дохийимиз В. И. Ленин мавзолейида бўлиш, революция бешиги Ленин- градни кезиш менинг дунёқарашимнинг шаклланишида ўчмас из қолдирди».

С. Маҳмадқулов 1966 йилда Тошкент Давлат университети- ни муваффақиятли тугатгач, ишлаш учун Термиз Давлат педа- гогика институтига юборилди. 1966—1967 йилларда Совет Ар- мияси сафида хизмат қилди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, яна ўзбек тилшунослигидан лекция ўқиди ва амалий машғулотлар олиб борди. 1973—1976 йилларда Тошкент Давлат университе- тининг сиртқи аспирантурасида ўқиди ва профессор Ш. У. Раҳ- матуллаев раҳбарлигида 1980 йилнинг 20 ноябрь куни «Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг орттирилган даражаси» номли темада номзодлик диссертациясини ёқлади. С. Маҳмадқуловнинг дис- сертация иши туркологияда, хусусан, ўзбек тилшунослигида на- зарий ва амалий аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам актуал ва қимматлидир. Илмий ишда ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўл- ган турли семантик гурпуадаги феълларда орттирилган дара- жанинг ясалиши билан содир бўладиган синтактик валентлик моделининг ўзгариши қонуниятлари, орттирма даража ясовчи морфемаларнинг вариацияси ва синонимияси, уларнинг фонетик хусусиятлари ўрганилди. Бу — туркологияда орттирма даража- нинг семантик-синтаксик табиатини янгича баҳолашга асос бўлди. Ишда биринчи марта ўзбек тилшунослигида орттирма даража ясалиши билан феъл лексеманинг синтактик валент- лигидаги семантик — грамматик ўзгаришлар бой фактик ма- териал асосида ёритилди. Диссертация материалларида феъл- нинг семантик валентлиги бўйича умумий ва махсус курслар ўқишда, шунингдек, олий ва ўрта мактаблар учун ёзилган дарс- лик ва қўлланмаларнинг тегишли бўлимларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Феъл валентликлари бўйича луғат ту- зишда мазкур иш лексикографлар учун фойда келтиради. Унинг мазкур тема бўйича ёзилган ўнлаб мақолалари маш- ғулотда эълон қилинган.

Ёш олимнинг орзулари катта. Ҳозирги кунда у «Даража ва феъл валентликлари» (Залог и валентность) номли моногра- фия устида меҳнат қилмоқда.

С. Маҳмадқулов ҳозир Ойбек номидаги Термиз Давлат пе- дагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида кат- та ўқитувчи ва тарих-филология факультети деканининг ўрин- босари вазифасида ишламоқда.



1950 йил 15 февралда Қумқўр-ғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозида туғилди. У 1967 йилда Алишер Навоий номи 34-ўрта мактабни битирди, ўша йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг физика факультетига ўқишга кирди. 1971 йили институтни тугаллагандан сўнг, ўзи таълим олган А. Навоий номи 34-ўрта мактабга келиб, ўқувчиларга физика ва астрономия фанларидан дарс бера бошлади. Ю. Маҳмудовнинг ўқитган ўқувчиларидан А. Юсупов, Ф. Оллоёров, Ф. Дониёровлар 1973—1975 йилларда VII—IX Бутуниттифоқ ёш физиклар олимпиадасига қатнашиб, яхши натижаларга эришиб қайтишди. Ю. Маҳмудов ЎзССР Маориф министрлиги ва ЎзССР ФА томонидан ўқувчиларни олимпиадага яхши тайёрлаганлиги учун бир неча марта фахрий ёрликлар билан тақдирланди.



Ю. Маҳмудов 1977 йили Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг физика ва астрономия кабинети мудири бўлиб ишлади. У 1978—1981 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг физика ўқитиш методикаси бўйича аспирантурасига кириб, 1978 йилнинг 16 январида Киев шаҳридаги Украина ССР ПФИТИнинг мутахассислаштирилган илмий советида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

У 1981 йилдан ҳозирги кунга қадар Т. Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИнинг физика ва астрономия фанлари ўқитиш методикасида ишлаб келмоқда.

Ю. Маҳмудовнинг «Қишлоқ ўрта мактабларида физикани пахтачилик технологияси асослари билан боғлаб ўқитиш» номи методик тавсияси 1984 йили ВДНХ СССРнинг бронза медали билан мукофотланди. 1976—1988 йилларда Ю. Маҳмудовнинг республика, Бутуниттифоқ миқёсида жами 62 та методик қўлланмалари, тавсиялари, дидактик материаллари, мақолалари умумий ҳажмда 84 босма қоғозда эълон қилинди. У 1974—1988 йилларда республика, Бутуниттифоқ масштабида ўтказилган 32 та симпозиум, конференция, семинар—кенгашларда қатнашиб, ўрта мактабда физика фанини ўқитишнинг баъзи ақтуал масалалари бўйича докладлар қилди.

Ю. Маҳмудов 1988 йили 27 мартдан 3 апрелгача М. В. Ломоносов номидаги МДУ базасида ўтказилган I Халқаро ёш

физиклар турнирида қатнашиб, диплом билан тақдирланди. Унинг раҳбарлигида ҳозир 2 нафар аспирант, 1 нафар стажёр—тадқиқотчи илмий иш олиб бормоқда.

Ю. Маҳмудов ЎзССР Халқ таълими министрлиги қошидаги илмий методика советининг, республика ёш физиклар олимпиадасини ўтказиш ҳайъатининг аъзоси, институт халқ контроли группаси раисининг муовинидир.

У 1975 йили ЎзССР Маориф министрлигининг «1975 йилда социалистик мусобақа ғолиби», 1976 йили ВЛКСМ МҚ нинг «Беш йиллик ёш гвардиячиси» бронза нишони, 1988 йили ЎзССР халқ маорифи аълочиси нишонлари билан тақдирланган.



## ЖУМА МАҚСИМҚУЛОВ

1947 йили ҳозирги Қўмқўрғон районидаги «Москва» колхозида туғилди.

У 1963 йилда шу колхознинг Хўжамулки участкасидаги М. Горький номли 24-сон ўрта мактаби тугатди ва Самарқанд Давлат медицина институтига ўқишга кирди. 1969 йилда шу институтнинг даволаш факультетини тамомлади.

1969 йилдан то 1972 йилга қадар Қўмқўрғон районидаги «Москва» колхоз участка касалхонасида врач бўлиб ишлади. 1972 йилда Москвада СССР Фанлар академияси қошидаги

А. В. Вишневский номли Бутуниттифоқ хирургия институтининг клиник ординатурасида таълим олди. Ординатура пайтида кўкрак қафаси хирургиясини ўрганиш билан бошланғич даврида диагноз қўйиш ҳамда уни хирургик йўли билан даволаш соҳасида профессор А. А. Вишневский, А. А. Адамян раҳбарлигида илмий иш олиб борди. Натижада цитология ва бошқа лаборатория методлари орқали ўпка рақини аниқлашнинг комплекс лаборатория системаси ишлаб чиқилди. Бу иш 1978 йили Москва шаҳрида Ж. Мақсимқуловга номзодлик диссертациясини бериш билан яқунланди.

У клиник ординатурадан сўнг 1974 ва 1979 йиллар давомида Термиз шаҳрида область сил касалликлари диспансерида врач-хирург, 1979 ва 1983 йилларда область онкология диспансерида кўкрак қафаси хирургия бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. 1983 йилдан ҳозиргача Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш онкология ва радиокология илмий-текшириш инс-

титутида катта илмий ходим бўлиб ишламоқда. Ж. Мақсимқулов айна пайтда жигар, ўт йўллари, ошқозон ости беши рақ касалликларини даволашни такомиллаштириш соҳасида докторлик диссертациясини давом эттиряпти.

Бугунги кунда ўпка, қизилўнғач, ошқозон ости беши, ўт йўллари, жигар, шунингдек бошқа мураккаб хирургия соҳаларини ўзлаштириб олди. Юқорида кўрсатилган соҳалар бўйича 20 та илмий мақоласи эълон қилинган ва 1 та рационализаторлик таклифи амалга оширилган.

## ЭШБОЙ МЕЛИЕВ


1942 йилнинг сентябрь ойида Денов районининг «Ғалаба» колхозида колхозчи оиласида туғилган. Э. Мелиев 1952 йили Алишер Навоий номи ўрта мактабни тугатиб, ўзи орзу қилган соҳа бўйича 1952 йилнинг сентябрь ойдан Тошкент Давлат медицина болалар бўлимининг 1 курсида ўқий бошлади.

1965 йили институтни аъло баҳоларда тугатиб, 1968 йилгача Саросиё районидаги касалхонада болалар бўлими мудири, сўнгра Узун зонал касалхонасида бош врач бўлиб ишлади. 1969 йили ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли клиник орденатурага аспирантурада ўқий бошлади. Эшбой Мелиев аспирантурани 1971 йили муваффақиятли тугатди ва 1976 йилгача шу клиникада ҳар хил лавозимларда ишлади.

1976 йил қишлоқ аҳолисига малакали медицина ёрдами бериш учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги уни Денов районунига ишга юборди ва 1976 йил октябргача район марказий касалхонасининг травматология бўлимига мудар бўлиб ишлади.

Орзиқиб кутилган кунлар ҳам етиб келди. 1973 йил июнь ойида Москвада «Пахтачиликда травматизмнинг олдини олиш ва травматологик ёрдам уюштириш» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан буён Денов район марказий касалхонасида даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари бўлиб ишламоқда.

У 1976 йилдан КПСС аъзоси. Э. Мелиевнинг 22 темада ёзган илмий мақола ва қўлёзмалари бор. Буларга машҳур медик олимлар Шаматов, Ҳасанов, Ненков, Умаров, Иброҳимов, ва Гоговойлар раҳбарлик қилганлар.



1971 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон травматологларининг 1, 1972 йилда Тошкент травматология-ортопедия институти ҳамда Минск шаҳрида бўлиб ўтган травматологларнинг III съезларида Э. Мелиевнинг проблема-ахбороти тингланди.

## АБДУХАЛИЛ МЕЛИҚУЛОВ



1954 йил 31 декабрда Сарносиё районининг «Ленинизм» колхозига қарашли Бойбўри қишлоғида колхозчи-деҳқон оиласида туғилди.

1961 йилда Сарносиё районидаги Т. Г. Шевченко номи 8 ойлик 11-ўрта мактабнинг (ҳозирги 10 йиллик) 1-синфига қабул қилинди. Ўқиш давомида у доим ўқув программасини ўз вақтида ўзлаштириб, жамоат ишларида актив қатнашарди. 1969 йилда ВЛКСМ сафига қабул қилинди.

1969 йили 8 ойлик мактабни тугатгач, шу йили сентябрь ойидан бошлаб Сарносиё районидаги

1971 йили Ю. Гагарин номи 18-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллади. 1971—72 йилларда Т. Г. Шевченко номидаги 11-ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. 1972 йили М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Институтдаги ўқиш фаолиятида у математика тўғарақларига, илмий конференцияларга, олимпиадаларига актив қатнашди. У математика анализдан икки марта республика олий ўқув юртлири студентарининг олимпиадасига қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Гурппа старостаи сифатида ишда, ўқишда ва жамоат ишларида актив қатнашиб, ўз тенгдошларига ўрнак бўлди.

У 1976 йил физика-математика факультетини имтиёзли тугаллади. 1976—78 йилларда институтда ўқитувчилик қилди. У 1978—1979 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. Кейин яна шу институтда ўқитувчилик қилди. 1980 йили Фарғона Давлат педагогика институтига аспирантурага кирди ва у ерда М. В. Ломоносов номи Москва Давлат университети қошидаги аспирантурага юборилди.

Физика-математика фанлари доктори, профессор Евгений Владимирович Радкевич раҳбарлигида «Номаълум» чегарали эллиптик чегаравий масалалар» темасидан «Дифференциал тенгламалар ва математик физика» мутахассислиги бўйича аспирантурада ўқиди. 1983 йил шу мутахассислик бўйича Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР ФА га қарашли В. И. Романовский

номли математика институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг диссертациясида кўрилган масалалар фақатгина математика назарий масалаларига тааллуқли бўлмай, балки амалиётда ҳам кенг қўлланилиши мумкинлигини эътиборга олиб, республикамиз олимлари бу ишни юксак баҳоладилар. А. Мелиқулов математика фани соҳасига қўшган бу улкан хизмати учун у 1984 йилда Ўзбекистон ССР ФА мукофоти лауреатига сазовор бўлди.

У 1985 йилдан бошлаб физика-математика факультетига декан қилиб сайланди. Ўзининг ижодий ва илмий фаолияти билан факультет ўқитувчилари коллективи орасида обрў-эътибор қозонди. 1988 йилда «Фан» нашриёти томонидан «Номаълум чегарали чегаравий масалалар» номли монографияси чоп этилди. Бу монографияда хусусий ҳосилалар дифференциал тенгламаларга қўйилган турли хилдаги стационар ва стационар бўлмаган физик, механик масалалар кўриб ўтилган.

Монографияда келтирилган кўпгина натижалар дифференциал тенгламалар назариясининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга шу мутахассислик бўйича ишлаётган илмий ходимлар олдига кўпгина янги масалаларни ҳам қўйди. 1989 йилда унга доцентлик унвони берилди.

Ҳозирги кунда «Ўзгартирувчиларни алмаштириш методи» илмий-методик қўлланмаси ва 20 га яқин илмий мақолалари Иттифоқ ва республиканинг турли нашрлари орқали эълон қилинган. Доцент А. Мелиқулов айни кунларда физика-математика факультети декани ва ўқитувчи сифатида математик анализ кафедрасида фаолият кўрсатмоқда.

## **МИРХОЛИҚ МЕНГЛИЕВ**

1939 йил 12 декабрда Шўрчи районига қарашли «Оққопчиғай» совхозида туғилди. У 1956 йилда Алишер Навоий номли 34-сон ўрта мактабни тугатди.

У 1956 йили В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факультетига ўқишга кирди. Бунга ота-боболари касби (отаси Менгли Раҳимқулов Сурхондарё сури авторларидан бири эди) чорвачилик касбини давом эттириш иштиёқи сабаб бўлди. 1961 йилда институтни битириб, олим-зоотехник (ҳозирги зооинженер) дипломини олди.



Сурхондарё области совхозлар трестининг йўлланмаси билан ўзи туғилиб ўсган «Оққопчигай» совхозига ишга келди ва наслчилик бўйича мутахассис сифатида ишлай бошлади.

Бу совхозга ўша йили биринчи космик парвоз шарафига Ю. А. Гагарин номи берилди. М. Менглиев совхозда атоқли чорвадорлар Йўлбарс Шодмонов, Нурқул Йўлдошев, Йўлдош Жўраев, Бектош Ўтаев, ўз бобоси, бир хил жуфтлаш авторларидан бири кекса човвадор Раҳимқул Эшонқулов, отаси Менгли Раҳимқулов каби кишилар билан маслаҳатда бўлди. Бу ердаги селекция-наслчилик ишлари ВАСХНИЛга қарашли Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-текшириш институти методик раҳбарлигида олиб борилди. Бу институтнинг етакчи илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган зоотехник Николай Симонович Гигинейшвили Менглиевда илмий селекцияга қизиқиш уйғотди. Бу ерда тематик ва селекция плани асосида янги рангдор қорақўл қўйлар яратиш устида иш олиб борилди. 1963 йил март ойдан бошлаб совхознинг бош зоотехниги вазифасига тайинланди. Селекция санъатини эгаллашда унга совхознинг илгариги селекционер зоотехниги Қлавдия Николаевна Серебрянская ва бош зоотехник Евгений Андреевич Кимлар анча ёрдам беришган.

М. Менглиев 1965 йилда Бутуниттифоқ Қорақўлчилик илмий-текшириш институти аспирантурасига ўқишга кирди ва у ерда бир қанча биологик ва зоотехник методларни ўрганди ҳамда экспериментал иш натижаларини математик анализ қилиш усулларини эгаллади. Абу Райхон Беруний номли Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Иван Никитович Двяков ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган зоотехник, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Николай Симонович Гигинейшвилилар унинг илмий ишларига раҳбарлик қилишди.

Унинг номзодлик диссертацияси темаси «Кўк қорақўл қўйларини бир хил жуфтлашда қўй туслари (расцветкалари) ва унинг селекциядаги аҳамияти» эди. Шу билан бир вақтда бу хўжаликда кўк қорақўл қўйларнинг янги зот типини яратиш устида кенг кўламда иш олиб борилди. Бу турдаги қўйларнинг авторларидан бири М. Менглиев эди. Совхоз 1965 йилдан Иттифоқ аҳамиятидаги наслчилик заводи деб аталиб, СССР қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан тасдиқланди ва Ю. А. Гагарин номли наслчилик заводи деб юритила бошланди. Бу пайтга келиб илгарироқ тасдиқланган «Сурхондарё сури» номи билан аталган рангдор қорақўл қўйлари зоти типига ҳам стандарт белгиланди ва юқори баҳо билан қабул қилина бошланди. Бу ерда яратилган янги тур рангдор қорақўл қўй подаларини такомиллаштириш билан бирга яна янги-янги навли қорақўл берувчи қўй турларини яратиш устида иш олиб борилди.

М. Менглиев 1974 йилда наслчилик заводи директори вазифасига тайинланди ва селекция ишига ҳам доим бош-қош бўлди. У аввал олиб борган тадқиқот ишлари бўйича 1976 йилда Москвада Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институти

илмий советида номзодлик диссертациясини ёқлади ва урчи-тиш-селекция ихтисоси бўйича қишлоқ хўжалик фанлари номзоди унвонини олди. Бу хўжаликда 1977—1980 йилларда Гагарин оқ-қорақўл қўйлар завод тип, Сайхон гавҳар рангли қўйлари ҳамда Боботоғ кўк қўй завод турлари синовдан ўтказилиб, СССР селекция ютуқлари китобига киритилди ва унинг ижодкорларига, жумладан, М. Менглиевга авторлик гувоҳномаси берилди. 1982 йилда рангдор қорақўлчиликни ривожлантиришдаги ишлари учун бир қатор олим ва мутахассисларга фан ва техника соҳаси бўйича СССР давлат мукофоти берилди, улар орасида қишлоқ хўжалик фанлари номзоди М. Менглиев ҳам бордир.

М. Менглиев 1985 йилдан бошлаб илмий ишга ўтди, у Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими сифатида конкурслар ўтиб, ҳозир шу вазифада ишламоқда. У Гагарин номли наслчилик заводи илмий селекция ишларини бошқаришда ва Сурхондарё областидаги қорақўлчилик совхозларида наслчилик ишларини йўлга қўйишда маслаҳатлар бериб турибди.

Мирхолиқ Менглиев 4 та зот тип яратиш бўйича авторлик гувоҳномаси олган, 14 илмий ишлари ҳар хил тўплам ва журналларда босилган, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор унвонларига эга. Икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фахрий ёрлиги билан мукофотланди, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва «Шавкатли меҳнати учун» медалига сазовор бўлди.

Мирхолиқ Менглиев 1964 йилдан КПСС аъзоси. Қўп марта Шўрчи ва Қумқўрғон район партия комитети аъзоси бўлган, район совети депутатлигига сайланган.

## БЕКМИРЗА МЕНГЗИЯЕВ

1946 йил 17 августда Шўрчи районидаги Жданов номли колхозда колхозчи оиласида туғилди.

Б. Менгзияев 1969 йилда М. Горький номли 8-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгандан сўнг, шу йилнинг ўзида Самарқанд Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди. У студентлик даврида математика тўғрисида аъзо бўлиб, университетдаги илмий конференцияларда актив қатнашди.




Б. Менгзияев 1968 йил механика-математика факультетини «Дифференциал тенгламалар назарияси» ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатди. Унинг фанга бўлган қизиқиши 1968 йили Термиз Давлат педагогика институтининг математика кафедрасига етаклади.

Б. Менгзияев 1972—1974 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика институтида стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишлади. У 1974—1977 йилларда шу институтда аспирантурада ўқиди.

Б. Менгзияев 1978 йилда академик М. С. Салоҳиддинов раҳбарлигидаги «Иккита бузилиш чизигига эга бўлган аралаш тип тенгламалар, чегаравий масалалар» деган темада физика-математика фанлари номзоди унвонини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ёқлади. Б. Менгзияев ҳаётида бу кун энг қувончли кун бўлди.

У ҳозирги кунда Термиз Давлат педагогика институти математика кафедрасида ишламоқда.

## ЗАЙНИДДИН МИРЗАЕВ



1933 йилнинг 15 майида Термиз шаҳрида туғилди. Унинг ёшлик даври Термиз районининг Мангузар қишлоқ Советига қарашли «Қизил чегара» номли колхозда ўтди. Дастлаб шу колхоздаги мактабда, сўнг Қ. Маркс номли мактабда таълим олди. У Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида, Термиз районидаги «Намуна» колхозида оддий колхозчи бўлиб ишлади.

З. Мирзаев 1948 йилда Термиз педагогика билим юртига ўқишга кирди. Шу даргоҳда ўқиш йилларида у комсомол ишларига, фанни ўрганиш бўйича ташкил этилган тўғаракларга актив иштирок этди. У 1952 йилда билим юртини муваффақиятли тугаллаб, бошланғич мактаб ўқитувчиси мутахассислигини олди. Билим юртини аъло баҳоларга битирганларга институтга кириш учун йўлланма берилар эди. З. Мирзаев ҳам Тошкентга ўқиш учун йўлланма олди ва Низомий номли педагогика институти тарих факультетида ўқий бошлади. У профессорлардан Я. Фуломов, С. Ражабов, З. Нуриддинов, Ҳ. Иноятов ва Ш. Абдуллаевлардан тарих фани сирларини ўрганди. Ёш студентни Ўзбекистон тарихининг айрим масалалари бўйича тортишувлар жуда қизиқтирар эди.



У илмий докладлар, рефератлар ёзиб, студентларнинг илмий тўғарақларида актив иштирок эта бошлади.

З. Мирзаев 1956 йилда институтни тугатиб, Сурхондарё областининг Термиз районида ўқитувчилик қилди. Ана шу ўқитувчилик йилларида тарихий асарларни қунт билан ўқиб, ўз устида муттасил ишлади. 1959—1960 йилларда Термиз райони комсомол комитетининг биринчи секретари вазифасида ишлади. Ёш авлод тарбиячисига айланди. 1961 йили КПСС сафига ўтди.

1960 йилда З. Мирзаев Ўзбекистон ФАнинг тарих институти аспирантурасига ўқишга кирди. «Ўзбекистон деҳқонлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун курашда» деган темада академик К. Е. Житов раҳбарлигида иш олиб борди. Республикамиз тарихидаги колхозчи деҳқонлар фаолиятини таҳлил этиб берди. 1964 йилнинг бошида номзодлик диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари номзоди унвонига эга бўлди. Ёш олимнинг ишига тарих фанлари докторлари Р. Х. Аминова ва Х. Ш. Иноятовлар юқори баҳо бердилар.

Ёш олим республика журналларида ва илмий тўпламларда ўндан ортиқ мақолалар эълон қилди. Кейинги йилларда у ўз илмий ишини Ўзбекистон қишлоқ маданияти масалаларига бағишлади. Ўзбекистон меҳнатқашларининг ҳаёти уни ҳамма вақт қизиқтириб келди ва у ўз илмий ишини ана шу актуал масалаларга бағишлади, тез-тез меҳнатқашлар орасида суҳбат, музокаралар ўтказиб турди.

З. Мирзаев «Ўзбекистон қишлоқларининг ҳозирги давридаги социалистик маданияти» деб номланган монографиясида Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг социалистик маданият соҳасида эришган муваффақиятлари, бу маданиятнинг ўтмиш маданиятидан фарқи, унинг асосий белги ва маънавий-сиёсий, социал негизларини тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиб берди. Муаллифнинг иккинчи «В. И. Лениннинг маданий ривожланиш соҳасидаги ғояларининг ўзбек қишлоқларида амалга ошиши» деб номланган китобида катта ва улкан маданий ривожланиш тўғрисидаги ғояларни Ўзбекистондаги тантанасини қишлоқ меҳнатқашлари мисолида, мукаммал анализ қилган. Бу илмий ишлар Ўзбекистон тарихи фанининг айрим масалаларини очишда хизмат қилади.

З. Мирзаев Термиз Давлат педагогика институти ташкил этилгандан буён, бу даргоҳда ишлаб келмоқда. У КПСС тарихи предмети бўйича лекция ўқийди. Илмий, тарихий масалаларни содда ва тушунарли тилда, қизиқарли қилиб баён этади. Студентларни кўпроқ ижодий ишлашга ундайди, ҳаётий масалаларни марксча-ленинча нуқтаи назаридан тўғри тушуниб олишга ўргатади. Ёшларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилади, уларга методологик ёрдам беради.

Тарих фанлари номзоди З. Мирзаев 1987 йилгача СССР тарихи ва умумий тарих кафедрасининг мудри бўлиб ишлади. Ҳозир КПСС тарихи кафедраси доцентидир. Унинг узоқ йиллик хизматлари «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланган.



1946 йил 2 январда Қумқўр-фон районининг Ульянов номли совхозида туғилди. 1962 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд Давлат университетининг чет тиллар факультети француз тили бўлимига ўқишга кирди ва уни 1967 йилда битирди.

Меҳнат фаолиятини Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли ўрта мактабда ўқитувчилик қилишдан бошлади. 1967—1968 йилларда Совет Армияси сафларида хизмат қилди.

1969 йилдан бошлаб, СамДУ чет тиллар факультети француз филологияси кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади.


1971 йил декабрь ойида Ленинград Давлат университетининг роман филологияси кафедрасига аспирантурага кирди ва номзодлик диссертациясининг мавзуи сифатида «Француз ҳаётига хос реализацияларни ифодаловчи сўзларни ўзбек тилига таржима қилиш масалалари» темасини танлади.

Ленинград Давлат университети турк филологияси кафедрасининг мудирини, филология фахлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли турколог ва таржимон С. Н. Иванов ва ЛДУ роман филологияси кафедрасининг доценти Н. Н. Петеревниковалар унга илмий раҳбарлик қилишди. Унинг фаолияти 1973 йилдан бошланган. Шу давр мобайнида 40 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар ва таржималарини матбуотда эълон қилди. «Француз мақол, маталлари ва уларнинг ўзбекча муқобиллари», «П. Мериме танланган асарларини мустақил ўқиш бўйича методик қўлланма» деган иккита ўқув-методик қўлланмаси босмадан чиқди.

Айни вақтда поэтик лингвистик устидаги тадқиқотларини давом эттиряпти. У уч қисмдан иборат «Поэтик текст лингвистикаси» номли библиографик кўрсатгич», «Поэтик текст интерпретацияси» (лингвометодик анализ)га бағишланган ўқув методик тавсиялар (рекомендациялари)ни ёзиб тугатди.

Француз юмори ва ҳажвияларини ўзбекчага таржима қилиб туради. Бу таржималар «Ленин байроғи» ва «Ленин йўли» область газеталари, шунингдек, «Совет Ўзбекистони санъати» журналида босилган. Яқинда бразилиялик машҳур футболчи Пеле ҳаётига бағишланган китобни француз тилидан таржима қилиб тугатди. Самарқанд область «Ленин йўли» газетасида мазкур таржимадан парчалар босилди. 1978 йил сентябрь ойдан буён СамДУ чет тиллар факультетининг француз тили амалий ва назарий фанлар кафедрасига мудирлик қилмоқда.

## МИРАҲМАД МИРСОБИРОВ



1951 йил 30 июнда Термиз шаҳрида, ишчи oilасида туғилди. 1968 йил Термиз шаҳридаги С. Н. Карпов номи ўрта мактабини тугатиб, шу йилнинг ўзида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди.

М. Мирсобиров студентлик йилларидан хусусий дифференциал тенгламалар назарияси билан шуғуллана бошлади. Чунки III курсда ЎзССР ФА академиги М. С. Салоҳиддинов томонидан ўқилган лекция унда катта қизиқиш уйғотганди.

Дастлаб Эйлер — Пуассон тенгламаси учун Риман функциясини тузиш методикасини ва Гаусснинг гипергеометрик функциялар назариясини ўрганиб чиқди, натижада Риман функциясини тузиш бўйича курс ишини ёзиб, академик М. С. Салоҳиддиновга кўрсатди. Шу илк мустақил иши устози томонидан юқори баҳоланди. Университетда кейинги IV ва V курсларда аралаш типдаги тенгламалар билан чуқур шуғулланди ва ЎзССР ФА В. И. Романовский номи математика институтида махсус семинар тингловчиси бўлиб юрди.

Унинг студентлик йилларидаги изланишлари аралаш типдаги тенгламаларга бағишланган диплом ишнини аъло баҳога ҳимоя қилиш билан якунланди.

У 1973 йилда университетни тугатиб, М. Т. Ойбек номи Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди. Сўнгра 1978 йилда ЎзССР ФАнинг В. И. Романовский номи математика институтига аспирантурага кирди. Бу даврдаги яхши илмий иш натижалари учун унга Ленин стипендияси тайинланди.

1981 йилда ЎзССР ФА академиги М. С. Салоҳиддинов раҳбарлигида «Бузиладиган гиперболик ва аралаш типдаги, сингуляр коэффицентли тенгламалар учун баъзи бир чегаравий масалалар» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди илмий унвонини олди. Илмий ишлари асосан аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларни ечишга бағишланган. Нолокал чегаравий масалалар асосан А. В. Бицадзе ва А. А. Самарский томонидан қўйилган бўлиб, бу ишлар А. М. Нахушев, М. С. Салоҳиддинов ҳамда уларнинг шогирдлари томонидан нолокал силжиши вариантыда ривожлантирилган. Нолокал чегаравий силжишли масалаларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, эллиптик соҳа чегарасида Дирихде шarti қўйилиб, гиперболик

қисмида эса тенглама ечими ёки унинг ҳосиласини, қийматларини характеристикада ва бузилиш чизиғида боғловчи шарт берилади.

М. Мирсобиров томонидан тадқиқ қилинган масалалар атоқли совет олими Чаплигиннинг газ динамикасида кучли босимдаги ҳаво ҳаракатининг товуш тезлигига яқин тезлик билан ҳаракат қилишга бағишланган ишларининг математик моделини ўрганишдан иборатдир.

М. Мирсобиров аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларни ўрганишга бағишланган 10 дан ортиқ мақола авторидир. Мақолалари асосан «Дефференциальные уравнение» (Минск), ЎзССР ФА академиясининг докладлари ва ахбороти журналларида эълон қилинган.

М. Мирсобиров 1983—1987 йилларда Тошкент автомобиль йўллари институти Термиз филиалида доцент, кейинчалик физика-математика фанлари кафедрасининг муdiri лавозимида ишлади.

1987 йилдан яна М. Т. Ойбек номли ТДПИ ишлаб чиқариш асослари кафедрасининг муdiri бўлиб ишлаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда сингуляр коэффицентли эллиптик тенгламалар ва гиперболик тенгламалар учун нолокал чегаравий масалар бўйича докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

## ШАЙДУЛЛА МУРОДОВ

1942 йилда Ангор районидаги Куйбишев номли колхозда туғилди. 1959 йилда шу колхоздаги «Партия XXII съезди» номли ўрта мактабни тамомлаб, 1962 йили Қарши Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди. 1969 йилда институтни муваффақиятли тугатди. **Ш. Муродов** Ангор районидаги Низомий номли ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади. Кейинчалик, у шу райондаги педагогика билим юртига она тили ва адабиёт фанидан ўқитувчи бўлиб ўтди.

Ш. Муродов ишдан ажралмаган ҳолда 1977—1984 йиллар мобайнида илмий тадқиқот ишлари билан мунтазам шуғулланиб борди. Унга таниқли олим, ТошДУ профессори Озод Шарофиддинов раҳбарлик қилди. 1984 йилда «Ҳозирги ўзбек поэмаларининг жанр хусусиятлари (70-йиллар поэмалари асосида)» деган темада илмий ишни муваффақият билан ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди.

У ўзбек адабиётида ҳали атрофлича ёритилмаган поэма жанрининг ўзига хос хусусиятларини кенг ва чуқур планда ёритиб берди. Мазкур тадқиқотнинг илмий аҳамияти 70-йиллар

адабиётда поэма тарихини яратишда, шунингдек, олий ўқув юртларида халқ дostonчилигини ўрганишда кўринади.

Ш. Муродов республика газета ва журналларида чоп этилган йигирмага яқин турли мавзулардаги мақолаларнинг автoрдир. Унинг «Шеърлий повесть поэма турими?», «Драматик дostonнинг баъзи хусусиятлари», «Вазият ва характер мантиқи» каби республика журналларида эълон қилинган илмий мақолалари поэма жанрларидаги айрим чигалликларга аниқлик киритди.

## РЎЗИҚУЛ МУСТАФОҚУЛОВ

1946 йил 16 августда Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозида туғилди. 1964 йили Бойсун районидаги Куйбишев номли мактабни тугатди. 1964 йили Самарқанддаги Макаренко номли жисмоний тарбия педагогика билим юртига ўқишга кирди. Уни 1967 йили имтиёзли диплом билан тугатиб, бошланғич синф ва жисмоний тарбия ўқитувчиси мутахассислигини олди.

1969 йили А. Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетига ўқишга кириб, уни 1973 йили муваффақиятли тамомлади. Сўнг Бойсун районидаги Терешкова номли мактабда ўзбек тили ва адабиёти ҳамда жисмоний тарбия фанларидан дарс бера бошлади. У ўзининг ҳар хил мавзудаги мақола ва шеърлари билан район ҳамда область газеталарида актив қатнашди. 1970—1980 йиллар мобайнида Термиз жисмоний тарбия педагогика билим юртида ўқитувчилик қилди. 1980 йилдан буён Термиз Давлат педагогика институтининг педагогика факультетида сиртқи бўлим методисти ва ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Мустақил илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланиб келди. У Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, ТошДУ профессори Бердиали Имомов раҳбарлигида «Ўзбек совет драматургиясида трагедия жанри» деган илмий иш олиб борди.

Шу вақтгача ўзбек совет драматургиясининг жанрий ранг-баранглиги билан боғлиқ масалалар махсус тадқиқот объекти қилиб олинмаган эди.



У трагедия жанрини типологик асосда тадқиқ қилишга биринчилардан бўлиб киришди. Ўзбек совет адабиётида трагедия жанрининг пайдо бўлиши ва унинг камол топиши масалаларини ойдинлаштиришга ҳаракат қилди. Адабиётимизда трагедияни бошқа жанрлар билан тенглаштириб, унга ҳар доим ҳам ижобий муносабатда бўлиб келинмаганлигини қаламга олди.

Ўзбек совет адабиётшунослигида трагедия жанри кўпчилик танқидчиларнинг эътиборини тортиб келди. Бироқ, трагедия жанрининг бошқа жанрлар билан бир қаторда мустақил яшай олишига шубҳа билан қаровчи, уни умри ўтган ижод шаклларида деб қаровчи бир ёқлама адабиётшунослар ҳам кўп бўлди.

Ўзбек адабиётида бу жанрнинг ўзига хос хусусиятларини кўзда тутадиган бўлсак, жамиятимизнинг дастлабки йилларида драматургларимиз жанрий ранг-баранглик учун курашганларининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, трагедия соҳасидаги дастлабки изланишларни Ҳ. Ҳ. Ниёзий ижодида учратамиз. Унинг «Лошмон фожиаси», «Фарғона фожиалари», «Холисхон», «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Истибод қурбонлари», каби драмалари жанр соҳасидаги илк изланишлар самараси эди...

Тадқиқотчи республика журнал ва газеталарида ўзининг бир қанча мақолалари билан чиқиб, драма, трагедия, комедия каби драматургик жанрларга оид фикрларини билдирди. 1986 йили «Совет мактаби» журналининг 12-сонида «Жанрий чалкашлик» номли мақоласида ўрта мактабларнинг «Ўзбек совет адабиёти дарслиги ва программасидаги драматургия жанрларининг қориштириб берилганлигини танқид қилади. «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг 1988 йил, 6-сонидаги «Мумкин эмас, зурур!» деган мақоласи эса театр муаммоларига бағишланган. Асрлар мобайнида инсоннинг энг сеvimли санъат қошоналаридан бири бўлган театрга кейинги пайтларда томошабин кам бораётганлиги, унда намойиш этилаётган саҳна асарларининг савияси паст эканлигига боғлиқлиги трагедик асарларда, комедияларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлиги хусусида алоҳида тўхталади.

«Умр боқий жанр» деб номланган қўлланмаси ўрта мактаб программаларидан ўрин олган ўзбек адабиётида яратилган трагедияларга бағишланган ва адабиётшунослар ҳамда ўрта мактаб ўқувчиларига мўлжалланган.

Р. Мустафоқулов республика ва область матбуотида 30 дан ортиқ мақолалар ҳамда шеърлар авторидир. У ҳозирги кунда факультетда методистлик қилиш билан бирга ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчилик қилади.

## ТЕМИР МУСТАФОҚУЛОВ

1936 йил 18 ноябрда Шеробод районидаги «Коммунизм» совхозининг Ғози қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. 1950 йили «Қизил байроқ» номли 16-сон етти йиллик мактабни мақтов ёрлиғи билан тугатди.

1950—1954 йилларда эса область педагогика билим юртида таълим олди. 1954—1955 ўқув йилида Термиз районидаги Йўлдош Охунбобоев номли 12-мактабда ўқитувчилик қилди. 1955—1960 йиллари В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг география факультетининг студенти бўлди. Унинг ёшлигинида ноқилм фаига қизиқиши кучли бўлганлиги учун профессор О. Ю. Пословская раҳбарлигидаги «Геоморфология» тўғарагига актив иштирок эта бошлади.

Факультет, кейинчалик университет студентлар илмий жамиятига раислик қилган Т. Мустафоқулов 1957 йили Марказий Қизилқум саҳросини тадқиқ этувчи геологик экспедицияда иштирок этиб, Қизилқум саҳроси геоморфологиясини текширди.

Тадқиқот натижалари асосида «Марказий Қизилқумга саёҳат» номли мақоласини эълон қилди.

1959 йили «Сурхондарё области сел ҳодисалари» номли илмий ишини ёзиб тугатди. (Бу иш ЎзЛҚСМ Марказий Комитети фахрий ёрлиғи билан тақдирланган).

1960—1963 йилларда СССР Фанлар Академиясининг академиги О. Содиков тавсияси билан СредазНИИЛХ аспирантурасида таҳсил олди. Шу вақтда ўзининг дастлабки асарларидан бири «Сел» (Ўздавнашр, Тошкент, 1962 йил) ни яратди.

У китобчада «Сел нима?», «Сел бўладиган жойлар», «Сел қандай пайдо бўлади?», «Тоғлардаги ўрмонларнинг мелиоратив аҳамияти», «Сел босадиган районлар» ва «Селга қарши кураш» мавзуларини атрофлича ёритишга ҳаракат қилди.

Профессорлар Ҳ. Ҳасанов, З. Акрамовлар бу асарга юқори баҳо бердилар.

Т. Мустафоқулов 1963 йилнинг кузида СССР Геология ми-нистрлигига қарашли «Гидрогеология ва инженерлик геологияси» институтининг директори, ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Н. А. Қенесарин томонидан янги очилган Сел ҳодисалари лабораториясига кичик илмий ходим қилиб чақиртирилди.





1947 йил 19 майда Қарши раёнининг Обдида қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Денов районидаги Улуғбек номли 4-сон ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, 1965 йилда Қарши Давлат педагогика институтининг табиат-география факультетининг химия-биология бўлимига ўқишга кирди. Институтда биринчи курсдан бошлаб аъло баҳоларда ўқиди.

Студентлик йиллари илмий тўғаракларда иштирок этиш, конференцияларда қатнашиш—унинг илм-фанга бўлган меҳрини орттирди. Ботаниканинг систематика

курсини ўтгандан сўнг, бу фанга бўлган қизиқиши кучайди. 1970 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатгандан сўнг, Термиз Давлат педагогика институтининг биология-химия кафедрасида лаборант бўлиб ишлаб бошлади. Институтга келиб ишлашидан мақсад, аввало, қандай қийинчилик бўлмасин, фан соҳасида ўз кучини синаб кўриш эди. 1974 йилнинг кузига келиб, пединститут йўлланмаси билан ЎзССР Фанлар Академиясининг ботаника илмий-текшириш институти геоботаника лабораториясига ҳужжат топширди ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқий бошлади. Аспирантурада илмий экспедициялар ва илмий командировкалар билан вақт жуда тез ўтиб кетди. Экспедиция давомида областимизнинг ўсимликлар дунёси билан бой бўлган барча зоналарини кезиб чиқди.

Буидан ташқари, кўнгина хўжаликларда юриб, қишлоқ хўжалик экинларини ўрганди.

Биология фанлари номзоди Ғ. Ҳамидов, шу лабораториянинг мудури, Беруний номидаги республика давлат мукофотининг лауреати, биология фанлари номзоди А. Бутков, биология фанлари номзоди катта илмий ходим Зоя Алексеевна Р. Муҳаммеджонованинг устозлари эди. 1980 йилнинг 17 апрелида ТошДУ биология факультети илмий Советида «Сурхондарё области-нинг асалли ўсимликлари ва улардан фойдаланиш» деган темада диссертация ёқлади. Теманинг илмийлик ва актуаллигига юқори ўсимликлар кафедрасининг мудури, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор И. И. Гранитов, профессор, биология фанлари доктори, В. И. Ленин йўлланмаси билан шу даргоҳга келган И. А. Райковалар юксак баҳо бердилар. Бундан ташқари, илмий ишга Горький Давлат университетининг дарвинизм ва экология ла-



бораторияси мудири, биология фанлари доктори, профессор А. Н. Мальниченко ҳам ўз шахсий фикрини билдирди.

Илмий ишнинг муваффақият қозонишининг асосий сабаби — унинг актуаллигидадир. Бу теманинг актуаллиги шундаки, областимиз ўсимликлар дунёсига қанчалик бой бўлмасин, ҳали бу бойликдан биз рационал фойдаланиш йўллариини ўрганиб чиққанамиз йўқ.

Айниқса асалари учун озиқ манбаи — нектар ва гул чанги берувчи ўсимликларни ўрганишга бутун жанубий Ўзбекистонда ҳали қўл урилган эмас эди. Мана шу сабаблар бу ишни бошлашга туртки бўлди.

Сурхондарё области СССРнинг энг жанубий чегарасида жойлашиши, ўзига хос табиий экологик шароитларга эга бўлиши ва ўсимликларнинг вегетация муддатининг узоқ давом этиши — бу областда асаларичиликни ривожлантиришнинг истиқболлари мавжудлигидан далолат беради. Ваҳоланки, асаларичилик соҳасида областимиз республикада кейинги ўринларда туради. Илмий изланишлар натижасида бизга аниқ бўлдики, областда ёввойи ва маданий ўсимликлар асаларичиликнинг бой моддий базасини ташкил этар экан. Пахтачилик билан асаларичиликни узвий равишда ривожлантириш учун бизда имкониятлар мавжуд.

Айниқса, областда етиштириладиган ингичка толали пахта асалари учун энг кўп асал шира (нектар) берадиган эканлиги исботланди.

Сурхондарёда 605 тур ўсимлик борлиги аниқланди. Шулардан 40 тури асал-ширालи тур ҳисобланади. Кўпгина маданий ўсимликларнинг нектар ишлаб чиқиши биринчи марта ўрганилди.

Бу соҳада Р. Муҳаммеджонованинг 57 та илмий мақоласи эълон қилинган.

Р. Муҳаммеджонованинг келгуси режалари асал берадиган ўсимликларда гуллаш процесси динамикасини ўрганиш, чангланиш жараёни ва ундан қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш мақсадида фойдаланиш масалалари, гулда нектар ажралишига ташқи экологик омилнинг таъсирини чуқурроқ ўрганишдир.

Биология фанлари номзоди Р. Муҳаммеджонова М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ биология-химия кафедраси катта ўқитувчиси, институт хотин-қизлар совети раиси бўлиб ишламоқда.



1946 йил Денов районидаги Жданов номли колхозининг Чагон қишлоғида туғилди. Узи туғилиб ўсган қишлоқдаги мактабда ўрта маълумот олди. Ёшлигидан оқ медицинага меҳр қўйганлиги учун 1963 йили Самарқанд медицина институтига ўқишга кирди. Уни медицинанинг барча соҳалари, айниқса, кўз касалликлари билан боғлиқ проблемаларни ҳал этиш қизиқтира бошлади. Шу боис 1969 йили институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, 1969—71 йиллари институт қошидаги кўз касалликлари клиникасида ординатурада ўқиб, кўз

касалликлари бўйича тадқиқот олиб бориш учун назарий ва амалий жиҳатдан пухта тайёрланди. Унинг «Бош мия шишларида кўз тубидаги ўзгаришларга доир» дастлабки илмий мақоласи ёш нейрохирурларнинг Москва шаҳрида 1970 йили бўлиб ўтган I-Бутуниттифоқ конференцияси тўпламида босилиб чиқди. Мақолада марказий нерв системаси касалликларини кўзга таъсир қилишининг баъзи масалалари ҳақида фикр юритган эди. 1971 йилдан 1974 йилгача нейроофтология бўйича Москва шаҳрида СССР ФА қошидаги Бурденко номли нейрохирургия институтида тахсил кўрди. У аспирантлик чоғидаёқ кўз касалликларини текшириш бўйича қатор мақолалар эълон қилди. 1972 йили Қишинёв шаҳрида бўлиб, II-Бутуниттифоқ ёш нейрохирурлар конференциясида қатнашди ва унинг «Кўз туби шишларида феюоресценцини қўллаш» темасида қилган маърузаси конференция қатнашчилари томонидан ижобий баҳоланди. Бир йўла «Кўз туби шишларида феюоресценцини қўллаш», «Ҳақиқий ва ёлгон кўз туби шишларида феюоресценцини қўллаш», «Кўз туби қон айланишини феюоресценци ёрдамида аниқлаш» (В. А. Зоҳидов ҳамкорлигида) номли мақолалари конференция тўпламида нашр қилинди.

Кўриш томири жонсизлигини аниқлаш, кўриш томири шишларида ва кўриш томиридаги друзаларда феюоресценцини қўллаш соҳасида олиб борган тадқиқотлари медицина ишига қўшган муносиб ҳисса бўлди. «Кўз томири жонсизлигини феюоресценцини аниқлаш» («Бош мия касалликлари», Москва, 1973 йил, 896—898-бетлар), «Ҳар хил кўз кўриш томири шишларида феюоресценцини қўллаш» («Военно-медицинский журнал», Москва, 1973 йил, 82—83-бетлар), «Кўриш томиридаги туғма друзаларда феюоресценцининг қиммати» (III Бутуниттифоқ ёш нейрохирурлар конференцияси илмий асарлар тўплами, I-том, 183—

1966 йилда, Қашга шаҳри, 1974 йил) каби жаҳон медицина фанига янгилик сифатида қабул қилинган илмий мақолалари асцирантлик йилларидаги меҳнатининг маҳсулидир.

Кўзнинг инфекцияси, паразитар, қандли диабет, қон-томир касалликлари, марказий нерв системаси касалликлари, шунингдек, бурун бўшлиғидаги патологик процессининг атрофга тарқалиши натижасида тузиладиган кўз касалликларини аниқлашга бағишланган машаққатли меҳнат ўзининг дастлабки самарасини берди. 1974 йил Москва шаҳрида «Феооресцендик ангиография ёрдамида кўз туби шишларини аниқлаш» темаси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У кўз тубида мия касалликлари вақтида ҳақиқий шиш ва ёлғон шишларнинг дифференциал диагностикасини медицина фанида биринчи бўлиб ишлаб чиқди.

Феооресцендик моддасини қўл томирига укол қилиб, унинг кўз томирига қачон етиб келиши ва қанча вақтда ўтиб кетишини аниқлаб олишга муваффақ бўлди.

Феооресценция ёрдамида кўздаги тугма касалликлар аниқлашиб, жонсиз деб аталувчи тўқималарнинг жонлашиши исбот қилинди.

Уш олим 1974—75 йилларда Самарқанд кўз касалликлари клиникасида ишлади. У ўз иш тажрибаларига суяниб, кўз тубида ҳосил бўладиган ҳақиқий ва ёлғон шишлар ҳақидаги изланишини давом эттирди. Унинг ишлари Москвада нашр этиладиган «Вестник офтольмология» журналининг 1975 йил 5-сонида босилиб чиқди. Профессор О. Н. Соолов билан ҳамкорликда ёзилган «Ҳақиқий ва ёлғон шишлар» деб номланган мақоласи «Мия касалликлари» китобида 1975 йил нашр қилинди.

Р. Муҳаммадиев 1975 йилдан Сурхондарё область кўз касалликлари касалхонасида бўлим мудирини сифатида иш бошлади. У кишиларга медицина хизмати кўрсатиш билан бирга ўзининг амалий хулосаларини умумлаштириб, кўз томирларининг ҳажми ва диаметри, кўз кўриш томиридаги друзаларда феооресцендик моддасининг дифференциал диагностикасини қимматига доир илмий мақолаларини Тошкент (1978) ва Одесса (1978) шаҳри нашриётларида эълон қилди.

Олим кўз касаллигидан уни операция қилишда ҳам ўзига хос усуллар қўллади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг 1978 йили Ашхободда бўлиб ўтган 1-кўз врачлари конференциясида «Тробекулоэстолия операциясининг фойдаси» деган темада маъруза қилди ва конференция илмий асарлар тўпламида босилиб чиқди.

Кўз касалликларини даволашда микрохирургия операциясини қўллашнинг афзалликлари ва аҳамияти тўғрисида иш олиб бориб, «Ўзбекистон ССР медицина журнали»нинг 1979 йил 11-сонида «Кўз касалликларида микрохирургия операцияси» мақоласини эълон қилди.

Энди Муҳаммадиев кўз операциясининг янада мураккаб усул ва методларини излай бошлади. Унинг Тошкентда бўлиб ўтган

V Бутуниттифоқ кўз врачлари съезди материалларининг 2-томига киритилган «Бирданига кўз пардасини олиш ва тробекулоэктория операциясининг яқин ва узоқ натижалари» иши унинг бу соҳада эришган катта ютуғидир.

Р. Муҳаммадиев кўпгина совет мутахассислари қатори 1981 йили қўшни Афғонистоннинг Қобул шаҳрига юборилди ва у ерда маслаҳатчи кўз врачлари лавозимида ишлади. Бу даврда у кўзнинг оғир, хроник юқумли касаллиги бўлган трахома касаллигини ўрганиш, даволашнинг янги усулларини топиш, унинг олдини олиш бўйича изланиш олиб борди. Афғонистонда трахома касаллиги кўп тарқалган бўлиб, Р. Муҳаммадиев трахомани тадқиқ қилишда самарали натижаларга эришди ва қатор илмий хулосаларини эълон қилди. «Трахома касаллиги кечинмалари» (Афғонистондаги совет врачларининг тўпламлари, Қобул, 1981 йил, 79—81-бетлар), Қобулнинг «Хевот» нашриёти томонидан турли йилларда «Трахома», «Трахома вирусларининг олдини олиш», «Конъюнктивитлар», «Юлдуз» нашриёти томонидан «Трахома», Қобул медицина институтининг 50 йиллик юбилейи китобида «Трахомани диспансерга олиш», «Конъюнктивит касаллигининг тарқалиши», «Вирусли конъюнктивитлар» каби илмий қўлланмалари нашр этилди.

Р. Муҳаммадиев томир касаллигининг кўзга таъсирини, унда ҳосил бўладиган ўзгаришларни ҳам аниқлади. Апрель революциясининг 5 йиллигига бағишланиб 1983 йилда Қобулда нашр этилган тўпламга «Гипертония касалида кўз тубидаги ўзгаришлар», «Томир гипертония касаллигида кўз тубидаги ўзгаришларнинг клиник аҳамияти» мақолалари киритилди. Р. Муҳаммадиев 1984 йилда Афғонистондан қайтиб келиб, Денов районида бош врач бўлиб ишлаётган бўлади. 1986 йилдан буён область кўз касалхонасида бош врач лавозимида ишляпти. Мана шу йиллар орасида унинг маҳаллий ва марказий матбуотда «Трахоманинг Афғонистонда тарқалиши», «Катаренра ва глаукома микрохирургияси», «Туғма катаренра операциясига донор» илмий ишлари эълон қилинди.

У 1979 йилдан КПСС аъзоси. 1984 йилдан буён олий категорияли врач. 1988 йилда СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан унинг фахри даражаси берилди. Унинг ишлари ва аълолиги ҳақида «Медицина фанлари номзоди Раҳмон Муҳаммадиев гармонлар ўрнига бошқа зарарсиз дори топиш, глаукомада янги операцияни ихтиро қилиш ва микрохирургияни ривожлантириш борасидаги тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

## ШОҚУЛ НОМОЗОВ

1941 йилнинг январь ойида Термиз районидаги Калинин номи колхознинг Шўроб қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилди.

1958 йили Мичурин номи 17-мактабни тугаллаб, колхоз йўлланмаси билан Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетига ўқишга қабул қилинди ва 1963 йили уни муваффақиятли тамомлади.

1963 йил апрель ойидан бошлаб Термиз районидаги Калинин номи колхозга агроном-энтомолог бўлиб ишлаб боради. Иш даврида гўза зараркунандаларига қарши кураш олиб борди. 3 йил давомида ташкилий ишларда актив иштирок этди. Янги ташкил қилинган касаба союз ташкилотига раислик қилди ва колхоз планларининг ортиги билан бажарилишига катта ҳисса қўшди.

Ш. Номозов ўз билимини ошириш учун 1966 йилдан бошлаб область пахтачилик тажриба станциясидаги «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» бўлимига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирди ва бу соҳада илмий иш олиб бора бошлади.

У 1967 йили Тошкентдаги Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти аспирантурасининг сиртки бўлимига қабул қилинди. Область пахтачилик тажрибаси станцияси, Термиз районидаги Калинин номи, «Намуна» ҳамда Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозлари пахта далаларида тажриба олиб борди.

Диссертациянинг мазмуни бўйича Сурхондарё пахтачилик тажриба станциясининг илмий Советида, Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институтининг гўза зараркунандалари лабораториясида ва бошқа обрўли илмий советларда маъруза қилди.

1975 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий Советида диссертацияни муваффақиятли ёқлади. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби К. И. Мирпўлатов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Б. Г. Алиев ва қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент А. Ш. Ҳамроевлар ишга юқори баҳо бердилар.

Илмий ишнинг фандаги аҳамияти шундаки, унда ингичка толали гўза зараркунандаларига қарши курашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган. Гўза зараркунандаларига қарши курашишда заҳарли химикатларни чангласдан, пуркамасдан, чигит экниш билан бирга СУЗ аппарати ёрдамида минерал ўғит-



ларга қўшиб, ерга чигитдан 5 см узоқликда ёнига ва 5 см чуқурликда солиш яхши натижа беради. Химикат шу усулда ишлатилса, ҳавони, сувни ва бутун ташқи муҳитни карта ёқасидаги тут дарахтларни заҳарламайди, натижада май ойида боқиладиган пилла қуртига ҳам зиён етмайди. Қўмилиб етилган заҳарли донатор химикатлар минерал ўғитлар билан бирга бутун ўсимлик органларига илдири орқали тарқалади ва атрофдаги зараркунандалар ўсимликка зарар келтира олмайди. Бу усул билан бир вақтнинг ўзида ҳам чигит экиш, минерал ўғит солиш ҳам ғўза зараркунандаларига қарши кураш олиб бориш мумкин. Унинг бу соҳада ёзган кўплаб илмий мақолалари ва брошюралари маҳаллий ва марказий нашрларда эълон қилинган.



## РУЗИБОЙ НОРМАХМАТОВ

1949 йил 22 июлда Бойсун районидаги Дарбанд совхозининг Хўжабўлғон қишлоғида ишчи оиласида туғилди. Унинг ёшлик даврлари Хўжабўлғон қишлоғида ўтди.

1955 йили Сурхондарё область Бойсун районидаги, 1966 йили Қ. Маркс номи 36-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан тамомлади. Уша йили Самарқанд кооператив институтининг товаршунослик факультетига ўқишга кирди.

Р. Норматомов студентлик йиллари илмий тўғарақларга актив қатнашди. 1970 йил институтни «аъло» баҳолар билан тамомлади. У 1973 йил Москвадаги кооператив институтининг озиқ-овқат товаршунослик кафедраси аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантлик вақтида «Меваларни ўзгартирилган муҳитда сақлаш муаммолари ва улардан рационал фойдаланиш» деган тема устида илмий иш олиб борди. У 1976 йили аспирантурани муваффақиятли тугатди.

Бу илмий ишни олиб боришда Москва кооператив институти озиқ-овқат товаршунослиги кафедрасининг мудирини, техника фанлари номзоди, профессор Мария Николаевна Журавлева илмий раҳбарлик қилди.

Р. Норматомов 1978 йил 3 октябрда «Меваларни ўзгартирилган муҳитда сақлаш муаммолари ва улардан рационал фойдаланиш» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади.

Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотларини, хусусан, мева-сабзавотларини кўпайтиришнинг маълум шарт-шароитларидан бири ўларни сақлаганда исрофгарчиликни камайтиришдан иборат.

Шу сабабдан меваларни ҳаво ўзгартирилган муҳитда сақлаш, жумладан, Ўзбекистон шароитида ҳам ҳаво ўзгартирилмаган муҳитга қараганда сақлаш муддатини 2—3 марта узайтириш мумкинлиги аниқланди.

Шу муаммолар юзасидан 25 дан ортиқ илмий мақолалари Бутуниттифоқ ва республика миқёсидаги журналларда эълон қилинди. Бундан ташқари, Р. Нормаҳматов Бутуниттифоқ ва республика миқёсида илмий-практик конференцияларда бир қанча докладлар ўқиган.

Р. Нормаҳматов шу кунларда «Меваларни газ ўзгартирилган муҳитда сақлаш» монографиясини ёзмоқда.

## ХУРРАМ ПОРҚОБИЛОВ

1940 йил 18 февралда Бойсун районига қарашли Пулҳоким қишлоқида оддий кўлхозчи оиласида туғилди. 1948—1958 йилларда шу қишлоқдаги Э. Тельман номи 28-ўрта мактабда ўқиди. 1958 йил В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария бўлимига ўқишга кирди ва уни 1963 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. Сўнг 1968 йилгача ўз қишлоқидаги «Бойсун» совхозида аввал ветврач, кейин бош ветврач бўлиб ишлади. Ишлаб чиқариш жараёнида унга олган билимлари етарли эмас-



дек туюлди ва ҳайвонот дунёсини кўпроқ ўрганиш, унинг организида кечаётган табиий жараёнларни янада чуқурроқ табиқ этиш иштиёқи 1968 йил март ойида Калуга областидаги Боровск районида жойлашган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси ва биологияси илмий-текшириш институтига, аспирантурага йўллади. У ерда биология фанлари доктори, профессор А. Алиев раҳбарлигида илмий иш олиб борди ва 1971 йилнинг февраль ойида «Қўйларнинг овқат ҳазм қилиш органларида оқсил моддалари алмашуви» деган темада диссертация ёқлади ва шу институтнинг илмий Совети унга биология фанлари номзоди деган унвон берди.

У 1971 йил февралдан август ойигача С. Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлади ва одамлар, ҳайвонлар физиологиясидан дарс берди.

Х. Норқобилов 1971 йил сентябридан 1973 йилнинг охиригача Термиз Давлат педагогика институтининг химия-биология кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлай бошлади. Ундан сўнг, область ветеринария лабораториясига директорлик лавозимига таклиф қилинди. Бу лавозимда Х. Норқобилов 2 йил ишлади, чорва моллари касалликларини аниқлаш ва уларни тезроқ бартараф этишда катта ҳиссасини қўшди.

1976 йилдан 1979 йилгача область қишлоқ хўжалик бошқармаси қошидаги ветеринария бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. 1979 йилдан ҳозирги кунгача Х. Норқобилов область агросаноат комитети раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш, чорва моллари касалликларини бартараф этиш соҳасида Х. Норқобиловнинг Иттифоқ, республика нашрлари орқали 30 га яқин илмий мақоласи эълон қилинган.



## АБДУЛЛА ОЛТИБОВ

1935 йилда Ангор районидаги «Қизил юлдуз» колхозида дунёга келди. 1957 йили Ломоносов номи мактабни тугатди. 1958—60 йилларда Термиз шаҳридаги педагогика билим юртини тамомлади. У 1960—61 йилларда Термиз район Н. К. Крупская номи ўрта мактабда бошланғич синф ва V—VII синфларга математикадан дарс берди. А. Олтибоевнинг бу олган билими қониқтирмади. У 1960 йил Самарқанд Давлат университетининг география факультетига ўқишга кирди. 1966 йил университетни му-

ваффақиятли тугатди ва Сурхондарё область халқ маориф бўлимига мактаб инспектори қилиб тайинланди. У шу йиллар ичида география ўқитиш методикасига оид кўплаб илмий методик мақолалар ёзиб, кўпчиликка танилди.

1967 йил М. Т. Ойбек номи Термиз Давлат педагогика институти умумий биология кафедрасига ишга чақирилди. У 1970 йилдан бошлаб катта ўқитувчи ва табиёт факультети декани ўринбосари вазифасида ишлади.

Утган йиллар ичида уни яна орзулар фан оламига етаклади. Шу йиллар ичида жуда кўп мақолалар ёзди. А. Олтибоев ти-



институтининг аспирантурага сиртдан ўқишга кирди. 1975 йили Тошкент Давлат педагогика институти табиий география кафедрасининг доценти П. Баратов раҳбарлигида «Ўзбекистон ССР табиий географиясини ўқитишда назария билан амалиёт боғланишининг форма ва методлари» деган темада мутахассислашган олимлар Советида педагогика фанлар номзоди учун диссертация ишини муваффақиятли ёқлади. Ҳимоя қилинган проблема республика халқ маорифини ривожлантириш учун жуда катта масала бўлиб, областда биринчи янгиллик ҳисобланади. Олимнинг область ва республика газетаси саҳифаларида 80 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, область партия комитетининг топшириғига биноан 1980 йили Ангор районидаги «Таллимарон» совхозининг тарихини қисқа вақт ичида ёзди. У «География дарсларида ёшлар онгида коммунистик дунёқарашни шакллантиришнинг форма ва методлари» монографиясини ёзиш учун иш олиб бормоқда. У ўзининг 20 йилдан ортиқ Термиз Давлат педагогика институтидаги меҳнати жараёнида жуда кўплаб халқ маорифи учун ўқитувчи кадрларни етказишда катта ҳисса қўшган олимдир. У область халқ суди маслаҳатчиси, область «Билим» жамияти аъзоси, илмий методик бўлим бошлиғи, институтда ўртоқлик судининг раиси, область партия комитети агитация-пропаганда бўлимининг штатсиз лектори ва бошқа жамоатчилик ишларда актив иштирок этмоқда.

## МАНСУР ОЛТИНОВ

1938 йил 5 ноябрда Бухоро область, Навоий районидаги «Коммунизм» колхозида туғилди.

У 1957 йилда Навоий районидаги В. И. Ленин номи 5-ўрта мактабни муваффақиятли тугаллади. 1957 йилдан бошлаб Оржонкидзе номи Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўқий бошлади ва уни 1962 йилда имтиёзли диплом билан битирди. Сўнг Олий таълим министрлигининг йўлланмаси билан Навоий шаҳридаги В. И. Ленин номи ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. У 1966 йилдан бошлаб Ойбек номи Термиз Давлат педагогика институтида ишлай бошлади.



1972—1976 йилларда В. И. Ульянов — Ленин номидаги Қозон Давлат университети СССР тарих кафедраси ҳузурнда ас-

пирантурада ўқиди. «Социалистик маданият тараққиёти ва унинг меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашдаги роли (1959—1970)» мавзuida диссертация ёзиб, 1970 йил 7 июнда уни муваффақиятли ҳимоя қилди ва тарих фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди. М. Олтинов бир қанча китоблар ва илмий мақолаларнинг автори. Унинг ҳажми 30 босма тобоқдан ортиқ 69 та илмий мақоласи турли журналларда ва илмий тўпламларда эълон қилинган. «Юксак қишлоқ маданияти учун», «Қишлоқда атеистик тарбия», «Партия аграр сиёсати ва қишлоқ маданиятининг юксалиши», «Қишлоқ мактаб ўқувчиларини атеистик тарбиялаш», «Социалистик қишлоқ маданияти» каби китоблари турли нашриётларда чоп этилган.

Актив илмий фаолияти учун унга «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочилиси» ушвони берилган. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қомитети, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти, Сурхондарё область комсомолни комитети томонидан бир қанча марта тақдирланган. Шогирдлари партия, совет ташкилотларида, маориф муассасаларида ишламоқда, аспирантураларда ўқимоқда. бир қанчаси фан номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Доцент М. Олтинов М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти СССР тарихи ва умумий тарих кафедрасида фаолият кўрсатмоқда.

## МЕНГБОЙ ОМОНОВ



1941 йилда Денов район, Вахширов қишлоқ Советидаги «Қизил Октябрь» (Хўжасоат қишлоғи) колхозида туғилди.

Бошланғич маълумотни шу колхозда жойлашган Собир Раҳимов номли 43-ўрта мактабда (1949—1959 йилларда) олди.

Менгбой Омонов мактабда ўқиш даврида фанларнинг ҳаммасини аъло ўзлаштиришга эришар эди.

Шундай бўлишига қарамасдан, аниқ фанлар (математика, геометрия, химия, биология ва бошқалар) унинг учун сеvimли ҳисобланарди ва келажакда шу

фанлардан бирини эгалламоқчи эди. 1950 йили тўсатдан касалланди. Оёқ суяги йирингли яллиғланиб ётиб қолди. Хирурглар ўйлаб-нетиб ўтирмасдан тўғридан-тўғри оёғининг тиззадан юқорисидан кесиб ташлашга маслаҳат бердилар. Бундай маслаҳатга ота розилик бермасдан район соғлиқни сақлаш бўлими:

мудирига учрашди ва у ердаги мутахассисларнинг тавсиясига биноан Менгбойни район касалхонасининг хирургия бўлимига даволаниш учун жойлаштиришди. Саккиз кунлик текширишлардан сўнг организм имкониятлари ўрганилди ва ниҳоят операция қилиниб, болдир суягининг чириган қисмлари олиб ташланди.

Операциядан кейин ёш организм тез кунда операция оқибатларини енгди. Энди у ўз ўртоқлари орасига батамом соғайган ҳолда қайтди. Унинг ҳафта ичида ўтказилган медицина ёрдами бир ярим йил давомида чеккан азоб-уқубатлардан бутунлай холос этди. М. Омоновнинг хаёлида янги фикрлар, орзу-истаклар куртак отди, докторлик унинг учун ҳақиқий қаҳрамонлик бўлиб кўринди ва шу касбга нисбатан унда меҳр-муҳаббат уйғонди.

1959 йили ўрта мактабни аъло баҳоларда якунлаб, шу йилиёқ Андижон Давлат медицина институтига йўлланма олди. Қириш имтиҳонларидан юқори баҳолар билан ўтди.

Кеча-кундуз кунт билан ўқишлар интилишлар, изланишлар институт аудиториясида одам организмнинг мураккаб, тузилишларини ўрганишда ўз самарасини кўрсатди. Хирургия сирларини ўрганишда олинган назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлади.

Институтни муваффақиятли тугатган Менгбой давлат тақсимот комиссиясининг тавсияси билан она юрти — Сурхондарё областининг Денов районига ишга юборилди.

Ёш мутахассисга катта ишонч билдириб, уни «Ҳазорбоғ» совхозидаги участка касалхонасининг хирургия бўлими бошлиғи қилиб тайинлашди.

Бўлимда мутахассислар етишмаслиги, касалларга диагноз қўйиш жараёнида ва даволаш ишлари давомида бирор бир маслаҳат олиш учун хирург бўлмаганлигидан ёш мутахассис Омоновдан ўз устида тинмай ишлашни талаб этди. Шу вақтида касаллик тарихи сирларини ўрганиш билан банд бўлса, ишдан бўшаган вақтларда эса иш жарёнида ҳосил бўлган муаммоларни ечиш учун адабиётлар устида ишлади.

Шу йилиёқ хирургия бўлимининг операция хоналарини ва унинг жиҳозланишини кўздан кечирган ҳолда операция қилиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Бунинг учун операция хонасини ремонт қилиб, операция қилиш учун керак бўлган асбоб-ускуналарни йигди.

Институтда олинган билимлар хирургия клиникаларида навбатчилик қилиб ортирилган иш тажрибаларини ишга солиб, кўп ўтмай совхоз касалхонасида операция қилишни бошлаб юборди.

Кундалик иш, касалларни ўрганишдаги ҳар хил қийинчилик ва муаммолар, кечалари тонг отгунча қилинадиган операциялар М. Омоновни чарчаш ўрнига, янги-янги билимларни ва хирургия сирларини ўрганишга ундарди. Бирдан-бир мақсад ўқишни давом эттириш; аспирантурани битириш орзулари уни хирур-


гия соҳасидаги мавжуд адабиётлар устида ўтириб, қунт билан тайёргарлик кўришга даъват этди.

У 1966 йилда травматология ва ортопедияда операция қилиш мутахассислиги бўйича малака ошириш курсида ўқиди. Унда фанлар давлат иқтисодий аҳамиятига эга бўлган масалаларни тушуниш билан олиб борилди, яъни унинг хаёлини касалларнинг узоқ ётиши масаласи, иқтисодий харажатлар ҳам унинг фикридан четда қолмади. Агар битта кўричак операциясидан сўнг касал саккиз-ўн кунда касалхонадан чиқиб, бир-икки ой мобайнида меҳнат қобилиятини тиклайдиган бўлса, суяк синганда эса касал тўрт ойдан олти ойгача ишга яроқсиз бўлиши социал таъминот ташкилотлари томонидан инвалидликка чиқиб, нафақа олади. Менгбой шу муаммоларни ўрганиш мақсадида аспирантуранинг травматология ва ортопедия мутахассислиги бўйича ўқиди.

Аспирантурада травма натижасида келиб чиқадиган суякнинг синиши сабабларини ўрганиш, унинг олдини олиш, организмда чириш жараёнида пайдо бўладиган ўзгаришларни аниқлаш, бу касалликни камайтириш ва даволашни такомиллаштиришда ўз самарасини берди. Шундай қилиб, илмий иш муваффақиятли яқунланди. Ишга Москва, Украина, Латвия, Ўзбекистон олимлари томонидан юқори баҳо берилди.

1971 йили диссертация катта муваффақият билан ҳимоя қилинди. Менгбой Омонов номзодлик диссертациясини ёқлагач илмий иш устида ишлашни тўхтатиб қўймай, медицинада энг оғир муаммолардан бири — суякнинг ўсма касалликлари устида ишлашга киришди. 1972 йилдан буён у мана шу юқорида айтилган ўсма касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни даволаш усуллари устида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу борада у 25 дан ортиқ илмий маърузалар қилди. 40 дан ортиқ илмий мақолалари матбуотда чоп этилган.

## ЖАББОР ОМОНТУРДИЕВ



1933 йилнинг 26 октябрида Бойсун районидаги Мачай қишлоғида хунарманд деҳқон оиласида туғилди. 1953 йили район марказидаги В. И. Ленин номи 1-сон ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади.

1953—1954 ўқув йилида Саариосиё районидаги М. И. Калинин номи мактабда ўқитувчилик қилди, бош пионер вожатий бўлиб ишлади. 1954 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга ки-

риб, 1959 йилда уни имтиёзли диплом билан тамомлади. 1959—1961 ўқув йилларида Шеробод районидаги А. С. Пушкин номидаги 40-ўрта мактабда тил-адабиёт ва музика ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1961—1964 йилларда Тошкент Давлат педагогика институти тилшунослик кафедраси қошидаги аспирантурани тамомлаб, 1965 йилда профессор С. Усмонов раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек тилидаги содда гаплар кесимининг структура типлари» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ўша йилиёқ олимлар тавсияси билан ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти, Манбашунослик секторига илмий ходимликка таклиф қилинди. 1967 йилгача шу секторда профессор Ҳ. Сулаймон раҳбарлигида сектор мудири ўринбосари бўлиб ишлади. 1967 йилдан бошлаб, ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг буйруғи билан Термиз Давлат педагогика институти, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири этиб тайинланди. 1967—1977 йилларда ўзбек тили ва адабиёти, сўнг ўзбек тилшунослиги кафедраларига мудирлик қилди; 1977—1981 йилларда кафедра доценти, 1981—1988 йилларда яна ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, 1989 йилдан ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори вазифасини бажарувчи бўлиб ишламоқда.

Ўқитувчи бўлиш орзуси, тил ва адабиётга ҳавас мактабдаёқ бўлган эди. Бунинг маълум сабаблари ҳам бор эди, албатта. У туғилиб ўсган қишлоқ халқ бахшилари, қизиқчиларга сероб бўлиб, Ж. Омонтурдиев шу бахшилар, ғазалхонлар, дўмбира чалувчилар даврасида ўсди. Ўзи ҳам «Бобо Равшан», «Юсуф ва Аҳмад», «Юсуф ва Зулайҳо», «Машраб», «Сўфи Оллоёр», «Ҳувайдо», «Зайнулараб», «Иброҳим Аҳмад», «Хафт ғазо», «Девону Ҳикмат», «Қиссасул анбиё», «Ҳазор савол», «Мухтасар», «Маслак», «Чордевон», «Қалила ва Димна», «Рузнома ва Наврўзнома» каби диний ва дунёвий асарларни, шунингдек, Саъдий, Навоий каби буюк шоирларнинг ғазалларини араб алифбесида мутолаа қилиб қишлоқ аҳлига, меҳмонхоналарда, овулларда тез-тез қироат билан ўқиб берган. «Гўрўғли», «Қунтуғмиш», «Зулфизар», «Авазхон» каби халқ дostonларини ҳозирги алифбеда ўқиб, дўмбира ёрдамида улардан термалар ёд айтган. У болаликданоқ дўмбира чаларди. Кейинчалик халқ чолғу асбобларининг бошқа турлари, дутор, ғижжак, скрипка чалишни ҳам осон ўрганиб олди. М. Омонтурдиев жамоат ишларида актив қатнашди. 1959 йили Шеробод чўлида вақтинча қурилган ўрта мактабга ишга келди. Юртдошларининг ташвишларига аралашди. Уларнинг фарзандларини ўқитди, маҳаллий матбуотда иштирок этди, адабиёт ва санъатни халқ ўртасида агитация қилди. Илм-фанга, касбига бўлган иштиёқ устозлари томонидан ишлаш учун берилган проблемалар унга тинчлик бермади. Мана у икки йиллик ўқитувчиликдан кейин Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедраси аспиранти сифатида Тошкент,

Москва, Ленинград кутубхоналарида мутолаа қилди. А. Н. Кононов, С. Н. Иванов, А. М. Шербак, Н. А. Баскаков, Э. Ю. Севертян каби машҳур олимлардан қатор маслаҳатлар олди. Номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, устозларини хурсанд қилди.

ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти қошида ташкил этилган «Октябрь революциясигача бўлган эски қўлэмаларни ўрганиш секторининг очилиши (профессор Ҳ. Сулаймон раҳбарлигида) катта воқеа бўлди. Бу секторнинг вазифаси аввало асрлар давомида ўрганилмай келинаётган асарларни ўрганиш, сўнгра бутун дунёга турли сабаблар билан тарқалган адабий ва маданий меросимизни топиш, тўплаш, тиклаш, халқимизга тақдим қилишдек гоят мураккаб ва айна замонда фахрли ишдан иборат эди. Бу ишларни ўрганиш араб ёзувида ўқиш ва ёзишни биладиган, малакали мутахассисни талаб қиларди.

Унинг аспирантурадан кейинги тўрт йиллик ижодий фаолияти ана шу манбашунослик сектори билан боғлиқ. У эски қўлэмалар таҳрири билан шуғулланиш, уч томлик адабий мероснинг таҳрирчиси бўлишдан ташқари, сектор ишини бошқаришда профессор Ҳ. Сулаймоннинг ўринбосари бўлиб ҳам ишлади.

Ж. Омонтурдиевнинг қатор илмий мақола ва қўлланмаларини яратди. 3 та ўқув қўлланмаси, битта монографияси ва 40 га яқин илмий асарлари матбуотда эълон қилинган.

Ж. Омонтурдиевнинг илмий, педагогик фаолиятини партиа ва ҳукуратимиз муносиб тақдирлади. У В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан 1970 йилда юбилей медали, институтнинг 10 йиллик юбилейи муносабати билан «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» значоги (1975 йилда) кўп йиллик педагогик фаолияти, мутахассислар тайёрлашдаги хизмати учун «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

## ҚУРБОН ОМОНТУРДИЕВ



1940 йил 20 февралда Бойсун районининг Мачай қишлоғида туғилди. 1959 йилда Бойсун районидаги В. И. Ленин номи 1-ўрта мактабни тугатди ва кўплар қатори янги очилган Шеробод чўлига бориб, Крупская номи мактабга бир йил ўқитувчилик қилди. 1960 йили Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институти табиёт-география факультетининг биология ва қишлоқ хўжалиги асослари бўлимига ўқишга кирди. Институтда студентларнинг илмий-назарий конференцияларига қатнашиб,

бир неча бор институт маъмурияти томонидан мақтов ёрлигини олишга сазовор бўлди.

У институтни аъло баҳолар билан битириб, Шеробод районига (ҳозирги Гагарин райони) келиб, «Комсомолобод» совхоздаги Фурқат номли 22-мактаб (ҳозирги Ленин номли 1-ўрта мактаб)да бош пионервожатий ва интернат тарбиячиси бўлиб ишлай бошлади. 1967 йилдан шу мактабнинг биология ва меҳнат ўқитувчиси, 1968 йили бошланғич синфлар бўйича директор ўринбосари, 1969 йилдан 1973 йилгача шу мактабнинг бош илмий бўлим мудири, 1973 йилдан 1978 йилгача мактаб-интернат директори ва биология ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1968 йилда КПСС сафига қабул қилинди. 1979 йилдан Ленин номли 1-ўрта мактабда биология ва меҳнат ўқитувчиси бўлиб ишлади. Шу даврда жамоат ва раҳбарлик ишларини актив бажариб, илмий иш билан ҳам шуғулланишни давом эттирди. Қ. Омонтурдиевнинг меҳнатларини ҳисобга олиниб, 1979 йилда у В. И. Ленин туғилган кунига 100 йил тўлиши муносабати билан «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

«Алқор биологияси ва уни маданийлаштириш» деган темада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор Қ. З. Зокиров ва биология фанлари номзоди, доцент Р. Худойбергановлар илмий раҳбарлигида тадқиқотчи сифатида ишлай бошлади. Ҳали мукамал ўрганилмаган бу ўсимлик қўриқ Гагарин район ерларида ўстирилди, ўсимликнинг биологияси ва маданийлаштириш йўллари ўрганилди. 1979 йилнинг 22 апрелида Тошкент давлат университетиде номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Диссертацияда алқорнинг биологияси, анатомияси ҳамда назарий ва амалий аҳамияти ўрганилди. Бу ўсимлик эфир олишда, сабзавот, доривор сифатида халқ медицинасида кўпгина касалликларни даволашда ишлатилади. Денов консерва заводида олиб борилган тажриба шуни кўрсатдики, помидор, бодринг, анзур пиёзи ва олмаларни тузлашда алқор яхши натижа берди ва дегустация комиссияси уни юқори баҳолади. Бундан ташқари, бу ўсимликни турли овқатларга дафна барги ўрнида салатларда ишлатиш устида олиб борилган тажрибалар ҳам яхши натижа берди. Алқор барги қўшилган қатиқ-сут маҳсулотлари узоқ вақт давомида ўзининг таъмини йўқотмасдан сақланиши аниқланди. Алқор эфирини таъмига ҳосил қилиб, баргидаги эфирнинг узоқ сақланиши билан диққатга сазовордир. Алқор таркибида организм учун керакли А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, К, Р<sub>р</sub> витаминлар борлиги аниқланди. Илдизи кумарин моддасига бой бўлиб, халқ медицинасида қон тўхтатувчи дори сифатида фойдаланиб келинган. Алқор таркибида турли хил кислоталар борлиги аниқланди. Бундан ташқари, алқорнинг анатомик тузилиши ҳақида фикр юритилган. Алқорнинг систематикаси, географик картаси тузилди, табиатдаги запаси аниқланди. Шунингдек, алқорнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги

исботланди. Хуллас, диссертацияда алқорни экиш, парвариш-лаш, ундан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш ҳақидаги хулоса ва тавсиялар мавжуд.

«Практикант йўлдоши» деб номланган методик қўлланмада студентларнинг педпрактика давомида амалга оширадиган (бажарадиган) ишлари, хусусан, алқор йиғиш технологияси ҳақида фикр юритилган.

«Сурхондарё шароитида сасна ўстириш», «Алқор ўстириш ва ундаги фойдали истиқболлар», «Барг темасини проблемали метод асосида ўтиш» деган темада ёритилган илмий тадқиқотлари «Алқор ва унинг номланиши», «Алқорда эфир мойининг тўпланиши», «Алқор зараркунандаси ва паразити», «Сурхондарё шароитида сано ўстириш истиқболлари» каби 40 дан ортиқ мақолалари область, республика матбуотида эълон қилинган.

У «Ўзбекистоннинг жанубида маккаи санонинг биологик хусусиятларини ўрганиш ва ундан фойдаланиш» деган темадаги тадқиқот ишини давом эттирмоқда.

Қ. Омонгурдиев диссертациясига оид бир қанча илмий мақолаларнинг авторидир. Айниқса, «Занжабул» деб номланган мақоласида ҳали кам ўрганилган, бу ўсимликни ўсиш шароити, қисқача биологияси ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

«Шунғила» деб номланган мақолада эса, бу ўсимликнинг географик тарқалиши, биологияси, ишлатилиши ҳақида фикр юритилган бўлиб, унинг ҳали муфассал ўрганиш кераклиги уқтирилган.

«Алқор уруғининг униш хусусиятлари» («Ўзбекистон биологияси» журнали, № 2, 1982 йил), «Шунғила — соябонгулдошлар вакили», («Совет мактаби» журнали, № 10, 1983 йил), «Маккаи — сано» (брошюра, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1984 йил) сингари мақола ва рисоаларида бизда учрамайдиган бу ўсимликларни Сурхондарё шароитида маданийлаштириш истиқболлари ҳақида фикр юритилган.

1979—1980 ўқув йилдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтининг табиат факультети ботаника, химия ва қишлоқ хўжалиги асослари кафедрасининг ўқитувчиси 1983—1984 йилдан бошлаб, шу кафедранинг катта ўқитувчиси ва декан ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда. 1988 йилдан бошлаб доцентлик унвонига эга бўлди.



## ТОШТЕМИР ОСТОНАҚУЛОВ

1954 йил 10 майда Жарқўрғон район, «Сурхон» совхозида деҳқон оиласида туғилди.

У 1960 йили Жарқўрғон районидаги Карл Маркс номи 20-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан тамомлади. Т. Остонақулов шу йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ҳужжат топширди. Қириш имтиҳонларидан «аъло» баҳолар билан ўтиб, студент деган номга муяссар бўлди. Студентлик даврида илмий тўғаракларда актив қатнашди. Унинг 2 та илмий мақоласи институт илмий ишлар тўпламида тўлиқ чоп этилган. У 1975 йили институтни муваффақиятли тамомлади ва институт йўлланмаси билан Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон сабзавот ва полиз экинлари ҳамда картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг «селекция ва уруғчилик» мутахассислиги бўйича аспирантурага ўқишга кирди. Т. Остонақулов «Зарафшон водийсининг ўтлоқ — бўз тупроқлари шароитида ҳар хил минерал ўғит нормалари қўлланганда турли суғориш режимларининг картошка навларининг ҳосилдорлиги ва уруғчилик сифатига таъсирини ўрганиш» деган темада илмий иш олиб борди.



Бу илмий ишига қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Димат Тўхтаевич Абдукаримов раҳбарлик қилди. Т. Остонақулов илмий ишини 1980 йил 3 декабрь куни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Республикамызда картошканинг давлат баҳосига нисбатан 4—5 баравар қимматлигига сабаб унинг уруғчилигидаги қийинчиликлар талаб даражасида эмаслиги ҳамда маҳаллий шароитимизга мос навларининг йўқлигидадир. Илмий ишларнинг йўналиши шу масалага бағишланган бўлиб, картошка етиштиришни кўпайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида юқори ҳосил олиш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган. Шу борада 41 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинди. Шулардан 3 таси янги тавсиялар бўлиб, СССР Давлат комитети томонидан тасдиқланган.

1982 йилда «Зарафшон водийсида уруғлик картошкадан юқори ҳосил олиш усуллари» деган илмий иши учун Самарқанд область Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

Т. Остонақулов ҳозирги кунда Самарқанд қишлоқ хўжалик

институтининг пахтачилик, генетика, селекция ва уруғчилик кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

Т. Остонақулов ҳозирги кунда «Ўзбекистонда уруғлик ва озиқ-овқат ҳисобланган картошкадан юқори ҳосил олишнинг агротехник асослари» деган темадаги илмий ишини давом эттирмоқда.



## ШОМУРОД ОСТАНАҚУЛОВ

1940 йили Бешқўтон қишлоғида колхозчи оиласида дунёга келди. 1958 йили Термиз районидаги Мичурин номи ўрта мактабни муваффақиятли битирди. У ўрта мактабни битиргач, бир йил ўзи яшаб турган Калинин номи колхозда ишлади. 1959 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Институтда барча лекция ва машғулотларга тўлиқ қатнашиб, семинар ва илмий тўғарақларда актив иштирок этди. Унда студентлик даврларидаёқ илмий ишга қизиқиш уйғонди ва «Бузоқ боши (медведка) ҳашаротининг қишлоқ хўжалик экинларига келтирадиган зарари тўғрисида» деган темада илмий иш олиб борди.

1964 йили институтнинг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» факультетини муваффақиятли тугатиб, ишлаш учун Сурхондарё области бўйича ўсимликларни карантинни давлат инспекциясига йўлланма олди ва агроном-инспектор вазифасида ишлаш бошлади.

1969 йили сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-текшириш институтининг аспирантурасига ўқишга қабул қилинди. Аспирантурада «Сурхондарё области шароитида полиз экинлари зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари» деган тема устида илмий иш олиб борди. Мазкур тема бўйича изланишлари натижалари 1971 йилда «Сурхондарё области шароитида кузги кўк қўртнинг полиз экинларига зарари ва унга қарши кураш», «Сабзавот экинлари зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари», «Айрим химиявий препаратларнинг полиз экинларида кузги тунламга қарши қўлланиш натижалари» деган темаларда илмий мақолалари ва тавсиялари босилиб чиқди.

1972 йили аспирантурани тугатгач, Сурхондарё область

Ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясига ишга юборилди. Бу ерда ҳашаротларга биологик усулда кураш лабораториясида аввал катта агроном, кейинчалик эса лаборатория бошлиғи вазифасида ишлади. Сурхондарё областининг колхоз ва совхозларида ҳашаротларга қарши биологик усулда кураш бўйича дастлабки лабораториялар ташкил қилиш ва уларнинг ишини йўлга қўйишнинг бошланиши Шомурод Остонақуловнинг номи билан боғлиқдир.


Ш. Остонақулов ҳашаротларни ўрганиш соҳасида 1974 йили таниқли олим О. М. Мўминов раҳбарлигида Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий кенгашида «Сурхондарё область шароитида кузги тунлам (ёки кўк қурт)нинг полиз экинлари ҳамда бодрингга келтирадиган зарари ва унга қарши кураш чоралари» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ф. М. Успенский ва биология фанлари номзоди, доцент Х. Йўлдошевлар диссертацияга юқори баҳо бердилар. Илмий кенгаш унга қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини берди.

Ш. Остонақуловнинг илмий ишида актуал ва кечиктириб бўлмайдиган проблемалар ҳал қилиб берилди. Ширин-шакар қовун-тарвузларнинг аҳоли истеъмол учун қанчалик зарурлиги ҳаммага маълум. Сурхондарё областида кейинги йилларда минглаб гектар янги ерларнинг ўзлаштирилиши, янги каналлар қурилиб, деҳқончилик зоналарининг кенгаёtgани, партия ва ҳукуматимиз томонидан фақатгина ерли аҳолини таъминлашгина эмас, балки Иттифоқимизнинг sanoat марказлари ва қардош республикаларга ҳам полиз маҳсулотларини етказиб бериш, республикамизнинг барча областлари қатори Сурхондарё области колхоз ва совхозлари олдига ҳам муҳим вазифа қилиб қўйилганлиги полизчиликни янада кенгроқ ривожлантиришни тақозо этди. Полизчиликни ривожлантириш — ундан тобора унумли ҳосил олиш, маҳсулот сифатини яхшилаш эса уни етиштириш агротехикасини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Агротехника тадбирлари орасида, полиз экинлари зараркунандаларига қарши кураш, айниқса муҳимдир. Полиз экинлари зараркунандалари орасида кемирувчи тунламларининг тупроқда яшовчи қуртлари алоҳида ўринда туради. Бу қуртлар айрим йиллари ниҳоятда кўпайиб кетади ва полиз ниҳолларининг бўғзини, поясини ва баргларини зарарлайди. Баъзи йиллари ана шу зараркунандалар 30—40 процент ниҳолни nobud қилади. Натижада ўсимликни қайта экишга тўғри келади.

Шомурод Остонақулов кемирувчи тунламларга қарши энг самарали тадбирларни ишлаб чиқди ва бу ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. У биринчи бўлиб Сурхондарё области шароитида тарқалган кемирувчи тунламларнинг 5 турини аниқлаб, уларнинг биологиясини ўрганди. Кемирувчи тунламларнинг сон жиҳатдан кўп тарқалгани ва энг кўп зарар етказадиган кузги тунлам (ёки кўк қурт тунлами) эканлигини аниқлади. Кўк қурт

тунламига қирон келтирувчи фойдали ҳашаротлар амблителес, зинофорус, рогос, апантелес ва гонияларни аниқлади ва ўрганди. Зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш соҳасида биринчи марта кўк қурт тунлами ва бошқа барча тупроқда яшовчи кемирувчи заракунандаларга қарши хлорофосли кунжара еми ишлаб чиқилди. Бу усул ҳозирги пайтда теплица ва парник хўжаликларида айниқса, қўл келмоқда.

Ш. Останақуловнинг қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва уларга қарши кураш бўйича Иттифоқ ва республика нашрларида 10 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. У 1974 йилдан 1976 йилгача Сурхондарё область қишлоқ хўжалик бошқармасида пахтачилик бўйича бош агроном, уруғчилик бўлимининг бошлиғи вазифаларида ишлади. 1976 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Сурхондарё область зонал агрохимия лабораториясида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Ш. Останақулов бошлиқ бўлган тупроқ текшириш ва дала тажрибалари бўлими область колхоз ва совхозларида тупроқ унумдорлигини аниқлаш, агрохимия-картограмма тузиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар бериш билан шуғулланади. Унинг раҳбарлигида ва иштирокида минерал ўғитларни маҳаллий шаройтда қўллашнинг муносиб норма ва муддатлари бўйича дала тажрибалари олиб борилмоқда.



## РАЙИМ ОЧИЛДИЕВ

1933 йил Шеробод районидаги Киров номи колхозда ишчи оиласида туғилди. 1952 йилда Шеробод район марказидаги 1-сон ўрта мактабни тугатиб, Ангор районидаги Киров номи саккиз йиллик мактабда бир йил ўқитувчилик қилди.

1953 йил сентябрь ойидан 1958 йил апрель ойигача Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетида ўқиди. 1958 йилдан 1962 йилгача Термиз районидаги Карл Маркс номи колхозда аввал агроном бир йилдан кейин бош агроном вазифасини бажарди.

1962 йилдан 1963 йилгача шу колхозда бошланғич партия комитетининг секретари, 1963 йили Термиз район территориал ишлаб чиқарish бошқармаси бошлиғи, 1963—1967 йиллар Термиз районидаги Карл Маркс номи колхоз правленийсининг

раиси, 1967 йилдан бошлаб Ленин орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг Сурхондарё область пахтачилик тажриба станциясида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. 1960 йили КПСС сафига қабул қилинди. 1964 йили Сурхондарё область партия комитетининг XI партия конференциясида область партия комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1965 йил халқ университетлари Бутуниттифоқ кўригида актив қатнашиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. 1966 йилда Бутуниттифоқ Ленин орденли пахтачилик илмий-текшириш институти аспирантурасини муваффақиятли тугатди. 1969 йили «Сурхондарё шароитида нуловка типидagi 5904-И навли ипак пахтанинг экиш схемалари ва жойланиш қалинлиги» деган темада диссертация ёқлади. Сурхондарё областида ингичка толали гўзани экиш схемалари ва майдонлардаги кўчат қалинлигини аниқлади. Р. Очилдиевга қишлоқ хўжалик фанлар номзоди М. С. Истомин илмий раҳбарлик қилди. Унинг матбуотда 20 га яқин илмий мақолалари эълон қилинган. У 1969—1972 йилларда ипак пахтани машинада терадиган участкаларда чеканка ўтказиш мuddатлари тўғрисида ҳам илмий иш олиб борди.

Инсонни меҳнат улуглайди дейдилар. Р. Очилдиев ҳар қандай қийин шароитда ҳам юқорида айтилган илмий ишлар бўйича колхозда 4 йил тажриба ўтказди ва шу илмий ишнинг натижалари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. У илмий изланиш даврида кўпгина тажрибали олимларнинг ишларини ўрганди ҳамда кўпгина адабиётлар билан мунтазам танишиб борди.

Р. Очилдиев бир марта область Совети, икки марта район Советига ва бир неча марта қишлоқ Совети депутатлигига сайланган. Ҳозирги кунда Бутуниттифоқ уруғчилик илмий-тадқиқот институти Ангор филиалида фаолият кўрсатмоқда.

## ҲАЙДАР ОҚБУТАЕВ

1942 йил 4 июнда Жарқўрғон районидagi Ленин номли колхознинг «Қизил Аскар» участкасида туғилди.

1960 йили «Сурхон» совхозидagi Куйбишев номли ўрта мактабни фахрий ёрлиқ билан тугатди. 1960—61 йиллар Охунбоев номли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

1961 йили Бухоро Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди. 1962—1964 йиллари Совет Армияси сафида хизмат қилди.



Ҳарбий хизматдан қайтгач яна ўқишни давом эттириб; 1967 йилда шу бўлимни имтиёзли диплом билан тамомлади. Шу йили Ҳ. Оқбўтаев Ўзбекистон ССР маориф министрлигининг йўлланмаси билан Термиз Давлат педагогика институтига ишга юборилди. У 1969—1972 йилларда В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедрасида аспирантурада ўқиди.

Ҳайдар Оқбўтаев 1973 йил 4 октябрда «Ўзбек халқ китобларининг гоёвий ва адабий хусусияти» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. Унинг ўзбек халқ китоблари мавзуида олиб борган илмий ишлари «Ўзбек адабиёти тарихи» кўп томлик китобига киритилган. Олимнинг кўпгина ишлари А. Навоий, Ҳамза, С. Айний, Ойбек, Ш. Саъдулла каби ўзбек адибларининг ижоди, шунингдек, Фозил шоир, Эргаш Жуман булбул ўғли каби халқ ижодкорларининг репертуарларига бағишланган. Ҳ. Оқбўтаев кейинги йилларда бадий ижод билан шуғулланиб, республика ва область матбуотида топишмоқ, лапар, шеърлари билан иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда «Совет Шарқи халқларининг оғзаки ва ёзма адабиётида «Тоҳир ва Зухра» сюжети» номи СССР халқлари адабий алоқаларига бағишланган тема устида иш олиб бормоқда. Шу билан бирга Термиз Давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида ишламоқда.

Ҳайдар Оқбўтаевнинг 30 дан ортиқ илмий мақоласи область ва республика матбуотида эълон қилинган.

## НОРМАҲАММАД ПАНЖИЕВ



1948 йил 30 августда Бойсун район Сайроб қишлоғида туғилди.

1966 йилда Сайробдаги Калинин номи 41-ўрта мактабни битириб, шу йилнинг ўзидаёқ С. Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди ва Ставрополь педагогика институтининг тарих-филология факультети, рус тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди. 1971 йил шу институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Сўнг йўлланма билан Термиз Давлат педагогика институтининг

рус тили ва адабиёти кафедрасига ўқитувчи бўлиб келди. Н. Панжиев шу ерда ўзининг педагогик фаолиятини бошлади. У институтда олган билим ва малақаларини ёш авлодга тўла етказишга ҳаракат қилди.

1971 йили институт ўқитувчиларининг комсомол секретари бўлиб ишлади. 1971—1972 ўқув йилида Сурхондарё область студент қурилиш штабида ишлади. 1972 йил ўзининг биринчи илмий иши «СССР 50 йиллигига бағишланган профессор-ўқитувчиларнинг юбилейи докладлари тезислари»да эълон қилинди. 1972—1973 ўқув йилида эса студент-қурилиш отряди билан Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидаги мактаб қурилишида иштирок этди.

Шу йилнинг ўзида у Саратов университети қошидаги рус ва славян тилшунослиги кафедрасига икки йиллик стажировкага юборилди. Бу вақтда профессор Л. И. Бараникованинг «Тилшуносликка кириш ва умумий тилшунослик» фани бўйича лекцияларини тинглаб, шу соҳа бўйича мутахассис бўлиб қайтди. Саратов университетиде ана шу фанлар бўйича студентлар билан лекция ва амалий машғулотлар ўтказди. Шу вақтда у «Ўзбекларнинг русча нутқи ва ундаги бирикмалар» темаси устида иш олиб борди ва 1977 йил 30 январда номзодлик диссертациясини ёқлаб қайтди.

1978 йилдан бошлаб филология факультетиде декан ўринбосари вазифасида ишлай бошлади.

1978—1979 ўқув йилида у «Прометей» студентлар қурилиш отрядининг командири бўлиб борди ва отряд Манқишлоқ область, Шевченко шахридаги 14 та олий ўқув юрти ичиде биринчи ўринни эгаллади. Манқишлоқ область Совети томонидан Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Филология фанлари номзоди Н. Панжиев қатор йиллар рус тилшунослиги кафедраси муdiri бўди. 1983 йилдан эса филология факультети деканидир.

У «Рус тили ва ўзбек тилларида ундошлар бирикмаси» монографиясини босмадан чиқариш арафасида турибди.

## **ДУРДИ ПИНАЕВ**

(1928—1984)

Дурди Пинаев 1928 йил 31 августда Туркменистон ССРнинг Мари область, Мари районидаги Қўкча қишлоғида туғилди. Пинаега оиласи биринчилардан бўлиб колхозга кирди. 1940 йилда Дурди Пинаев «Қўкча» қишлоғида очилган 3 йиллик мактабга кириб ўқиди. У мактабни 1943 йилда тугатди. Дурди Пинаев 1943—1946 йилларда мактабда ўқитувчилик қилди.

Уша пайтда Улуғ Ватан уруши бораётган эди. Ўқитувчилар-



лади. Полимер комплекслар (ПК)— булар шундай бирикмаларки, ҳар хил химик тузилишдаги полимер занжирларнинг ўзаро таъсирида вужудга келади. Ҳосил бўлган полимер комплекслар хусусияти ўзаро таъсирлашган полимерлар хусусиятига ҳеч ҳам ўхшамайди. Бу эса янги полимер материаллар ҳосил қилишда жуда муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда полимер комплекслардан фан ва техниканинг ҳар хил соҳасида кенг қўлланилаяпти. Полимер комплексларни интенсив ўрганиш бу янги полимерлар соҳасининг очилишига олиб келади.

М. Рамазонова ўз ишларида биринчи бўлиб поливиниламидлар қатори билан бирга жуда суюлтирилган эритмалардаги кўп компонентали полимер комплексларда ҳар бир компонентани алоҳида ўрганди. У комплекслар таркибини, комплекслардаги ўзаро таъсирлашувчи полимер занжир функционал группасини, ҳар хил шароитларда полимер-полимер комплекслар стабиллигини аниқлади. Худди шундай турли тузилишдаги поли-ЭН-виниламидларнинг полимер-полимер контактлар давомийлигига таъсири ва химиявий тузилишларнинг полимер-полимер комплекслардаги алмашинув реакциясига ва бир полимер занжир ўрнини иккинчи полимер занжир эгаллашига таъсирини аниқлади.

Ҳозирги кунда М. Рамазонова М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ физика кафедрасида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.



## МАМАРАЖАБ РАҲИМОВ

1950 йил 20 майда Жарқўрғон район, «Коммунизм» колхозида колхозчи оиласида туғилди.

1967 йили мактабни муваффақиятли тугатиб, шу йили Фарғона Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. 1971 йили институтни тугатиб, Жарқўрғон районидаги А. Навоий номи 7-ўрта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси қилиб тайинланади.

1972—1973 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. У 1978 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кундузги бўлими аспирантурасига кириб, 1982 йили уни тугатди. Яна Жарқўрғон районидаги Мичурин номи 32-ўрта мактабда ишлай бошлади. 1982 йили республика педагогика ўқишларида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади ва «Ўзбекистон ССР халқ маорифи-аълочиси» значоги билан тақдирланди. Апрель ойида Бутун-



иттифоқ педагогика ўқишларида қатнашиб, СССР Маориф министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. М. Раҳимов Педагогика фанлари доктори, профессор В. П. Филин, биология фанлари номзоди, катта илмий ходим Т. С. Усмонхўжаев илмий раҳбарлигида «Иссиқ иқлим шароитида жисмоний тарбия дарсларини очиқ ҳавода ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари» деган темада тадқиқод ишлари олиб борди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида биринчи марта умумтаълим мактабларининг I—III синфларида жисмоний тарбия дарсларини очиқ ҳавода ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди.

У 1984 йил 20 декабрда Москвада СССР Педагогика Фанлари академияси ёш болалар ва ўсмирлар физиологияси илмий-текшириш институти илмий Советида диссертация ҳимоя қилди. Педагогика фанлари номзоди М. Раҳимовнинг 10 дан охиқ илмий мақоласи эълон қилинган. У қатор йиллар Жарқўрғон районидаги И. Мичурин номли мактабда жисмоний тарбиядан дарс берди. Ҳозирги вақтда (1986 йилдан) М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ жисмоний тарбия кафедрасига, 1989 йилдан факультетлараро жисмоний тарбия кафедрасига мудирлик қилмоқда.

«Правда» газетасида М. Раҳимовнинг сермахсул илмий фаолияти ҳақида (1987 йил, 28 июль) «Чинор остидаги машғулотлар» номли мақола эълон қилинган.

## САИДМУСО РАҲИМОВ

У 1938 йилда Бойсун районидаги Работ қишлоғида дунёга келди. Унинг ёшлик йиллари шу қишлоқда ўтди. У 1956 йилда Бойсун районидаги Ушинский номли ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1961 йилда муваффақиятли тугатади.

С. Раҳимовнинг меҳнат фаолияти 1956 йилдан бошланган.

У 1961 йилда ўзи туғилиб ўсган «Работ» қишлоғидаги Ломоносов номли 35-саккиз йиллик мактаб директори, 1962 йилдан 1963 йилгача аввал Бойсун, кейин эса Шеробод район халқ маорифи бўлимларида мактаблар инспектори бўлиб ишлади.

С. Раҳимов 1964—1966 йилларда Бойсун район В. И. Ленин



номли 1-ўрта мактабда, 1966—1968 йилларда Бойсун район халқ маориф бўлими қошидаги педагогика кабинетида 1968—1970 йилларда эса Бойсун районидаги А. Набиев номли 47-ўрта мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлади.

С. Раҳимов 1967 йилда Фарғона шаҳрида ўтказилган республика педагогика ўқишларида актив қатнашиш ва «Она тили дарсларида грамматик ўйинлар ўтказиш» темасида қилган доклади учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва олий мактаб, маориф, касаба союз республика комитетининг Фахрий ёрлиғи, 1969 йилда эса ВЛКСМ 50 йиллиги муносабати билан комсомол ишларидаги актив фаолияти учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик значоги ва Фахрий ёрлиғи, 1983 йили «ЎзССР халқ маорифи аълочиси» значоги билан мукофотланди. С. Раҳимов 1969 йилда, яъни мактабда ишлаб юрган пайтларидаёқ ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтига илмий тадқиқотчи сифатида қабул қилинди.

У 1970 йилда М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига ўқитувчи, 1975 йилдан катта ўқитувчи, 1972 йилда институт бирлашган маҳаллий комитетининг раиси, 1976—1982 йилларда тарих-филология факультети (сиртқи бўлим) декани ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди.

С. Раҳимов 1972 йилдан 1974 йилгача аспирантурада ўқиди. У таниқли олимлар профессор А. Ғуломов, Ф. Абдуллаев, А. Шерматов ва А. Ишбаевлардан сабоқ олди. С. Раҳимов 1974 йилда ЎзССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Абу Райҳон Бериуний номидаги республика давлат мукофотининг лауреати Шоназар Шоабдурахмонов илмий раҳбарлигида «Сурхондарё ўзбек шевалари лексикаси» деган темада диссертация ҳимоя қилди.

Унинг «Сурхондарё ўзбек шеваларининг ўрганилиши», «Сурхондарё ўзбек шевалари лексикаси», «Сурхондарё ўзбек шевалари бўйича кузатишлар», «Номлар мағзи» ва бошқа шу каби йигирмага яқин илмий-методик характердаги мақолалари эълон қилинган. С. Раҳимов «Ўзбек тили Сурхондарё шевалари» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1985) номли 6 босма тобоқдан иборат монография муаллифидир. У олиб борган илмий ишларнинг аҳамияти шундаки, ҳозиргача ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилмай келинаётган Сурхондарё область территориясида жойлашган ўзбек шевалари биринчи марта классификация қилиниб, унинг ўзбек тилида тутган ўрни илмий асослаб берилди.

С. Раҳимов 1986 йилдан бошлаб доцент. 1988 йилдан педагогика факультети қошидаги бошланғич таълим тил ва адабиёт кафедрасининг мудирлиги вазифасини бажармоқда.

## САМИН РАҲИМОВ

1941 йил 19 декабрда Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозида колхозчи оиласида туғилди. 1959 йилда Собир Раҳимов номи 37-ўрта мактабни тугатди. 1961 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирди. 1962—65 йиллари Совет Армияси сафида хизмат қилди. 1965 йили КПСС сафига қабул қилинди. 1969 йили олий маълумот олгач, Тошкент фармацевтика институтига ўқув бўлимининг бошлиғи, 1975 йилдан философия кафедрасига ўқитувчи (ассистент) сифатида фаолият кўрсатди. «Ўзбекистонда миллий масаланинг ҳал этилишида ҳозирги замон антикоммунизмни танқид» деган мавзудаги диссертация устида ишлаб башлади ва 1979 йили муваффақиятли ёқлади.



1979 йилдан шу кафедрада катта ўқитувчиликка сайланди. Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг илмий коммунизм кафедрасида доцент, 1984 йилдан эса шу кафедранинг мудури бўлиб ишлаб келмоқда. Шу давр ичида «Социализм социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш шароитида буржуа фальсафикациясини танқид» деган тема бўйича докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 1988 йили «Ўзбекистон» нашриётидан «КПССнинг миллий сиёсати ва советологларнинг уйдирмалари» деган мавзудаги монографияси эълон қилинди.

Бундан ташқари, 1982 йили шу нашриётдан «Антикоммунистик қарашларнинг сохталлиги», «Социалистик миллатларнинг ҳамкорлиги», 1987 йили «Ўзбекистон» нашриётда «СССРда миллатлар ва миллий муносабатлар тараққиётининг объектив йўналиши» номли китоб ва брошюралари босмадан чиқди.

С. Раҳимов сермаҳсул олим. Унинг ўттиздан зиёд илмий-методик ишлари эълон қилинган.



1932 йил Сарийосиё районидаги «Коммунизм» совхозининг Қизилой участкасида деҳқон оиласида дунёга келди.

1941 йилда бошланган уруш Шамсиддинлар оиласига ҳам таъсир кўрсатди. Отаси биринчилар қаторида Улуғ Ватан урушига кетди. Оилани тебратиш ёш Шамсиддиннинг зиммасига тушди. Шундай оғир шароитда ҳам у ўқишни ташлаб қўймади. 1943 йилдан яна ўша мактабда ўқий бошлади.

1951—1954 йилларда Ш. Рашидов ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Сўнг мактабни аъло ба-

ҳолар билан тугатиб (1954), етуклик аттестати олди ва 1955 йили ўзи орзу қилган Шевченко номли Душанбе Давлат педагогика институти, филология факультетининг тил-адабиёт бўлимига кириб ўқий бошлади. 1959 йилда институтни муваффақиятли тугатиб, ўзи ўқиган мактабга ишга қайтди. 1962 йилда Душанбе педагогика институти қошидаги аспирантурага сиртдан ўқишга кирди. 1963—66 йилларда Рудакий номли мактабда илмий бўлим мудири, 1966 йилдан 1969 йилгача Душанбе Давлат педагогика институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1969 йилда эса яна ўша мактабга келиб ўқитувчилик қила бошлади.

Ш. Рашидов ёш авлодни тарбиялаш билан бир қаторда илмий иш билан шуғулланиб борди. У 1970 йили профессор М. Исмадуллаев илмий раҳбарлигида «Ҳозирги адабий тилда бир составли гаплар» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бир составли гапларни икки составли гаплардан ажратиш учун сўз бирикмаларини, фразсологик бирикмаларни ҳамда қўшма ва мураккаб гапларни илмий жиҳатдан тадбиқ қилиш учун аҳамияти катта бўлди.

Ш. Рашидов 1970 йилдан 1977 йилга қадар Ғафур Ғулوم номли 33-мактабда директор ва илмий бўлим мудири бўлиб ишлади.

У 1977 йилдан ҳозирги кунгача Рудакий номли 30-мактабда тил-адабиётдан дарс бериб келмоқда. У Сарийосиё район халқ маорифи бўлими педкабинети қошида тожик тили ва адабиёти секция раҳбари. 1960 йилдан бери штатсиз методист бўлиб ишлаб келмоқда.

Ш. Рашидов ўқитувчилик қилиш билан бирга «Ҳозирги тожик адабиёти тилида тўлдирувчининг бир тури» деган темада илмий иш олиб бормоқда. Унинг қўлланмалари фан оламида ўз равнақини топган. Унинг бир неча асарлари «Совет макта-

би» журнали ва «Маориф ва маданият» газеталарида эълон қилинган. Масалан: «Шахсиз гаплар», «Шахси аниқ гаплар», «Бир составли гапларнинг бир типи», «Иккинчи даражали гап бўлақларининг аффикслари воситаси билан ифодаланиши», «Бир составли шахсиз гапларнинг икки составли содда гаплардан фарқи» ва бошқалар шулар жумласидандир.

## НОРМУРОД РЎЗИЕВ


1931 йилда Шеробод районидаги «Пошхурт» қишлоғида туғилди. У 5-синфда ўқиб юрганида уруш бошланиб қолди. Уруш оқибатлари Рўзиевлар оиласига ҳам катта таъсир кўрсатди. Н. Рўзиев 1944 йил 7-синфини тугатиб, колхозда икки йил ҳисобчи бўлиб ишлади.

Уруш туфайли райондаги мактабларда ўқитувчилар етишмас эди. 1946 йил 15 ёшли Н. Рўзиевни ўқитувчиликка ишга таклиф қилишади. Бу вазият унга осон бўлмади, албатта. Икки смени дас бериш ёш ўқитувчини чарчатиб қўйиши мумкин эди. Шунча қийинчиликларга қарамасдан Н. Рўзиев шу йилнинг ўзидаёқ Термиз шаҳридаги педагогика билим юртига сиртдан ўқишга кирди.

Икки смени дас, сиртдан ўқиш ҳамда рўзгор ишлари ёш педагогни чиниқтирди. У 1949 йили педагогика билим юртини муваффақиятли тугатди. Ҳали бу ишлар Рўзиевни қаноатлантирганча йўқ эди. Шу йилнинг ўзидаёқ Бухоро шаҳридаги С. Оржоникидзе номидаги Давлат педагогика институтининг математика бўлимига ўқишга кирди. Институтда аъло баҳоларда ўқиб, 1953 йили уни имтиёзли диплом билан тугатди.

Маълумки, худди мактаблардаги сингари институтларда ҳам ўқитувчилар зарур эди. Н. Рўзиевни шу институт ректорати томонидан ишга олиб қолинди. Уша йили Қаршида ўқитувчилар тайёрлаш институти ташкил этилиб, математика ўқитувчиси етишмаслиги сабабли Ўзбекистон Олий таълим вазирлиги томонидан Нормурад Рўзиев шу институтга ишга юборилди. Н. Рўзиев институтда узоқ йиллар ишлади.

1964 йил Ўзбекистон Педагогика фахлари илмий-текшириш институти аспирантурасига ўқишга кирди. Бўлажак олим до-



цент А. Л. Перельдик раҳбарлигида «Геометрия дарсларида ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш» деган темада илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

1968 йили 15 мартда Тошкентдаги Низомий номи Давлат педагогика институтининг илмий мажлисида юқорида айтилган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик С. Ҳ. Сирожиiddинов, профессор С. И. Афони-налар ишга юқори баҳо бердилар.

Н. Рўзиев аспирантура муддати тугаши билан яна Қарши Давлат педагогика институтига қайтиб келиб ишлаб бошлади. Энди дарс бериш билан бир қаторда илмий ишларга ҳам раҳбарлик қила бошлади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг буйруғига асосан 1975 йили Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди ва ҳозирги кунгача шу институтда ишлаб келмоқда.

Н. Рўзиевнинг умумий педагогик иш стажы 43 йилдан кўпроқ, бу даврда Н. Рўзиев минг-минглаб кадрлар тайёрлади.

Ҳозирги вақтда у математика ўқитиш методикаси кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатмоқда. У 23 темада илмий иш ёзди. Н. Рўзиев институт студентлари учун «Математик» деб номланган дарсликни ёзиб тугатди, у «Математика дарсларида студентларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш» деган проблема устида иш олиб бормоқда.



## САИДМУРОД РЎЗИЕВ

1947 йил 20 ноябрда Сурхондарё областининг Болдир қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. Урта мактабга 1955 йилда бориб, 1966 йилда муваффақиятли битирди. Шу йили Фарғона Давлат педагогика институтининг табиат факультетига ўқишга кирди. С. Рўзиев студентлик йилларида зоология тўғарагининг актив иштирокчиси бўлиб, доцент Эркин Муҳиддинов раҳбарлигида Сурхондарё область сунъий сув омборларининг сув ҳайдовчиларини ўрганиб, олинган маълумотлар билан кафедрада ва институт илмий конференцияла-

рида актив қатнашди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик фанлари асослари кафедрасида доцент К. Мирзаева раҳбарлигида «Сурхондарё области тунроқ турларида микроэлементларнинг

тури ва миқдори» темасида илмий кузатишлар олиб бориб, пазирий конференцияларда қатнашди. 1971 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатди. С. Рўзиев шу йили Озарбайжон ССР Фанлар академиясига қарашли Тупроқшунослик ва агрохимия институтига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда аспирантурага кирди. Аспирантлик йилларида Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Давлат мукофоти лауреати, институт директори Д. М. Гусейнов раҳбарлигида «Озарбайжон ССР Ширвон чўли зонасида азотли ўғит турларининг пахтанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири» темасида иш олиб борди ва 1977 йил 30 ноябрда шу тема бўйича диссертация ёқлади. 1978 йил 5 майда Олий аттестация комиссияси унга қишлоқ хўжалик фаълари номзоди деган илмий даража берди. Рўзиев областимизни колхоз, совхоз ва бошқа хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш ва ўғитлардан самарали фойдаланиш борасида актив иш олиб борапти.

Ҳозирги кунда у Сурхондарё область «Узсельхозхимия» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси вазифасида фаол иш олиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик фаълари номзоди С. Рўзиевнинг Иттифоқ, республика нашрлари орқали 16 та илмий мақоласи эълон қилинган.

## ОЧИЛДИ САДАТОВ

1954 йил 1 июнда Термиз районидаги Карл Маркс номили колхозда туғилди.

1961—1971 йиллар мобайнида Макаренко номили 31-ўрта мактабда таълим олди. Очилди Садатов ўрта мактабни муваффақиятли битириб, шу йилнинг ўзида Самарқанд Давлат унверситетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди.

Унверситетни имтиёзли тугатиб, Термиз қишлоқ хўжалик техникумига ишга қабул қилинди. Техникумда ишлаб юрган пайтларида институтга таклиф қилинди ва 1976 йил Термиз Давлат педагогика институти, математика кафедрасига ишга ўтди. У ҳисоблаш машинаси ва ҳисоблаш математикасидан дарс бера бошладди.



1979-1982 йиллар давомида у. Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли «Кибернетика» бирлашмаси қошидаги кибернетика институтида аспирантурада ўқиди ва аспирантлик йилларини Москванинг молия институтида ўтказди. Экономика фанлари доктори, профессор М. Эрматов ва экономика фанлари номзоди К. Головкин раҳбарлигида «Иттифоқдош республикалар молия ишларини математик моделлар ёрдамида ва молиявий ҳисобларни автоматлаштириш системаси шароитида планлаштириш (Ўзбекистон шароитида)» темаси бўйича илмий иш олиб борди.

1983 йил 2 декабрь кунини Очилди Садатов ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди. У шу кунини диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий ишидаги ютуқлари учун СССР Фанлар академиясининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

«Кибернетика» ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий Совети томонидан меҳнат дафтарчасига ёзиш шарти билан раҳматнома эълон қилинди. Бу вақтлар ичида унинг 5 та илмий мақоласи матбуотда босилиб чиқди.

1984 йилда кибернетика институтини илмий Советида навбатдаги илмий темасини тасдиқлашди. Ҳозирги кунда «Республика молия системасини марказлаштириш, автоматлаштириш ва районларда «АСФР» шароитида бюджетларни ҳисоблаш» темаси юзасидан изланишлар олиб бормоқда.

Иқтисод фанлари номзоди О. Садатов М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ математика кафедрасида ишлади. 1987 йилдан область статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб меҳнат қилмоқда.

## НОРМУМИН САИДМУРОДОВ



1931 йил 23 февралда Термиз районидаги «Намуна» колхозида колхозчи оиласида туғилди. У шу ерда саккиз йиллик тўлиқсиз ўрта маълумот олди ва Термиз шаҳрида жойлашган педагогика билим юртига кириб ўқий бошлади. Ўқишда ўзининг меҳнатсеварлиги, босиқлиги, курсдошларига алоҳида меҳрибонлиги билан тез орада танилиб қолди. Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатди ва «Намуна» колхозида жойлашган тўлиқсиз ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш бошлади.

Илмга, фанга бўлган иштиёқ уни Тошкент шаҳрига етаклади. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тарих факультетига кириб ўқиди.



Бир неча бор студентларнинг илмий-амалий конференцияларида, турли проблематик масалаларда чиқишлар қилди. Институтни тамомлаганидан сўнг, Термиз райони мактабларида тарих, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан дарс берди. Сўнг М. Улуғбек номли мактаб коллективи унинг ташкилотчилик қобилияти самимийлиги ва принципаллигини ҳисобга олиб, мактаб директорлигига сайлади.

Н. Саидмуродов 1963 йилдан партия ишига кўтарилди. Термиз район партия комитетига аввал инструктор, сўнгра пропаганда ва агитация бўлимининг мудри сифатида меҳнатчилар орасида кўпгина ибратли сиёсий-тарбиявий ишларни амалга оширди. Уни область партия комитетига, масъул лавозимга таклиф этишди. У 1966 йилдан Сурхондарё область маданият бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб бошлади. Облаstda маданий муассасаларининг бунёд этилиши, янги-янги иморатлар қурилиши, аҳоли орасида юксак маданият куртакларини шакллантиришда бош-қош бўлди.

1973 йилдан уни ёмон аҳволга тушиб қолган область наشريёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармаси бошлиғи вазифасига таклиф этишди. Бу ерда у янада астойдил меҳнат қилди. Қумқўрғон, Ленин йўли районларида янгидан босмахона ташкил этилди. Матбаа ходимлари орасидаги бош-бошдоқликка, дангасаликка ва қўнимсизликка барҳам берди. Босмахоналар ўртасидаги социалистик мусобақани авж олди. Область босмахонаси ходимлари учун 200 кишига мўлжалланган ётоқхона қуриб берилди. Бунда унинг хизматлари катта бўлди.

Н. Саидмуродов 1974 йилда Тошкент Давлат университети аспирантурасига ишдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирди. А. Беруний номидаги Тошкент политехника институти ҚПСС тарихи кафедрасида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Тарих фанлари доктори, профессор К. Ҳасанов раҳбарлигида «Улуғ Ватан уруши йилларида Сурхондарё область партия ташкилотининг фаолияти» деган темада диссертация ёза бошлади.


Диссертация иши бўйича республика «Билим» жамияти томонидан «Жасорат» (1972) номли рисоласини чоп эттирди. «Қоратоққа ҳужум», «Фактлар ва рақамлар», «Улуғ Ватан уруши йилларида маданий-оқартув ишлари» «Дўстлик», «Буюк жасорат», «Улуғ Ватан уруши йилларида матбуот», «Улуғ Ватан уруши бошланиши йилларида Сурхондарё область партия ташкилотининг иши», «Улуғ Ватан уруши йилларида бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини оширишда область партия ташкилотининг фаолияти, «Уруш йилларида Сурхондарё область партия ташкилотининг саноат ва транспортга раҳбарлиги» каби 20 дан ошиқ илмий, илмий-оммабоп асарлари, мақолалари эълон қилинган.

Н. Саидмуродов 1974 йилда диссертация ёқлаб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. У область партия комитети ревизия комиссияси аъзоси, бир неча марта область ва район Советларининг депутатлигига сайланган. У «Шавкатли

меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари ва қатор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Н. Сандмуродов тиниб-тинчимас, жуссаси ғайрат ва талантга тўлиб-тошган, ишчиларга ҳақиқий меҳрибон инсон эди...

Н. Сандмуродов 1976 йил 20 октябрда бевақт ҳалок бўлди.



## МУҲАММАДИ САИДОВ

1936 йил 29 декабрда Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозида колхозчи оиласида туғилди.

У Собир Раҳимов номли 37-сон ўрта мактабнинг 7-синфини 1952 йилда тугатиб, ўқишни район марказидаги Карл Маркс номли ўрта мактабда давом эттирди. 1954 йилнинг 14 апрелида комсомол сафига ўтди. 1955 йили Карл Маркс номли ўрта мактабни тамомлади. Уша йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, 1960 йили агрономия факультети селекция бўлимини муваффақиятли тамомлади.

У студентлик даврида жамоат ишларига актив қатнашди. Тошкент область комсомол комитетининг штатсиз лектори сифатида областнинг кўпгина хўжаликлариде партиямизнинг ички ва ташқи сиёсати бўйича лекция ва суҳбатлар ўтказди. М. Саидов Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг емашак бўлими билан узвий алоқа боғлади. Бу эса келгуси илмий ишнинг асоси бўлиб қолди. 1960 йили институтни тугатиб, Шўрчи район «Шарқ юлдузи» колхозида бош агроном бўлиб ишлаб бошлади. М. Саидов Ўзбекистон чорвачилик институтида маккажўхориининг 6 навини уруғидан олиб, шу колхозда экиб, синая бошлади ва яхши натижа берганларини ишлаб чиқаришга жорий эта борди. Шу пайтгача областимизда асосан, маҳаллий кам ҳосилли навлар экилар эди. Натижа ёмон бўлмади. 1963 йили Шўрчи район Жданов номли колхозда ҳам бу навлар жорий этилди. У ерда область бўйича семинар йиғилиши бўлди, унда М. Саидов сўзга чиқиб, бу ишнинг моҳиятини гапириб берди. Бу ҳақда область газетаси бир саҳифа материал берди. Шу йўл билан маълум вақт давомида областимизнинг барча хўжаликлариде сут маҳсулотининг асосий манбаларидан бири ҳисобланган маккажўхори экинининг дурагай навларини экиш кенг жорий этилди. М. Саидов 1963 йилнинг мартада Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтига аспирантурага ўқишга кирди ва Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг до-

центри, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби А. А. Колдасев раҳбарлигида Тошкент области, Оққўрғон райони «Ўзбекистон 5 йиллиги» совхози шароитида мўл ем-хашак ва дон етиштириш» проблемаси устида илмий иш олиб борди.

1966 йили институт маъмурияти «Красный водопад» экспериментал базасига уни бош агрономликка тавсия этди. М. Саидов у ерда Иттифоқимизда машҳур сут соғувчи А. И. Чуднаянинг иш усуллари билан танишди.

У 1963 йилнинг июнида Тожикистон Фанлар академиясининг илмий Советида диссертацияни муваффақиятли ёқлади. 1969 йилнинг ноябрида Термиз Давлат педагогика институтининг химия-биология кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишга келди. 1972 йили институт партбюроси аъзолигига сайланди ва 1973 йилдан 1976 йилгача институт партия ташкилотининг секретари вазифасида ишлади. 1976 йилдан 1983 йилгача Термиз Давлат педагогика институтитайёрлов бўлимининг мудирини бўлиб ишлади. 1983 йилдан 1986 йилгача иккинчи марта институт партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади.

У XIX ва XX Термиз шаҳар партия конференцияси делегати бўлиб, бу конференцияларда шаҳар партия комитетининг аъзоси этиб сайланди. У ўз фаолияти давомида Бугуниттифоқ ва республика миқёсида 20 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди. Олиб борилган тажрибалар натижасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш натижасида 1973—1976 йиллар давомида Шўрчи райони хўжаликлари 840 минг сўм миқдорда қўшимча даромад олди. М. Саидов 1988 йилнинг февралидан табиат факультетининг декани вазифасида ишламоқда. У кўп йиллик педагогик фаолияти, ўқитувчи мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари учун «Меҳнат ветерани» медали ва Қори Ниёзий номли медалъ билан мукофотланган.

## ХОЛМУРОД САИДОВ

1938 йили Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозида туғилди. Аввал шу колхознинг Собир Раҳимов номли етти йиллик мактабида ўқиди. Кейин Шўрчи район марказидаги Қ. Маркс номли 1-ўрта мактабда ўқишни давом эттирди ва уни 1956 йилда аъло баҳолар билан тугатди.

1957 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини табиат-география факультетининг химия, биология ва қишлоқ хўжалигини асослари бўлимига кириб ўқий бошлади.



Институтда у илмий ишларга қизиқди. Етакчи олимлар М. Қ. Хабирова ва Н. Қ. Қодирова раҳбарлигида зоология, одам ва ҳайвонлар физиологияси фанидан илмий кузатиш олиб борди. У «Ғузор» ва «Малик» чўлларида яшовчи кемирувчилар ҳаётини ва уларнинг қишлоқ хўжалигига келтирадиган зарарини ўрганди. Н. Қ. Қодирова раҳбарлигида эса ҳайвонлар физиологияси бўйича итлар устида тажриба ишлари олиб борди. Кузатиш натижаларини институт студентларининг илмий-назарий конференциясида маъруза қилди.

У студентлик йиллари ижтимоий ҳаётда ҳам актив иштирок этишга ҳаракат қилди. Иккинчи курсдан бошлаб ҳар йилги ёзги таътилда ўз районидаги барча колхоз-совхозлар меҳнаткашлари ўртасида лекция ўқиб, биология ва қишлоқ хўжалиги янгиликларини тарғиб қилди. Бундан ташқари, чорвачиликда хўжаликлар эришяётган ютуқларни баён қилиб берувчи мақолалари билан республика радиоэшиттиришларида сўзга чиқди ва «Ёш ленинчи» газетасида қатор мақолаларини эълон қилдирди.

1962 йилдан институтни муваффақиятли битириб, ўқитувчилик қилиш учун ўз районига йўлланма олди. У 1970 йилгача райондаги 51, 56, 3 ва 1-мактабларда химия ва биология фанларидан дарс бериб келди. Илмий кузатувчанлик қобилияти унга доимо қўл келди. Ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўз мулоҳазаларини область ва республика педагогика ўқишларида баён қилди ва бу мулоҳазалари маъқулланди.

Мактабда ишлаган йиллари унда илмий иш билан шуғулланиш учун ўқинишни янада давом эттириш истаги туғилди ва ниҳоят 1970 йилда Бутуниттифоқ чорва молларининг физиологияси, биохимияси ва озикланиши илмий-текшириш институтига аспирантурага кирди. У шу институтнинг РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби, ветеринария фанлари доктори, профессор А. А. Журавель раҳбарлигида эндокрин безлари лабораториясида илмий иш олиб борди. У стимулятор модда — дианаболнинг қўй организмидаги азот моддалари алмашинувига, пчки секреция безларининг структураси ва функциясига ҳамда маҳсулдорлигига таъсирини ўрганди. Стимулятор таъсирида тажрибадаги қўйларнинг контролдагига нисбатан тез ўсишини, маҳсулдорлиги ошувини, гўштида эса оқсилнинг кўпайишини илмий асослаб берди. Илмий-текшириш ишлари натижаларини 1973 йилда шу институт илмий Советида баён қилди ва диссертацияни муваффақиятли ёқлади. Совет қарорига биноан унга биология фанлари номзоди деган даража берилди. Илмий иш натижалари Калуга областида ва бошқа қатор хўжаликларда қўйнинг маҳсулдорлигини оширишда муваффақиятли қўлланди. Бу соҳада унинг «Гормонларнинг моддалар алмашинувига ва чорва маҳсулдорлигига таъсири» деган китоби («Ўзбекистон» нашриётида) чоп этилди. Шўрчи районидаги Киров номи колхоз тарихини ёзди ва у ҳам алоҳида китоб ҳолида босмадан чиқди. Бундан ташқари, у ҳозирги пайтда биология, химия-био-

логия ва география-биология мутахассисларининг кундузги ва сиртқи бўлими студентлари учун «Одам ва ҳайвонлар физиологияси» курсидан лекциялар тўплами»ни нашрга тайёрламоқда.

Олимлик фаолияти йилларида область матбуотида ҳам ўзининг илмий характерга эга бўлган «Асалари мўлжални қандай олади?», «Сенаж-тўйимли озуқа», «Ҳайвонларда психика ва хулқ-атвор», «Муҳитга муносабат ҳар хиллиги», «Табиат — бизнинг уйимиз» ва бошқа шу сингари қатор мақолалари билан иштирок этиб, фан ютуқларини актив тарғиб қилиб келмоқда.

Х. Саидов ўн йилга яқин М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг медицина тайёргарлиги кафедрасига мудирлик қилиб келди. Ҳозирги кунда у умумий биология кафедрасида ишламоқда. 1988 йилда доцент деган фахрий унвонга сазовор бўлди.

## ЧОРИХОН САИДОВ

1958 йил 14 декабрда Тожикистон ССРнинг Шаҳритуз районидagi «Искра» колхозида колхозчи оиласида туғилди.

1976 йилда 15-сон К. Д. Ушинский номли ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди ва уни 1981 йилда тугатиб, йўлланма билан М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг физика кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. Ўқитувчилик фаолияти давомида «Назарий ва квант механикаси» предмети бўйича лекциялар ўқиб келмоқда.

1983 йилдан бошлаб Ленинград шаҳридаги СССР Фанлар академиясининг А. Ф. Иоффе номидаги физика-техника институти аморф ярим ўтказгичлар лабораториясининг етакчи мутахассиси, профессор П. Сергёгин раҳбарлигида илмий иш олиб борди. 1985—87 йилларда мазкур лабораторияда икки йиллик стажировка муддатини ўтаб, «Темир, қалайи ва европий атомларининг галлий-теллур системаси кристалл ва аморф яримўтказгичлардаги электр ноактивлигининг табиати» деган темада диссертация ёзди. 1989 йил 26 январь кунини номзодлик диссертациясини физика-математика мутахассисликлари бўйича муваффақиятли ҳимоя қилди.



Ҳозирги пайтда замонавий техника асрини яримўтказгич материалларисиз тасаввур этиш қийин, шу сабабли уларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. 1960 йилларда халькогенед шишасимон яримўтказгичлар соҳаси очилди. Ярим ўтказгичларда аралашмали ўтказувчанлик муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда улар юқорида номи қайд этилган ярим ўтказгичларда ўрганила бошланди. Бундай аралашмалар электр жиҳатдан ноактив бўлиб чиқди. Бу фактни тушунтириш олимлар олдидаги муҳим проблемалардан бири бўлди. У ўз олдига мана шу проблемани ечишни мақсад қилиб қўйди. Шишасимон бирикма галлий-теллур тўрт қотишмасида бу эффект биринчи марта Ч. Саидов томонидан кузатилди ва эффектнинг табиати очиб берилди. Бу проблемани ечиш учун у замонавий традицион методлардан фойдаланди. Аралашма атомларнинг валент ҳолатларини ўрганиш мақсадида Мессбаур спектроскопияси, Фотоэлектрон спектроскопия ва инфракизил нурлар спекторскопия методларидан фойдаланди. Ўрганилаётган намуналарнинг электр хоссаларини эса электр ўтказувчанлигини оддий икки зондли метод ёрдамида ўтказилган ўлчашлар орқали кузатди. Проблеманинг актуаллиги шундаки, аралашма атомларнинг электр жиҳатдан ноактивлиги кристалл ва шишасимон яримўтказгичлар учун битта нуқта назардан тушунтириш имконияти бўлмаган эди. У бу проблемани тўлиқ экспериментал исботларга асосланган ҳолда ҳал этди.

Ч. Саидов томонидан қилинган илмий ишлар юзасидан 1986 йил Венгрияда ташкил этилган «Аморфные полупроводники—86» халқаро конференцияларда 1987 йили Кишинёв шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ конференциясида доклад қилинди. Бир қатор илмий мақолалари инглиз тилида халқаро (ГДР) «Физика статус солиди» журналида ва «ФТП», «ФГТ», «ФХС» каби умумиттифоқ журналларида чоп этилган.

Ч. Саидов томонидан олинган натижалар берилган комплекс электро-физик хоссаларга эга бўлган яримўтказгич материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда физика кафедрасида ўқитувчилик қилиш билан бирга физика-математика факультетида ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

## ЖАББОР САИДҚОСИМОВ



1947 йилнинг 1 январида Бойсун районидаги Бибиширин қишлоғида туғилган. 1964 йилда Қарши шаҳар, Алишер Навоий номи ўрта мактабнинг 11 синфини тугатиб, Г. В. Плеханов номи Ленинград тоғ-кон инженерлари институтига ўқишга кирди.

1969—1971 йиллар Тошкентдаги «Ташгитерогор» лойиҳалаштириш институтида инженер бўлиб ишлади. Тошкент метрополитенини лойиҳалаштириш ва инженерлик қидирув ишларида фаол иштирок этди.

1971 йил сентябрь ойидан Абу Райҳон Беруний, номи Тошкент политехника институтининг геодезия ва маркшедерия кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида педагогик фаолиятини бошлайди. Студентларга геодезия, маркшедерия ва конлар геометрияси фанларидан дарс бериш билан бирга, Ўрта Осиёда тоғ-кон инженери маркшейдерлар тайёрлашни йўлга қўйишга фаол қатнашди. Унинг бевосита иштирокида 1973 йилда биринчи мартаба Тошкент политехника институтини 13-инженер-маркшейдер битириб чиқади. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари Ўрта Осиё кончилик, геология-қидирув, қурилиш, нефть ва газ корхоналарида ишламоқда. Ж. Саидқосимов педагогик ишларни илмий изланишлар билан чамбарчас боғлаб олиб борди. Натижада, 1988 йили Ленинград тоғ-кон инженерлари институтининг ихтисослашган илмий Советида техника фанлари номзоди илмий даражаси учун «Тоғ-кон массиви геомеханик хоссаларини геометризациялаштириш асосида маъдан қазиб чиқарадиган жойлардаги дарзни, тоғ жинсларининг мустақкамлигини дараклаш» мавзуида диссертация ёқлади.

Конлардаги маъдан қазиб оладиган иншоот шифтини ташкил этувчи дарзланган тоғ жинсларининг мустақкамлигини дараклашнинг геометрик методи яратилган. Бажарилган илмий тадқиқот натижалари вольфрам конларини камера-устун системаси билан қазиб олиш имкониятини яратади.

Ҳозирги кунда геодезия ва маркшедерия кафедрасининг доценти Ж. Саидқосимов «Тоғ-кон массивларининг ҳолатини баҳолаш ва дараклашда маъдан конлари геометриясининг систем моделлари» мавзуида илмий изланишларини давом эттирмоқда. У 1979 йилдан бери журналистика соҳасида қалам тебратди. Тошкент политехника институтининг кўп нусхали «Политехник» газетасига редакторлик қилади. СССР Журна-

листрлар союзининг аъзоси. Ўзбекистон ССР журналистларининг VII съезди делегати бўлган. Бугунги кунда Тошкент шаҳар кўп нусхали газетачилар бошланғич журналистика ташкилотининг секретари.



## ЗОКИРЖОН САИДҚУЛОВ

1950 йил Сурхондарё воҳасининг Шеробод шаҳрида туғилди. 1967 йилда Денов шаҳридаги М. В. Ломоносов номидаги 1-сон мактабни тугатгач, Тошкент Давлат университетининг рус филологияси факультетига ўқишга кирди, уни 1972 йилда битирди.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1980 йилгача Денов шаҳридаги Ғ. Ғулум номидаги 6-сон мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Рус тили ва унинг бошқа миллий тиллар билан алоқаси, уларнинг бир-бирини бойитишдаги роли масалалари ёш олимни қизиқтириб келарди.

Республикамиздаги таниқли тилшунос олимлар Зокирни илмий тадқиқот иши олиб боришга ундадилар. Ёш олим профессор Аюб Ғулумов ва доцент-Л. Л. Ким раҳбарлигида «Займствование русских слов и системные отношения в узбекской лексике» деган тема устида ишлай бошлади. Тинимсиз меҳнат, фидойилик зое кетмади. 1986 йил диссертация ишини муваффақият билан ҳимоя қилди. З. Саидқулов фаол олим сифатида ўнлаб илмий мақолалар, қўлланмалар, муаллифи иттифоқимиз ва чет элларда ўтказилган илмий анжуманлар иштирокчиси. Олим ишлари орасида «Займствование как источник синонимии», «Влияние русско-интернациональных займствование на семантическую структуру узбекский слов», «О некоторых особенностях изучения паронимов антонимов русского языка» каби мақолалари диққатга сазовор.

Венгрия Халқ Республикаси пойтахти Будапештдаги 1986 йил август ойида ўқиган «Замонавий лингвистик назария ва уни рус тили ўқитиш практикасида қўллаш» мавзусидаги доклади чет эллик мутахассисларнинг қизиқишини уйғотди.

Ёш олим илмий фаолиятни амалий иш билан уйғунликда олиб бормоқда. Ҳозирда у Тошкент политехника институтида рус тилидан дарс бермоқда.



## ҒАФФОР САМАДОВ

1946 йил 8 декабрда Сурхондарё область Бойсун районидаги Ловка қишлоғида туғилди. 1946 йил II синфни муваффақиятли тугатгандан сўнг, ТошМИ га ҳужжатларини топширди. Лекин конкурсдан ўта олмади. Шундан кейин Дугоба қишлоғидаги «Қизил Ўзбекистон» номли мактабда физика ва математикадан дарс бера бошлади.

1965 йили Тошкент политехника институтининг механика факультетига ҳужжат топширди ва конкурсдан ўтди. У автомобиль транспорти, механик инженери унвонига эга бўлди. Ғ. Саматов техника фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби ва техника арбоби, Давлат мукофоти лауреати А. А. Муталибов, техника фанлари кандидати профессор, хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Н. С. Абрамов, техника фанлар доктори, профессор Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Т. Рашудов каби таниқли олимлар қўли остида билим олишга муяссар бўлди.

«Қурилиш материалларини карьерлардан ташинишнинг оптималлаштириш» деган темада диплом лойиҳасини ёқмагандан кейин, унга институтда қолишни таклиф қилдилар. У ассистент сифатида Москвадаги Оржоникидзе номидаги бошқарув институтида малака оширишдан ўтди. Конкурс пайтида катта ўқитувчи қилиб сайланди. У 1974 йилда «Шаҳарлараро автотранспортнинг бошқа турдаги пассажир транспортлари билан ўзаро боғлиқ функционал масалалари» деган темада илмий тадқиқот иши олиб борди. 1979 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Унинг 30 дан ортиқ илмий иш ва 10 га яқин методик қўлланмалари нашр қилинди. Ғ. Саматовнинг ҳамма илмий ишлари транспорт системаси ишининг самарадорлигини оширишга, транспорт ишини оптималлаштиришга ва координациялаштириш назариясини яратишга, электрон ҳисоблаш машиналари ҳамда автоматлаштирилган бошқариш системасини жорий қилишга бағишланган.

У яратган система 1976 йилда ВДНХнинг Москва шаҳридаги кўргазмасига қўйилди.





1942 йилда Сурхондарё область Бойсун районининг тоғли Мачай қишлоғида туғилган. 1961 йили А. Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. Уша йилнинг декабрида Совет Армияси сафига чақирилади. 1964 йилдан КПСС аъзоси.

1964 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, яна Самарқанд Давлат университетиде ўқишни давом эттирди. 1968 йили университетни имтиёзли диплом билан тугатди. Тақсимот комиссиясининг қарори билан ёш мутахассис ўзи билим олган севимли маскан —

Самарқанд Давлат университети философия кафедрасида ўқитувчилик лавозимига қолдирилди.

1973 йили «Совет кишиларида Коммунистик онглиликни шакллантиришда маънавий маданиятнинг роли» деган темада философия фанлари номзоди деган илмий даражани олиш учун диссертация ҳимоя қилди. 1978 йилда эса философия ва илмий коммунизм мутахассислиги бўйича доцент илмий унвони берилди.

1972 йили Термиз Давлат педагогика институтига ишга таклиф этилади. 1972—1974 йиллар философия ва илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1975 йилда табиёт факультети декани, 1975—1984 йилларда философия ва илмий коммунизм кафедрасининг мудири, 1984—1986 йилларда доцент, 1986—1988 йилларда катта илмий ходим, 1988 йилдан эса Термиз Давлат педагогика институти философия кафедрасини бошқариб келмоқда.

**НОРБОЙ САРИЕВ**

1930 йилда Бойсун районидаги Корфун қишлоғида туғилган. 1937 йилдан 1946 йилгача Кофрун қишлоғида Ушинский номли 32-мактабда 7 синфни аъло баҳолар билан битирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида мактабда ўқитувчилар етишмас эди. Шу сабабли Сариев 1945 йилда Термиз шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш билим юртига сирдан ўқишга кирди. 1948 йилда билим юртининг 3-курсини муваффақиятли тугатди

1949—53 ўқув йилларида Бухоро Давлат педагогика институтининг физика бўлимида таҳсил кўрди. У институтда ўқиб юрган пайтларидаёқ ўзининг ўткир зеҳнлилиги, зийраклиги ва ташаббускорлиги билан ўз ўртоқлари орасида ажралиб турар эди.

1968 йилдан 1973 йилгача Қори Ниёзий номидаги илмий текшириш институтида илмий тадқиқотчи бўлиб иш олиб борди. 1975 йилда умумий таълим мактабларида «Физикани пахтачилик механизациясига боғлаб ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбга йўллаш» темаси бўйича диссертация ёқлади ва педагогика фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди.

Сариев 1975 йилдан бошлаб, Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтида ишлаб келмоқда. 1984—1987 йилларда индустриал-педагогика факультети декани, 1987 йилдан физика кафедраси доцентидир. Унинг 20 га яқин илмий мақолалари республика ва марказий журналларда эълон қилинган.

## СОБИР САТТОРОВ

1935 йилда Термиз шаҳрида туғилди. 1955 йилда етуклик аттестатини қўлига олди.

У 1955 йилда Тошкент Давлат медицина институтига ўқишга кирди. Студентлик йилларида изланувчан ва ҳаракатчанлиги туфайли ўртоқлари орасида ҳурмат қозонди. 1961 йилда институтни тугатди ва шу йили сурхондарё область сил касалликлар касалхонасида ишлаб бoшлайди. 1972 йилда аспирантурага сиртдан ўқишга кирди.

«Уч ёшгача бўлган болаларда ўпка шамоллаш касаллигида қон зардобидаги ёғ, ёғсимон моддалар ва оқсил ўзгаришининг асосий кўрсаткичлари» деган тема устида иш олиб борди. 1975 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади.

С. Сатторов 1963 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Термиз шаҳридаги медицина билим юртида директорлик лавозимида ишлаб келмоқда. У ўзининг хушмуомалалиги, оддийлиги, ташкилотчилиги билан билим юрти ўқитувчилари орасида катта ҳурматга сазовордир.



## АБДУНАЗАР САФАРОВ



1947 йилда Сурхондарё об-  
ластининг Шўрчи районида ту-  
ғилди. 1964 йилда Шўрчи стан-  
циясидаги 5-ўрта мактабни  
битириб, шу йили Тошкент поли-  
техника институтининг «Инже-  
нер-физика факультетига» ўқиш-  
га кирди. 1975—76 йилларда  
СССР Фанлар Академиясининг  
физика-химия институтида аспи-  
рантурада ўқиди. 1980 йилда  
номзодлик диссертациясини ҳи-  
моя қилди. Шундан кейин Тош-  
кент политехника институтининг  
экспериментал ва назарий фи-  
зика кафедрасида доцент бўлиб  
ишлай бошлади. Кўп йиллик из-

ланишларининг натижалари микроэлектроника, электрон-ҳисоб-  
лаш техникаси, радиотехникада қўлланилади. Ҳозирги кунлар-  
да А. Сафаров «Ярим ўтказгичли асбоблар технологияси ва  
уларнинг қўлланиши» темаси устида илмий тадқиқот ишлари  
олиб бормоқда.

## ДАВЛАТ САЪДУЛЛАЕВ

1947 йилда Тошкент шаҳрида  
туғилди. Ўрта мактабни тугатгач,  
1964 йилда Тошкентдаги респуб-  
лика рус тили ва адабиёти педа-  
гогика институтига ўқишга ки-  
риб, 1968 йилда имтиёзли диплом  
билан тугатди ва шу йили Тер-  
миз давлат педагогика институ-  
тига ишга келди. 1972 йилда Қо-  
зғистон ССРдаги Олмаота Дав-  
лат унiversитетининг рус фило-  
логия кафедраси профессори Х.  
Х. Маҳмудовга шогирд бўлди. Ас-  
пирантурада 1975 йилгача ўқиб,  
шу йилнинг охирида С. П. Боро-  
диннинг «Самарқанд осмонидаги  
юлдузлар» трилогияси контексти-



да туризм деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади.

Д. Саъдуллаев Термиз Давлат педагогика институтида 1968 йилдан буён ишлаб келди. У институтдаги «Факультетлараро» кафедрасининг мудирини, ҳам ёш олимлар Советининг раиси бўлиб ишлади.

Д. Саъдуллаев қаламига мансуб 10 дан ортиқ илмий мақолалар Иттифоқ ва республика нашрларидан чоп этилган.

## САМИ САЪДУЛЛАЕВ

1917 йил 7 ноябрда Бойсун районидagi Пасурхи қишлоғида туғилди. 1931—32 йилларда ўқитувчилар тайёрлаш мактабида ўқиб, уни муваффақият билан битирди. 1932 йилда бошланғич синфларга дарс бера бошлади.

1940 йилнинг мартидан 1945 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди.

1945 йил октябридан 1946 йил июлигача Сурхондарё область местпроми бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1946—48 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия мактабида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан битирди.

1955—60 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатди.

ЎзССР фауна академияси тарих институтида тадқиқотчи бўлиб, «Ўзбекистон меҳнаткашларининг пахтачиликни янада ривожлантириш учун кураши (1959—70 йиллар, Сурхондарё области мисолида)» темаси бўйича илмий иш олиб борди. 1975 йилда диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди унвонини олишга эришди. У ёзган тема Сурхондарё области пахтачилиги билан боғлиқдир. Шу йилларда мелиорация, ирригация, янги ерларни ўзлаштириш, кўчирма хўжаликлар иши, пахтачиликнинг моддий техника базасини яратиш, алмашлаб экиш, маҳаллий ўғитдан фойдаланиш, маданият, соғлиқни сақлаш ва уй-жой масалалари ёритилган.



## БОЛТАЖОН СОДИҚОВ



1932 йил 1 январда Шеробод районининг тоғли Зарабоғ қишлоғида туғилган.

1940 йилдан эътиборан Шеробод районидаги 4, 10, 13- сон болалар уйларида тарбияланади.

Б. Содиқов етти йиллик мактабни тамомлагач, Термиз шаҳридаги педагогика билим юртига ўқиш билан бирга 13-болалар уйида аввал тарбиячи, сўнгра директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлади.

1952 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика факультетига ўқишга кирди. У институтга

даги жамоат ишларида актив қатнашди. Институт комсомол комитетининг бюро аъзоси ва мактаблар сектори вазифасини бажарди.

1956 йилда Болтажон ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У институтни аъло баҳолар билан тамомлаб, имтиёзли диплом олди. Термиз педагогика билим юртига ишга тайинланиб, болалар уйида бошланган педагогик фаолиятини давом эттирди. Шундан бери у педагогика ва психология фанларидан лекция ўқиб келаётир. Ўз фанини пухта эгаллаган Болтажон Содиқов хушмуомалалиги билан ўқувчи ва ўқитувчилар орасида тезда обрў қозонди.

1966 йил академик М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтига ишга таклиф қилинди. 1970—1986 йилларда институт педагогика ва психология кафедрасининг муdiri вазифасида ишлади. У академик С. Р. Ражабов раҳбарлигида илмий иш олиб борди ва 1976 йили «V—VIII синф ўқувчилари ижтимоий фойдали меҳнатининг педагогик асослари» деган темадаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Болтажон Содиқов кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. У Ўзбекистон ССР Халқ маорифи аълочисидир.

## ҚУРБОН СУЛАЙМОНОВ

Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг Хўжамулки қишлоғида 1938 йилнинг 14 сентябрида колхозчи оиласида туғилди. 1955 йилда район марказидаги Алишер Навоий номли 34-сон ўрта мактабини тамомлади. 1955—57 йилларда Термиз ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиб, имтиёзли диплом олди. 1962 йилда Қарши Давлат педагогика институти тарих-факультетини ҳам имтиёзли диплом билан тугаллади.

1959 йилнинг апрель ойида КПСС аъзолигига қабул қилинди.

1962 йилнинг август ойида ўзининг иш фаолиятини Қарши педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлади. 1963—65 йиллари шу кафедранинг катта ўқитувчиси, институт маҳаллий комитети раиси вазифаларида ишлади.

У 1965 йил октябрь ойида Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленинград Давлат университетининг шарқшунослик факультети «Туркий тиллар филологияси» кафедрасининг аспирантурасига ўқишга киради. Ленинград ва Москва туркологларининг тавсияси билан «Ўзбек тилида феълнинг перифрастик формалари» темасида тинимсиз излаишлар олиб борди. Бу иш СССР ФА иш ҳақиқий аъзоси, Совет туркологларининг етук олими профессор А. Н. Қононов раҳбарлигида 1968 йил 12 декабрида ЛГУ нинг шарқ факультети Илмий Советида муваффақиятли ҳимоя қилинди.

1968 йилдан яна Қарши Давлат педагогика институти рус тилшунослиги кафедрасининг катта ўқитувчиси вазифасида ўз фаолиятини давом эттирган Қ. Сулаймонов, 1974 йилдан «Рус тилшунослиги» кафедраси доценти илмий унвонини олди.

Қ. Сулаймоновнинг илмий-педагогик фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У ВЦСПС, ЎзЛКСМ Фахрий ёрлиқлари, Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитетининг бир неча марта фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.



## БЕКМУРОД ТИЛОВОВ



1942 йил 13 апрелда Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номи колхознинг Исмоил-тепа участкасида туғилди. 1960 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди.

1965 йили ҳужжатларини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетига топширади.

Студентлик йилларида институт жамоат ишларида актив қатнашди, факультет партбюросининг аъзоси, институт профбюроси тафтиш комиссиясининг раиси ва бошқа вазифаларда ишлади.

1969 йили институтни имтиёзли диплом билан тамомлади ва Маориф министрлигининг йўлланмаси билан Сурхондарё область Ангор район территориясида жойлашган педагогика билим юртига ишга келди.

Бу билим юртида Б. Тиловов бир йил ишлади. 1970—1972 йилларда эса Жарқўрғон районига қарашли Абдулла Набиев номи 37-ўрта мактабда тарих ва жамиятшунослик фанларидан дарс берди.

1972 йилнинг 23 февралдан бошлаб академик М. Т. Ойбек номи Термиз педагогика институтининг СССР тарихи ва умумий тарих кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга қабул қилинди.

1974 йилнинг 29 декабрида Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институти СССР тарихи кафедрасига сиртдан аспирантурага ўқишга кирди.

Ушбу кафедра мудирини, кейинчалик тарих факультетининг декани, тарих фанлари доктори, профессор Донақул Алламуродов раҳбарлигида «1925—1941 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий областларида пахтачиликни ривожлантиришда Советларнинг роли» деган темада илмий иш олиб борди. 1984 йилнинг апрелида Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги тарих институтида диссертациясини ҳимоя қилди.

Институтда 1975 йилдан 1984 йилгача ижтимоий касб танлаш факультети декани, 1984 йил сентябрь ойдан эса, институт тарбиявий ишлари бўйича проректори бўлиб ишлаб келмоқда.



## МАРДОНҚУЛ ТОЖИЕВ

1937 йилнинг май ойида Шеробод районидаги Ҳамкон қишлоғида туғилди. У ўрта мактабни 1955 йилда аъло баҳолар билан тугаллади. Бир йил совхозда ишлади ва 1956 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга киради. 1961 йилда бу институтни имтиёзли диплом билан тугаллади.

1964—68 йилларда Ленин орденили Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институтида аспирантурада ўқиди ва область пахтачилик тажриба станциясида агротехника бўлимини бошқарди.

Унинг номзодлик диссертациясининг темаси: «Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, уларнинг тупроқ унумдорлиги, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, касалликларига ва ингичка толали ғўзаларнинг ҳосилдорлигига таъсири» мавзусида эди.

М. Тожиев 1969 йилнинг 29 апрель кунда Озарбайжон ССР нинг Қировобод шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтида илмий ишини ёқлади. Унинг илмий иши республикамизнинг жанубидаги чўл, саҳро шароитида ингичка толали пахта экиладиган зонада бажариладиган илк ишлардан бири бўлиб хизмат қилади.

М. Тожиев «ингичка толали ғўзаларнинг агротехникаси» ва «Ғўза ўтмишдошларининг ингичка толали ғўза ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига таъсири» каби брошюралар авторидир.



## СУЮН ТОЖИЕВ



1941 йил 1 майда Жарқўрғон районидаги Какайди қишлоғида туғилди. Калинин номи етти йиллик мактабни 1956 йилда муваффақиятли тамомлади. 1957 йилда Жарқўрғон районидаги А. С. Макаренко номи ўрта мактабда ўқишини давом эттирди.

Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Охунбобоев номи ўрта мактабда ўқувчиларга физикадан дарс берди. Шу билан бирга мактабда бадний ҳаваскорлик тўғрисида раҳбарлик қилди. 1961 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтига ҳужжатларини топ-

ширди ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, институтнинг биринчи курсига қабул қилинди. С. Тожиев студентлик йилларида группа старостаси, бухгалтерия факультетининг комсорги каби жамоат ишларини фаол олиб борди. У ўқишни 1963 йилда Ленин номи Тожикистон Давлат университетида давом эттирди ва 1965 йилда муваффақиятли тамомлади.

Суюн Тожиевга «Халқ хўжалиги иқтисодчиси» ихтисоси берилди.

1967 йилда Душанбе паррандачилик фабрикасининг бош экономисти бўлиб тайинланди. Бу ерда 1976 йилгача фидокорона меҳнат қилиб келди. Фабрика коллективи унга ишонч билдириб, КПСС аъзолигига қабул қилди. 1968 йили аспирантурага сиртдан ўқишга кирди ва уни 1972 йилда муваффақиятли тамомлади.

1972 йил 29 апрелда «Тожикистонда паррандачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш» темасида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда Суюн Тожиев Сурхондарё область аҳолисини товуқ гўшти билан таъминлашда сермахсул зотли товуқларни кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг ўндан ошиқ илмий мақоласи журналлар ва илмий тўпламларда чоп этилган.

## ХОЛБОИ ТОЖИЕВ

1944—1982

1944 йил 6 майда Сурхондарё область Денов районига қарашли Вахшивор қишлоқ Советидаги Қ. Маркс номли совхозининг Зардақул қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

Х. Тожиев 1958—1959 ўқув йили Денов шаҳридаги Охунбоев номли 2- сон ўрта мактабнинг 8- синфига ўқишга кирди ва шу мактаб қошидаги интернатда тарбияланди. У ўзининг тиришқоқлиги, фанга бўлган муҳаббатини, ўзига биркитилган ва-зифаларни қунт билан бажариб,

мактаб ўқитувчилар коллективида ҳурмат қозонди. 1960—61 ўқув йилида шу мактабнинг 10- синфини аъло баҳолар билан тамомлади.

Х. Тожиев 1961—62 ўқув йили Денов районига Муқимий номли 14- ўрта мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлади.

У фақат дарс бериш билан чекланиб қолмай, ўз устида ишлаш ва изланишларини давом эттириб, 1962 йили Қарши Давлат педагогика институти табиат-география факультетининг химия-биология бўлимига ўқишга кирди. Уни 1966—67 ўқув йилида муваффақиятли тамомлади. Институт йўлланмаси билан Х. Тожиев 1967—68 ўқув йилида Денов районига Х. Ҳ. Ниёзий номли 19- ўрта мактабда химия-биология фанидан ўқитувчи бўлиб ишга келди.

Х. Тожиев 1971—72 ўқув йили Москвадаги К. И. Скрябин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ гельминтология илмий текшириш институтига сиртдан аспирантурага ўқишга кирди. У 1973—74 йили Термиз Давлат педагогика институтининг химия-биология кафедрасида ишлаб бошлади. «Сурхондарё областидаги пахтанинг нематофаунаси» темаси бўйича иш олиб борди. У кўпгина қийинчилик ва изланишларни бошидан кечириб 1977 йили 1 июнда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Х. Тожиев қаламига мансуб ўнга яқин илмий мақолалар Иттифоқ ва республика нашрларида чоп этилган. Унинг айниқса «Сурхондарё областидаги пахта ўсимлигида учрайдиган паразит нематодларнинг тарқалиши», «Алмашлаб экишда фитогельминтларнинг таъсири» каби мақолалари йирик совет гельминтологлари томонидан юқори баҳоланган.

Х. Тожиев 1978 йилгача М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ табиат факультети деканининг ўринбосари бўлиб ишлади. Афсус-



ки, бешафқат ўлим дўстларга меҳрибон, камсуқум ва камтарин, истеъдодли олимни орамиздан олиб кетди. У 1982 йил баҳорида тўсатдан вафот этди. Х. Тожиев СССР фитогельминтологлар жамиятининг аъзоси эди.



## ЖУРА ТОЙЛОҚОВ

Жарқўргон райониди Ульянов номли совхознинг Калинин номидаги участкасида 1943 йилнинг 5 январиди туғилди. 1959 йили Жарқўргон район марказидидаги Макаренко номи ўрта мактабни тугатди. 1959—1965 йиллари Тошкент Давлат медицина институтиди ўқиди. 1965—1967 йиллари Термиз шаҳар поликлиникасида болалар хирургияси врачи бўлиб ишлади.

1968—69 йиллари Москва шаҳрида академик Н. Н. Бурденко номидаги нейрохирургия институтиди ординатурада ўқиди. 1970

—73 йиллари шу институтда аспирантурани ўтади.

1973 йили «Бош миё шишлари: менингиома ва глиомаларнинг ангиографик фарқлари» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади.

1973—83 йиллар Москвадаги 79-шаҳар касалхонасида нейрохирург бўлиб ишлади.

1984—86 йиллар Мали республикасининг (Африкада) Марказий госпиталида нейрохирург сифатида фаолият кўрсатди. 1987 йилдан Москва шаҳрининг энг йирик касалхоналаридан бири 7- шаҳар клиник шифохонасининг нейрохирурги бўлиб ишламоқда.

25 тадан ортиқ бош миё шишларига бағишланган илмий мақолалар автори. 12 та мақоласи француз тилида чоп қилинган. Нейрохирургия соҳасида 2 та рационализаторлик ишнинг муаллифи.

Иш фаолияти давомида 3000 дан ортиқроқ мураккаб бош миё ва орқа миё операцияларини бажарди.

## ТОШТЕМИР ТОЙЛОҚОВ

Сурхондарё область Жарқўрғон район, Ленин номли колхознинг Калинин номидаги участкаси (ҳозирги Қумқўрғон район Ульянов номли совхоз) да 1939 йилнинг 4 августида колхозчи оиласида туғилди. 1970 йилдан КПСС аъзоси.

1946—53 йиллари Калинин номи етти йиллик мактабда ўқиди. 1953—1956 йиллари Жарқўрғон район Марказидаги Макаренко номи ўрта мактабда таълим олди.

1956 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг (ҳозирги Тошкент Давлат университети) физика-математика факультетига ўқишга кирди. Мазкур олий даргоҳнинг физика бўлимини 1961 йили муваффақиятли тугатди. 1961—64 йиллари Тошкент об-ҳаво бюросида инженер-синоптик бўлиб ишлади. 1965—1967 йиллари Москвадаги СССР гидрометеорология Марказида аспирантурада ўқиди. 1968 йили «Ўрта Осиё, Кавказ ва Ўрта тоғлар таъсирида об-ҳавонинг ўзгариши» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. 1968 йилдан 1972 йилнинг декабрь ойигача Ўрта Осиё регионал гидрометеорология илмий-текшириш институтида лаборатория мудури бўлиб ишлади. 1972 йилнинг декабрь ойидан 1978 йилнинг май ойигача Афғонистонда бўлиб, Қобул Давлат университетида Метеорология кафедрасини бошқарди. Афғонистон метеорология хизматида ишлаш учун 30 нафардан ортиқ олий маълумотли мутахассислар тайёрлади. 1978—83 йиллари Ўрта Осиё регионал гидрометеорология илмий текшириш институтида гидрометеорология прогнозлари бўлими (Тошкент об-ҳаво бюроси) бошлиғи., 1983 йилдан 1984 йилнинг май ойигача Ўзбекистон ССР гидрометеорология марказининг бош инженери бўлиб ишлади.

1984 йилдан ҳозиргача Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалик институти табиатни муҳофаза қилиш ва агрометеорология кафедрасини бошқариб келмоқда. Метеорологияга тааллуқли 30 дан ортиқ илмий мақолалар автори.





1955 йил 25 апрелда Бойсун район, «Работ» совхозининг Тўда қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1962—1969 йилларда Г. Титов номи 8 йиллик мактабни тугатиб, 9—10 синфларни Бойсун район В. И. Ленин номи мактаб-интернатда тугаллади. 1971—1972 йилларда Гагарин район, «Советобод» совхозининг 2 бўлимида слесарь бўлиб ишлади. 1974 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетига кириб, 1979 йилда экономист — организатор мутахассислигини эгаллади. Институт маъмурияти ёш Абдурайим-

даги иқтидорликни ҳисобга олиб уни қишлоқ хўжалик корхоналарида ишни ташкил қилиш ва планлаштириш кафедрасида ассистент сифатида олиб қолишди.

1984—1987 йилларда Бутуниттифоқ илмий текшириш экономика институтининг кундузги аспирантурасида ўқиди. «Пахтачиликда агрохимия хизмати ва унинг иқтисодий алоқалари (Сурхондарё область колхозлари мисолида)» темасида диссертация ёзиб, 1987 йил 22 сентябрь куни Москвада ҳимоя қилди.

А. Тошбоев ҳозирги кунда республика ташкилотлари тўғрисида иқтисодий ва бошқариш системалари бўйича изланишлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунгача 36 мақоласи конференция тезисларида, экспресс информацияларда, институт тўпламларида, китоб ва журналлар саҳифаларида нашр этилган.

### **ЖУМА ТОШПҮЛАТОВ**

1938 йил 19 мартда Шеробод районида туғилди. Макаренко номи ўрта мактабда ўқиди. Мактабда ўқиш даврида Ленин комсомолни сафига киради. Ушандан бошлаб мактаб жамоат ишларига актив қатнаша бошлади. Мактабда ўқиб юрган даврларда спортнинг волейбол, енгил атлетика ва кураш турлари бўйича спорт разрядига эга эди.

Спортга бўлган қизиқишини ва бу соҳада кадрларнинг камчилигини ҳисобга олиб, Ж. Тошпў-



латовга район халқ маориф бўлими Ўзбекистон давлат физкультура институтига ўқишга йўлланма берди. 1958 йили ўқишга кирди ва то 1962 йилгача у ерда таҳсил олди.

Жума Тошпўлатов 1964—1967 йилларда область комсомол комитети ҳузуридаги спорт ва оммавий-мудофаа бўлимида ишлади. 1966 йилда КПСС сафига қабул қилинди. У кишининг ташаббуси билан кўпчилик оммавий спорт мусобақалар, байрамлар ва кросс ўтказилди.

Жума Тошпўлатов 1967 йилда Термиз Давлат педагогика институти, жисмоний тарбия кафедраси мудирлигига тайинланди. У ўзининг илмий савиясини оширишни ҳам эсдан чиқармади. 1973 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти сиртқи бўлим аспирантурасига кириб ўқий бошлади. 1978 йил ноябрь ойида «Ўзбекистон ССР, Сурхондарё области педагогик коллективлари ва спорт ташкилотларининг ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларини такомиллаштиришдаги фаолиятлари» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, педагогика фанлари номзоди деган унвонга сазовор бўлди.


Институтда кафедра мудир вазифасини бажариш билан жамоатчилик ишларини олиб борди. Бир неча йил партбюро аъзоси, факультет цех партия ташкилоти секретари ва институт халқ контроли группаси раиси вазифаларида фаол ишлади.

1988 йил ноябрь ойидан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтида янгидан ташкил қилинган жисмоний тарбия назарияси ва методикаси асослари кафедрасида мудир сифатида ишламоқда.

## ХОЛМИРЗА ТОШПЎЛАТОВ

1947 йил 14 октябрда Бойсун районидаги Сайроб қишлоқ Советига қарашли Тиллақамар қишлоғида туғилди.

Мактабни битиргач, 1968 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг табиёт факультети, тарих ва география бўлимига ўқишга кирди. Институтни 1973 йилда имтиёзли диплом билан тугаллади. Студентлик йилларида факультет, институт, жамоат ишларига актив қатнашди, группادا комсорг вазифасини олиб борди. Студентларнинг илмий-назарий тўғарақларида мунтазам қатнашди. Институт маъмурияти, комсомол комитети, область касаба союзлари комитетининг мақтов ёрлиқларини олган. 1973 йил 15 августдан 15



ноябрғача Қумқўрғон районидаги Крупская номли 26-ўрта мактабда тарих ва география фанидан дарс берди. 1973 йилнинг ноябрь ойидан М. Т. Ойбек номли Термиз Давлат пединститутининг СССР тарихи ва умумий тарих кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

1976—79 йиллар давомида В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети аспирантурасида сиртдан ўқиди.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ташаббуси билан 1977 йилда нашр этилган «Ўзбекистоннинг жанубий областларида социал-иқтисодий ва маданий тараққиёт масалалари» номли илмий тўпламнинг 169- томида «Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тарихидан», 1977 йилда Тошкентдаги республика «Билим» жамияти томонидан нашр қилинган «Сурхон-Шеробод ерларини ўзлаштириш ва суғориш тарихидан» номли брошюра, 1978 йилда эса Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан нашр қилинган «Ижтимоий фанлар бўйича ёш олимлар ва мутахассисларнинг республика илмий-назарий конференцияси материаллари»да эълон қилинган «Суғориш» тўғрисидаги Ленинча ғоянинг амалга ошиши» номли илмий мақолалари диққатга сазовордир.

1988 йилда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети қошидаги тарих фанлари кандидати даражасини берувчи махсус Советда (к. 067. 02. 11) «Ўзбекистоннинг жанубида янги ерларни ўзлаштириш ва суғоришда СССР халқларининг ҳамкорлиги» (1971—1980 й) темасида тайёрлаган номзодлик ишини ҳимоя қилди.

## ТОШТЕМИР ТУРДИЕВ



1942 йилда Денов районидаги К. Маркс номли колхознинг Тўхтамиш қишлоғида туғилди.

Отадан олти ойлигида, онадан ўп ёшида етим қолди. Тоғалари оиласида яшаб, туғилиб-ўсган қишлоғидаги етти йиллик мактабни битириб, сўнгра қўшни Хўжа-соат қишлоғидаги мактаб-интернатда 10 йиллик мактабни тугаллади.

1959—1960 йилларда М. Горький номли ўрта мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1965 йилда Бухоро Давлат педагогика институтини битирди.

1965—1967 йилларда Денов районидаги «Ғалаба учун» газетасида адабий ходим, бўлим мудири, масъул секретарь вазифаларида ишлади.



Тоштемир Турдиев 1967 йилдан буён КПСС аъзосидир. У 1968—1969 йилларда Денов район партия комитети биринчи секретарь ёрдамчиси, 1970—1976 йилларда шу район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудир, 1977—1978 йилларда Денов район халқ контроли комитети раиси вазифаларида ишлади.

Айни пайтда халқ депутатлари Денов район Совети ижроия комитети секретари вазифасида ишлаётир.

Ўзининг ижодий йўлини шеър ёзишдан бошлади. Унинг биринчи шеъри «Коммунистик партиямга» 1958 йилда «Қизил Денов» район газетасида босилди. Айни пайтда у қатор публицистик ва илмий китоблар авторидир.

Тоштемир Турдиевнинг биринчи «Ёш авлодни тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг роли» китоби 1974 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган. Китобда халқ оғзаки ижодининг моҳияти, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги беқиёс роли ҳақида атрофлича фикр юритилади, фактик материаллар келтириб чуқур таҳлил этилади. Шунингдек, шу кунларда олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш, яъни коммунистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, коммунизм даври кишининг ахлоқ кодекси принципларини барқарор қилиш учун кишининг онги, руҳи ва характерга, туйғулари, одатлари ва қалбига таъсир ўтказувчи бутун тарбия системаси батариб ишлаб турмоғи лозимлиги рисолада қайд этилади.

Тоштемир Турдиев 1974 йилда «Ўзбек дostonчилигида халқ ахлоқий қарашларининг бадий ифодаси» темасида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Олим илмий ишида ўзбек дostonларида синфий зиддиятнинг акс этиши, ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида икки қарама-қарши ахлоқнинг гоявий асослари, ўзбек дostonларида халқнинг диний ахлоққа бўлган муносабатининг акс этиши, шунингдек дostonларида дўстлик, қаҳрамонлик ва ваганпарварлик гоялари каби проблематик масалаларни илмий асосда очиб беришга ҳаракат қилган.

Тоштемир Турдиев икки марта «Хурмат Белгиси» ордени, иккита «Меҳнатда ўрнатганлиги» ва «Меҳнат ветерани» медаллари нишондоридир. У уч марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.



1944 йил 1 февралда Сурхондарё область Термиз район Калинин номли колхозда туғилди.

1961 йилда Термиз районидagi Мичурин номли ўрта мактабни тамомлади. Ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларида биология ва химия фанларига жуда қизиқар эди. Шу мактабда ташкил этилган биология ва химия тўғарагида актив қатнашди. 1961 йилдан то 1963 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди.

1964 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг химия-биология факультетига ўқишга кирди. Институ-

тутда ўқиб юрган даврларида, химия кафедрасида «Раунги металлларнинг электр ўтказувчанлиги» тўғрисида иш олиб борди ва шу ҳақда химия тўғарақларида бир неча марта доклад қилди. Студентлик даврларида химия фанига қизиқиши билан биргаликда табиат фанларига ҳам қизиқди. Институтнинг III, IV, V курсларида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли марказий Ботаника боғида, кейинчалик эксперименталь биология илмий текшириш институтида илмий иш олиб бораётган олимларга ёрдамлашади. Бу иккала илмий даргоҳда ҳам биология фанининг янги соҳаси — генетика ва цитологияга жуда қизиқди.

1969 йили институтни муваффақиятли тамомлади. Институт тақсмот комиссияси унинг биология фанига қизиқишини назарга олиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ишлашга йўлланма берди.

1970 йилда Москвадаги В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академиясига қарашли И. В. Мичурин номли Марказий Генетика лабораторияси аспирантурасига кирди. 1970—1973 йилларда аспирантурада ўқиб, 1974 йил 19 март куни Ленинграддаги Н. И. Вавилов номли Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтида «Фрагария авлодига кирувчи турларнинг ўзаро чатишишидан олинган дурагайлари цитогенетик ва биологик томондан ўрганиш» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади.

Диссертацияда фанга киритилган янгиликлар асосан шундан иборатки, ҳар хил эволюцион тараққиёт босқичида вужудга келган, цитогенетек томондан бир-биридан фарқ қилувчи турларнинг ўзаро қандай чатишини аниқлаш, ёввойи турларни маданий ўсимлик турлари билан чатиштириб, қишлоқ хўжалиги учун ҳар хил касалликларга чидамли, ҳосилдор навлар етиш-

тириш йўллари назарий ва тажриба асосида аниқлашдан иборат бўлди. Агар бир авлодга кирувчи маданий ўсимлик турлари ёввойи турлар билан чатишмаса, уларга ҳар хил химиявий препаратлар таъсир эттириш йўли билан чатиштириш мумкинлиги исботланди. Бу илмий ишни бажаришда 13 дан ортиқ илмий мақола ёзди. Ҳозирги вақтда Москвадаги Бутуниттифоқ сабзавотчилик ва уруғчилик селекцияси илмий текшириш институтининг Сурхондарёдаги Урта Осиеъ полиз ва сабзавот экинларининг уруғчилиги лабораториясида мудир бўлиб ишляпти.

## ХУДОЙҚУЛ ТУРДИҚУЛОВ

(1938—1985)

1938 йил 1 сентябрда Термиз районига қарашли Қалинин номи колхозда туғилди.

У М. И. Қалинин номи колхоздаги Ленин номи мактабининг 7-синфини тугатади. Сўнг Термиз районига «Намуна» колхозига қарашли К. Маркс номи мактаб-интернатни аъло баҳолар билан тугатди.

1967 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг химия биология бўлимига ўқишга кирди. 1962 йилда институтни муваффақиятли тугатди ва ўзининг жонajoн қишлоғига ишга қайтди.

1962—63 ўқув йилида Х. Турдиқулов Ленин номи ўрта мактабда химия-биология фанидан ўқитувчи бўлиб ишлади.

Ниҳоят, В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат университети химия факультети қошидаги аспирантурага қабул қилинди.

Х. Турдиқулов аспирантурада «Лилакция оиласидаги бир неча тур ўсимликлар баъзи бир алкалоидларнинг медицинада ишлатилиши» темасида иш олиб борди. Унинг илмий ишига атоқли олим, СССР Фанлар Академиясининг академиги Обид Содиқов раҳбарлик қилди. Турдиқуловнинг ишлари, тажрибалари, жараёнида олинган моддалар медицинада рақ касалига қарши ишлатилади. 1971 йилда номзодлик диссертациясини ёзиб тугатди. Унинг шу темага оид 9 та мақоласи Москва ва Тошкентда chop этилган. 1971 йили Х. Турдиқулов М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди. 1973 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб химия фанлари номзоди деган илмий даражани олишга муваффақ бўлди.



Х. Турдиқулов илмий ишларни давом эттириб, ҳозирги кунда «Ўзбекистоннинг жанубий областларида алкалоидли ўсимликлар ва уларнинг медицинада қўлланилиши» мавзуида иш олиб бормоқда. Ушбу темага оид 4 та мақоласи «Табиий қўшилмалар химияси» журналыда босилиб чиқди.

Х. Турдиқулов институтда актив жамоатчи, меҳрибон устоз сифатида коллективда ҳурмат қозонган. Уни институт ректорати, партия ташкилоти 1977 йил кундузги бўлим табиёт факультетига декан қилиб тайинлади. 1962 йил кундузи ва сиртқи бўлимлар бириктириб юборилади. У деканлик фаолиятини янада қизғин давом эттиради.

Х. Турдиқулов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, маҳаллий партия ва Совет ташкилотларининг Фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор мукофотланди. У 1980 йили «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонига, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси унвонига сазовор бўлди. Институт олимлари ва ўқитувчиларнинг умумий йиғилишида Турдиқулов Ўзбекистон ўқитувчиларининг VI съездига делегат қилиб сайланганди.

1985 йил 1 апрелда Х. Турдиқулов айни куч-ғайратга тўлиб меҳнат қилаётган бир вақтда узоқ давом этган касалликдан вафот этди.



## РАСУЛ ТУРСУНОВ

1939 йилда Сурхондарё область Термиз шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1948 йилда Термиздаги «Правда» газетаси номи мактабда ўқиди. Р. Турсунов ўзининг ўткир зеҳнлиги, қобилиятлиги ва жамоат ишларига актив қатнашини, аъло ўқиши билан ўз ўртоқларидан ажралиб турарди. Шу мактабнинг 7-синфини 1956 йилда аъло баҳолар билан битириб, Тошкент сиёсий оқартув техникумига ўқишга кирди. У студентлик йилларида ташкилий ва жамоат ишларида актив иштирок этди. 1962 йилда ҳарбий хизмат бурчини тугатиб

қайтди. Шу йилнинг ўзида қалбига туғён уриб келган орзуси — Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетига ўқишга кирди. Р. Турсунов студентлик йилларида илмий конференцияларда, комсомол ва жамоат ишларига актив қатнашди.

Р. Турсунов 1969 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг фалсафа кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга қабул қи-

линди. Шу йилнинг ўзида СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтига аспирант бўлиб ўқишга кирди. Институтнинг Совет шарқи бўлимида илмий иш олиб борди. Шу бўлимнинг мудир, тарих фанлари доктори, профессор Нафтула Аронович Халфин раҳбарлигида у «Ўрта Осиё республикаларининг Афғонистон билан иқтисодий ва маданий алоқалари» деган темада илмий иш олиб борди.

Р. Турсунов 1972 йилнинг 6 июлида Москвада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. У ўз илмий тадқиқотида ҳозирги замонда СССР нинг бутун ривожланаётган мамлакатларга, чунончи Афғонистонга иқтисодий, маданий соҳаларда катта ёрдам, шу жумладан, бу мамлакатларга Ўрта Осиё республикаларининг қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш проблемасини очишга ҳаракат қилди.

Р. Турсунов кўп йиллик ижоди жараёнида Совет — Афғонистон муносабатларига доир кўпгина илмий, публицистик брошюралар, мақолалар эълон қилди. Айниқса, унинг илмий тўпламлар ва марказий журнал саҳифаларида чоп этилган «СССР ва Афғонистон», «СССРнинг Афғонистонга миллий кадрларни тайёрлаш», «Ўрта Осиё республикаларининг Афғонистоннинг ирригациялаштирилишида ёрдами» деган илмий мақолалари диққатга сазовордир.

Доцент Р. Турсунов ҳозирги кунда Термиз Давлат педагогика институтини, илмий коммунизм кафедрасининг мудир бўлиб ишлаб келмоқда. 1975 йилдан бери институтнинг «Билим» жамияти раиси. «Сиёсий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари» деган темада илмий тадқиқот ишларини изчил давом эттирмоқда.

## РЎЗИ ТУРСУНОВ

Рўзи Турсунов 1940 йил 20 сентябрда Сурхондарё областининг Денов (ҳозирги Олтинсой) районидаги К. Маркс номи совхозининг катта Вахшивор қишлоғида туғилган. 1970 йилдан КПСС аъзоси. 1958 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатади.

Ўқинишга бўлган қизиқиши уни 1960 йил Бухоро шаҳрига чорлайди. У Бухоро Давлат педагогика институтининг физика-математика факультети, математика-чизмачилик бўлимига сирдан ўқишга кириди. 1966 йилда институтни аъло баҳоларда тугатиб,



Денов шахрига йўлланма олади ва ўзининг севган касби педагогликни бошлайди; математика, физика, чизмачилик, астрономиядан дарс беради.

У студентлик йилларида илмий ишларга қизиқади ва ҳар йили студентларнинг илмий конференцияларига, республикалараро ташкил этилган конференцияларда ҳам қатнашади.

Ўрта мактабда ишлаб юрган вақтларида «Ўқувчиларнинг билим донрасини ривожлантиришда математиканинг роли» деган темада район математиклари йиғилишида доклад қилади ва республика ёш ўқитувчиларининг 1968 йилда Бухоро шаҳрида ташкиллаштирилган илмий-назарий методик конференциясига қатнашади.

Фанга бўлган ташналик уни Термиз Давлат педагогика институтига чорлайди ва 1972 йилда физика-математика факультетининг математика кафедрасига ишга қабул қилиниб, илмий педагогик йўналиш бўйича фанга йўл олади. 1975—1983 йилларда сиртқи бўлимда декан ўринбосари, 1983—1984 йилларда факультет партия ташкилоти секретари, 1985 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача математика ва математика ўқитиш методикаси кафедрасини бошқариб келади.

У 1975 йили «6—8 синф ўқувчиларига сферик геометрия элементларини шакллантириш» деган илмий мақола билан республика матбуотида чиқади. Бунда ўрта мактаб ўқувчиларининг ер ҳақидаги тушунчаларини реаллаштириш, хатоликларга йўл қўймаслик, борлиқни тўғри тушунишга интиштириш проблемасини олға суради.

1982 йили Тошкент Давлат педагогика институтининг «Илмий ишлар» тўпламида унинг «Математиканинг мантиқий тузилиши ҳақида ўқувчилар билимини шакллантиришнинг умумий схемаси» деган илмий мақоласи эълон қилинади.

Рўзи Турсунов «Саккиз йиллик мактаб ўқувчилар билимини шакллантиришда математик тушунча, мулоҳаза ва умумий хулоса» деган темада номзодлик диссертациясини 1985 йили Киев шаҳрида ҳимоя қилади.

Фан асосларини чуқур билган, кўп йиллик умрини ёшларни тарбиялашга бахшида қилган олим, моҳир педагог кейинги йилларда ҳам тиниб-тинчигани йўқ. У ўзининг фикр ва мулоҳазаларини ёшларга етказишда қатор методик кўрсатмалар, илмий мақолалар, тезислар билан матбуот орқали тез-тез кўриниб туради.

Р. Турсунов ҳозирги кунда мустақил ишларни такомиллаштириш проблемаси устида иш олиб бормоқда.

## САЙФУЛЛА ТУРСУНОВ

1956 йил 10 майда Шеробод район, «Партия XXIV съезди» номли колхозда туғилди. 1973 йили ўрта мактабни тамомлайди.

1973 йил Термиз Давлат педагогика институтининг тарих бўлимига ўқишга киради. 1975—1977 йилларда группа старостаси, факультет комсомол ташкилоти бюро аъзоси, институт комсомол комитети аъзоси каби вазифаларда ишлади.

1977 йил шу институтни имтиёзли диплом билан тугатади ва Шеробод районидаги М. В. Ломоносов номли мактабда тарих-жамиятшунослик ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Шу билан бирга, мактаб комсомол комитети секретари бўлиб ишлади. 1978 йил 1 январдан у яна Термиз Давлат педагогика институтининг философия ва илмий коммунизм, кейинчалик СССР тарихи ва умумий тарих кафедраларида ўқитувчилик қила бошлади. 1978 йилдан 1982 йилгача институт тайёрлов бўлимида декан ўринбосари лавозимида ишлади. 1986 йилдан 1988 йил апрелгача институт СНО сенинг раиси, 1985 йилдан институт коллекционерлари раиси, 1984 йилдан институт Археология жамияти раиси вазифаларида ишлади. Шунингдек, у область «Билим» жамияти аъзоси, 1982 йилдан 1985 йилгача факультет ётоқхонаси бўйича декан ўринбосари бўлди.

1980 йили Низомий номли Тошкент педагогика институти, тарих факультетининг сиртқи аспирантурасига ўқишга киради. 1984 йилда уни муваффақиятли тамомлайди.

1985 йил 29 майда «Ўзбекистонда янги шаҳарларнинг иктымий-иқтисодий тараққиёти тарихи»дан деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. 1980—1988 йилларда 3 та брошюра, 8 та мақола эълон қилди. «Совет мактаби», «Фан ва турмуш» журналларида илмий чиқишлар қилиб турди. Ёш олимнинг орзулари катта, у тарих фанининг қатор муаммоларини очиб соҳида тинмай изланмоқда.





1941 йил Жарқўрғон райониди туғилди. 1955 йил Калинин номили тўлиқсиз ўрта мактабнинг 7-синфини, 1958 йил эса, район марказидаги Макаренко номили 2-сон ўрта мактабни тугатди. Ж. Тўраев мустақил ҳаётни ишлаб чиқаришдан бошлади. У колхозда 2 йил радист бўлиб ишлади.

1960—1965 йиллар давомида Тожикистон қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетиди таҳсил кўрди.

1967 йилнинг охиригача агроном бўлиб ишлади. 1968 йил Тожикистон қишлоқ хўжалик институтининг пахтачилик кафедраси қошидаги аспирантурага кирди. Кафедра мудири қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Я. Д. Нагибин раҳбарлигида «Серҳосил ва юқори сифатли дурагай формалар олишда госсипиум турига мансуб бир хил турдаги гўзаларни гирбидизациялаш усулларидан фойдаланиш» деган темада илмий иш олиб борди.

1971—1974 йил февраль ойигача Тожикистон қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтининг гўза генетикаси бўлимида илмий ходим бўлиб ишлади.

1973 йили сентябрь ойида унинг илмий тадқиқотлари юқори баҳоланди ва қишлоқ хўжалик фанлари номзоди деган илмий даража берилди. Олиб борилган илмий хузагишлар гирбидизациялаш усуллари билан ҳосил қилинган гўза дурагайлариининг кейинги авлодлари серҳосиллиги, эртапишарлиги билан ажралиб туради.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликка дахлдор бўлган бу ишни давом эттириш олимнинг бирдан бир режасига айланди. 1974 йил февралдан бошлаб Г. С. Зайцев номидаги Бунитифоқ гўза селекцияси ва уруғчилик илмий тадқиқот институтининг етакчи бўлимларидан бирида катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлади.

Бу ерда унга СССР Давлат мукофоти лауреати, таниқли селекционер марҳум Ю. Т. Хуторной ҳамкорлик қилди. Улар ипак пахта навларини яхшилаш юзасидан бир қанча тажрибалар ўтказишди. У мазкур бўлимда 1979 йил март ойигача ишлади.

Сурхондарё область Жарқўрғон райониди «Сурхон» экспериментал хўжалигида ташкил этилган махсус селекция хўжалигида селекция ишлари олиб борди. Участкада Сурхондарё иқлим шаронтида янги ипак пахта навлари синаш, қайта ишлаш, такомиллаштириш ва кўпайтириш мавзусида иш олиб борди. Тажри-



ба чоғида «С—6036», «С—6037», «С—6038», «С—6039» ва «С—6040» каби юқори сортли навларни тажрибада синаш ва зона иқлим шароитида ўсган серҳосил индивидуал гўзаларни танлаш, уни қайта экиб, кўпайтириш йўллари қўлланди. Бундан ташқари, янги навлар ҳар хил зичликда экилиб, уларнинг қайси зичликда ҳосил олиш имконияти ўрганилди.

Жуманазар Тўраев 1979 йилдан бери Қумқўрғон район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасида меҳнат қилмоқда. У дастлаб бошқарма бош агрономи бўлиб ишлади. «Ўзсельхозхимия» район бирлашмасининг раиси ва кейинчалик унинг ўринбосари бўлди. Мутахассис сифатида пахтачиликни ривожлантиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқда.

## ЙУЛДОШ ТЎРАЕВ

1938 йили Шўрчи районидаги А. А. Жданов номли колхозда туғилди. Унинг отаси Қўлдошев Тўра коллективлаштириш даврида фаол иштирок этган. Й. Тўраев Шўрчи районидаги 8-ўрта мактабни 1958 йили тугатди. У меҳнат фаолиятини пахтачилик бригадасида табелчиликдан бошлади. 1959 йил Бухоро Давлат педагогика институти физика-математика факультети физика ва умумтехника асослари бўлимига ўқишга кириб, 1964 йили уни муваффақиятли тугатди.

Студентлик даврида шу институт оптика-электроника кафедрасида профессор М. Н. Раҳматов раҳбарлигида лаборант вазифасида ишлади ва «Сурхон воҳаси нефтининг нурланиши» деган темадаги биринчи илмий мақоласини 1964 йилда эълон қилди.

1964—1972 йиллар давомида Шўрчи районидаги интернат мактабда, кейинчалик 8-ўрта мактабда физика-математика ўқитувчиси бўлиб ишлади ва илмий изланишни давом эттирди.

Шу йиллари республика ўқитувчилари педагогика ўқишлари, иттифоқ миқёсида ўтказилган мактабда физика ўқитилиши масалаларига доир илмий-назарий конференция ва семинарларда ўз фикр ва мулоҳазалари билан чиқишлар қилди.

1973 йилдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институти физика-математика факультетига ўқитувчи бўлиб ишга ўтди.



Ўзбекистон ССР педагогика фанлари илмий текшириш институти физика ва агрономия ўқитиш методикаси секториди СССР педагогика фанлари аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор Э. Қодиров раҳбарлигида физика ўқитиш методикасининг актуал масалаларидан бири бўлган «Ўрта мактабда физика курсини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш» деган темада илмий изланиш олиб борди. 1982 йил сентябрь ойида И. Тўраев юқоридаги темада В. И. Ленин номи Озарбайжон педагогика институти илмий Советида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

И. Тўраевнинг фаолиятида йирик физик методист олимлардан В. Г. Розуновский, И. К. Шахмаев, С. Ш. Иманов, Р. А. Усова, Э. Чорнев, Э. Турдиқуловларнинг қимматли маслаҳатлари асосий роль ўйнади.



## СҮЮН ТҶРАЕВ

1941 йил 22 декабрда Бойсун районидаги Даштиғоз қишлоғида туғилди.

1948—1955 йиллар давомида Бойсун районидаги Коммунизм номи 31-мактабда етти йиллик маълумот олган. 1955—58 йилларда шу райондаги 1-ўрта мактабни тугатди. С. Тўраев ўрта мактабда ўқиб юрган вақтдаёқ математика фанига алоҳида меҳр қўйди.

У 1958 йили Қарши Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. С. Тўраев институтда ҳам ўзининг яхши хулқи ва

илмга тиришқоқлиги билан студентлар ҳамда ўқитувчилар коллективининг эътиборини қозонди. У 1963 йилда шу институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, Бойсун районуна ишга келди.

1963 йилдан бошлаб Бойсун районунаги 31-ўрта мактабда математика ва физика ўқитувчиси бўлиб ишлади. Сўнг Термиз Давлат педагогика институтига ўқитувчи бўлиб конкурсдан ўтди.

1971 йилдан Термиз Давлат педагогика институти математика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб бошлади.

Суюн Тўраевнинг «Алгебрадан такрорлаш, умумлаштириш дарслари» мактаб ўқитувчилари учун методик қўлланмаси 1977 йилда «Ўқитувчи» нашриётида босилиб чиқди.

1978 йил 16 майда «Саккиз йиллик мактаб алгебрасида так-  
порлашнинг методик хусусиятлари» деган темада педагогик  
фанлари номзоди деган илмий даража олиш учун Низомий ном-  
ли Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий Советида  
номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 1979 йилдан Давлат  
педагогика институти физика-математика факультетининг декан  
ўринбосари бўлиб ишлаб бoшлади.

С. Тўраев 1979 йил 1 сентябрдан бошлаб институт илмий Со-  
вет аъзоси бўлди.

## ХУДОЙҚУЛ ТЎРАЕВ

1948 йилда Сурхондарё об-  
ласть Жарқўрғон район, Қумқўр-  
ғон қишлоқ Советига қарашли  
«Москва» колхозида туғилди.  
1966 йилда ўрта мактабни туга-  
тиб, Қарши Давлат педагогика  
институтининг тарих-география  
бўлимига ўқишга кирди ва унн  
1971 йили имтиёзли диплом би-  
лан битирди.

III курсда унинг «Москва»  
колхозининг юксалиш сабаблари»  
деган (доц. К. Абдуллаев ҳамкор-  
лигида) биринчи илмий мақола-  
си профессорлар ва ўқитувчилар  
илмий тўпламида эълон қилин-  
ди. Доцент А. Рўзиев ёрдамида  
«Жанубий Сурхон сув омбори» деб номланувчи иккинчи илмий  
мақоласи 1970 йили «Профессор ва ўқитувчиларнинг Республика  
илмий-назарий конференцияси» тўпламида нашр этилди. 1969  
йилда — тўртинчи курсда партия сафига қабул қилинди.

1968—1971 йиллар мобайнида институт касаба союзлари сту-  
дентлар жамиятининг раиси лавозимида ишлади.

1971 йили институтни тугатиб, ЎзССР Маориф министрлиги  
йўлланмаси билан Термиз Давлат педагогика институтининг  
Партия тарихи ва СССР тарихидан дарс бера бошлади.

1972 йилнинг январь ойида кундузги аспирантурага қабул  
қилинди. 1974 йили ТошДУ Ўзбекистон халқлари тарихи кафедр-  
аси қошида, тарих фанлари доктори, профессор Отабой Соди-  
қов илмий раҳбарлигида «Ўзбекистонда коммунистик жамият  
қурилиши даврида матлубот кооперациясининг тараққиёти»  
мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя  
қилди.



Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 9, 10, 11, 12 томларида Худойкул Тўраевнинг Ўзбекистон ёшларининг чет мамлакатлар ёшлари билан ҳар томонлама алоқаларига оид 50 дан ортиқ мақоласи жой олди. Ўзбекистон ЛКСМ МК да ишлаб юрган вақтида 50 дан ортиқ илмий мақола, 3 брошюра чиқаришга муваффақ бўлди.

1978 йилда СССР Фанлари академиясига қарашли тарих институти қошидаги СССР халқлари тарихи секторида шу институтнинг директори, академик А. Л. Нарочницкий, академик В. П. Шерстобитов раҳбарликларида «Интернациональные связи молодежи республик Средней Азии в период зрелого социализма» деган мавзуда докторлик диссертацияси устида иш бошланди. У 1980 йилнинг 22 августида Тошкент политехника институтининг илмий коммунизм кафедрасига катта ўқитувчи этиб тайинланди.

Худойкул Тўраевнинг хизматлари партия ва ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди: 1982 йилда «Ўзбекистон ёшларининг халқаро алоқалари» мавзудаги ишига Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми, 1982 йилда «Ўзбекистон Фанлар академиясининг лауреати» унвонини, 1983 йилда эса «Участие ленинского комсомола Узбекистана в развитии интернациональных связей молодёжи в условиях социализма» («Фан», 1982) монографияси учун СССР Фанлар Академияси ва ВЛКСМ Марказий Комитети «Лауреати Всесоюзного премии молодых ученых и специалистов по общественным наукам» унвонини беришди.

Х. Тўраев шу кунга қадар 120 та илмий мақола, 15 брошюра, 5 та монография чоп эттирди.

## ЭРГАШ ТУРАЕВ



1953 йил 28 июнда Денов районидаги «Ғалаба» колхозида туғилган. У 1969 йили А. Навоий номи 24-ўрта мактабин олтин медаль билан битирган.

Эргаш Тўраев кўпроқ аниқ фанларга, яъни физика, математика, химия фанларига қизиқарди. У физика фани бўйича икки марта область ўқувчилари олимпиадасига қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган эди. Ана шу қизиқишлар уни Тошкент Давлат университетининг физика факультетига етаклади. Қириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Эргаш иккинчи курсда ўқиб

юрган пайтидаёқ факультет қошида очилган ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси проблемалари лабораториясига

қатнаб, шу соҳадаги йирик совет олимларининг илмий ишлари билан танишиб борди.

Ҳар йили фақат аълочи студентлар Совет Иттифоқининг фан марказлари бўлмиш Москва ва Ленинград шаҳарларида диплом иши бажаришар эди.

Ана шундай бахт, яъни Ленинград шаҳридаги жаҳонга машҳур физика-математика институтида диплом иши бажариш Эргашга ҳам насиб бўлди.

Эргаш Тўраев Ленинграддан диплом ишини бажариб қайтаётганида унинг иккита мақоласи Бутуниттифоқ илмий журналларида босилиб чиқди.

Унинг диплом иши ҳам ўзи севган ярим ўтказгичлар физикаси соҳасидан эди. 1974 йили ёзида диплом ишини аъло баҳога ҳимоя қилган Эргаш Тўраевни Тошкентдаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника институтига ишга юборишди.

1974 йили октябрь ойида Эргаш Тўраевни яна Ленинградга, ўзи севган ва диплом ишини бажарган физика-техника институтига стажёр-тадқиқотчи қилиб юбордилар.

Бир йилдан кейин аспирантурага муваффақиятли кириб олган Эргаш шу институтда лаборатория мудир, физика-математика фанлари доктори, профессор А. А. Андреев раҳбарлигида аморф ва кристалл ярим ўтказгичларнинг электрофизик ва структуравий хусусиятларини ўргана бошлади.

Ҳозирги замон физикасининг актуал проблемаларидан бири билан шуғулланган Эргаш ўз ишлари натижасини 3 та халқаро ва 2 та Бутуниттифоқ илмий конференцияларда доклад қилиб берди.

1980 йил 24 ноябрь Ленинграддаги политехника институти илмий Советида Эргаш Тўраев «AIII — Те, AIV — Те ва A — Те системаларидаги Эвтектик ярим ўтказгичларнинг электрик ва структуравий хусусиятларини ўрганиш» деган темадаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди. Эргаш Тўраев ишининг актуаллиги шундан иборатки, у электрон ҳисоблаш машиналарининг хотира блоки ясаладиган материалларнинг янги турларини кашф қилди. У ўзининг фаолияти давомида ҳозиргача 30 дан ортиқ илмий мақола эълон қилган. Унинг келгусидаги режаси физиканинг ана шу актуал масалаларни устида яна ишлашдир.

Еш олим Термиз Давлат педагогика институтининг физика кафедрасида мудир бўлиб ишлаб, ёшларга физика фанининг муваффақиятларини, бу фан қудратини тушуниб етишларида кўмаклашмоқда.



У 1956 йил 17 декабрда Сурхондарё област, Денов районидаги С. Раҳимов номли колхозда туғилди. 1973 йил 14-сон Муқимий номли ўрта мактабни муваффақиятли тамомлади. 1974 йилда Термиз Давлат педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кириб, 1978 йилда ўқишни имтиёзли диплом билан битирди.

1978—1980 йилларда 14-сон Муқимий номли ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1980—1983 йилларда УзФА Кибернетика институтинда кундузги аспирантура бўлимида

таълим олди. 1984 йилдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтинда ишламоқда. 1989 йилда «Амалий программалар маҳсулотлари учун баҳолар ва нормативлар» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳозирги вақтда халқ ҳўжалигининг интенсив ривожланиши ва унда компьютерлардан фойдаланишнинг кенг йўлга қўйилиши муносабати билан ҳисоблаш марказлари ва бошқа программа маҳсулотлари яратувчи ташкилотлар ишини нормативлар ва баҳолар орқали такомиллаштириш зарур бўлиб қолмоқда.

Мазкур илмий ишда бу масалалар, программалар мураккаблигини Меккейбе Т. метрикаси воситасида ўлчаниб, эмпирик формула ва модификациялашган деталь КОМОСТ ёрдамида ҳал қилинган.

Асосий илмий ишлари:

1. «АСУ эффективлигининг факторли анализи», Иловали илмий доклад, М., ГКАТ., СССР., ВНИИПОУ, 1982 (Автордош).

2. «Программалар таъминлаш бўйича ишлар ва хизматлар классификаторлари ҳақида», «АСУ ва автоматлаштириш бўйича ёш олимлар ва мутахассисларнинг 9-республика мактаби» тўплами, 1-қисм, Тошкент, 1984 йил.

3. «Экспертлар учун савол-жавоб анкетаси». «АСУ ва автоматлаштириш бўйича ёш олимлар ва мутахассисларнинг 9-республика мактаби» тўплами, 1-қисм, Тошкент, 1984 йил.

4. Таърифлар бўйича мавжуд методикаларнинг танқидий анализи». «Сурхондарёлик ёш олимлар ва мутахассисларнинг Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференцияси докладлари тезислари» тўплами. Термиз, 1987 йил.

5. «Нормативлар учун эмпирик формула». «РАУС масалалари» тўплами, Тошкент, 1988 йил.

## ИСРОИЛ УМИРОВ

1958 йил 18 августда Сурхондарё область, Денов районидаги С. Раҳимов номли колхозда туғилди. У 1974 йилда шу колхоздаги Муқимий номли 14-ўрта мактабни битирди ва Самарқанд Давлат медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди.

1980 йил институтни муваффақиятли битирди. 1980 йилдан бошлаб Тошкент Давлат медицина институтининг патологик анатомия кафедрасида ассистент бўлиб ишламоқда.

1988 йили «Трансплантацион иммунитетнинг ривожланишида аденогипофиз соматотропоцитларнинг реакцияси» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу илмий тадқиқотда органларни кўчириб ўтказиш шароитида аденогипофиз ҳужайраларидаги ўзгаришни ўрганиш ҳозирги замон медицинасида муҳим аҳамиятга эгаллиги ва иммунитетнинг боришида гармонларнинг роли аниқлаб берилди.

Асосий илмий, ишлари:

1. «Трансплантацион иммунитетнинг ривожланишида нейтро-эндокрин системанинг реакцияси». (VII Бутуниттифоқ патологоанатомлар съездининг докладлар тезиси.— Тошкент, 1983.) Я. Ю. Утепов, Э. И. Журавлева, О. А. Мухина ва Х. З. Турсунов билан ҳамкорликда).

2. «Қлиникада буйракнинг аллотрансплантациясида аденогипофизнинг ультраструктураси» («Трансплантология ва иммуносупрессия масалалари» тўпламида.— Тошкент, 1983 й). М. С. Абдуллаҳўжаева, Я. Ю. Утепов, Г. А. Полякова, Р. А. Полякова, Р. И. Исроилов билан ҳамкорликда).



## БЕКПУЛАТ УМУРҚУЛОВ



1949 йил 25 мартда Сурхондарё область Бойсун районидаги Мачай қишлоғида туғилди. 1966 йилда Бойсун районидаги В. И. Ленин номи 1-ўрта мактабни тугатди. Она тили ва адабиётга ҳавас уйғотган илк устозлари Мачай қишлоғидаги А. Икромов номи 46-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Менгли Эргашев ва Термиз Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати Жаббор Эсоповдир.

Б. Умурқулов ўрта мактабни тугатгач, 1966—1967 ўқув йили-да Шеробод районидаги Н. К. Крупская номи 3-ўрта мактабда пионер вожатий бўлиб ишлади. 1967 йилда Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кириб, 1971 йил шу факультетнинг ўзбек тили ва адабиёти бўлимини тугатди. 1971 йил август ойдан 1972 йилнинг май ойигача Гагарин районидаги «Меҳнат зафари» газетасида катта адабий ходим бўлиб ишлади. 1972 йил май ойдан 1973 йил июнь ойигача Совет Армияси сафида хизматда бўлди. 1973—1976 йиллар давомида Гагарин районидаги В. И. Ленин номи 1-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дars берди.

Тил ва адабиёт фанига бўлган ҳавас Б. Умурқуловни Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтига етаклаб келди. 1977 йилдан шу институтнинг нутқ маданияти бўлимида илмий ходим бўлиб ишлади. Б. Умурқулов илмий иш билан биргаликда педагогик фаолиятни ҳам қўшиб олиб бормоқда. У бир неча йиллардан буён Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтида соатбай дars беради.

1987 йилдан М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, 1988 йилдан «Бошланғич синф тиллари ва адабиёти» кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика факультети деканининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

Б. Умурқулов 1983 йилдан филология фанлари номзоди Э. Бегматов раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек поэзиясининг лексик хусусиятлари» номи номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. У бу темани ишлаш билан ўзбек тилшунослигининг долзарб, ақтуал масалаларидан бирини — бадиий асар тилини стилистик жиҳатдан ўрганиш масаласини қайта



ўртага ташлади. Бадий асар тилини стилистик планда ўрганиш соҳасида ўзбек тилшунослигида 60-йилларнинг охири, 70-йилларнинг бошида бир қатор ишлар майдонга келганди. Кейинчалик бу соҳа тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

«Ҳозирги ўзбек поэзиясининг лексик хусусиятлари» мавзусининг актуаллиги шундан иборатки, аввало ўзбек шеърлятида актив қўлланадиган кўпгина сўз ва грамматик формалар асосан поэтик нутқ учун хос бўлиб нутқнинг бошқа турларида улар деярли қўлланилмайди ёки кам миқдорда ишлатилади. Шундай экан, бу лексик воситаларнинг шу нутқ жараёнида бажарадиган вазифасини, уларни нутқнинг ушбу турида актив қўлланиш сабабларини ўрганиш актуал масалалардан биридир.

## ҚУВОНДИҚ УСМОНОВ

(1941—1989)

1941 йил 3 ноябрда Термиз районидаги Пахтаобод қишлоғида туғилди. Педагоглар оиласида тарбия топган Қувондиқ 1948 йил Пахтаобод қишлоғидаги С. М. Киров номи ўрта мактабга 1-синфига ўқишга қабул қилинди.

1958 йил мактабни тугатганидан сўнг икки йил Термиз районидаги «Намуна» колхозининг боғдорчилик бригадасида табелчилик қилди.

1961—1965 йилларда Бухоро Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига, математика-чизмачилик бўлимига ўқишга кирди. Студентлик йилларининг дастлабки кунларида бошлаб геометрия фани ва чизмачиликка ҳаваси ортди.

1965 йили институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, туғилиб ўсган жойи Сурхондарёга йўлланма олди.

Қ. Усмонов Термиз районидаги «Правда» газетаси номи ўрта мактабда 1965—1967 йилларда математика-чизмачилик фанларидан ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1968 йили М. Т. Ойбек номи Термиз Давлат педагогика институтига ишга кирди ва геометрия фанидан дарс бера бошлади. Шу билан биргаликда, ўқитиш методикаси бўйича илмий изланишлар олиб борди ва бу изланишларни умумлаштириш мақсадида Тошкент Давлат институтининг аспирантурасига ўқишга кирди.

Қ. Усмоновнинг илмий ишига республикада хизмат кўрсат-



ган фан арбоби, математика ўқитиш, методикаси кафедрасининг профессори Р. Қ. Отахонов раҳбарлик қилди. У кишининг илмий иши Р. Қ. Отахоновнинг «Текисликда геометрик фигуралар яшаш методлари» бўйича қилган ишининг давоми ҳисобланади. Унда геометрик яшашлар фазода қаралади. Кандидатлик диссертациясининг актуаллиги шундан иборатки, унда геометрик алмаштиришлар ғоясига асосий эътибор берилиб, унга доир масалалар ечиш ўқувчиларни аниқ фазовий тасаввур ҳосил қилишга ундайди.


Илмий мақолалари Тошкент ва Термиз Давлат педагогика институтининг илмий тўғламида босилган ва «Совет мактаби» журнали саҳифаларида чиққан. Методик мазмундаги ишлари мактаб геометрия предметининг мазмунли ўқитилишига ёрдам беради.

Қ. Усмонов студентларда марксча-ленинча илмий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг келажакда моҳир педагог бўлиб чиқишлари ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашга ҳисса қўшишлари йўлида тинмай қайғурди.

1983 йилда Киевда «Стерлометри» курсида масалалар ечиш йўли билан геометрик алмаштиришларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш» деган темада диссертация ёқлади.

Қ. Усмонов ўзининг оддийлиги ва камтарлиги билан институт ўқитувчилари ва студентлар орасида ҳамisha ҳурмат қозониб келган эди.

Қ. Усмонов 1968 йилдан бери Термиз Давлат педагогика институтининг математика кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келаятганди. Унинг ушалмай қолган орзуларини фарзандлари ва шогирдлари давом эттирмақдалар.



## ТАСБАУ УСТЕМИРОВ

1931 йилнинг 20 июнида Тошкент шаҳрида ишчи оиласида дунёга келди. Уша пайтларда уларнинг оиласида битта ҳам саводли киши йўқ эди. Совет давлати ва жонажон Коммунистик партиямизнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли Тасбау билим олиш ҳуқуқига эга бўлди. У биринчи синфга Тошкент шаҳар, Қуйбишев районидаги М. Горький номи 86-ўрта мактабга қатнади ва шу мактабнинг еттивчи синфиини 1945 йилда битирди. Тасбау мактабда ўқиб юрган пайтларида шеър ёзишга қизиқарди. Бунга адабиёт ўқитувчиси Олимжон аканинг ҳиссаси катта эди.

Уша вақтда Устемировлар оиласи Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтининг марказий селекция станциясида яшар эди. Кейинчалик Устемировда бўлган бу қизиқиш уни Тошкент қишлоқ хўжалик техникумининг агрономия бўлимига ўқишга киришига етаклади.

1948 йил техникумни битириб, агроном деган унвонга сазовор бўлди. Бир йил агроном бўлиб ишлади. 1949 йил Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг йўлланмаси ва шу институтнинг қоракўлчилик факультетида ўқийди. Бу институт мамлакатимиздаги йирик олий ўқув даргоҳларидан бири. Бу ерда у академик В. М. Юдин, профессорлар Боголюский, Монтайфель, Панин ва бошқа кўплаб йирик олимлардан билим олди.

1953 йили Москвадаги Ломоносов номли университетда бўлган студентлар илмий конференциясида «Қоракўл қўйларининг умрини узайтириш» деган темадаги илмий иши ва доклади учун унга СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлигининг мақтов қозоғини топширдилар.

1954 йилда институтни битириб, Самарқанд область, Нурота районидаги «Қизилча» номли қоракўлчилик колхозига бош зоотехник қилиб тайинланди ва бу ерда уч йил ишлади. Т. Устемиров 1957 йилда Ўзбекистон совхозлар бош бошқармаси таклифига асосан Сурхондарё область Бойсун районидаги «Бойсун» совхозига бош зоотехник вазифасига кўчирилди ва 1958 йилдан 1962 йилгача шу совхозда директор бўлиб ишлади. «Бойсун» совхозида ишлар экан, у шу ердаги сермахсул ҳисори қўйлар билан қизиқди.

Тасбау Панишевич Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтига сиртдан аспирантурага кирди ва ҳисори қўйларни чуқур ўрганишга киришди. Унга бу ишда илмий раҳбари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган зоотехник, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Петр Филиппович Кияткин катта ёрдам берди. Т. Устемиров 1970 йилда Олмаота шаҳридаги зооветеринария институтида «Ҳисори қўйларни яйловда ва бўрдоқи қилиб боқишда ўсиш ва семиртиш қобилияти» деган темада диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Т. Устемиров Сурхондарё областида ҳисори қўйларни кўнай-тириш бўйича тавсиялар нашр эттирди. Бундан ташқари, Сурхондарё областида қоракўл қўйларнинг қўзисини онасидан эрта ажратиш бўйича тавсия эълон қилди.

Бу тавсиялар областимизда ҳисори ва қоракўл қўйларни ривожлантиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга ёрдам берди.

Тасбау Панишевич Устемиров узоқ йиллар область матлубот жамияти правлениесининг қишлоқ хўжалиги бўйича раис ўринбосари бўлиб ишлади.

Ҳозирда у Термиз қишлоқ хўжалиги техникумининг ўқитувчисидир.

## ИСМОИЛ ХАЙРУТДИНОВ (1928—1982)



1928 йил Татаристон АССР-нинг Нижне-Алькиевский районидаги Средней-Алькиево қишлоғида туғилди. Хайрутдиновнинг отаси ва онаси 1934 йилгача шу қишлоқда яшади. 1934 йили Хайрутдиновлар оиласи Ўзбекистон ССР нинг Термиз шаҳрига кўчиб келишди. Улғайиб қолган ёш Исмоилни онаси Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли мактабга ўқишга берди. Зеҳдли, қобилиятли Исмоил мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ математика фанига қизиқиб, мисолларни ечишда ўзи мустақил ҳаракат қилар ва ўртоқларидан аввал жавобини чиқариб қўяр эди.

1942 йили Хайрутдинов мактабнинг еттинчи синфини муваффақиятли тугатди. Шу йилнинг ўзида Термиз шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кирди. Ўқиш билан биргаликда ўзи мустақил шуғулланиб борди. И. Хайрутдинов билим юртини намунали тугатиб, 1943 йили Бухоро давлат педагогика институти физика-математика факультетига ўқишга кирди.

Ўқиш давомида институт жамоат ишларида актив қатнашди. Илмий конференцияларда бир неча бор докладлар ўқиди.

Хайрутдинов 1947 йили институтни аъло тугатиб, маориф бошқармаси йўлланмаси билан Термиз шаҳар «Правда» газетаси номли мактабга ишга келди.

1949—50 йиллар мобайнида шу мактабнинг илмий бўлим мудирлиги лавозимида ишлади. 1950 йили Хайрутдинов Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Хизматдан қайтгач Хайрутдинов саккиз ой Татаристон АССРда Янгуловский районидаги ўрта мактабда ўқитувчи ва мактабнинг илмий бўлим мудирлиги бўлиб ишлади. У 1953 йилнинг охирида яна Термиз шаҳар «Правда» газетаси номли мактабга ишга қайтди. Бу мактабда 1953—54 йиллар давомида мактаб илмий бўлим мудирлиги лавозимида ишлади.

1954 йил тажрибали ўқитувчи Хайрутдинов Термиз шаҳрида очилган Термиз Давлат педагогика институтига ишга чақирилди. Шу институтда 1954 йилдан 1959 йилгача таълим берди. Бу йиллар давомида институт ташкилий ишларида актив қатнашди, бир неча йил местком раиси бўлди.

1959 йил Тожикистон ССР Душанбе давлат педагогика институти, олий математика кафедраси қошидаги аспирантурага

ўқишга кирди. «Дифференциал тенгламалар системасининг чексиз узоқлашган махсус нуқталари» деган темада илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Хайрутдинов ўз зиммасига олган номзодлик диссертациясини муддатидан илгари ёзиб тугатди. Аспирантурада ўқиб юрган кезларида «Дифференциал тенгламалар системасининг турли хил махсус нуқталарининг Пуанкаре сферасида бирга туриши» деган китобини ёзиб тугатди. Бу иш Душанбе давлат педагогика институти илмий Совети тавсияси билан алоҳида китоб сифатида босмадан чиқарилди.

Аспирантурани муваффақиятли тугатиб, Тожикистон Давлат қишлоқ хўжалик институтига ўқишга келди. У дарс бериш билан бир қаторда илмий ишлар ҳам олиб борди. Бу йиллар давомида бир қанча илмий ишлар ёзиб чиқди. Шулардан «Битта дифференциал тенглама махсус кўникмаларнинг тақсимоли» шунингдек, «Марказнинг бир ҳолати» номли илмий ишини 1964 йилда ёзди. Шу йили у физика-математика фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди.

У бир неча марта илмий докладлар билан Бутуниттифоқ конференцияларида иштирок этди. «Дифференциал тенгламаларнинг асосий қондалари ва дифференциал тенгламалар темасида дарс бериш методикаси» докладлари билан Самарқанд, Рязань шаҳарларидаги педагогика институтларида ўтказилган Бутуниттифоқ илмий конференцияларда иштирок этди.

Қалби меҳнат, одамийлик, яхшилик иштиёқи билан ёнган доцент И. Хайрутдиновнинг жўшқин фаолияти 1982 йилда тўсатдан тўхтади. Аммо унинг фан йўлидаги фидойиликлари шоғирдлари қалбида бир умр сақланиб қолади.

## НУРМУҲАММАД ХОЛЛИЕВ

1944 йил 16 апрелда Ангор районидаги «Қизил юлдуз» колхозида туғилган. Отаси Искандар Холлиев савод чиқариш курсини битириб, янги тузум қурилишида актив қатнашган ва ҳақли равишда фаол деб ном олган кишилардан эди.

У коллективлаштириш йилларида «Янги турмуш» колхозини тузган ва унга раислик қилган. Турли даврларда қишлоқ Совети, район молия бўлимида ишлаган. У умрининг охиригача илм-маърифатга интилди, болаларини ҳам фан-техника асрига ҳамнафас қилди.



«Урмуҳаммад 1952—1962 йилларда Ломоносов номидаги ўрта мактабда ўқиди. У 1962 йилда ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди.

У 1963—1966 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. Хизматдан қайтгач, ўқишни давом эттирди. 1969 йили ўқишни битириб, «Ўқитувчи» нашриётига кичик редактор бўлиб ишга кирди. «Шарқ Юлдузи» журнали қошидаги адабий-танқидий тўғаракка қатнаша бошлади. Журналлардан унга Қайсин Қулиевнинг ўзбек тилида чиққан «Гул ва Ханжар» тўпламига тақриз ёзишга буюртма берилди. Тақриз «Шарқ Юлдузи»нинг 1970 йил 6-сонига «Гулдан тикон» номи билан босилиб чиқди.

Шундан кейин унинг мақолалари «Шарқ Юлдузи», «Ўзбекистон маданияти», «Ўқитувчилар газетаси», «Гулхан», «Тошкент оқшоми», «Гулистон», «Тошкент ҳақиқати» каби газета ва журналларнинг саҳифаларида пайдо бўла бошлади.

Илмий ишга иштиёқ уни Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига (ҳозир Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти) олиб келди. 1970—1974 йиллар давомида Н. Холлиев кичик илмий ходим сифатида ишлаб, вафот этган ўзбек совет ёзувчиларининг ҳаётига доир кўплаб архив материалларини йиғишга муяссар бўлди.

Ёзиш ва чоп этиш иштиёқи уни яна нашриётлар сари ундади. 1974—1977 йилларда «Ўзбекистон» нашриётида катта редактор бўлиб ишлади. 1977 йилдан эса «Ўқитувчи» нашриётида катта редактор вазифасига ишга ўтди.


Н. Холлиевнинг ҳозирги ўзбек адабиёти ҳақидаги мақолаларидан номзодлик диссертацияси учун оригинал мавзу келиб чиқди. У «Ҳозирги ўзбек қиссаларидаги образлар типологияси» мавзuida номзодлик диссертациясини 1979 йил май ойида ҳимоя қилди. Унга Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, доцент Озод Шарафутдинов илмий раҳбарлик қилди.

Совет Иттифоқида мазкур диссертациядан бошқа образлар типологиясига оид жиддий иш ҳанузгача йўқ. Бунинг устига Н. Холлиев айни қайнаб турган ҳозирги адабий жараёнга қўл уриб, уни системалаштиришга ҳаракат қилди. Диссертация катта илмий тадқиқот — бадий адабиётдаги образлар системасини яратишга йўл очди. Ҳозиргача Н. Холлиевнинг 10 га яқин китоби чоп этилди. Булар «Ижтимоий проблема ва бадий образ» (1977), «Илмий-техника революцияси ва адабиётда инсон тасвири» (1979), «Оҳангдаги образлар» (1981) ва бошқалар.

Н. Холлиевнинг республика марказий газета ва журналларида 50 дан ортиқ адабий-танқидий мақолалари босилиб чиққан. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги адабий жараённинг ўзига хосликлари, анъаналар ва янгиликлари тўғрисида ҳикоя қилади. У 1983 йили СССР Журналистлар союзига, 1989 йили СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди.

Ҳозирда Н. Холлиев Тошкент Автомобиль-йўл институти ўзбек тили кафедрасида ишламоқда.

1957 йил 9 апрелда Шўрчи районидagi «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозида туғилган. 1974 йили ўрта мактабни тугаллаб, Тошкентдаги А. Р. Беруний номидаги политехника институтининг механика факультетига ўқишга кирган.



1979 йили институтни тамомлагандан сўнг, йўлланма билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга борди. У ерда сифатни бошқариш лабораториясига инженер-технолог лавозимига ишга қабул қилинди. Иш даврида институт жамоат ишларида, хусусан; «Маҳсулот сифатини бошқариш методологик асосларини ишлаб чиқиш» темасидаги тадқиқот ишларида қатнашди.

1981 йилдан бошлаб стажёр-тадқиқотчи лавозимига ўтди ва бевосита техника фанлари доктори Н. А. Мўминов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бора бошлади. Металл қирқиш станокларида аниқлик ва унумдорликни ошириш масалалари билан шуғулланди. Бунда асосан математик моделлаштириш ёрдамида ЭҲМларда технологик жараёнларни кузата бошлади.

Бундан ташқари, у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида очилган чет тили ва фалсафа курсларига қатнади.

1982 йилда Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги аспирантуранинг 05. 13. 01 мутахассислиги бўйича кундузги бўлимига ҳужжат топширди ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди. Шундан кейин илмий ишини давом эттириш учун Москва шаҳридаги Мостанкин институтига командировка қилинди.

У ерда илмий изланишларни техника фаилари доктори, профессор Ю. М. Соломенцев, техника фанлари доктори, профессор В. Г. Митрофановлар раҳбарлигида давом эттирди. Ўқиш даврида станоксозлик, машинасозлик технологияси ва ЭҲМ да программалаштириш соҳасида ишловчи йирик олимлар — Б. М. Базров, О. И. Аверьянов, Б. И. Черпаков, А. И. Прохоров, В. И. Лебедев ва бошқалар билан мулоқатда бўлди. Металл қирқиш жараёнини адаптив бошқариш усуллари билан танишди ва булар иш самарадорлигига қанчалик боғлиқлигини ўрганди. Демак, иш жараёнини бошқаришга мустақил масала деб қараш мумкин экан, яъни:

1) технологик жараён ҳақида ўз вақтида аниқ ахборот олиб туриш;

2) кесиш асбобининг заготовкага нисбатан туриш ҳолатига ёки кеспш режимига ўз вақтида зарур тузатиш киритиш.

Аспирантурани тугатгандан сўнг, 1986 йилда Тула Октава заводининг Термиздаги филиалига ишга келди. Уша йил июль ойидан бошлаб, «Сурхон» заводи ташкил этилди ва шу заводда инженер сифатида фаолиятини давом эттирди. 1987 йилда сентябрь ойида ўз илмий изланишларини жамлаб, системалаштириб, «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида «Технологик структураларни лойиҳалаш жараёнини алгоритмлаш ва бошқариш» темасида диссертация ҳимоя қилди.

1988 йилдан бошлаб М. Т. Ойбек номли ТДПИ ишлаб чиқариш асослари кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаб келяпти.



## ХОЛМИРЗА ХОЛИЁРОВ

1935 йил 13 февралда Шўрчи районидаги Элбаён қишлоғида туғилди. Отаси Холиёр ака темир йўл хизматчиси бўлиб ишлаган. У 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилади ва уруш бошланиб кетгач, фашист газандаларига қарши жанг қилади. 1943 йилда фронтда ҳалок бўлади. Х. Холиёровнинг онаси етим қолган уч фарзандини тарбиялайди, ўқитади, вояга етказди.

Холмирза Холиёров бошланғич маълумотни Шўрчи районидаги 9-сон мактабда, етти йиллик таълимни шу райондаги Н. К. Крупская номли 6-сон мак-

табда олади. У еттинчи синфни тугатгач, Душанбе шаҳридаги педагогика билим юртига кириб, 1953 йилда уни муваффақиятли тугатади ва шу йилиёқ Шўрчи районидаги 9-сон мактабда директор бўлиб ишлайди.

Бироқ илмга бўлган чанқоқлик, орзу-ҳавас ёш педагогни А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) ўқишга етаклади. 1954 йили Х. Холиёров ана шу дорилфунуннинг талабаси бўлди.

У ўқиш билан бирга жамоат ишларида фаол қатнашди, 2-курсдан бошлаб факультет комсорги бўлиб ишлади, 1957—1959 йилларда Самарқанд шаҳар Советининг депутаты бўлди.

Х. Холиёров 1959 йилда ЎзДУнинг филология факультетини имтиёзли диплом билан битиргач, шу йилнинг ўзидаёқ Давлат имтиҳон комиссиясининг қарори билан университетда олиб қолинди. Бўлажак олим тил ва логика фанларидан дарс бериш



билан бирга, 1959—1961 йилларда университет комсомол комитетининг секретари лавозимида ишлади.

Х. Холиёров 1961—1964 йилларда СамДУ қошида аспирантурани ўтади. Абдулла Ҳусайнович Сулаймонов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида от сўз бирикмалари» деган темада номзодлик диссертациясини (1966 йилда) муваффақиятли ёқлади. 1964—1966 йилларда СамДУ да ўқитувчилик қилди. 1967 йилда Ўзбекистон ССР Олий таълим министрлиги Х. Холиёровни Термиз Давлат педагогика институтининг ректорлиги вазифасига таклиф этади. У шу лавозимда тўрт йил муваффақиятли ишлади. 1970—1985 йилларда Х. Холиёров Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг секретари вазифасида хизмат қилди. 1985—1988 йилларда Ўзбекистон ССР Маориф министрлининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1989 йилдан кафедра мудири. Сўнгги йилларда Сурхондарё областида адабиёт, санъат, маданият, халқ маорифи, фан, медицина соҳасида талай муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу ибратли ишларда талабчан ва ташаббускор раҳбар Х. Холиёровнинг ҳам хизмати салмоқлидир.

Х. Холиёровнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда қатор медаллар билан мукофотланган.

У Ўзбекистон Компартиясининг XVIII, XIX, XX съездлари ва Бутуниттифоқ ўқитувчиларнинг V (1968), VI (1978), съездлари делегатидир.

## ЭШПЎЛАТ ХОЛИҚОВ

1931 йил 15 февралда Сурхондарё область Ангор районидаги Қ. Маркс номли колхозининг Ангор қишлоғида туғилди. Э. Холиқов Ангор районидаги Қ. Маркс номли мактаб (ҳозирги Партия XXIV съезди) да ўқиди. У 1946 йилдан бошлаб ВЛКСМ аъзоси.

1946—49 йилларда Термиз педагогика билим юртида ўқиб, имтиёзли диплом билан билим юртини битирди. Уқувчилик вақтида у спорт турлари (бокс, штанга) билан шуғулланади. Спорт бўйича Термиз шаҳар, область, республика чемпиони бўлган. Булардан ташқари, ҳаваскорлик ва фан тўғаракларига қатнашади.

Олий маълумотли бўлиш учун 1949 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, 1953 йилда уни имтиёзли диплом билан битиради.



Ўқини битиргандан кейин, 1953—56 йилларда Сурхондарё область Ангор районидаги К. Маркс номли мактабда директор бўлиб ишлаган.

1956—57 йилларда Ангор район партия комитетида агитация ва пропаганда бўлимининг мудир, 1957—61 йилларда Сурхондарё область партия комитетининг инструктори 1961—67 йилларда Сурхондарё область судининг раиси бўлиб ишлаган. 1961—71 йиллар Сурхондарё область партия комитетининг маъмурий ва савдо органлари бўлимининг мудир бўлди.

1971—74 йилларда Термиз Давлат педагогика институтида математика-педагогика факультетининг декани бўлиб ишлади. 1971 йил 1 сентябрдан бошлаб то 1987 йилгача Термиз қишлоқ хўжалиги техникумининг директори вазифасида, 1987—88 йилларда Сурхондарё область агросаноат комитетида колхоз ишлари бўйича катта мутахассис бўлиб ишлади.

1988 йил 1 сентябрдан Термиз медицина билим юртида Совет давлат ҳуқуқи асослари фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаб келипти.

1970 йилда ТошДУ аспирантурасини битириб, «Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини бошқаришни ташкил этиш» деган темада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

У бир қанча асарлар ҳам ёзган, улар қуйидагилар: «Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини бошқаришни ташкил қилиш», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фермаларини бошқариш тарихидан», «Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда қишлоқ Советларининг роли», «Қолхоз мулкни муҳофаза қилиш — ҳар бир колхозчининг асосий бурчи» ва бошқалар.



## ЖУМА ХОЛМУМИНОВ

1959 йил 30 августда Бойсун районидаги Мачай қишлоғида ишчи оиласида туғилган. 1976 йил Бойсун райони, Мачай қишлоғидаги А. Икромов номли ўрта мактабни муваффақиятли тугатди.

1976 йилда В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради ва уни 1981 йилда тугатади.

1981 йил М. Т. Ойбек номли Термиз Давлат Педагогика институтида юрист-консультант, 1982 йил эса шу институтнинг сиёсий

иқтисод, 1983 йилдан философия ва илмий коммунизм кафедраларида ишлади. **1985—1988 йиллар И. М. Мўминов** номидаги

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида аспирантурани ўтади.

1988 йил май ойидан Термиз Давлат педагогика институти-нинг илмий коммунизм асослари кафедрасида ишлаб келмоқда. 1988 йил 16 сентябрда Олма-ота шаҳрида «Совхозларнинг суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби» тема-сида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ж. Холмўминов ҳозирги пайтда ер, сув ресурслари ва таби-атни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласи билан шуғулланмоқ-да. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, экология масаласи ҳо-зирги кунда нақадар актуал экан, авторнинг айнан шу масала-га бағишланган номзодлик диссертацияси ва республика ҳамда область матбуотида босилиб чиққан илмий ишлари диққатга сазовордир.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналида (1985, № 1) «Ер-дан тўғри фойдаланайлик» мақоласи эълон қилинди. Бу мақо-лада ҳозирги шароитда ердан хўжасизларча фойдаланиш оқи-батида республикамиздаги колхоз-совхозларнинг ердан фойда-ланиши талаб даражасида эмаслиги, бунинг учун ердан нотўғри фойдаланган граждандарга, колхоз ва совхозларга нисбатан жавобгарликни ошириш кераклиги ҳақида фикр юритилган. «Табиатни эъозлайлик» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1985) рисо-ласида табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий аҳамияти, Ком-мунистик партия ва Совет ҳукуматининг бу соҳада кўрсатаётган ғамхўрлиги ҳамда улар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар-нинг актуаллиги кўрсатилган.

«Қонун ва ердан фойдаланиш», «Ерга миришкорларча муно-сабат» номли мақолаларида партия ва ҳукуматимизнинг ке-йинги талаблари асосида ерга бўлган муносабат ҳалигача та-лабга жавоб бера олмаётганлиги, бу соҳада олиб борилаётган агитация ва пропаганда ишларини янада кучайтиришнинг ай-рим йўллари ҳақида конкрет йўналишлар берилган.

Умуман олганда, Ж. Холмўминов табиатни муҳофаза қи-лиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мавзусида марказий, республика ва область матбуот-ларида 50 га яқин илмий мақолалари эълон қилинган. Ҳозир-ги пайтда «Ҳуқуқий экологик таълим ва тарбия» масаласи билан шуғулланмоқда.

## ҚУРБОНАЛИ ХОЛМУМИНОВ



1937 йили Сурхондарё область, Бойсун районидаги Мачай қишлоғида туғилди. Урта мактабни 1956 йилда муваффақиятли тугатиб, шу йили Урта Осие Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) нинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди ва уни 1961 йилда имтиёзли диплом билан тугатди.

У меҳнат фаолиятини 1961 йилда Қашқадарё область, Қамашни район прокуратурасида терговчиликдан бошлади. 1962—69 йиллар мобайнида прокуратура органлари системасида турли раҳбар лавозимларда ишлади.

1969—72 йилларда ЎзССР ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти-нинг давлат ва ҳуқуқ назарияси секторида аспирантурани таомлаган.

1972—1974 йилларда В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедрасида ассистент, 1974—77 йилларда катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1977 йилдан буён доцент бўлиб ишлаб келмоқда.

1974 йилда «ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг Улуғ Ватан уруши давридаги ташкилотчилик фаолияти» (1941—45 й. й.) темасида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Қ. Холмўминовнинг баъзи илмий ишлари: «Ўзбекистоннинг душман устидан ғалабамизга қўшган ҳиссаси», («Ўзбекистон агитатори» 1971, № 8), «ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолияти ҳақида» («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», Тошкент, 1971, № 5., 26—28-бетлар), «ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг уруш давридаги ҳуқуқий актлари» каби юзга яқин илмий мақоласи эълон қилинган.

Ҳозирги вақтда давлат ва шахс проблемаси бўйича ишламоқда.

## НОРМУРОД ХОЛМУРОДОВ

1938 йилда Шўрчи райондаги Олатемир қишлоғида туғилди. 1946 йилда Фрунзе номидаги саккиз йиллик мактабга, кейин К. Маркс номи 1-сон ўрта мактабда ўқишни давом эттирди. 1956 йилда ўрта мактабни тугатиб, бир йил колхозда ишлади. 1952 йили ВЛКСМ сафига қабул қилинди. 1957 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кириб, уни 1962 йилда муваффақият билан битирди.



1964 йилда Коммунистик партия сафига қабул қилинган. 1962 йилдан 1965 йилгача Термиз райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида бош агроном бўлиб ишлади. 1965 йилдан 1968 йилнинг апрель ойигача Ленин орденли ва Халқлар дўстлиги орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтида аспирантурада ўқиган. Н. Холмуродов 1969 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Петр Васильевич Протасов раҳбарлигида «Янги ўзлаштирилаётган Қарши чўли тупроқларида ғўзада азот ва фосфор ўғитининг нормаси ва нисбати» деган темада номзодлик диссертацияси ёқлади.

1968—1971 йилларда Сурхондарё область қишлоқ хўжалиги бошқармасида ўсимликчилик бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. 1971—73 йилларда Сурхондарё область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг муовини, 1973—75 йилларда Сурхондарё область пахтачилик тажриба станциясининг директори бўлиб ишлади. 1975 йил июндан бошлаб 1976 йил сентябригача Сурхондарё область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1976—1978 йилларда Яман Халқ Демократик Республикасида совет мутахассисларининг группа бошлиғи бўлди. 1978 йилдан М. С. Истомин номи Сурхондарё область пахтачилик тажриба станциясида директор, 1981 йилдан эса Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари, 1986 йилдан Республика агропроми раисининг ўринбосари.

Н. Холмуродов ўзининг иш фаолияти давомида «Қарши чўли тупроқларида ғўзанинг азотга бўлган талаби», «Тақирли тупроқларда ғўзани минерал ўғитлар билан ўғитлаш муддати ва нормалари» каби ўндан ортиқ мақолалар ёзди ва бу билан Ўзбекистон пахтачилигининг ривожланишига ўз хиссасини қўшди.

Партия-ҳукуматимиз Н. Холмуродовнинг пахтачилик соҳасидаги хизматларини ҳисобга олиб, 1974 йил «Хўрмат белгиси»

ордени, 1964 йилда «Меҳнатда ўрнатқан кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланди. 1980 йилда Нормурод Холмуродов Термиз район Советига депутат қилиб сайланди. Ўзбекистон КП Термиз район комитетининг аъзолигига, 1980 йилдан буён область қишлоқ хўжалик илмий-техника жамиятининг (НТО) раислигига сайланган.



## ХУРСАНД ХУДОЙБЕРДИЕВ

1942 йил 14 декабрда Шўрчи районидаги Чкалов номли колхозда туғилган. 1950—59 йилларда Шўрчи районидаги Тельман номли мактабда ўқиди. 1956 йилда ВЛКСМ сафига киради. 1957—59 йилларда мактабда комсомол ташкилот секретари вазифасида иш олиб боради.

1960—61 йилларда Шўрчи районидаги 51-мактабда бошланғич синфларда ўқитувчилик қилди. 1961—62 йилли А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга киради. 1962 йил ноябрь ойида Совет Армияси сафига ча-

қирилади. 1965 йил ноябрь ойида Совет Армияси сафидан қайтиб келиб, Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетида ўқишни давом эттиради. 1965—67 йилларда факультет комсомол бюроси аъзоси, секретарь ўринбосари вазифаларини олиб боради. 1967—68 йилларда группа парторги бўлиб ишлаган. 1968 йил университетнинг тарих факультетини имтиёзли диплом билан битирган. 1968 йил августдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтининг марксизм-ленинизм кафедрасида философия ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

1972—75 йилларда Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг философия кафедрасида аспирант бўлди. ТошПИ философия кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдурахмон Ортиқов раҳбарлигида «Ишонтириш — илмий атеистик тарбиянинг асосий методи (Ўзбекистон ССР материаллари асосида)» маъзусида иш олиб борди. Шу тема юзасидан 1981 йил 5 февралда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ихтисослашган илмий Советида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1968—84 йилларда Х. Худойбердиев «Ишонтириш — атеистик тарбиянинг асосий методи» (Тошкент, 1974 йил) «Атеистик эътиқод ва уни шакллантириш» (Тошкент, 1976 йил) Х. Гизитдинов билан ҳамкорликда «Янгиариқнинг шоли йўли» эъти.

Доцент Х. Худойбердиев кўп йиллар М. Т. Ойбек номидаги ТДПИда тарбиявий ишлар бўйича проректорлик вазифасини бажарди. Айни вақтда у шу институтнинг ижтимоий фанлар факультети (ФОН) деканидир.

## ТОҶИ ХУДОЙШУКУРОВ

1940 йил 12 ноябрда Шўрчи районида туғилди. У 1947 йили Шўрчи район марказидаги К. Маркс номи 1-ўрта мактабга ўқишга борди. Ўқувчилик вақтида математика, геометрия фанларига жуда қизиқар эди. Шу фанлар бўйича бир қанча олимпиадаларга қатнашди.

1957 йил ўрта мактабни кумуш медаль билан тамомлади. Шу йили Самарқанд кооператив институтининг инженер-технология факультетига ўқишга кирди. 1962 йил институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.

Институтни битиргач, Термиз шаҳар савдо корхонасида инженер-технолог вазифасида бир йил ишлади. Уни 1963 йили Самарқанд кооператив институтига ишга таклиф қилдилар.

Т. Худойшукуров ёшларга сабоқ бера бошлади. 1964 йил декабрь ойигача ассистентлик вазифасида ишлади. У шу йили Ленинград шаҳридаги Ф. Энгельс номи савдо институти аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишга кирди.

Аспирантлик вақтида «Сабзавотларни буғ билан пишириш процессида кузатишлар» деган темада илмий иш олиб борди. Бу ишга профессор Садовий Иван Евдакимович ва доцент Ковалев Николай Иванович илмий раҳбарлик қилишди.

1983 йили Самарқанд кооператив институтининг инженер-технология факультети декани вазифасига сайланди. Сўнгра сиртқи ўқув факультетига декан бўлди.



Т. Худойшукуровнинг меҳнатини партия ва ҳукуратимиз ҳисобга олиб, бир қатор медаль ва нишонлар билан тақдирлади. Унинг ҳозиргача 60 дан ортиқ илмий мақоласи чоп этилган.

Т. Худойшукуровга ибратли конструкторлик иши учун 1982 йили авторлик гувоҳномаси берилди.



## АБДУЛАЗИЗ ХУРРАМОВ

1945 йил 1 мартда Шеробод районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг Хўжаулкан қишлоғида туғилди. Шеробод районидаги Макаренко номи 1-мактабни 1961 йилда тугатди.

1957 йилда ВЛКСМ сафига қабул қилинди. 1961 йилда А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди. 1969 йилда уни тугатди. Университетда ўқиб юрган вақтида, яъни 1969 йил май ойидан бошлаб дифференциал тенгламалар кафедрасида катта лаборант бўлиб ишлади. 1969 йилдан бери

КПСС аъзоси, 1969 йил 1 сентябрдан 1971 йил 1 сентябргача Самарқанд Давлат университетида стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишлади ва шу йили университетнинг аспирантурасига қабул қилинди. Унга СССР Фанлар Академиясининг В. Стеклов номидаги математика илмий-текшириш институти Ленинград бўлимининг катта илмий ходими, физика-математика фахлари доктори, Б. Ф. Скубенко раҳбар этиб тайинланди. Аспирантурада ўқиш даврида Б. Ф. Скубенко «Мусбат аниқланган форманинг рефлексив минимуми» деган темада илмий иш олиб боришни таклиф этди. 1972 йилда «Мусбат аниқланган форманинг рефлексив минимуми» деган биринчи илмий ишини эълон қилди. Бу илмий ишда мусбат аниқланган квадрат форманинг рефлексив минимумлари ва шу билан биргаликда оддий усул билан модель тенгсизлиги ҳосил қилинган эди. 1974 йилда аспирантура ни тамомлаб, Термиз Давлат педагогика институти математика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб бошлади. 1975 йили Шеробод район халқ маорифи бўлимида олдин инспектор, сўнгра бош инспектор бўлиб фаолият кўрсатди. 1980 йил 1 январидан Термиз педагогика институтининг математик анализ кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.



У математиканинг актив ривожланаётган бўлимларидан бири бўлган геометрия ва алгебра — сонлар назарияси чегарасида ётувчи геометрик сонлар бўлими билан шуғуллана бошлади. Шундай қилиб, Абдулазиз Хуррамов «Бир хил радиусли шарлар билан зичроқ панжарали қоплаш» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.


## ШУКУР ХУРРАМОВ

1944 йил 5 сентябрда Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг Хўжабулғон қишлоғида туғилди. У 1951 йили шу қишлоқдаги 36-сон Қ. Маркс номли тўлиқсиз ўрта мактабда, сўнгра район марказидаги В. И. Ленин номли 1-сон ўрта мактабда ўқиди. Ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларида, айниқса зоология, ботаника фанларига алоҳида эътибор билан қарар эди. Уни ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаши, ҳаёт тарзи, табиий муҳит факторларининг ҳар хил таъсирига чидай олиши, овқатланиши ва келиб чиқиш тарихи қизиқтирди.

У 1962 йилда Ҳ. Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти табиёт-география факультетининг химия-биология бўлимига ўқишга кирди.

Унинг студентлик йилларидаги илмий конференцияларда қилган докладлари ва келажакда фитогельминтология фани соҳасида мутахассис бўлиш иштиёқини уйғотди. Шундан сўнг доцент Ш. А. Отахонов раҳбарлигида «Истеъмол қилинадиган ёввойи доривор ўсимликларнинг нематодлари» деган темада изланишлар олиб борди ва студентларнинг илмий-назарий конференцияларида докладлар қилди.

Ш. Хуррамов 1970—1972 йилларда Москвада академик К. И. Скрябин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ гельминтология институтининг аспирантурасида ўқиди. Унинг илмий ишига биология фанлари доктори, профессор Т. С. Скрабилов раҳбарлик қилди. Ш. Хуррамов «Ўзбекистоннинг Сурхондарё областидаги шакарқамиш ўсимлигининг нематодлар фаунаси» деган темада 1972 йил ноябрь ойида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.



Ш. Хуррамов 40 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, 1978 йили «Ўзбекистон» нашриётида «Фитогельминтлар ва уларга қарши кураш чоралари» номли илмий асари чоп этилди.

1980 йили шу нашриётда «Шакарқамиш нематодлари ва уларга қарши кураш» номли монографияси босмадан чиқди. Булардан ташқари, 1980 йилда «Қишлоқ хўжалик ўсимликларининг нематодлари ва касалликларини аниқлаш ва ҳисобга олиш» бўйича иккита методик қўлланма ва тавсияномаси ҳам Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан нашрга тавсия этилди.

Ш. Хуррамов 1978 йилдан буён Бутуниттифоқ гельминтологлар жамиятининг фитогельминтология фани бўйича координацион совет аъзосидир. 1978 йилда «Ўзбекистон шароитидаги чинлавр ўсимлиги нематодаорунаси ва унинг динамикасини ўрганишга доир» деган илмий иши учун Ўзбекистон Фанлар академияси муқофотининг лауреати бўлди.



## АБДУМУРОД ХУЖАМБЕРДИЕВ

1949 йилнинг май ойида Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозида туғилди. 1953—1963 йилларда «Октябрь 40 йиллиги» номли саккиз йиллик мактабда, 1963—1966 йилларда «Сурхон» совхози марказида жойлашган Куйбишев номли 11 йиллик ўрта мактабда ўқиди. 1966—68 йилларда «Сурхон» совхозининг ўзида, кейинчалик Жарқўрғон райони территориясида жойлашган СМУда ишлади. 1968—1970 йилларда Совет Армияси сафида бўлди. Уша йили Термиз Давлат педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирди.

1975 йил институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, математика кафедрасида ишга қолдирилди. 1979—1981 йилларда стажировкада бўлди. 1985 йилда Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти математика лабораториясида аспирантурани тугатди ва Москвадаги СССР ФА Ўқитишнинг мазмуни ва методлари илмий текшириши институтида СССР ФАнинг ҳақиқий аъзоси, СССР ФАнинг вице-президенти, педагогика фанлари доктори, академик И. Д. Зверев раҳбарлигида республика, Иттифоқ семинарларида, конференциялари, симпозиумларда ўз проблемалари бўйича чиқишлар қилган.

1985 йилда эгатлаб суғориладиган ўсимликларни бир текисда суғориш учун қўлланиладиган асбоб ихтиро қилди.

Бу ихтироси учун СССР Давлат Комитети 1173953 номерли авторлик гувоҳномасини берди. Ихтиро А 01 С, 25/00 сиффи бўйича пионер ихтиролар сафидан ўрин олди ва жаҳон ихтиролар каталогига киритилди. Уша асбоб билан олиб борилган тажрибаларини 1986 йил август ойида республика телевидениеси ва радиоси, «Ленин байроғи» область газетаси ижобий шарҳлаб кўрсатди. Ҳозирги кунда бу асбобни ишлаб чиқаришга жорий қилиш иштиёқида. У математика ва математика ўқитиш методикаси кафедрасида ишлаб келмоқда. 1988 йилдан катта ўқитувчи. Факультетда ётоқхона бўйича декан ўринбосари, факультет метод Советининг аъзоси.


Ҳозирги кунда эса «Умумий таълим мактабларида математика ўқитишни экологиялаштириш» муаммоси устида иш олиб борапти. Педагогика фанлари номзоди А. Хўжамбердиевнинг 2 рисола, 13 илмий мақоласи Иттифоқ ва республика нашриётларида чоп қилинган.

## ЕРҚУЛ ХУЖАМБЕРДИЕВ

1936 йил 23 февралда Сурхондарё область, Шеробод районидаги «Таллимарон» қишлоғида туғилди. У бир ёшга етганда онадан етим қолиб, момосининг қўлида тарбияланди. Улуғ Ватан уруши туфайли ўқишга имконият бўлмади. 1946 йили 1-синфга қатнаб ўқий бошлади. 4-синфда ўқиётганида 1949 йили пахтачилик бригадасига табелчи қилиб тайинланди ва 7 синфни битиргунча ҳам ўқиб, ҳам табелчилик вазифасини бажарди. Ё. Хўжамбердиев 1949 йили комсомол сафига ўтди.

1952 йили 7 синфни муваффақиятли битириб, шу йили Термиз район, «Намуна» колхозидаги Қ. Марк номидаги мактабнинг 8-синфига кириб ўқий бошлади. 1956 йили 10-синфни тугатди. Шу йили Ангор районида чиқадиган «Ленинчи» газетасида ҳарф терувчи вазифасида иш бошлади.

1959 йилда Термиз Давлат педагогика институти тарих-филология факультетининг биринчи курсига ўқишга кирди. 1960



Йилнинг март ойида Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг қўшилиб, бир область бўлиши муносабати билан институт Қарши шаҳрига кўчирилди.

1963—64 ўқув йилида Қарши Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Институт ректорининг буйруғи билан шу институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб қолади.

1966 йили Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида «Сурхондарё область топонимларининг этимологияси» номли номзодлик диссертациясининг темаси тасдиқланди. Илмий раҳбарлар қилиб шу кафедранинг доценти Раҳматулла Қўниров ва Тошкент Давлат университетининг профессори Ҳамидулла Ҳасанов тайинланди.

1971 йил 2 августдан Ўзбекистон ССР Олий таълим министрлигининг йўлланмаси билан Термиз Давлат педагогика институтига ишга келадн ва ҳозирги кунларда ҳам шу даргоҳда фаолият кўрсатмоқда.

Ё. Хўжамбердиев ишдан ажралмаган ҳолда илмий-тадқиқот ишини олиб боради ва 1974 йил апрелда Тошкент Давлат университетининг илмий Советида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

1974—1984 йиллар филология факультети декани ёрдамчиси бўлиб ишлади. Ҳозир у Сурхондарё область топонимларининг лугатини тузиш устида илмий иш олиб бормоқда.



## АСҚАР ХҲЖАҚУЛОВ

1940 йилда Сурхондарё об-ластининг Бойсун районида ту-ғилди. 1957 йилда ўрта мактаб-ни «аъло» баҳолар билан тугал-лади.

1957—1959 йилларда мактаб-да ўқитувчилик қилди. Ўқитувчи-лик йилларида биология, химия, география фанларига қизиқар эди. Шу туфайли 1959 йилда Ленин номи Тошкент Давлат университетига ўқишга кирди.

Асқар Хўжақулов студентлик йилларида илм-фанга қизиқиши ва изланувчанлиги учун бир неча бор университет фахрий ёрлиқ-лари билан мукофотланди. 1965

йилда Бухоро ва Свердлов номи районларнинг тупроқ карта-сини тузишда иштирок этди. Университетни муваффақиятли туга-тиб, ўзи яшаган областга йўлланма олади.

Сурхондарё область агрохимия лабораториясида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. 1969 йилда эса Бутуниттифоқ илмий текшириш пахтачилик институти аспирантурасига ўқишга ки-ради. «Азотли ўғитларнинг турли норма ва муддатларда соли-нишига қараб яшил ўғитнинг ингичка толали нав гўзасига таъ-сири» темасида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Асқар Хўжақуловнинг илмий ишида Қ. М. Розиков яқиндан ёрдам берди. Илмий иш асосида яшил ўғитни чорвачиликда қўллашнинг истиқбол йўли очилди.

Асқар Хўжақулов 1976—1982 йилларда агрохимия лабо-раториясида директор бўлиб ишлади.

1982 йилдан ҳозиргача Сурхондарё область ижроия комите-тида ташкилий бўлимининг мудирининг лавозимида ишлаб келади. 1987 йилда демократия асосида сайлов йўли билан Термиз қиш-лоқ хўжалик техникумига директор этиб сайланди.

Унинг қаламига мансуб 10 дан ортиқ илмий мақола кенг жа-моатчилик диққатига ҳавола қилинган.

## ЖУМА ХУЖАҚУЛОВ

1936 йил 19 декабрда Сурхон-дарё область Термиз районида туғилди. Дастлаб Термиз райо-нидаги А. С. Пушкин номидаги етти йиллик мактабда ўқиди. Сўнгра 8—10-синфларни шу рай-ондаги Қ. Маркс номи мактаб-да давом эттирган. 1954 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. У университетда ўқиган пайтларидаёқ ўзининг ўт-кир зеҳнлилиги, зийраклиги ва ташаббускорлиги билан ўз ўртоқ-лари орасида ажралиб турар эди.



Студентлик йилларида жа-моат, ташкилий ишларда, студентларнинг илмий конференция-ларида актив иштирок этди. 1959 йилда университетни муваф-фақиятли тугатиб, Термиз районидаги С. М. Киров номи мак-табда илмий бўлим мудирининг бўлиб ишлади.

1973—1974 йилларда Тошкент Давлат университети қошида 2 йиллик стажировкада бўлган. У «60-йиллар ўзбек прозасида ишчилар синфи темаси» деган мавзуда 1978 йили Озод Шара-фуддинов раҳбарлигида диссертация ишини ҳимоя қилди.

Диссертацияси юзасидан 4 та мақола эълон қилинди. Шу-лардан иккитаси «Ўзбек тили ва адабиёти» журналинда, битта-си Тошкент Давлат университетининг илмий тўпламида, битта-

си Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий тўпламида чоп этилган.

1960—61 йилларда Термиз район халқ маорифи бўлимида методик кабинет мудури бўлиб ишлай бошлади. 1962—64 йилда область радио эшиттириш кабинетида дастлаб мухбир, кейинчалик редактор, 1964—1972 йилларда Тошкент радиосининг Сурхондарё областидаги мухбири бўлиб ишлаган. У 1972 йил апрель ойидан бошлаб М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтида ишлаб келмоқда. Кўп йиллар институт бошлангич партия ташкилотининг секретари вазифасини бажарди.

## ТОЖИХОН ХУЖАҚУЛОВА



1941 йил 13 январда Термиз шаҳрида туғилди. 1947—1957 йилларда ўрта мактабда таҳсил кўрди. 1957 йилда Термиз Давлат педагогика институти рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, 1962 йилда (институт кўчирилиши муносабати билан) Ҳ. Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика институтига тугатди. Жарқўрғон районидаги 7-мактабга йўлланма билан ишга юборилди.

1964 йилда Жарқўрғон район комсомол комитетининг иккинчи секретарлигига сайланди. 1966—1968 йилларда Тошкентдаги олий

партия мактабида таҳсил кўрди. 1968—1970 йилларда Жарқўрғон район партия комитетида инструктор бўлиб ишлади. 1970—1975 йилларда эса Жарқўрғон район ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1975—1976 йилларда шу район партия комитетининг идеология ишлари бўйича секретари вазифасида хизмат қилди.

1976—1978 йилларда Сурхондарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Т. Хўжақулов 1978—1981 йилларда КПСС Марказий Комитети қошидаги ижтимоий фанлар Академиясининг аспирантурасида Сурхондарё хотин-қизларидан биринчи бўлиб таҳсил олди.

1981 йил 25 июнь куни КПСС Марказий Комитети қошидаги ижтимоий фанлар Академиясининг мутахассислашган илмий Советида (К. 151. 04.14) академик Д. А. Керимов раҳбарлигида «Ижтимоий маданий қурилишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг раҳбарлик фаолияти» деган темада ёзган дис-

сертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди ва унга ҳуқуқ-шунослик фанлари кандидати унвони берилди.

Т. Хўжақулова академия таҳсилдан сўнг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети халқ маорифи бўлими мудри вазифасини бажарди. 1982—1984 йилларда Сурхондарё область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими мудри, 1984—1987 йилларда Сурхондарё область касаба союзлари Совети секретари лавозимларида фаолият кўрсатди. 1987 йилнинг декабридан М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтини умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси, 1988 йилдан «Илмий социализм кафедраси доценти сифатида ёшларга пухта таълим-тарбия бериб келаётир. Т. Хўжақулованинг 4 рисола-си ва 20 дан ошиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари, Иттифоқ ва республиканинг турли нашрлари орқали чоп этилган.

## НАДЕЖДА ЦУКАНОВА

1945 йил 16 сентябрда Термиз районидagi Пахтаобод қишлоғида туғилган. У 1953—63 йилларда Термиз станциясидаги 15-сон Темир йўл мактабида ўқиб, шу мактабни аъло баҳолар билан тугатади. Ҳ. Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика институтида ўқиди. 1967—68 йилларда Сурхондарё область, Жарқўрғон районидagi Ҳамза номли мактаб-интернатида рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. 1968 йилда Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди.

1974—76 йилларда С. Б. Сиротина раҳбарлигида Саратов Давлат университетида рус тили кафедрасида стажировкадан ўтди.

1980—81 йилларда Н. Г. Чернишевский номидаги Саратов Давлат университетида бир йиллик аспирантурада бўлди. 1981 йил декабрида «Рус тилида ўрин ва пайт равишлари» темасида Н. Г. Чернишевский номли Саратов Давлат университети рус тили кафедраси мудри, филология фанлари доктори, профессор С. Б. Сиротинина раҳбарлигида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертациянинг асосий проблемаси рус халқ тилида ўрин ва пайт равишларининг ишлатилишидир.

Бу проблема халқ тилининг турли кўринишлари, сўз туркумларининг ишлатилиши масаласи билан боғлиқдир. Унинг кандидатлик диссертациясида ўрин ва пайт равишлари лексик составининг ҳар томонлама характеристикаси берилган.



Надежда Иосифовна Цуканова бир қатор илмий мақолалар ёзган: «Рус халқ тилида ўрин ва пайт равишлари» (Саратов, 1981 й.) «Адабий ва халқ тилларида ўрин равишларини ишлатилишининг баъзи хусусиятлари» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Надежда Иосифовна М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтини рус тили ва адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи ва рус филологияси факультетининг деканининг ўринбосари бўлиб ишлайпти. Студентларга морфология, синтаксис, стилистика бўйича лекция ва семинар машғулотларини қизиқарли олиб бормоқда.



## АЪЗАМ ЧОРИЕВ

1936 йилда Шеробод районидagi Хатак қишлоғида туғилди. У тўлиқсиз ўрта маълумотни шу қишлоқдаги мактабда олгач, 1954 йилда район марказидаги 1-ўрта мактабни битиради ва бир йил Ангор районидagi Ломоносов номидаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1955—60 йилларда А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети филология факультетини тахсил олади ва унн инглиз тили ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатади.

1963 йил январь, апрель ойларида Москвадаги Фрунзе номидаги Харбий академияда таржимонлик курсида ўқийди. У 1967 йилда Қарши Давлат педагогика институтини сиртқи бўлимининг (шу институтда ишлаш жараёнида) ўзбек тили ва адабиёти факультетини битиради.

А. Чориев университетни тугатгач, Ангор район марказидаги К. Маркс номидаги 2-ўрта мактабда икки йил инглиз тили ўқитувчиси, 1962—1967 йилларда Қарши Давлат педагогика институтинида инглиз тили ўқитувчиси, декан ўринбосари, инглиз тили кафедрасининг муdiri, 1977—1981 йилларда Термиз Давлат педагогика институтинида инглиз тили кафедрасининг муdiri ва ҳозиргача шу кафедранинг катта ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

А. Чориев 1969—1974 йилларда СССР Фанлар Академияси тилшунослик институтининг Ленинград бўлимида дастлаб стажёр, кейин аспирантурада йирик турколог, СССР ФА сининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори А. М. Шербак ва филология фанлари доктори А. М. Мухин раҳбарлигида



таҳсил олади. У ўзининг «Ўзбек ва инглиз тилларида генетик келишикли қаратқич конструкцияси» мавзuida олиб борган тадқиқот ишида ўзбек ва инглиз тиллари генетик келишигининг синтактик анализи илмий жиҳатдан ёритилади. Бунда А. Чориев ўзбек тили генетик келишигининг синтаксис-семантик белгиси инглиз тили генетик келишигининг синтаксис-семантик белгисига кўра функционал доираси кенг, деган хулосага келади. Шу билан бирга, у инглиз тили генетик келишиги фақат бир валентлилик, ўзбек тили қаратқич келишиги эса инглиз тилидан фарқли ҳолда бир ва икки валентлилик хусусиятига эга эканлигини қайд қилади.


А. Чориев юқорида қайд қилинган тема бўйича 1977 йил 6 февралда СССР Фанлар Академияси тилшунослик институти-нинг илмий Советида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг илмий тадқиқот ишига йирик тилшунослар — филология фанлари кандидатлари С. А. Соколов, О. Н. Селиверства, Г. А. Климов ва Н. А. Баскаковлар юқори баҳо берадилар.

А. Чориев ўзининг илмий педагогик фаолияти давомида марказий ва маҳаллий журналларда, илмий тўпламларда 30 га яқин инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикасига оид илмий-методик мақолалар эълон қилган.

## МУҲАММАДИ ЧОРИЕВ

1956 йилнинг 22 ноябрида Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида туғилди. Биринчи синфдан саккизинчи синфгача Завқий номли 21-ўрта мактабда ўқиди. Урта мактабни Тошкент шаҳри, Чилонзор районидаги ёш физиклар ва математиклар мактаб-интернатида тугатди. 1974 йили В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети-нинг физика факультетига ўқишга киради.

Университетни 1979 йили физика-назариячи ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатгандан сўнг, ядро физикаси илмий текшириш институти қошидаги радиацион асбоблар махсус конструкторлик бюросига йўлланма билан ишга юборилди. Бу ерда 1980 йилнинг ноябрига қадар инженер бўлиб ишлади. Ноябрь ойидан эса ядро физикаси институтининг кундузги бўлимига ядро физикаси ва элементар зарралар ихтисослиги бўйича асмирант бўлди. Шу йиллардан бошлаб атом ядроларининг уйғонган ҳолатлари, улар-




нинг хоссаларини ҳозирги замон ядро физикасининг сўнги ютуқларидан фойдаланиб, назарий усуллар асосида ўрганишга киришди. Бу тадқиқотларини муваффақиятли якунлаш мақсадида 1981 йилнинг февраль ойида Москва областининг Дубна шаҳрида жойлашган. Ядро тадқиқотлари бирлашган институтига уч йиллик муддат билан командировкага юборилди. Бу институтда польшалик, чехословакиялик олимлар билан биргаликда, етук совет олимлари раҳбарлигида самарали илмий изланишлар олиб борди.

1983 йилнинг ноябрь ойида аспирантура муддатини муваффақиятли якунлаб, ядро физикаси илмий текшириш институти кичик илмий ходими лавозимида ишлай бошлади. Танлаган илмий йўналишида изланишларини давом эттирди. Кўп йиллик меҳнат, узлуксиз ўқиб-ўрганиш ўз самарасини берди. 1988 йилнинг июнь ойида Дубна шаҳрида «Атом ядроларининг ротацион-вибрацион уйғонишларини полумикроскопик метод ёрдамида тадқиқ қилиш» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1988 йилнинг апрель ойдан бошлаб М. Чориев М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтига ишга ўтди. Ҳозир шу институтнинг физика кафедрасида ўқитувчи бўлиб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

М. Чориевнинг кандидатлик диссертациясида кўтарилган мавзу назарий физика фанининг ядро физикаси соҳаси ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Бу ишда ёритилган масалалар атом ядросининг таркибий қисми бўлган нуклонларнинг «коллектив» ҳаракатини, уларнинг физикавий характеристикаларини ўрганишда муҳим бир босқичдир. Бу борада М. Чориевнинг ўндан ортиқ илмий мақолалари турли илмий тўплам ва нашрларда эълон қилинган.

## ЭРГАШ ЧОРИЕВ



1938 йил 5 майда Ангор районидаги «Қизил Юлдуз» колхозида туғилди. 1945—1955 йиллар Ангор районидаги А. С. Пушкин номидаги ўрта мактабда ўқиди. 1956 йилнинг февраль ойигача Бухоро шаҳридаги ҳисобот ходимлари тайёрлайдиган ўқув комбинати қошидаги бухгалтерия курсида таълим олди ва кейин «Қизил Юлдуз» колхозида ҳисобчи бўлиб ишлади.

1963 йилда район марказий омонат кассасига мудирлик вазифасига ўтказилди, кейинчалик

райондаги Карл Маркс номи колхозда бош бухгалтер, 1969 йилнинг апрель ойидан Термиз район партия комитети ташкилий-партиявий бўлимига инструктор ва 1969 йилнинг сентябрь ойидан район қишлоқ хўжалик бошқармасида катта экономист, 1970 йилнинг август ойидан область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасида контрол-ревизия бўлими бошлиғи, 1979 йилнинг июнь ойидан 1981 йилнинг апрель ойигача область халқ контроли комитетининг инспектори, 1981 йилнинг апрелидан 1983 йилнинг март ойигача Сарийосиё агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари, 1983—1987 йиллар Ангор район ижроия комитети молия бўлимининг мудир вазибаларида ишлади. 1987 йилнинг сентябрь ойидан Термиз Давлат педагогика институти сиёсий иқтисод кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

1960—1965 йилларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги институтининг сиртки бўлимини битирди ва иқтисодчи-бухгалтер мутахассислиги бўйича олий маълумот олди. 1974 йилдан «Сурхондарё области колхоз ва совхозларида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ва резервлари» деган темада илмий иш олиб борди. Илмий ишни ниҳоясига етказиб, Термиз Давлат педагогика институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудир, иқтисод фанлари доктори, профессор Х. Р. Раҳмонқулов ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий тадқиқот институтининг Ўзбекистон ССР колхозларида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш бўлимининг бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди, доцент О. Ю. Юсупов илмий раҳбарлигида 1986 йили Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий тадқиқот институтида диссертациясини ҳимоя қилди.

1970 йилда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан «Социалистик қишлоқ хўжалик аълочиси» деган значоги берилган.

Диссертация Сурхондарё область колхоз, совхозлари ва чорвачилик комплекслари йиллик ҳисоботлари ҳамда бошланғич ишлаб чиқариш бўлинмаларининг дастлабки материаллари Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги, республика статистика материаллари асосида 1970—1984 йилларнинг анализлари якунларига асосланган.

Кўп йиллик анализлар ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш даражасига, меҳнатни ташкил этиш ва тақсимотдаги, ходимлар малакасидаги, табиий шароитлар ва бошқа фарқлар районлар бўйича ҳам меҳнат унумдорлигининг ҳар хил бўлиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шулар асосида ҳали фойдаланилмаган резервлар ва улардан областда рационал фойдаланиш йўллари очиб берилган.

Тўла ички ва хўжалик ҳисобини жорий қилиш, коллектив пудратини илмий асосда ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг самарали шакллари қўлланиш, инсон омили ролини

ошириш ва моддий манфаатдорлик принципларига тўла амал қилган ҳар бир ходимнинг иш якунларига қараб ўз меҳнатларининг миқдори ва сифатига қараб рағбатлантириб бориш меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.



## ҚУРБОН ЧОРИЕВ

Иқтисод фанлари номзоди, катта илмий ходим, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий тадқиқот институтининг сектор мудирини, шу институт қошидаги номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича махсус кенгашнинг илмий котиби, 1986 йилдан буён ҚПСС аъзоси.

Қ. Чориев 1948 йилда Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида туғилган. 1965 йилда Т. Г. Шевченко номидаги 19-ўрта мактабни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга

кирган. 1969 йилда ушбу институтни битиргач, 2 йил мактабда ўқитувчилик қилган ва ҳарбий хизмат бурчини ўтаган.

1972 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий тадқиқот институтининг кичик илмий ходими сифатида фаолиятини бошлаган. 1975 йили шу институтнинг сиртқи аспирантурасига кириб, 1981 йилда ВАСХНИЛ академиги, профессор Саидмаҳмуд Нўъмонович Усмонов илмий раҳбарлигида «Хўжаликларо кооперациялаш шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришни такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1982 йилдан бошлаб сектор мудирлиги лавозимида, 1983 йилдан эса ижтимоий топшириқ асосида номзодлик диссертацияси ҳимояси бўйича махсус кенгашнинг илмий котиби вазифасида ишлаб келмоқда.

Ҳозирги кунга қадар 40 га яқин илмий ишлари марказий ва республика матбуотларида эълон қилинган. Шулар жумласига битта китоб ва 6 та брошюра ҳам киради.

## ОЛЬГА ЧУМАКОВА

1930 йил 18 ноябрда Саратов шаҳрида туғилди. У 8 ёшида мактабга борди. Улуғ Ватан урушининг учинчи йили у комсомол сафига қабул қилинди ва уни синфга комсорг қилиб сайлашди. Уша вақтларда яшаш шаронти жуда оғир эди. Фашист самолётлари Саратов шаҳридаги саноат объектлари, Волга кўприкларини бомбардимон қилганди. Шаҳарда озиқ-овқат етишмасди.

Лекин Ольга Чумакова ўқиётган синф комсомоллари шаҳардаги бошқа комсомоллар сингарини актив жамоатчилик ишларини олиб бордилар. Фронтга посылкалар юбориб турдилар. Қарияларга ёрдамлашдилар, оиласи урушда ҳалок бўлган кишиларга ёрдам бердилар, госпиталга бориб ёрдам кўрсатдилар, металлоллар тўпладилар. Саратовга эвакуация қилинган испан болаларини оталиққа олдилар. Ориқиб кутилган ғалаба куни етиб келди. Энди тинчлик ишлари билан шуғулланиш мумкин эди.

Ольга Чумакова мактабда рус тили ва адабиёти, тарих фанларини севиб ўқир эди. Шу билан бирга, уни физика ва математика фанлари ҳам қизиқтирар эди. У 11 ёшидан шеърлар ёза бошлайди. Улуғ рус шоирлари А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. Некрасов, С. Есенин асарларини ёддан билар эди.

1949 йил Ольга Чумакова ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, Н. Г. Чернишевский номи Саратов Давлат университетиغا ўқишга кирди.

У студентларнинг илмий конференцияси, мунозаралар, ижодий кечаларнинг актив қатнашчиси эди. Оля ҳар йили халқ оғзаки ижоди ва шевачилик экспедицияларига қатнашади. У Курск, Орёл, Вологда областларида бўлади. Саратовнинг кўпгина қишлоқлари билан танишади. Айниқса Оляни шевачилик, рус халқ талаффузи қизиқтиради.

1964 йил О. Чумакова ўзининг шевачилик бўйича илмий ишини аъло баҳога топширади. Худди шу йили у давлат имтиҳонларини ҳам топшириб, филолог деган мутахассислик олади. Шу йили конкурс имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, Саратов университети қошидаги аспирантуранинг умумий ва славян тилшунослик кафедрасига қабул қилинади. 1954—1957 йиллар у таниқли тилшунос олимлар А. М. Лукъяненко, О. Б. Сиротина, Л. И. Баранникова раҳбарлигида аспирантурани тугатди. У «Вологда халқлари талаффузида отлар» темаси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлайди. Оля Чумакова йўлланма



Уш Давлат педагогика институтида 3 йил ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ольга Чумаковани Қарши педагогика институтининг рус тили кафедрасига катта ўқитувчиликка таклиф этишади.

Ўзбекистон унинг иккинчи Ватани бўлиб қолади. Унинг миллий гуруҳлардаги иши, тажрибалари ортиб боради. Икки йилча у Қарши педагогика институтининг рус тили кафедрасида бошланғич гуруҳларга бошчилик қилади. Кейинчалик уни М. Т. Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институтига таклиф этадилар.

Россия вакили, асли саратовлик Ольга Чумакова мана 30 йилдирки Термиз педагогика институтида ишлаб келмоқда. Унинг Ўрта Осиёга келганига ҳам 35 йил бўлиб қолди. Бу ерда унинг 20 га яқин илмий иши нашрдан чиқди. Ҳар йили у Иттифоқ миқёсида бўладиган конференцияларда рус тили ўқиш масаласи бўйича қатнашади.

Ольга Матвеевна кўп йиллардан бери М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти рус тилшунослиги кафедрасига мудирлик қилди.

## ДАВЛАТ ШАРОПОВ



1944 йил 5 декабрда Шеробод районининг Пошхурт қишлоғида туғилди. 1951 йилда Ангор районидаги Ворошилов номли ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. Ўқиш даврида мактаб дирекцияси томонидан аъло баҳолари, яхши хулқи ва мактаб жамоат ишларида актив қатнашганлиги учун бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

1961 йилда ўрта мактабни битириб, колхозда ҳисобчи бўлиб ишлади. 1962 йилда Тошкентдаги қишлоқ хўжалик институти иқтисод факультетининг биринчи курсига қабул қилинди.

1963 йилдан 1966 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди.

1966 йилдан бошлаб институт иқтисод факультетининг II курсида ўқишни давом эттирди ва 1969 йилда уни имтиёзли диплом билан тугатди.

Институтда ўқиш даврида иқтисодий темаларда студентлар илмий конференцияларида қатнашди. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига қилинадиган билвосита харажат ва уни камайтириш йўллари бўйича курс иши тайёрлади. 1969 йилда Ангор районидаги «Коммунизм» колхозига ёрдамчи иқтисодчи бўлиб ишга кирди.

Иш даврида план ва ҳисоботлар тузишда бевосита қатнашиб, маҳсулот таннархини аниқлаш ва ички хўжалик ҳисобини тузишни атрофлича таҳлил қилди.

1970—1972 йилларда Совет Армияси сафида икки йиллик муддат билан офицерлик хизматини — иқтисод-молия бўлими бошлиғи вазифасида ўтади. 1972—1975 йилларда яна ўз колхозида ёрдамчи иқтисодчи бўлиб ва шу даврда Ангор район партия комитетида штатсиз инструктор бўлиб ишлади. 1975—76 йилларда ёрдамчи бухгалтер ва 1976 йилдан «Коммунизм» колхозида бош иқтисодчи вазифасида ишлади. 1986 йилдан эса шу колхоз правлениесининг раисидир.

1980 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Олган билимларини янада мустаҳкамлаш ниятида 1978 йилда аспирантурага кириш учун керакли бўлган ҳужжатларни тайёрлаб, Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиғи иқтисодий илмий тадқиқот институтига топширди.

1979 йили конкурсдан ўтиб, аспирантликка қабул қилинди. Иқтисод фанлари номзоди Лев Георгиевич Рютов илмий раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини бошлади. «Ипак пахта ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигини ошириш» деган темадаги диссертация устида ишлади. 1983 йил 6 декабрь кунинда Москва шаҳрида диссертация муваффақиятли ҳимоя қилинди.

1985 йилда областнинг ипак пахта экадиган районларида 1 центнер пахтага қилинадиган меҳнат сарфи дифференцияланган нормативни белгилади.

Пахтачиликда техникадан унумли фойдаланиш, трактор паркидаги тракторлар билан қишлоқ хўжалиғи машиналари пропорциялари аниқланиб, трактор паркиннинг ҳозирги фан талаби асосида оптимал кўлами аниқланди.

Турли нашрларда иқтисод фанлари номзоди Давлат Шароповнинг 15 дан ортиқ илмий мақоласи кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган. У колхоз экономикасини ривожлантириш, илмий тадқиқотини давом эттириш борасида самарали меҳнат қилмоқда.



1950 йилда Термиз шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1957—1967 йиллар давомида у Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли 2-ўрта мактабда таълим олди. Уқиш борасида ижтимоий фанларга нисбатан уйғонган қизиқиши уни 1967 йил Термиз Давлат педагогика институтининг тарих-география факультетига етаклади.

Жўра Шоймуротов 1972 йилда олий ўқув юртини муваффақиятли тугатиб, Сурхондарё область ўлкашунослик музейининг этнография ва тасвирий санъат

бўлимида мудар сифатида иш бошлади. 1973 йилдан бошлаб у М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм кафедрасига ишга таклиф этилди.

Ж. Шоймуротов 1975 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий коммунизм кафедраси қошидаги илмий коммунизм назарияси мутахассислиги бўйича аспирантурага кириб ўқий бошлади. Бу йилларда область газетасида унинг бир нечта мақолалари чоп этилди. Жўра Шоймуротов илмий коммунизм кафедраси мудири, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Собитхон Ҳошимович Носирхўжаев раҳбарлигида «Қишлоқ интеллигенцияси, социал структурадаги ўрни ва ривожланган социализм шароитида унинг функцияларининг такомиллашуви (Ўзбекистон ССР материалларида)» деган темада илмий тадқиқот иши олиб борди.

У диссертация учун материаллар йиғиб, уларни таҳлил этиш даврида илмий раҳбари томонидан берилган маслаҳатлар ва кўрсатилган, инсоний ғамхўрликни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан дилда сақлаб борди. 1980 йил 12 февралда мутахассислашган илмий Советда диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди ва фалсафа фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди.

Ҳозирги кунда Ж. Шоймуротов илмий тадқиқотларда Урта Осиё республикаларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, унинг тенденцияларини анализ қилиш масалаларига бағишланган изланишлар билан шуғулланмоқда.

Диссертациянинг актуаллиги ва илмий жиҳатдан янгилиги тадқиқ этилаётган масала ва социологик материалларга комплекс ёндашиш негизида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-синфий структурасида интеллигенция ва хизматчиларнинг ўрни,



«Ижтимоий табиат» ва «Ижтимоий қиёфа» тушунчаларининг моҳияти ва диалектик алоқадорлиги жараёни очиб берилиши, қишлоқ интеллегенциясининг мураккаб ва дифференциациялашган жинсий ва миллий, тармоқ ва касб структураси, унинг билим савияси масалалари Ўзбекистон ССР қишлоқлари ижтимоий синфий структурасига хос муайян специфик хусусиятларнинг таъкидлаб ўтилиши билан ифодаланади. Шунингдек, илмий тадқиқотда қишлоқ шароитидаги интеллегенциянинг состави ва структурасида амалга ошаётган сон ва сифат жиҳатдан ўзгаришлари, уларнинг сертармоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, қишлоқ аҳолисининг умумтаълим ва маданий техника савиясини ўстиришдаги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва бадний ижодиётини ривожлантиришда ўсиб бораётган функционал роли ва ҳозирги босқичда интеллегенциянинг тараққиётига хос умумий қонуниятлар ҳар томонлама таҳлил этилган.

## ТУРА ШОТУРАЕВ

1938 йил 1 март куни Сурхондарё область, Шеробод районининг Лайлаган қишлоғида туғилган. 1945 йилда шу қишлоқдаги А. Навоий номидаги мактабнинг биринчи синфига ўқишга борди. 1950 йилда областда янгидан ўзлаштирилган кўриқ ва бўз ерларда ташкил этилган Ангор районига кўчиб келган.

1952 йили ВЛКСМ сафига қабул қилинди. 1955 йилда Ангор район «Таллимарон» совхозидаги А. С. Пушкин номи ўрта мактабни тамомлаб, Термиз шаҳридаги 2 йиллик ўқитувчилар институтининг география-биология факультетига кириб, уни 1957 йилда тамомлади.

1957—1958 ўқув йилида Ангор районидagi М. И. Калинин номи 8-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1958 йилда Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг табиёт-география факультетига ўқишга кирди.

1963 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаганлиги учун, стажёр-тадқиқотчи қилиб институтда қолдирилди. 1965—1968 йилларда иқтисодий география кафедрасида аспирантурада ўқиди. 1973 йилда В. И. Ленин номи Москва Давлат пединститутини илмий Советида «Ишлаб чиқариш кучларини



жойлаштириш ва унинг ривожланишига сув омборларининг таъсири (Сурхондарё ва Қашқадарё областлари мисолида)» деган темада диссертация ҳимоя қилиб, география фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди. Аспирантура муддати тамом бўлганидан кейин, иқтисодий география кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади.

Институтда ўқиб ва ишлаб юрган кезларида факультет ва институт жамоат ишларида актив қатнашди. 1960—63 йилларда факультет комсомол ташкилотининг секретари, 1963—65 йилларда институт бўйича студентлар илмий жамиятини бошқарди.

1977 йилдан 1987 йилгача Ғ. Ғулом номидаги Сирдарё педагогика институтида бошланғич таълим методикаси кафедрасида олдин катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимида, 1977 йилдан 1982 йилгача педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультети декани ёрдамчиси, кейин кафедра мудири бўлиб ишлади.

1987 йилдан ҳозиргача Тошкентдаги Ўзбекистон республикаси ҳунар-техника таълими ходимларининг малакасини ошириш институтида раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш факультетида декан лавозимида ишламоқда. У 15 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи бўлиб, улардан иккитаси брошюралар.



## ЭШБЕК ШОҲИМАРДОНОВ

1938 йил 15 сентябрда Шўрчи районига қарашли Қорлиқ қишлоқ Советининг Чеп қишлоғида (ҳозирги Ширин совхози) туғилди. У 1950 йилга қадар 22- ўрта мактабда таҳсил кўрган. 5-синфнинг 3 чорағидан бошлаб, 10-мактабда ўқишни давом эттириб, 1955 йилда шу мактабнинг 10-синфни тугаллади ва мактабнинг ўзида бир йил давомида математика ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1956—1961 йиллари Т. Ғ. Шевченко номидаги Душанбе Давлат педагогика институти физика-математика факультетига ўқишга киради.

Институтни тугаллагач, шу институт қошидаги марксизм-ленинизм кафедрасининг ассистенти лавозимига ишга тайинланади ва шундан буён шу институтда ишлаб келмоқда.

1967 йил 15 ноябрдан то 1970 йил 15 майгача В. И. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети философия факультетининг диалекти материализм кафедраси ҳузурида аспирант бўлиб ўқиди, аспирантлик даврида «С. И. Вавиловнинг фалсафий қарашлари» темасида илмий иш олиб бориб, 1970 йил 22 июнда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди. 1965 йил ноябрида эса фалсафа кафедраси доценти илмий унвонини олади.

Э. Шоҳимардоновнинг аспирантлик йиллари илмий ишга мустақил ёндошиш асосида боради. Чунки олий ўқув юртида физика-математика мутахассислиги билан имтиёзли дипломга эга бўлиш, СССР Фанлар академиясининг солиқ президенти, жаҳонда етук физик-олим, бир неча чет мамлакатлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, фахрий профессор Сергей Иванович Вавиловнинг (1891—1950) илмий фаолияти кўп қиррали эди. Шу муносабат билан С. И. Вавилов қолдирган илмий мероснинг философик аҳамиятини очиб бериш мураккаб эди.

С. И. Вавиловнинг «Ленин ва ҳозирги замон физикаси», «Янги физика ва диалектик материализм», «Исак Ньютон» ва бошқа асарларида олимнинг физик илмига диалектик-материалистик қарашлари баён этилган. Жумладан, дюминесценция ҳодисасини ўрганиш соҳасида катта бир мактабни бошқариш ёки Советлар мамлакатада физика илмининг диалектика-материалистик метод асосида ёритилишини тушунтиришни баён этиш — биринчилар қаторида С. И. Вавиловга nasib этган эди.

Э. Шоҳимардонов жамоатчилик ишларида актив қатнашади: факультет партбюроси аъзоси, кафедра цех партия ташкилоти секретари, институт партия комитети ҳузуридаги ташкилий ишлар комиссияси ва институт ижтимоий фанлари олимлар Советининг аъзоси каби вазифаларни бажариб келмоқда.

## АБДУҲАКИМ ШУКУРОВ

1945 йил Сурхондарё область Бойсун район, Пасурхи қишлоғида туғилди. Умумий ўрта маълумотни Бойсун районидаги М. И. Калинин номли, ундан кейин Душанбе шаҳрининг 14-ўрта мактабларида олди (1962).

1967 йил Ленинград Давлат университетини муваффақиятли тугаллади ва шу олий даргоҳнинг физика илмий текшириш институтида ишлади.

1968—1971 йиллар институтнинг аспирантурасида ўқиди. Уни тамомлаганидан кейин, СССР



Фанлар Академияси физика-атмосфера институтига ишга юборилди ва ҳозиргача ўша ерда фаол ишлаб келяпти.

А. Шукуров мактабда ўқиб юрган кезларида илм ўргатган устозларини ҳурмат-эҳтиром билан эсга олади ва Р. Эшонқулов, Д. Н. Бондарёв, Х. Рамазонов, А. Ражабов, С. Саъдуллаев, А. Бўриев, А. Раҳимов, Қ. Содиқов, Б. Қурбонов, Қ. Қаримов, Х. Хурсанов, А. Ф. Волков, Р. Шарипов, Г. Қ. Малишева, Г. Бўриев, М. А. Ткачеваларга кўпдан-кўп миннатдорчилик билдиради.

А. Шукуров рус, ўзбек, тожик тилларини яхши билади. Унинг бу тилларни билиши кўп жойларда, турли миллат вакиллари билан тил топишда катта роль ўйнади. Студентлик вақтида, кейинчалик аспирантурада ўқиганида Эльбурс чўққиси атрофида ўтказилган бир неча илмий экспедицияларда (1963—1967 йиллар) қатнашиб, у ерда атмосферани, юлдуз, планета ва йўлдошларни оптик текшириш ишларини олиб борди. 1967 йилда экспедицияларнинг биринчи иш пайтида Эльбурс тоғининг энг баланд чўққисига чиқишда қатнашди, бу экспедиция буюк Октябрь революциясининг 50 йиллик юбилейи шарафига ташкил қилинган эди.

Шукуров шу йилларда яна икки марта университет экспедицияларида қатнашди. Бу экспедиция 1965 йил 23 ноябрда Термизда ва 1966 йилнинг 20 майида Қозоғистонда қуёш тутилиши муносабати билан ўтказилган эди. Термизда ишлагай пайтида экспедициянинг илмий вазибалари, қуёш тутилиши сабаблари ҳақида юртдошларига маъруза қилди ва шу материаллари 1965 йилнинг 21 ноябрида «Ленинское знамя» газетасининг 229-сонида босилиб чиқди.

У диссертацияни 1972 йилда профессор С. Ф. Родинов илмий раҳбарлигида, СССР Фанлар Академиясининг физика-атмосфера институтида ишлаганида ёқлади. Бу диссертацияга аспирантурада ўқиган ва институтда ишлаган вақтларидаги илмий кузатиш натижалари асос бўлди. Бундан ташқари, икки марта денгиз экспедициясида бажарилган ишлар ҳам қўшилди. Бу экспедиция (1970—1971 йиллар) Атлантика ва Тинч океанларда «Дмитрий Менделеев» ва 1974 йилда Атлантика океанида академик Курчатов номли илмий текшириш кемаларида олиб борилган эди. Олимнинг 30 га яқин илмий мақолалари турли илмий журналларда чол этилган.

Яқин келажакда физика-математика фанлари номзоди А. Шукуров Урта Осиёда бўладиган қуёш тутилиши натижаларини ва атмосферада бўладиган ўзгаришларни кузатиши ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

## ҲАМЗА ЭГАМБЕРДИЕВ

1934 йил 15 февралда Ангор районида туғилди.

1941 йил Ангор районидаги Киров номи 4-сон тўлиқсиз ўрта мактабнинг биринчи синфида ўқий бошлади. Уруш йиллари ўқиш ниҳоятда оғир, болалар учун ўқитувчилар етишмас, ўқув қуроллари кам эди. Шунга қарамай, Ҳамза аъло баҳолар билан ўқиди. У 1948 йилда Термиз педагогика билим юртига ўқишга кирди.

Ўқиш билан бир вақтда у 1950—51 ўқув йилларида Термиз районидаги 5-сон мактабда иккинчи синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1952 йилда шу билим юртини тугатди. 1952 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирди ва 1956 йилда бу ўқув даргоҳини имтиёзли диплом билан тугатди.

1956 йил август ойидан 1957 йил сентябрь ойигача Ангор районидаги 3-сон мактабнинг директори ва тарих ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1957 йил сентябрда 1950 йилга қадар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих-археология институтининг аспирантурасида ўқиди.

1963—64 йилларда шу институтда катта лаборант бўлиб ишлади. Шу йиллардан бошлаб у илмий тадқиқот ишлари билан жиддий шуғулланди. Ҳамза Эгамбердиев 1964—1968 йилларда Тошкент политехника институтининг КПСС тарихи кафедрасида «Билим» жамиятининг раислиги вазифасини бажарди.

Студентлар ва аҳоли орасида доимий равишда СССР нинг халқро ва ички масалалари бўйича лекция ва суҳбатлар ўтказиб келди. «Социализм қурилиши йилларида Ўзбекистон маданиятининг тараққиёти (1925—1941 йиллар Сурхондарё ва Қашқадарё областлари мисолида» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва тарих фанлари номзоди дипломини олди. 1970 йилдан то 1972 йил июль ойига қадар Беруний номи Тошкент политехника институти ижтимоий фанлар кафедраси партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади.

1973 йилдан то 1975 йил октябрь ойига қадар Ҳамза Эгамбердиев Термиз Давлат педагогика институти партия ташкилоти секретарининг ўринбосари ва халқ назоратчилари группасининг раиси сифатида фаолият кўрсатди.

1975—1978 йиллар институт партия ташкилотининг секретари



ри этиб сайланди. Ҳамза Эгамбердиевнинг илмий ишига оид ўндан ортиқ мақоласи марказий журналларда нашр қилинди. Маҳаллий газеталарда мақоласи чоп этилди.

1967—68 йилларда «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида «1925—40 йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё областларида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш» ва «1924—1940 йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё областида саводсизликни тугатиш учун кураш тарихидан», СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб «Социализм қурилиши йилларида қишлоқ меҳнаткашларининг маданий савиясини юксалтиришда Сурхондарё ва Қашқадарё областлари партия ташкилотларининг роли» деган мақолалар эълон қилди.

Ҳамза Эгамбердиев 1961 йилдан бери КПСС аъзоси. У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ҳамза Эгамбердиев 1984 йил февралидан шу институтнинг сиртқи бўлими проректори сифатида ишлаб келмоқда.

## РАШИД ЭРГАШЕВ



1937 йилнинг 1 январидан Шўрчи район, Хидиршо қишлоқ Советининг Сайрак участкасида дунёга келди. 1944 йилда М. Ю. Лермонтов номидаги 30-сон ўрта мактабга илк бор қадам қўйди.

1953 йилнинг сентябрь ойида Денов районида ВЛКСМ сафига қабул қилинди.

У 1954 йилда М. Ю. Лермонтов номидаги 36-сон ўрта мактабни тугатди. 1954 йилда Тожикистон қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди. Шу институтни 1959 йилда муваффақиятли тугатди ва агроном-олим мутахассислигини олди.

Тожикистон қишлоқ хўжалиги институти илмий совети тавсиясига биноан 1959 йилда Тожикистон ССР Фанлар академияси, Ершунослик илмий-текшириш институтига агрономия мутахассислиги бўйича аспирантурага ўқишга кирди. Аспирантура муддати тугагач, 1962 йилда Тожикистон қишлоқ хўжалиги илмий текшириш институтининг агрономия бўлимига кичик илмий ходим қилиб тайинланди.

1967 йилда «Ҳисор водийсидаги кулранг ўтлоқ ва яримўтлоқ ерларда маккажўхори етиштиришда маҳаллий ўғитдан фойдаланишнинг аҳамияти» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади.

1968 йилнинг июнь ойида Тожикистон қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтининг агрономия бўлимига катта илмий ходим қилиб ўтказилди.

Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича 40 дан ортиқ илмий ишлари босилиб чиқди: «Маҳаллий ўғитларни қўллашдаги янгиликлар» (Брошюра, «Ирфон» нашриёти, Душанбе, 1964 йил).

«Маккажўхори етиштиришда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги» (Ирфон, Душанбе, 1975 йил).

«Тупроқда фосфат тузлари миқдорини ўрганишда далада маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ёрдамида тажрибалар ўтказиш методикаси» (Москва, 1969 йил).

Р.Эргашев 1975 йилдан бошлаб Тожикистон қишлоқ хўжалиги институтининг умумий ершунослик кафедрасида доцент бўлиб ишламоқда.

## ҲАМРО ЭРМАТОВ

1948 йил 25 майда Бойсун район, Майчи қишлоғида туғилди.

1966 йилда Гагарин район, 1-сон В. И. Ленин номидаги ўрта мактабнинг ўн биринчи синфини тамомлади. Ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларида физика-математика фанларига қизиқар эди. Шу йилнинг ўзида Душанбе Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. 1971 йили институтни муваффақиятли тамомлади.

Студентлик йилларида икки марта республика олий ўқув юрлари орасида фалсафа фанлари бўйича ўтказилган конкурсларда

ғолиб чиқди. Дастлабки илмий изланишларида фалсафа фанлари доктори, профессор М. Н. Болтаев (ҳозир Қарши пединститутининг ректори) раҳбарлик қилди.

Институтни битиргач, 1971—1979 йилларда Гагарин район, область ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг маъсул вазифаларида ишлади. Кейинчалик обслать комсомол комитетининг секретари бўлди. 1979—1981 йилларда Тошкент Олий партия мактабида ўқиди ва уни имтиёзли диплом билан тугатди. 1977—1981 йилларда ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сиртқи бўлими аспирантурасига ўқишга кирди. Эрматов Ҳамрога шу институтнинг сектор мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А. Ф. Файзуллаев илмий раҳбарлик қилди.



1982 йил 26 февралда «Фан ва ишлаб чиқаришнинг бирлиги ва ўзаро алоқаси» темасида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Диссертация ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти даврида фаннинг ишлаб чиқариш билан бирлиги ва уларнинг ўзаро алоқасининг методологик масалаларини ишлаб чиқаришга бағишланган. Шунингдек, математика ва табиатшунослик фанларининг қай даражада ишлаб чиқаришга, хусусан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига кўрсатадиган таъсири масалалари ёритилган.

10 дан ортиқ илмий ишлар ва мақолалари эълон қилинган. Улар «Фан» нашриётида «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали саҳифаларида босилган. Ана шу мақолалар ва докладлар билан кўпгина Бутуниттифоқ ва республика илмий-назарий конференцияларида иштирок этган.

Фалсафа фанлари номзоди Ҳ. Эрматов айна кунларда Сурхондарё области партия комитети идеология бўлими мудири бўлиб ишламоқда.

## ЖАББОР ЭСОНОВ



1932 йил 21 мартда Сурхондарё область Бойсун районидagi Дарбанд қишлоқ Советининг Човди қишлоғида туғилди.

1939 йилда «Дарбанд» совхоз, Сарибозор қишлоғидаги 9-ўрта мактабнинг биринчи синфига бориб, шу мактабнинг 7-синфини 1964 йилда муваффақиятли битирди. Унинг ўқиши Улуғ Ватан уруши йилларида осон бўлмади. Бугун дарс бериб турган ўқитувчи эртага Ватанни ҳимоя қилиш учун фронтга жўнаб кетар, унинг ўрнига янги ўқитувчи келар эди.

Ж. Эсанов мактабда ўзига таълим берган ва жанг майдонларида фашизмга қарши курашиб, мардона ҳалок бўлган ўқитувчилари Тўхтамурод Устоев, Жума Маматқулзода, Султон Бобозода, Жума Аминзода, Соҳибқул Муродов, Султон Назарзодаларга ҳаёт-мамот жангларида ярадор бўлиб қайтиб келган ва яна ёш авлодга билим бериш билан шуғуллана бошлаган Ҳофиз Сиддиқзода, Ҳайдар Авлиёзода, Норкенжа Қозизода, Чоршанба Сарибоев, Л. В. Архамешина, Сафар Бобоевларнинг номини фахр билан тилга олади.

Унда ўқитувчилик касбига бўлган ҳавас мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бошланди. Шу туфайли 1964 йилда Ж. Эсанов



Термиз педагогика билим юртига ўқишга кириш учун муваффақиятли имтиҳон топширди ва 1949 йилда уни битириб, Бойсун райониغا йўлланма олди. 1949—1953 йилларда Пулҳоким қишлоқ Советидаги Тельман номли 24-ўрта мактабда, кейин эса Дарбанд қишлоқ Советида 9-ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, мактаб илмий бўлим мудирлиги вазифасида ишлади.

1953—1957 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. Ж. Эсоновга институтни имтиёзли диплом билан битиргач, Сурхондарё область Бойсун районидаги 1-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ихтисоси бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаш учун йўлланма берилди. Шу мактабда у 1965—1966 ўқув йилигача ўқитувчи, кейин директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида ишлади.

Бўлажак олимнинг «Ғафур Ғулومнинг «Кўкан» поэмасининг тилини ўрганиш» («Совет мактаби» журнали, 1963 йил 8-сон), «С. Айнийнинг «Қуллар» романи тилини ўрганиш» (Совет мактаби», журнали 1965 йил, 6-сон), «Муқимий сатираларининг тилини ўрганиш» (Ўзбекистон педагогика илмий тадқиқот институтининг илмий-методик тўплами, 1965 йил) каби илмий методик мақолалари мактабда ишлаб юрган давридаёқ босилиб, республиканинг йирик методист олимлари А. Зуннунов, С. Далимов, Қ. Аҳмедовлар томонидан муносиб баҳоланган эди.

Ж. Эсонов 1965 йилда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида адабиёт ўқитиш методикаси ихтисоси бўйича сиртдан аспирантурага кирди. У 1969 йилда «Ўрта мактабнинг юқори синфларида бадий асар тилини ўрганиш» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва педагогика фанлари номзоди деган илмий унвонни олишга сазовор бўлди.

Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти мутахассис — олимлар томонидан юксак баҳоланди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, филология фанлари доктори, профессор Ш. Шоабдурахмонов илмий Совет мажлисида Жаббор Эсонов диссертациясининг моҳияти ҳақида сўзлаб: «Диссертацияни тезроқ методик қўлланма сифатида нашр эттириш керак. Чунки, Жаббор Эсоновнинг бу илмий иши республика мактаблари адабиёт ўқитувчиларига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта ёрдам беради»,— деган эди.

1973 йилда «Ўқитувчи» нашриёти орқали Жаббор Эсоновнинг «Ўрта мактабнинг юқори синфларида бадий асар тилини ўрганиш» номли илмий-методик қўлланмаси нашр этилди. Мазкур қўлланма мактабда бадий асар тилини ўрганиш методикасини яратиш борасида дастлабки қадам бўлиб, автор бунда республика мактаблари ўқитувчиларининг илғор тажрибаларига асосланиб, ўрта мактабда бадий асар тилини ўрганишнинг баъзи масалалари ва машғулот намуналарини кўрсатишни асосий вазифа қилиб олди. Қўлланмада бадий асар тилини анализ

қилишда бешта асосий талаб: аниқлик, типиклик, ғоявийлик бунёдкорлик, поэтик тил тугаллиги масалалари мактабда ўрганиладиган асарлар мисолида батафсил ёритилиши китобнинг илмий-методик қимматини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ж. Эсоновнинг олимлик фаолияти унинг актив жамоатчи, ташкилотчилик иш услубларида ҳам яққол кўзга ташланиб турди. У 1966 йилдан 1975 йилгача М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти филология факультетининг декани вазифасида, 1975 йилдан то 1984 йилгача шу институтда ўзбек адабиёти кафедрасининг мудирини, 1975 йилдан ҳозиргача метод Советининг раиси вазифаларида ишлади. 1982 йилдан ўзбек адабиёти кафедраси доценти.



## ҚУРБОН ЭШБОВ

1942 йил 12 октябрь куни Шўрчи районидаги эски Оққапчиғай қишлоқ Совети территориясидаги Гагарин номи давлат паслчилиқ совхозида туғилди. У 1949 йили ўрта мактабга ўқишга борди. Бошланғич синфларни совхознинг 2-фермаси территориясидаги Попов номи 44-сон мактабда ўқиди. Саккизинчи синфини совхоз марказидаги Н. К. Крупская номи мактабда тугатди. Сўнгра Жарқўрғон районининг «Москва» колхозидаги ўрта мактабда 10-синф маълумотини олди.

Қ. Эшбоев ёшлигиданоқ ветеринария врачлари бўлишини орзу қилиб юрар эди. Шунинг учун ҳам у ана шу касбга онд фанларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берди. Ёш қалбдаги орзу Қурбон Эшбоевни Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институтига етаклади. У кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, институтнинг ветеринария факультетига ўқишга кирди.

Ўқиш даврида билимга ташналиги, изланувчанлиги, уйдубурунлиги ва ишчанлиги билан студентлар ўртасида ажралиб турди. Ҳар бир фанни аъло ўзлаштириб, жамоат ишларида актив қатнашиб, ўқув даргоҳида обрў орттирди. Қурбон Эшбоев олий даргоҳда олаётган билимларини практик машғулотларда мустақамлаб борди.

1965 йилда институтни муваффақиятли тугаллади. Институтнинг охириги курсида ўқиб юрганида ҳам у она қишлоғи ва сов-

хозини унутмади. Олий ўқув юртини тамомласа, албатта, ўзи туғилиб ўсган ва билим олган совхозига қайтишга қарор қилди. У республика қишлоқ хўжалиги министрлиги ва олий ўқув юрти ректоратининг йўлланмаси билан воҳамизга ишга келди.

1967 йилларда Самарқандаги ветеринария илмий текшириш институтининг сиртқи бўлим аспирантурасига ўқишга кирди. Биология фанлари доктори Вадим Муртазоевич Содиқов раҳбарлигида илмий иш олиб борди. Бу давр ичида кўп қийинчиликларга дуч келди. Аспирантлик пайтидаги қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгди. Ниҳоят, игна билан қудуқ қазишга тенг бўлган илмий ишини 1971 йили тугаллади. 1972 йилнинг 7 ноябрь куни «Қавшовчи ҳайвонлардаги гелментоз касаллигининг олдини олиш тадбирийд чоралари» мавзусида диссертация ёқлади.

Қ. Эшбоев қишлоқ хўжалик фанлари номзоди деган фахрий ном олди. Бундай шарафли илмий даражага Москвадаги ветеринария академиясида эришди.

Қ. Эшбоев область партия комитетининг қишлоқ хўжалиги бўлимига мудирлик қилди. 1983 йил Денов район партия комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлади. У воҳамиз чорвачилигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Ветеринария фанлари номзоди Қ. Эшбоевнинг Иттифоқ, республика нашриётларида 30 дан ортиқ илмий мақоласи эълон қилинган. У ҳозир Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретаридир.

## ҲАКИМ ЭШОНОВ

(1932—1977)

1932 йил 15 октябрда Термиз районидаги Мангузар қишлоғида оддий деҳқон оиласида дунёга келди. Унинг болалик йиллари Мангузар қишлоғида ўтди. 1940 йилнинг сентябрь ойида Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли 2-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. Тез кунлар ичида у ўзининг ўткир зеҳни ақли ва аъло ўқиши билан ўқитувчилари ва ўртоқларининг ҳурматини қозонди.

Табиаатга, ўсимликларга бўлган ҳавас Қ. Эшоновни Тошкент агро-ўрмон мелиорация техникумига бошлади. У билим юртида ҳам ҳаммага ўрнак бўлиб, дўстлари, устозлари олқишига сазовор бўлди. Қ. Эшонов 1959 йилда Тошкент агро-ўрмон мелиорация техникумини имтиёзли диплом билан тугатди.



Меҳнат фаолиятини 1953 йил Бойсун ўрмончилик хўжалигида ўрмончи ходим лавозимида ишлашдан бошлади. Ўсимликларнинг нозик сирлари, уларнинг ривожланиши ва ҳаёт кечириши унинг қизиқишини оширар ва улуғ мақсадлар сари чорларди. 1954 йил Қ. А. Темирязов номли Ленин орденли Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг агрономия факультетига ўқишга кирди ва 1959 йилда уни муваффақиятли тугатди. Шу йили Сурхондарёга қайтиб келиб, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасига бош агрономлик вазифасига тайинланди.

Бу ишнинг ўзига топширилганлигини, масъулиятли эканлигини тушунар ва ҳар қандай вазифани астойдил, сидқидилдан бажарарди. Унга «Ҳазорбоғ» совхозининг бош агрономлик вазифаси топширилди.

Бу ерда ҳам кўпгина ишларни амалга оширди ва партиянинг ишончини қозонди.

Илмга, янгиликларга бўлган чанқоқлик Қ.Эшоновни Тошкентдаги Ленин орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институтига бошлади. У меҳнат фаолиятини давом эттирган ҳолда аспирантурада сирдан ўқиди.

Сурхондарё области шароитида ғўзани кенг қаторлаб экишдан олиннадиган агротехник самаралар» деган темада илмий иш бошлади. Совхозда унга ажратилган тажриба участкаси бор эди. Бу участкада кенг қаторлаб экишдаги тажрибаларни амалга оширарди. Кундузи совхоз иши билан банд бўлса, кечалари илмий иши устида ишларди.

Диссертацияни муваффақиятли тугаллашда пахтачилик сирларини қунт билан ўрганишда Қ. Эшоновга қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Зикрилло Саъдуллаевич Турсунхўжаев илмий раҳбарлик қилди.

Икки йиллик тинимсиз меҳнат ўзининг самарасини кўрсатди. Қилинаётган тажриба муваффақият билан тугади. 1981 йил 3 июнь В. В. Куйбишев номи Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг илмий Советида Қ. Эшопов диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Қ. Эшоновнинг «Чигитни кенг қаторлаб экиш тажрибаларидан», «Янги сеялқаларнинг афзалликлари», «Икки йиллик тажрибанинг натижаси», «Пахтачилик технологиясида янгилик» каби кўплаб мақолалари эълон қилинди. 1969 йил Зикрилло Турсунхўжаев билан ҳамкорликда «Пахтадан юқори ҳосил етиштириш асослари» деган китоби нашр қилинди. Асарда республикамизнинг илғор хўжалиги «Ҳазорбоғ» пахтачилик совхозининг ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, фидокорона меҳнат натижасида қўлга киритилган юқори ҳосили ҳақида фикр юритилади. Экин майдонларининг кенгайтирилганлиги, ғўзани кенг қаторлаб экиб, ўз вақтида парвариш қилинганлиги баён қилинади.

Қ. Эшоновга 1968 йил Сурхондарё область совхозлар трестининг бошлиғи вазифаси топширилди. У бу ерда ҳам тинимсиз

меҳнат қилди. 1973 йил Шеробод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозига директор қилиб тайинланди.

Ҳ.Эшонов 1976 йилнинг апрель ойидан умрининг охиригача пахтачилик бўйича Сурхондарё область қишлоқ хўжалиги тажриба станциясининг директори лавозимида ишлади.

У қайси лавозимда ишlamасин, ўзининг бутун кучини, ижодий ғайратини, ташкилотчилик маҳоратини халқимиз, ватанимиз йўлига сарфлади. Топширилган ҳар қандай ишга юксак масъулият билан ёндошди. У ўзига ва бошқаларга нисбатан принципиал талабчан раҳбар эди.

Партия ва ҳукуматимиз Ҳ.Эшоновнинг меҳнатини муносиб баҳолади. Ҳ.Эшонов «Ҳурмат Белгиси» ордени ва бир қанча медаллар билан мукофотланган.

## АДОЛАТ ЭШОНҚУЛОВА

1947 йил 10 январда Сурхондарё область, Шеробод районида туғилди. 1954 йил Макаренко номидаги ўрта мактабга ўқишга бориб, уни 1964 йил аъло баҳолар билан тугатди. Ешлигиданоқ унинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Евграфова Любовь Платоновнадек ўқитувчи бўлиш орзуси бор эди.

1964—1965 йиллар Шеробод район пионерлар уйида пионервожатий бўлиб ишлади. Пионерлар уйида мактаб ўқувчилари билан қизиқарли машғулотлар, рус шоир ва ёзувчиларга бағишлаб кечалар ўтказилар эди. 1965

йили М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти филология факультетининг рус тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди. 1969 йил шу бўлимни тугатгач, уни институт рус тили ва адабиёти кафедрасига ўқитувчи қилиб олиб қолдилар.

1975 йилдан 1979 йилгача институт комсомол комитети бюро аъзоси ва хотин-қизлар Советининг раиси бўлиб ишлади. «Обогащение узбекской лексики под влиянием русского языка» деган темада ишдан ажралмаган ҳолда олиб борган илмий изланишлари уни илм оламига олиб кирди. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида рус халқи ва унинг тилига эътибор бутунлай ўзгариб кетди. Натижада, ўзбек тилига кўплаб русча-интернацио-




нал сўзлар келиб қўшилди. Унинг луғат составини бойитди, русча сўзлардан нусха олиб, сўз яшашимконияти туғилди. Рус тилидан у ёки бу асарларни таржима қилиш жараёнида, русча-интернационал абстракт сўзлар ҳам учрайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида рус тили, терминология ва таржима секторлари мутахассислари, филология фанлари доктори, профессор И. У. Асфандияров, Ш. Р. Раҳматуллаев, А. Р. Рустамов, Э. Б. Бегматов, филология фанлари кандидатлари Данилова Лина Викторовналардан қимматли маслаҳатлар олди. 1981 йилнинг 8 июнида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1984 йилдан бери Термиз Давлат педагогика институти факультетлараро рус тили кафедраси мудирининг вазифасида ишлаб келмоқда. 1987 йил Сурхондарё область хотин-қизлар конференциясида хотин-қизлар область Совети президиумининг аъзоси бўлиб сайланди. У миллий гуруҳлар студентлари учун рус тилидан амалий машғулот дарслари бўйича иш программаси ва методик қўлланмасининг муаллифидир. Сўнгги йилларда ҳам илмий ва методик мақолалари Тошкент, Москва педагогика институтлари ва Шимолий Осетия университетининг тўпламларида нашр этилади. Шунингдек, у 1986 йил «Рус тили — миллатлараро алоқа воситаси» номли рисоласини кенг китобхонлар оmmasига тақдим этди.

## РУЗИМУРОД ҚАЛАНДАРОВ



1942 йилнинг 6 мартида Бойсун районидаги Панжоб қишлоғида туғилди. 1962 йили Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли 2-сон ўрта мактабни кумуш медаль билан тугатди.

1962 йилда Тошкент тўқимачилик институтига ҳужжатларини топшириб, кириш имтиҳонларидан аъло баҳолар билан ўтди.

У студентларнинг илмий-назарий конференцияларида нафақат ўз мутахассислиги бўйича, балки бошқа техник предметлар бўйича ҳам доимо қатнашиб келар эди. Айниқса, конференцияга тайёргарлик кўриш жараёнида у ҳар бир натижани аниқлаб кўриб, ишонч ҳо-

сил қилишни яхши кўрарди.

1967 йилда институтни аъло баҳолар билан тугатиб, инженер-механик деган мутахассислик дипломини олишга сазовор бўлди.

Р. Қаландаров институтни битириб, Термиздаги пахта тозалаш заводидида 3 ой ишлади, сўнг Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Сўнг Термиз пахта тозалаш заводига қайтиб келиб, ишини давом эттирди. Заводда 3 йил ишлагандан сўнг 1972 йил ўзи битирган институтнинг аспирантурасига кириб ўқиди ва уни 1974 йилда тугатди.

Аспирантурада «Пахтани дастлабки ишлаш» кафедраси мудири, профессор. Ғ. Ж. Жабборов раҳбарлигида «Қийин жипланадиган ингичка толали пахта навларини валикли жипларда жиплаш технологияси» деган темада тадқиқот ишлари олиб борди ва 1975 йил 19 майда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бу жуда актуал темалардан ҳисобланарди. Чунки институтдан кейин, Термиз пахта тозалаш заводидида ишлаб юрган вақтида бу муаммони ҳал қилиш зарурлигини сезганди. Янги навли ингичка толали пахталарни валикли жипларда жиплаш процессида машиналарнинг иш унуми бирдан тушиб кетганлиги аниқланади.

Унда валикли жипларни янги навли ингичка толали пахталарни жиплашда ҳам юқори иш унумини таъминлаш ғояси туғилди ва ўша муаммони жуда кўп изланишлар туфайли ҳал қилиб, корхоналарга ўз кашфиётини татбиқ қилди.

1977 йилдан Термиз Давлат педагогика институти физика кафедрасида катта ўқитувчи, 1981 йилдан бери умум-техника фанлари ва техника воситаларни ўқитиш кафедрасининг катта ўқитувчиси сифатида ишлаб келмоқда.

1984 йилнинг мартидан умум-техника фанлари ва техник воситаларини ўқитиш кафедраси мудири ва сўнг кафедра доценти бўлиб ишламоқда. Унинг Иттифоқ ва республика миқёсида чиқаётган журналларда 20 га яқин илмий мақолалари эълон қилинган «Ишчи валик ва қўзғалмас пичоқ орасидаги температура режимининг динамикасини излаш» (IV республика энергетиклар конференциясининг материали, Тошкент, 1973), «Валикли пахта тозалаш заводларида янги ингичка толали пахтани ишлашда толаларнинг шикастланишини аниқлаш» («Хлопковая промышленность», 1973 й). «Турли материаллардан тайёрланган ишчи валик билан қўзғалмас пичоқ орасидаги босимни аниқлаш методикаси» («Технология текстильной промышленности», 1973, № 6, Иванов) ва бошқалар.

## ШОЙМУРОД ҚАЛАНДАРОВ

(1930—1974)



1930 йилда Бойсун районидаги «Панжоб» қишлоғида туғилди. 1937 йилда у шу қишлоқдаги бошланғич мактабга ўқишга борди ва уни 1944 йилда тугатди. 1947 йилдан 1950 йилгача Шўрчи районидаги Калинин номи колхоз аъзоси бўлиб ишлади. 1950 йилда Қаландаров Ш. Термиз педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1954 йилда у билим юртини муваффақиятли тугатди ва Шўрчи районидаги бошланғич мактабнинг 5—7-синфларига тарих, СССР конституцияси ва арифметика фан-

лари ўқитувчиси этиб тайинланди.

1955 йилда у бошланғич мактабнинг 1-синф ўқитувчиси бўлиб ишлади ва бир вақтнинг ўзиде Н. К. Крупская номидаги 62-етти йиллик мактабнинг 6-синф ўқувчиларига ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

1956 йилда Қаландаров Ш. Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. 1961 йилда у университетни аъло диплом билан тугатди ва Қуйбишев номидаги Самарқанд кооператив институтига ишга юборилди. Институтда у савдо техникасини ташкил қилиш кафедрасида «Совет ҳуқуқи асослари» фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишлади.

1964 йилда Ш. Қаландаров Тошкент Давлат университетининг аспирантурасига «Совет административ ҳуқуқи» мутахассислиги бўйича ўқишга кирди.

1966 йилда унинг «Ўзбекистон ССР да савдон бошқаришни ташкил қилиш» деган темада илмий даража олиш учун ёзган диссертациясининг автореферати чиқди.

1967 йилда эса аспирантурани муваффақият билан тамомлади ва муддатдан илгари диссертациясини ҳимоя қилди.

1968 йилда Ўзбекистоннинг «Фан» нашриёти Қуйбишев номидаги Самарқанд кооператив институти олимларининг «Савдо, товаршунослик ва умумий овқатланиш иқтисодининг масалалари» китобини босмадан чиқарди.

Бу китобда Қаландаровнинг «Қолхоз — бозор савдосини бошқаришнинг баъзи бир масалалари» номи мақоласи ҳам ўрни олди.

1969 йилда Ш. Қаландаров конкурсда муваффақиятли ўтганлиги муносабати билан доцент этиб тайинланди.

1970 йилда у Термиз Давлат педагогика институтига ишга



Ўтди ва «Илмий коммунизм ва снёсий иқтисод» кафедрасида доцент бўлиб ишлаб бошлади.

1971 йилда у институтнинг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори этиб тайинланди ва умрининг охиригача, яъни 1975 йилгача шу вазифада ишлади.

Қаландаровнинг «Ўзбекистон ССР да савдонини бошқаришнинг ҳуқуқий масалалари» деган охириги китобида вафотидан кейин, яъни 1975 йилда босмадан чиқди.

Монография совет ҳуқуқшунослик фанининг муҳим масалаларидан бирини таҳлил қилишга бағишланган. Давлат савдонини ташкил этишнинг ҳуқуқий масалалари муайян иттифоқдош республикалар, авваламбор Ўзбекистон ССРнинг конкрет материалларидан ўрганишни Ш. Қаландаров биринчи марта ўз монографиясида амалга оширди.

## ЖАҲОНГИР ҚАРШИЕВ

1921 йил Шўрчи район Оқбулоқ қишлоқ Советидаги Саксонкапа қишлоғида туғилди. 1927 йилдан 1931 йилгача бошланғич мактабда ўқиди. 1931—32 ўқув йилидан бошлаб Жиндибулоқ қишлоғида етти йиллик мактабда ўқиди.

1934 йили 7-синфини тамомлаб, Термиз шаҳридаги Луначарский номи педагогика билим юртига кирди ва унинг тўла курсини 1938 йилда тамомлади.


У 1937 йилдан бошлаб ўқитувчилик қила бошлади. 1939 йил октябрь ойидан 1945 йил

октябригача Совет Армияси сафида хизмат қилди. Армия сафидаги хизмат вақтининг бир қисми Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келди. Совет Армияси сафидаги хизмати асосан оғир артиллерия қисмларида ўтди. Уруш йилларида икки марта контузия ва уч марта ярадор бўлди. Хизматдан қайтгач, 1945 йил октябридан 1947 йил сентябригача узун район халқ маорифи бўлимида мактаблар бўйича инспекторлик вазифасида ишлади. 1947 йил сентябридан 1951 йил июль ойигача ҳозирги Душанбе шаҳридаги Т. Г. Шевченко номидаги педагогика институтининг тарих факультетинда



СССР Фанлар Академияси Ботаника боғи чорвачилик секторининг мудир, профессор Александр Александрович Ребенков, профессор Петр Венедиктович Кученов, ВАСХНИЛ академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Бутуниттифоқ чорвачилик сиртқи таълим институтининг кафедра мудир, профессор Алексей Васильевич Черкаев ва Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот институтининг директори, профессор Убайдулла Насруллаевич Носировлар А. Қаҳҳоровнинг ишига юқори баҳо бердилар.

А. Қаҳҳоров Самарқанд қишлоқ хўжалик институти зооинженерлик факультетининг декани ўринбосари ва генетика кафедрасининг доценти сифатида фаолият кўрсатмоқда.



## БЕКМУРОД ҚОДИРОВ

1946 йил 20 ноябрда Шеробод районининг Хўжанқо қишлоғида туғилди. Ангор районидаги «Коммунизм» колхозида жойлашган Д. И. Менделеев номи 3-ўрта мактабининг ўн биринчи синфини 1964—65 ўқув йилида тугатди.

У 1966 йил август ойига қадар Жарқўрғон район халқ судида масъул вазифани бажарди, сўнг М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти табиёт факультети педагогика ва бошланғич таълим методикаси бўлимида таҳсил олди. Студентлик йилларида институт комсомол комитети секретари ўринбосари,

факультет касаба союз ташкилотининг раиси сифатида жамоат ишларида актив қатнашди. Дастлабки кунларданок студентлар илмий жамиятига аъзо бўлиб, ҳар йилиги илмий конференцияларда фаол иштирок этди. 1970 йил институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, областнинг «Ленин байроғи» газетасида адабий ходим бўлиб иш бошлади.

1971 йил ноябрь ойидан 1972 йил ноябрь ойигача ҳарбий хизматда бўлди. Армия хизматидан сўнг Термиз Давлат педагогика институтига ишга таклиф этилди. Бу ерда педагогика тарихи курсидан лекциялар ўқиди. 1973 йилда институт комсомол комитети секретарлигига сайланди. Ўзбекистон Комсомоли XIX съездида делегат бўлиб қатнашди.

1975 йилда Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедраси қошидаги аспирантурага қабул қилинди. Аспирантурада професор З. Ф. Муртурсунов

раҳбарлигида «Ўзбек халқ дostonларида прогрессив педагогик традициялар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг роли» деган темада тадқиқот ишлари олиб борди. «Гўрўгли» туркумига кирувчи барча дostonларнинг ҳар хил вариантлари ва версияларини изчил ўрганди. Ўзбек педагогик тарихи фанида биринчилардан бўлиб, «Гўрўгли» туркуми дostonларини педагогик жиҳатдан таҳлил қилди.

Илмий ишнинг хулосаси сифатида республика «Билим» жамияти томонидан «Прогрессив педагогик традициялар» рисоласи (1977) чоп этилди. «Халқ дostonларининг айрим тарбиявий хусусиятлари», «Дарсларда ўзбек халқ дostonларидан фойдаланиш», «Араб босқинчиларига қарши кураш» темасини ўтишда халқ дostonлари материалларидан фойдаланиш», «Ўзбек халқ дostonларининг педагогик ғоялари» каби мақолалари «Фан ва турмуш», «Совет мактаби» журналларида эълон қилинди.

1979 йил 28 июнда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти мутахассислашган илмий Совети (13.00.01) да диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1978—1982 йиллар М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ табиийёт факультети деканлигини ўринбосари ҳамда педагогика ва психология кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлди. 1982—85 йиллар табиийёт факультети партия ташкилоти секретари, сўнг институт партия ташкилоти секретари ўринбосари вазифасини ижро этди. 1985 йил апрель ойидан 1988 йил февраль ойигача табиийёт факультетига деканлик қилди. Бу даврда студентлар сони анча ўсди. Ўқитувчилар 21 кишидан 63 кишига кўпайди. «Умумий педагогика», «Химия» ботаника ва қишлоқ хўжалик асослари», «Психология», «Умумий биология», «География», «Жисмоний тарбия» кафедраларининг фаолиятлари яхшиланди. Мактабгача тарбия, география, бўлимлари очилди. 1988 йил 1 февралдан факультет иккига бўлинди. Б. Қодиров шу кундан янги факультет — педагогика факультетига деканлик ва умумий педагогика кафедрасида доцентлик вазифасини бажариб келмоқда.

«Таълим-тарбия масалалари», «Устоз сабоқлари», «Педагогика тарихи курсидан семинар машғулотлари», «Педагогика курсидан лаборатория машғулотлари», «Практикант йўлдоши» каби 6 рисола ва методик қўлланмалари нашр этилган.

«Жасорат кўзгуси», «Ўзбек маърифатининг улкан жонкуяри», «Ўзбек хотин-қизларининг саводхонлиги тарихидан», «Дostonларда тарихимиз бор», «В. И. Лениннинг улкан сафдоши», «К. Маркс ва Ф. Энгельс таълим-тарбия тўғрисида», «Шароб — айлар ҳароб», «Ўқитувчи обрўси», «Бошланғич таълим муаммолари», «Дадил қадам», «Маърифат даргоҳидаги фирибгар», «Кўпларнинг устози», «Савод ўргатиш даврида психологик кечинмалар» каби 150 га яқин илмий илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган. Б. Қодиров ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун 1987 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

## БОТИР ҚОДИРОВ



1943 йил 23 июнь кунн Термиз шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Отаси Қодиров Раҳмонқул урушдан қайтиб келиб, касаллиги туфайли 1948 йилда вафот этди. Ботир Қодиров 1950 йилда Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли 2-ўрта мактабга ўқишга борди.

10-синфда ўқиб юрганида гипноз сирларига бўлган қизиқиши ортди. У 1960 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди. 1961 йилда Самарқанд Давлат медицина институтига ўқишга борди. 1961 йил 1 сентябрь кундан бошлаб институт қошидаги

психиатрия касалхонасининг диспансерида оммавий гипноз билан шуғуллана бошлади.

У институти битириб чиққунига қадар ҳар хил фан тўғрақларига қизиқиш билан бирга, психиатрия, асаб касалликларини даволаш масалалари билан ҳам тинмай шуғулланарди.

Студентлик йилларида иккита мустақил иш бажарди, иккаласи ҳам институт олимлари тўпламида босилиб чиқди.

У невропатологлар ва психиатрларнинг Самарқанд область жамиятига аъзо бўлди. 1967 йилда институтни битирди ва Сурхондарё область психоневрологик диспансерида оддий врач бўлиб ишлади. Унинг намунали ишлаганлигини ҳисобга олиб, мудирлик вазифасига тайинладилар.

1968 йилдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтида умумий психология курсидан дарс бера бошлади. 1968—1970 йилларда Сурхондарё область партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетининг фалсафа курсини тамомлади, сўнг кўп йиллар давомида шу университетда социал психология фанидан дарс бера бошлади.

1971 йили СССР Педагогика Фанлари Академияси қошидаги мутахассисликни ошириш институтида бўлди. У ерда машҳур психиатр К. Ж. Платонов билан учрашди. 1973 йилда институт йўлланмаси билан Москвадаги илмий текшириш институти педагогика-психология лабораториясида аспирант бўлди. Аспирантлик даврида у «Активлаштириш даражаси ва психик активликнинг айрим динамик характеристикаси» деган темада психология фанлари доктори Н. С. Лейтес ва Э. А. Голубановлар раҳбарлигида илмий иш олиб борди. Икки-уч йиллик экспериментал назарий изланишлар натижасида диссертацияга киритилди.

1977 йилнинг бошида Москвадаги СССР Педагогика Фанлари Академиясига қарашли Психология институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва психология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Бу орада қилинган ишлари юзасидан марказий матбуот органларида 12 та илмий мақоласи босилиб чиқди.

1977 йилда Совет психологларининг Бутуниттифоқ V съездида қатнашди ва маъруза қилди. 1978 йили Термизда экспериментал психология проблематик лабораториясини очди.

## ВЛАДИМИР ҚОДИРОВ

(1929—1974)

В. Қодиров 1929 йил 2 февралда Термиз шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Отаси Дўстмуҳаммедов Қодир инқилобгача батрак эди. Инқилобдан кейин эса ошпаз, қоровул, боғбон бўлиб ишлади ва 1966 йилда вафот этди. Онаси — П. Уразова кир ювувчи оддий меҳнаткаш аёл эди. У 1957 йилда оламдан ўтди.

В. Қодиров 1938 йилда мактабга борди. Еттинчи синфни тугатиб, бир йил Сирдарё область комсомол комитетида инструктор бўлиб ишлади. Кейин Самарқанд шаҳрига бориб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетига ўқишга киради ҳамда шу ерда штанга бўйича тренер — ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади.

Дорилфунуннинг тарих факультетини битиргач Термиз педагогика билим юртига келиб, СССР тарихи ва КПСС тарихи фанларидан ёшларга сабоқ берди. 1954—1955 йилларда Сурхондарё область комсомол комитетида пропаганда ва агитация бўлимининг мудирлиги вазифасини удалади. 1955—1959 йилларда эса, область комсомол комитетининг биринчи секретари, кейин Шеробод район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланди. 1959—1963 йилларда Сурхондарё область партия комитетининг идеология ишлари бўйича секретари вазифасида ишлади. Сўнг КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига ўқишга борди ва 1966 йилда тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. 1966—1967 йилларда Термиз Давлат педагогика институти ректори сифатида, эндигина қайтадан ташкил этилган илм даргоҳини юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан мустаҳкамлаш, институтнинг ўқув базасини замонавий ўқув қуроллари билан бойитишда ибратли ишларни амалга оширди.



1967 йил июнь ойидан 1973 йил апрелигача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлим мудури вазифасида ишлади. 1973 йилнинг 21 апрелидан Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланди.

Ўзбекистон Компартияси XVII съездида ревизия комиссияси аъзолигига сайланган. «Меҳнат Қизил Байроқ», «Хурмат Белгиси», Октябрь революцияси орденлари, иккита медаль ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг иккита Фахрий ёрлиги билан тақдирланган. Афсуски, 1974 йил 4 октябрь куни унинг юраги уришдан тўхтади.

Умр йўлдоши Рева Мамедовна Қодирова ўқитувчи, қизлари Виктория ва Лариса ували-жували, меҳнатдан бахт топган кишилар бўлиб етишдилар. Ҳозирги кунда Самарқандда қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми ва Шеробод районидаги қўриқ совхозлардан бири В. Н. Қодировнинг номи билан аталади.



## ШАМСИЯ ҚОДИРОВА

Қодирова Шамсия Муҳамедовна 1929 йилда Термиз шаҳрида туғилган. У 1949 йилда шаҳардаги Карл Маркс номи ўрта мактабни тугатиб, Ленин номидаги Ўрта Осие Давлат университетининг Шарқ факультетига ўқишга киради.

1955 йилда университетни муваффақиятли тамомлагандан сўнг ҳинд филологияси ва инглиз тили ўқитувчиси мутахассиси дипломини олади. У бир неча йил давомида Тошкентдаги полиграфия техникумида рус тили ўқитувчиси, 1958 йилдан то 1972 йилгача Ўзбекистон Фанлар ака-

демияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида аввал лаборант, кейин кичик илмий ходим бўлиб ишлайди. Қодирова Ш. М. 1970 йилда «Тошкент микротопонимлари» деган темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Унинг шу темага ва рус тилини ўқитиш методикасига оид бир неча илмий мақолалари матбуотда эълон қилинган.

Қодирова Ш. М. 1972 йилдан то шу вақтгача Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг чет эл граждандари тайёрлов факультетининг рус тили кафедрасида мудир бўлиб

инлаб келмоқда. Қодирова М. Ш. шу давр ичида Англия, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эфиопия мамлакатларида узоқ муддатли командировкада рус тили ўқитувчиси сифатида ишлаб келган.

## ҚОБИЛЖОН ҚОРАЖОНОВ

1928 йил 11 январь куни Қозғистон ССР, Урал областига қарашли Урдарайн қишлоғида туғилди. Отаси Қоражонов Гайси саводсиз оддий деҳқон, кейинчалик ишчи бўлиб ишлаган. 1943 йилда вафот этган. Опаси — Қоражонова Жамол деҳқончилик, чорвачилик билан шугулланган, кейинчалик ишчи бўлган. Ҳозир пенсияда.

1936—1942 йилларда Шеробод районидаги мактабда ўқиб, тўлиқсиз маълумот олган. У ўз меҳнат фаолиятини ёшлигиданок, 1942 йил ноябрь ойидан 3,5 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатганидан сўнг, ўқитувчиликдан бошлаган. 1942 йил ноябрь ойидан 1952 йил август ойигача Шеробод районидаги Истара, Гиламбоб қишлоқ Советларига қарашли 7 йиллик мактабларда тил-адабиёт, физика-математика фанларидан дарс берган. Илмий мудир бўлиб ишлаган.

Қ. Қоражоновнинг сиёсий-тарбиявий ишлар соҳасидаги актив фаолияти Шеробод район партия ташкилотининг ҳам эътиборидан четда қолмайди ва 1952 йил август ойида шу район партия комитетига ишга таклиф қилинади. Аввал агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари, кейинчалик бўлим мудури вазифаларида ишлайди.

Иш жараёнида сиртдан 1946—1949 йилларда Термиз педагогика билми юртини, сўнгра 1950—1953 йилларда Самарқанд Давлат ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт бўлимини тугатади.

1955 йил октябрь ойида ЎзКП Термиз район комитетининг секретари этиб сайланади. Бу вазифада 1957 йил август ойига қадар ишлайди. 1957—1961 йилларда Тошкент Олий партия мактабида таълим олади. Уқишни тугатгач, дастлаб Сурхондарё область партия комитетининг инструктори, сўнгра 1961 йил декабрь ойидан 1963 йил август ойига қадар Термиз районидаги



Ленин номли колхоз правлениесининг раиси, 1963 йил август ойдан 1966 йил март ойга қадар Термиз (ҳозирги Ангор райони)га қарашли «Таллимарон» совхоз партия комитетининг секретари бўлиб ишлайди.

Унинг Олий партия мактабларида ўқиб юрган пайтларидаёқ иқтисодий билимларга қизиқиши кучаяди. Бу ўз навбатида уни сиртдан Тошкент халқ хўжалиги институтининг аспирантурасига киришга ундайди. 1969 йил февраль ойида Тошкент халқ хўжалиги институтининг илмий Советида ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Қим Владимир Васильевичнинг илмий раҳбарлигида бажарилган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ва колхозларда уни ошириш йўллари» деган темадаги номзодлик диссертациясини ёқлади.

1969—1970 ўқув йилининг бошида М. Т. Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институти сиёсий иқтисод фани бўйича катта ўқитувчиликка таклиф қилинади. У 1969—1971 йилларда доцент, 1971—1975 йилларда сиёсий-иқтисод кафедрасининг мудирини, 1975—1983 йилларда дастлаб сиртқи бўлим, сўнгра ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор бўлиб ишлайди. Шундан сўнг ҳозирги кунга қадар сиёсий иқтисод кафедраси студентларига таълим-тарбия бериб келмоқда. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, ЎзҚП Марказий Комитети, ЎзССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, СССР маориф министрлиги, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан, «ЎзССР халқ маорифи аълочиси», «СССР граждан мудофааси аълочиси» нишонлари билан мукофотланган.



## АСРОРИДДИН ҚОСИМОВ

1953 йил 10 июль куни Сарисийё қишлоқ Советига қарашли Сангардак қишлоғида туғилган.

1970 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Самарқанд шаҳридаги А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетиининг физика факультетига ўқишга кирди. Студентлик даврида область комсомол комитетининг ва университет комсомол ташкилотининг мақтов ёрлиги билан тақдирланган.

1975 йилда университетни муваффақиятли тугатиб, йўлланма билан Термиз шаҳридаги 35-сон ўрта ҳунар-техника билим юрти-



га физика ўқитувчиси бўлиб ишга келди ва 1976 йил М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг физика кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга ўтди. 1980 йилгача физика кафедрасида ўқитувчи бўлиб, умумий ва назарий физикадан лекциялар ўқиди.

1980 йилдан 1982 йилгача Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Полимерлар химияси ва физикаси бўлимида ва Ленинград шаҳридаги СССР Фанлар Академиясига қарашли юқори бирикмалар институтида стажировка ўтади ва 1982 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Полимерлар химияси ва физикаси институтига қарашли аспирантурага кирди. 1983 йили СССР — ГФР олимлари халқаро симпозиумида қатнашди.

А. Қосимов илмий раҳбар, химия фанлари доктори, профессор С. Ш. Рашидов ёрдамида «Ўта суюлтирилган эритмаларда поливиниллактамнинг металллар билан комплексининг гидродинамик ва макромолекуляр ҳолати» деган темада 1986 йил 8 январда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Унинг 20 га яқин илмий мақола ва тезислари халқаро миқёсидаги журналларда, Иттифоқ марказий журналларида, қардош республикалар ва республикамизда чиқаётган журналларда чоп этилган.

Полимерлар ва сополимерларнинг молекуляр массаларини ўрганиш учун Марк-Кун-Хаувинк формуласидаги катталиклар маълум бўлса, исталган полимерларнинг гомологик қаторидаги молекуляр массасини ўрганиш ва олиш мумкин бўлади. Молекуляр массани ўрганиш шундан иборатки, кичик молекуляр массалар медицинада қишлоқ хўжалиги экинларида ишлатилса, юқори молекуляр массадаги полимер ва сополимер бирикмалар ишлаб чиқаришда кенг ишлатилади.

У Штокмайер-Фиксман назариясидан фойдаланиб ўрганган полимер ва сополимер группаларининг эгилувчанлигини аниқлаган.

1986—1988 йиллар ичида илмий мақолалар билан биргаликда иккита методик қўлланмаси ҳам чоп этилган. У иккита методик қўлланмага ва битта монографияга муҳаррирлик ҳам қилган.

Ҳозирги кунда М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти физика-математика факультетининг физика кафедрасида кафедра мудирининг ўринбосари, шу билан бирга, Сурхондарё ёш олимлар жамиятининг раиси лавозимларида ишлайди. Физика кафедрасида ёшларга билим беришда ўз билим ва кучини аямасдан хизмат қилиб келмоқда.



1939 йил 20 майда Шеробод районидаги Оққўрғон қишлоғида (ҳозирги «Гулистон» совхозида) туғилди. Саккиз йиллик маълумоти Оққўрғон қишлоғидаги 4-ва 9-мактабларда олди. 1958 йилда Шеробод районидаги А. С. Макаренко номи 1-сон ўрта мактабнинг 10-синфини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг, Термиз Давлат педагогика институтининг химия ва биология бўлимига ўқишга кирди. Ҳ. Олимжон номи Қарши Давлат педагогика институтини 1963 йилда муваффақиятли тамомлаганидан сўнг Ш. Қувватов меҳнат фаолиятини

Шеробод районидаги Гоголь номи 4-сон саккиз йиллик мактабда химия-биология ўқитувчиси, Шеробод район халқ маорифи бўлимининг методисти бўлиб ишлаш билан бошлаган.

Химия фанига бўлган қизиқиш уни изланишга ундади. 1965—1973 йилларда Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институти химия кабинетининг мудир бўлди. 1971 йилда ҚПСС аъзолигига қабул қилинди.

Ш. Қувватов 1974—1977 йилларда Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фаолари илмий текшириш институтининг химия ва биология секторида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада таҳсил олди.

Ўқиш даврида «Химиядан қишлоқ хўжалигига оид топшириқлар системасини қишлоқ мактаб ўқувчилари билим сифатини оширишнинг энг муҳим воситасидир» номи темада илмий тадқиқот ишнини олиб борди. У аспирантурани тамомлагандан сўнг яна Сурхондарё область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида фаолиятини давом эттирди.

Ш. Қувватов 1980 йил сентябрь ойида Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. И. Герцен номидаги Ленинград Давлат педагогика институтининг катта илмий Советида педагогика фаолари номзоди илмий даражасини олиш учун (химия фанини ўқитиш методикаси бўйича) «Химиядан қишлоқ хўжалигига оид топшириқлар системаси қишлоқ мактаб ўқувчилари билим сифатини оширишнинг энг муҳим воситасидир» номи темада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Шермат Қувватов қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни химиялаштиришга доир 350 дан ортиқ (7—10-синфлар бўйича) топшириқлар, савол ва масалаларни химия курсининг тегишли темалари бўйича тузиб чиққан ва кейинги 5 йил давоми-

да бир неча мактабларда педагогик эксперимент-синовдан муваффақиятли ўтказилган.

Унинг 20 дан ортиқ мақолалари марказий газета ва журналларда «Химия в школе», «Совет мактаби», «УзНИПН илмий-методик тўпламларида» эълон қилинган. Жумладан, «Ўқитувчи» нашриёти томонидан «Химиядан синфдан ташқари ишлар» (1973), «Химиядан лаборатория ишларини ташкил этиш ва ўтказиш» (1975) номли брошюралари кўп нусхада чоп этилган.

## МУРОД ҚУЛЛИЕВ

1947 йил 20 июнда Шеробод районининг «Партия XXII съезди» колхозининг Лайлагон қишлоғида туғилди. Меҳнат фаолиятини колхозчиликдан бошлади. 1960—1963 йилларда Шерободда район алоқа бўлимида дастлаб хат ташувчи, кейинчалик тақсимловчи бўлиб, 1964—1965 йилларда эса А. Набиев номли мактабда 5—6 синфларга география фанидан дарс бера бошлади. 1965 йилда Термиз Давлат педагогика институти педагогика ва бошланғич таълим методикаси бўлимига ўқишга кирди.

Институтда ўқиб юрган кезларидаёқ студентларнинг илмий-практик конференцияларида актив иштирок этди. 1969 йил институтни муваффақиятли тамомлагач, шу йил август ойидан бошлаб, Термиз педагогика билим юртида педагогик фаолиятини бошлади. 1971—1972 йиллари Совет Армияси сафида хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, яна Термиз педагогика билим юртида ишнинг давом эттирди. Ўқитувчилик касбининг шарафли, шунинг билан бирга, оғир касб эканлигини ҳис қилган ҳолда шу проблема устида илмий иш қилишдек масъулиятни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва шу проблема устида кузатиш ишларини олиб борди.

Бу ишларнинг натижаси педагогика фаолияти номзоди, доцент К. Ҳошимов ва педагогика фаолияти доктори, профессор Э. Г. Костяшкинлар раҳбарлигида 1984 йил ноябрда «Педагогика билим юртлари ўқувчиларининг профессионал-педагогик идеалини шакллантириш» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. Диссертацияда муаллиф актуал проблемалар—совет ўқитувчи кадрлари сиёсий жиҳатдан етук, маънавий жиҳатдан баркамол, ахлоқий жиҳатдан тарбияланган педагог—тарбиячилар бўлиши учун:

1) Ўқитувчи шахсининг профессионал-педагогик фаолиятда тутган ўрни ва ролини;



деган мавзуда диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан сўнг рус тили ва адабиёти факультетининг илмий Совети қарори аспирантурага йўлланма берди.

1980—1983 йилларда шу институтнинг аспирантурасида таҳсил олди. 1983 йилда яна профессор И. Г. Добродомов раҳбарлигида «XVII аср Хива ва Бухоро арзномаларининг эски русча таржимаси тилшунослик манбаи сифатида» темасида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Ҳозирги вақтда XVII аср рус тили тарихий ёдгорликларига бағишланган кўпгина тадқиқотлар мавжуд. Аммо XVII аср Урта Осиё, жумладан, Хива ва Бухоро ёзма ёдгорликларининг эски русча таржималари ҳанузгача ўрганилмаган эди.

Д. Қулмаматовнинг номзодлик диссертациясида:

1) Хива ва Бухоро арзномаларининг XVII асрда қилинган русча таржималарига батафсил характеристика берилиб, улардан лингвистик арзномалардан 35 таси ҳозирги кунгача тадқиқотчиларга маълум эмас эди;

2) XVII асрда рус тилига таржима қилинган арзномаларнинг структураси тўлиқ анализ қилиниб, XVII асрда рус тилида ёзилган арзномаларнинг структураси ва формуляри билан қиёсланиб чиқилган ва фарқлари кўрсатиб берилган;

3) Айрим рус сўзлари ва бошқа тиллар орқали рус тилига кириб келган сўзларнинг этимологияси — келиб чиқиш тарихи, янги маънолари аниқланган.

Ҳозирги вақтда Д. Қулмаматов рус тили ва туркий тилларга оид бўлган тарихий ёдгорликларни излаш ва ўрганиш юзасидан илмий ишни давом эттирмоқда. У. М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ филология факультетининг рус тилшунослиги кафедрасида хизмат қилади.



## ЭРКИН ҚУЛМАМАТОВ

1951 йил 10 сентябрда Жарқўрғон райони, «Сурхон» совхозида туғилди. 1958 йилда Шеробод райони, Зарабоғ қишлоғидаги М. Горький номи 32- мактабга ўқишга борди. У мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ табиёт фанларига қизиқар эди.

У 1963 йилда мактабни кумуш медаль билан тугатди ва шу йилнинг ўзида Термиз Давлат педагогика институти табиёт факультети ва биология бўлимига кириб ўқий бошлади.

Э. Қулмаматов студентлик йилларида аъло ўқини билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам

актив қатнашиб келди. У факультет комсомол бюросининг аъзоси, «Қаламшир» сатирик газетасининг редактори каби жамоат ишларини бажарди. Бу меҳнатлари туфайли Эркин Қулмаматов ўртоқлари, факультет студентлари ва ўқитувчилар коллективни орасида катта ҳурматга сазовор бўлди. У студентларининг институт ва республика илмий конференцияларида актив иштирок этди.

«Чорва молларининг гельминтоз касалликларини ўрганиш» темасидаги доклади билан республика миқёсидаги конференцияда қатнашиб яхши натижаларга эришди ва мақтов ёрлиғи билан мукофотланди.

Тинмай изланишлари ва устозларининг берган таълимлари натижасида Эркин Қулмаматов 1973 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатди ва студентлик йилларида биология фанига ихлос қўйганлиги, бу фаиларин севиб ўрганганлиги — уни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология ва паразитология институтига етаклади. 1975 йил унинг аспирантурасига кирди. Чорва молларининг ўпка касалликларини ўрганиш, уларни даволаш усуллари устида ветеринария фаилари номзоди Жамолиддин Азимович Азимов ва ЎзФА мухбир аъзоси, биология фаилари доктори Муҳаммад Алневич Султонов раҳбарлигида илмий иш олиб борди. Аспирантлик йилларида у республика ва Иттифоқ миқёсидаги конференцияларига актив қатнашди. Чорва молларининг ўпкаларида паразитлик қиладиган нематодларнинг биологиясини ўрганиш билан бир қаторда уларни даволаш устида ҳам иш олиб борди. 1979 йил 28 мартда Москвадаги К. И. Скрябин номидаги Бутуниттифоқ гельминтология институтида «Ўзбекистон шароитида чорва моллари ўпкасида паразитлик қиладиган протостронгиллидларнинг биологияси» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. Э. Н. Қулмаматов 40 дан ортиқ илмий мақолалар ёзди. Бу мақолалар қаторида у «Ўзбекистон жанубидаги ҳайвонларда учрайдиган паразитлар» китобининг авторларидан биридир. Унинг «Протостронгиллюс скрябиннинг биологияси» (1974), «Протостронгиллюс давитианининг биологиясини ўрганиш» (1975), «Паразитларнинг ҳайвон организмга таъсири» (1978) каби мақолалари «Ўзбекистон фанлар академиясининг докладлари» журналида, «Протостронгиллюсларнинг оралик ҳужайралари» (1976), «Протостронгиллюс биологияси ҳақида» (1977) каби мақолалари марказий журналларда чоп этилди.

Э. Н. Қулмаматов 1979 йил январидан бошлаб, ўзи ўқиб, таълим олган институтнинг биология ва химия кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

У шу йилнинг ўзида студентлар орасида сиёсий тарбиявий ишлар олиб борганлиги ва жамоат ишларида актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон ЛКСМ МК нинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.



1931 йил 19 мартда Термиз шаҳрида туғилди. 1948 йил Термиз шаҳридаги «Правда» газетаси номли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди. И. Қурбонов ҳам ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўрмон хўжалиги факультетига ўқишга киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Унинг ана шу орзуси 1952 йилда ушалди — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди.

И. Қурбонов студентлик йилларида аъло ўқиди ва жамоат ишларида актив қатнашди. Факультет комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлади.

1957 йилда институтни тамомлади ва ўрмон хўжалиги инженери мутахассиси деган номга сазовор бўлди.

1958 йилда Термиз ўрмон хўжалигида директор бўлиб ишлади. 1976 йилгача Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги ўрмон хўжалиги Давлат комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1964 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти қошидаги аспирантурага кирди ва уни 1968 йилда тугатади. Аспирантурада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор А. В. Гвоздиков раҳбарлигида илмий иш олиб борди.

Халқимизнинг «интиланга толе ёр» деган нақли бежиз айтилмаган. И. Қурбоновнинг Ўзбекистоннинг қумлоқ ерларини ўзлаштириш борасида олиб борган интилишлари, изланишлари амалга ошди. 1971 йил «Ўзбекистон ССР, Сурхондарё область, Каттақум массивидаги серажриқ қумлоқликларда дарахт экиш методлари» деган темада диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Сурхондарёда ҳали қумлоқ массивлар талайгина эди. Бир неча йиллар мобайнида область ўрмон хўжаликлари Каттақум массивида қум кўчишларнинг олдини олиш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқдилар. Лекин, бу ишлар 1957 йилларда яхши натижа бермади.

Сурхондарё Ўзбекистонда гуллаётган воҳалардан биридир. 1970 йиллардан буён пахта, мева ва шакарқамиш етказиб беришда анча ютуқлар қўлга киритилмоқда. Гарчи, шундай бўлса ҳам, воҳадаги серажриқ қумлоқ ерларни ўзлаштириш, дарахтлар экиб, ерни ривожлантириш, кўркамлаштириш галдаги муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

И. Қурбоновнинг бу масалага доир фикрлари, ўрмон хўжа-

лигини ривожлантиришдаги ҳиссаси кейинги беш йилликларда фойдаланилди. 1960—1970 йиллардаги серажриқ, қумлоқ ерлар, ҳозирги пайтда арчазор, экинзор, узумзор бўлиб, шаҳар ва қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб турибди.

1978 йилда у Бойсун район ижроия комитетининг раиси, 1980 йилдан Термиз шаҳар ижроия комитетининг раиси, 1987 йилдан Сурхондарё область коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғидир.

## ПАРДА ҚУРБОНОВ

1938 йил 12 апрелда Сурхондарё область Шеробод район Таллашкон қишлоқ Советига қарашли Хўжақия қишлоғида туғилди.


1948 йил Ангор район «Қизил Юлдуз» колхозни территориясида жойлашган М. В. Ломоносов номи 20-сон ўрта мактабнинг биринчи синфига кириб, ўқий бошлади.

П. Қурбонов 1958 йилда шу мактабнинг 10 синфини олтин медал билан тамомлади. Термиз Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетида ўқий бошлади. П. Қурбонов факультет комсомол комитети бюро аъзолигида, факультет СНО ишларида фаол қатнашиб келди. 1963 йилда шу институтни имтиёзли диплом билан тамомлади ва Сурхондарё область педагогика билим юртига ишга юборилди.

1967—1970 йиллар студентларга ўз тажрибаларини маҳорат билан ўргатиб, студентлар ҳурматини қозонди. У 1972 йил Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика институтида (Ҳозирги кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги аспирантурага кирди. 1975 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Н. Филатов раҳбарлигида «Таркибида секин ва тез ўзгарувчилари бўлган тенгламалар билан ёндувчи ёпишқоқ-эластиклик назариясининг динамика масалаларини текшириш» деган тема бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди. Парда Қурбонов республика ва иттифоқ миқёсида 25 дан ортиқ илмий мақолалар ва бир қанча илмий-методик қўлланмалар авторидир.



М. Т. Ойбек номли Термиз педагогика институти физика-математика факультетининг декани; физика-математика фанлари номзоди, доцент А. С. Мелиқулов билан биргаликда «Ўзгарувчиларни алмаштириш методи» мавзuida илмий-методик қўлланма эълон қилди. Бу илмий-методик қўлланма педагогика институтлари физика-математика факультетининг студентларига мўлжалланган бўлиб, ҳозирги пайтда улар бу илмий-методик қўлланмадан семинар машғулотларида, курс ва диплом ишларида фойдаланилмоқда.



## АБДУЖАББОР ҒАФФОРОВ

1947 йил 28 августда Термиз районидаги Навшаҳар қишлоғида туғилди. 1955—66 йиллар мобайнида Мичурин номли 17- сон ўрта мактабда таълим олди. 1967 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг тарих факультети қошидаги сиёсий-иқтисод бўлимига ўқишга кирди.

1972 йили ўқишни тугатгач, мазкур олий ўқув юртининг илмий коммунизм кафедрасига ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинди. 1975—79 йиллар давомида М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг

сиёсий иқтисод кафедрасида ўқитувчилик қилди.

1979 йилнинг кузида ЎзССР Фанлар академияси Иқтисод институти аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишга кирди. 1982 йилда аспирантурани муваффақиятли тугатиб, Тошкент Давлат университети фалсафа-иқтисод факультетининг сиёсий иқтисод кафедрасига йўлланма олди. 1983 йил 30 ноябрда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбеби, иқтисод фанлари доктори, профессор М. Р. Расулев раҳбарлигида «Хўжаликлараро кооперация ва аграр саноат интеграцияси ҳамда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади. 1983—1988 йиллар мобайнида мазкур кафедранинг катта ўқитувчиси, 1989 йилдан бошлаб кафедра доценти лавозимида ишлаб келмоқда. У педагогик фаолияти билан бир қаторда илмий изланишларини ҳам давом эттирмоқда. Унинг қатор ишлари Ўзбекистон Ленин комсомоли (1977 й.) мукофотида тақдим этилди. Халқ хў-



жалиги тараққийетининг турли жабҳаларига онд 15 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди. 1989 йилнинг бошида сиёсий иқтисод фани ўқитувчилари, аспирантлар ҳамда мутахассислар учун мўлжалланган ўқув қўлланмасини тайёрлаб нашрга топширди.

## ЖАЛИЛ ҒАФФОРОВ

1942 йил августда Бойсун районидаги Пасурхи қишлоғида туғилди. 1949 йил Бойсун районидаги Горький номи 5- ўрта мактабга илк бор қадам қўйди. У мактабда ўқиб юрган пайтларида физика, математика каби фанларга қизиқар эди. 1959 йилда Горький номи 5- ўрта мактабни муваффақиятли тугатди. Мактабни битирганидан кейин 1959 йилда Самарқанд Давлат университетининг физика бўлимига ўқишга кирди. У университетда ўқиб юрган пайтларида ташкилий ишларга ва студентларнинг илмий конференцияларига актив қатнашди.

Университетда ўтказилган студентлар илмий конференциясида «Усимликларнинг ва тоғ жинсларининг радиоактивликларини аниқлаш» деган темада доклад қилди. Университетни тугатганидан кейин 1965 йил августигача Бойсун район «Сайро» советидаги М. И. Қалинин номи 45- ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ундан кейин Москвадаги СССР Фанлар Академиясининг физика институтида 2 йил давомида стажировка ўтади. Шундан кейин у ўзининг бирдан-бир орзусига муяссар бўлди. Чунки 1967 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида аспирантурага кирди. Илмий ишнинг амалга ошишида ва тўғри йўлга қўйилишида муҳим роль ўйнаган раҳбар ва бирдан-бир маслаҳатчи устози, физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Раҳим Бобожонов эди.

1972 йилда «Айрим лонтононд элементларининг уйғонган энергетик статаларининг магнит хоссаларини ўрганиш ҳақида» деган темада диссертация ёқлади. 1973 йилдан бошлаб М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти физика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.



Ж. Гаффоровнинг шу даврлар ичида 23 та илмий мақоласи республика ва марказий журналларда эълон қилинган. Шу билан биргаликда унинг «Сурхондарё областининг табиий радиоактивлигини ўрганиш» ва «Айрим диэлектрикларнинг электр ўтказувчанлигига ташқи физик факторларнинг таъсири» каби мақолалари ҳам эълон қилинган.



## БЕГАНЧ ҲАЙДАРОВ

1940 йил 15 августда Денов районида туғилди. У бошланғич таълимни Бешкент районидаги 12-мактабда бошлади. Унинг ота-онаси Қашқадарёдан Тошкент областининг Бўка райониغا кўчиб келишади. Ҳайдаров ҳам шу ерга келиб, Қ. Маркс номли колхоздаги ўрта мактабда ўқишни давом эттиради. 1954 йилда яна туғилиб ўсган жойи — Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозига кўчиб келади ва шу ердаги 27-ўрта мактабда ўнинчи синфни тугатди. 1959—60 йилларда ўзи ўқиган мактабда бош пионервожатий бўлиб ишлади.

1960 йилда Тожикистон ССР Душанбе шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга киради ва 1958 йилда ўқишни агроном деган ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатади. Б. Ҳайдаров 1965 йилдан бошлаб Тожикистон ССРнинг Қўрғонтепа областидаги Тожикистон деҳқончилик илмий текшириш институтининг Вахш филиалида илмий иш олиб бормоқда. У 1965—1966 йилларда агротехника бўлимида, 1967 йилдан бошлаб агрохимия лабораторияси мудири, 1974 йилдан эса янги навларнинг агротехникаси бўлимининг мудири вазифасида ишлаб келди.

1969—1974 йилларда «Калийли ўғитларни пахтачиликда ишлатиш йўллари» деган мавзуда иш олиб борди. 1978 йилда «Вахш водийси шароитида ингичка ва ўрта толали пахталарга калийли ўғитларни ишлатишнинг самарадорлигини ошириш йўллари» деган темада қишлоқ хўжалик фанлари номзоди деган илмий унвонни олиш учун номзодлик диссертациясини ёқлаган. Олимнинг илмий иши натижаси ҳозир республиканинг кўпгина районларида қўлланганлиги натижасида пахта ҳосилининг кўпайишига катта ёрдам бермоқда.

Б. Ҳайдаровнинг пахтачилик соҳасида 24 та илмий тадқиқот иши босилиб чиққан.

## ОЛТИБОЙ ХАИТОВ

1935 йил Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида туғилди. У Макаренко номли 2-ўрта мактабни 1954 йилда аъло баҳолар билан тугатди.

Мактабда ўқиб юрган кезларида адабиёт, айниқса физика-математика фанларига қизиқарди. Урта мактабни битиргач, 1954 йили Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди.

Институтда ўқиб юрган пайтида физика тўғарагига актив қатнашар эди. Студентлик йилларида ўрта мактаб физика курсида «Тебранишлар ва тўлқинлар темасини умумлаштириб ўтиш» деган темадаги доклади билан студентлар илмий конференциясида қатнашади. Бу конференцияда иккинчи ўринни эгаллади.

1959 йилда институтни тугатгач, тақсирот комиссиясининг қарори билан Термиз Давлат педагогика институтига ишга келди.

1962—1965 ўқув йилларида Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтида аспирант бўлди ва СССР ПФА сининг Меҳнат ва политехника таълими илмий текшириш институтига биркитиб қўйилди. У ерда йирик олим, РСФСР да хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А. А. Шибенов раҳбарлигида «Пахтачилик машиналарини ўрганишда политехник принцип» темаси устида иш олиб борди.

1968 йили номзодлик ишини ҳимоя қилди. 1968—1971 йилгача физика кафедрасининг мудирини, 1971—1975 ўқув йилларида проректор бўлиб ишлади. 1975 йил январь ойидан Термиз Давлат педагогика институтида ректорлик вазифасига ўтди. У 1983 йилгача бу лавозимда сидқидилдан меҳнат қилди.

Меҳнат ва политехника таълимининг турли соҳаларига, айниқса, ўқувчиларга политехник таълими беришда, уларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда қишлоқ хўжалик, жумладан, пахтачилик машиналарини ўрганишнинг аҳамияти қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти, политехник таълим тўғрисида 50 дан ортиқ мақолалари Иттифоқ ва республика журналларида, турли илмий тўпламларда эълон қилинган.

«Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги» (Х. Раҳмонқулов билан ҳамкорликда) монографияси ёзилди (1978).

У илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини жамоат ишлари билан қўшиб олиб боради. У Ўзбекистон ССР Маориф Министрлиги коллегия аъзоси, Сурхондарё область «Билим» жа-



мнатиининг раиси, республика педагогика жамияти область бўлимининг раиси, область партия комитетининг аъзоси, область совети депутаты сифатида халқ фаровонлиги, бахт-саодати, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда ташаббускор бўлиб келди.



## ОМОН ҲАЙИТОВ

1942 йил 10 январда Термиз район, Пахтаобод қишлоқ Советига қарашли «Намуна» колхозида туғилди.

Термиз районидаги С. М. Киров номидаги 38-ўрта мактабининг 10-синфини 1959 йилда барча фанлардан аъло баҳолар билан тугаллади. Шу йили Термиз Давлат педагогика институтининг физика ва механика факультетига ўқишга кирди.

1960 йилдан 1962 йилгача Қарши Давлат педагогика институтида таҳсил олгач, кейинчалик ўқишни Самарқанд Давлат университети механика-математика факультетида давом эттирди.

1965 йили СамДУ ни имтиёзли диплом билан тугатди. Давлат комиссиясининг қарори билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтига ишга юборилди. Ўзининг иш фаолиятини кибернетика институтининг физика-математика фанлари доктори, профессор Г. Н. Салихов бошчилик қилган Тақрибий ҳисоблаш назарияси лабораториясида лаборантлик қилди. У ерда талантли олимлар математиканинг сирларини ўрганишида ёрдам беришди. Университетда ўқиб юрган давридаёқ унинг илмий ишларга бўлган қизиқиши сезилиб турар эди.

Шу йилларда Самарқанд Давлат университетида физика-математика фанлари доктори, йирик математик олим, Москва Давлат университетининг механика-математика факультети катта илмий ходими Роберт Адольфович Минлюс махсус курслар ўқир эди.

О. Ҳайитов шу курсларни эшитишда қатнашади. Шу туфайли ўзининг кейинги илмий ҳаётини Москва Давлат университети билан боғлади ва 1965 йилнинг охирида аспирантурага кириб, Р. А. Минлюс бошчилигида илмий изланишлар қилди. 1967 йилнинг охирида Совет Армияси сафига чақирилганлиги туфайли аспирантурани 1971 йилнинг февраль ойида тамомлади. Ўзининг илмий ишларини «статистик физикадаги» турли асп-

самблларнинг ўзаро эквивалентлиги тўғрисида» олиб бориб, шу соҳада салмоқли натижаларга эришади.

Бу ҳақдаги натижаларни кўпчилик олимларнинг мақтовига сазовор бўлади ва Москва Давлат университетининг илмий ишлар тўпламида босилиб чиқади.

О. Ҳайитов 1973 йилининг баҳоринда «Бир ўлчамли система учун статистик физикадаги турли ансамблларнинг эквивалентлиги» деган темада Тошкент Давлат университетининг илмий Советида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Бу иш Тошкент математиклари орасида ҳам зўр қизиқиш уйғотади. 1975 йилнинг сентябрь ойидан Тошкент Давлат университети қошида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Т. А. Саримсоқов бошчилик қилаётган функционал анализ кафедрасида дастлаб катта ўқитувчи, сўнгра доцентлик лавозимида ишлаб боради.

1976 йилдан Тошкент Давлат университетининг математик анализ ихтисос бўйича фан номзоди унвонини берувчи мутахассислаштирилган Советнинг илмий котиби, шу билан бирга, 1978 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университетининг математика факультети илмий ишлар бўйича декан ёрдамчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

О. Ҳайитов 20 дан ортиқ илмий ишларининг муаллифидир.

## РАЖАБ ҲАЙИТОВ

1932 йил 15 мартда Жарқўрғон районинда (ҳозирги Ангор) тугилди. 1948 йил «Қизил Юлдуз» колхозинда В. М. Ломоносов номидаги мактабда 7-синфини тамомлади. Ушунан кейин у Термиз педагогика билим юртига кириб, бошланғич синфлар ўқитувчиси дипломи билан тугатди.

Р. Ҳайитов ўз меҳнат фаолиятида Улуғ Ваташ урушининг энг оғир йилларида — 14 ёшида «Қизил Юлдуз» колхозинда оддий колхозчи, сўнгра пахта бригадасида табелчиликдан боради. Ёш колхозчи Ражаб Ҳайитов 1948 йил «1941—45 йилларда Улуғ Ваташ урушини шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Кейинги меҳнат фаолияти ҳам қишлоқ хўжалиги билан узвий боғлиқ бўлди. Пахта кампаниясида актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

1952 йили Р. Ҳайитов ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультети талабаси бўлди. Тўрт йилдан сўнг университетни аъло даража



комсомол бюроси секретари ҳамда шу курснинг касаба союз комитети раиси бўлиб сайланди. Институтнинг иккинчи курсида партия аъзолигига қабул қилинади. У фаол меҳнати учун комсомоллик даврида Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Партия Р. Ҳайитовга масъулиятли иш, яъни Ангор районида лектор маслаҳатчи вазифасини топширди. 1952 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрохимия факультетига сиртдан ўқишга кирди. Янги ерларни ўзлаштириш чақириғига биноан Р. Ҳайитов 1962 йили Гагарин районидаги «Комсомол-обод» совхозига келади.

Совхозда агроном вазифасида ишлади. Кейинчалик шу совхозда ташкил этилган қишлоқ хўжалигининг механизациялашган техникумида дарс бера бошлади. 1967 йили Р. Ҳайитов Денов район халқ судьяси қилиб сайланади. Сариосиё, кейинчалик Денов районлари халқ судининг раиси қилиб сайланади. Ҳозирги вақтда адвокатлик вазифасида ишлайпти.

1970 йили «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги» медали ва 1975 йили «1941—45 йиллардаги Улуғ Ватан урушининг 30 йиллик ғалабаси» медали билан мукофотланди.

1973 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Философия ва ҳуқуқ институтининг сиртқи аспирантурасига киради ҳамда шу аспирантурани 1977 йилда тугатади. Ўзбекистон ўрмон хўжалигини бошқариш масалалари ҳамда Ўзбекистон ўрмон хўжалигини сақлаш масалаларига оид 10 дан ортиқ илмий асарларни босмадан чиқарди.

1980 йили «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи» журналида «Тоғ ўрмонларини асраш» деган мақоласи босилди.

«1981 йил январь ойида табиатни қўриқлаш ҳуқуқи» мавзусида диссертация ёқлаб, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди унвонини олди.

А

## ТУХТА ҲАМРОЕВ

1939 йилда Ангор қишлоғида туғилди. 1946 йилда Ангор районидаги К. Маркс номли ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. 1953 йилда ВЛКСМ сафига қабул қилинди. 1956 йилда Қарши Давлат педагогика институтига ўқишга кирди.

1961 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатди ва Ангор районидаги Муқимий номли ўрта мактабда химия ўқитувчиси бўлиб ишлади. Шу йилнинг ноябрь ойида ОБЛОНОга ишга ўтказилди. У 1962—65 йилларда малака ошириш институтида химия кабинетининг мудирини бўлиб ишлади. 1965 йилдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтига химия ўқитувчиси бўлиб ишга ўтади.

Т. Ҳамроев 1968 йили декабрь ойдан 1971 йил декабрь ойигача Тошкент Давлат университетининг аорганик химия ка-

Федрасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда аспирантурада ўқиди. Профессор Х. Р. Раҳимов ва доцент А. Г. Муфтаховларнинг илмий раҳбарлигида «Комплекс бирикмалари»ни ўргана бошлади. Ушбу темани ишлашнинг уран элементининг юқори оксидланиш даражасидаги ҳосил қилинган комплекс бирикмалар жуда кўп ўрганилган, лекин оксидланиш даражаси 4 бўлган кўринишдаги бирикмалар Иттифоқ бўйича кам ўрганилган эди. Аспирантуранинг иккинчи йилида ана шу ишга доир изланишларни бошлади. Илмий тема асосида Ульянов областининг Мелекс шаҳрида жойлашган илмий марказ билан алоқа ўрнатди.

Т. Ҳамроев 1978 йил 18 июнь куни химия факультетининг илмий советида «Уран тури тузилишининг комплекс ҳосил қилиш хусусияти» деган темада номзодлик диссертациясини ёқлади.

Қозоғистон Фанлар Академиясининг академиги Ш. Т. Толипов, химия фанлари номзоди В. Б. Леонтьевлар ишга юқори баҳо бердилар.

Т. Ҳамроев 1972 йилдан М. Т. Ойбек номидаги ТДПИ химия-биология кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлиб ишляпти. Уран тур комплексларини ўрганишда давом этяпти. Бир нечта янги комплекс бирикмалар синтез қилинган. Ҳамроев ҳозирги вақтда химиявий реакцияларнинг механизмига доир илмий ишни давом эттирмоқда. У 1978 йил июндан бошлаб институт Советининг илмий секретари бўлиб ишлаган. У 20 га яқин илмий мақолалар автор.